

93Ў8
1769

Б. ВАЛИХЎЖАЕВ

ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИ ТАРИХИ

95 ФБ АН УзССР
28-25

ТОШКЕНТ
"ЎЗБЕКИСТОН"
1993

83.3Ўз
В 19

Масъул муҳаррир:

Н. ШУКУРОВ — филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

С. МИРЗАЕВ — филология фанлари доктори, профессор

Ш. ШУКУРОВ — филология фанлари доктори, профессор

Муҳаррир: Муҳиддин ОМОН

Валихўжаев Б.

В 19 Ўзбек адабиётшунослиги тарихи (Масъул муҳаррир Н. Шукуров).— Т.: Ўзбекистон, 1993.— 191 с.

Қўлланмада Октябрь инқилобигача ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқид тарихи изчил баён этилган. У кириш, тўрт боб ва хулосадан иборат. Кириш қисмида мавзунинг ўрганилиши тарихи, аҳамияти, асосий бобларида эса ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқиднинг турлари, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари батафсил баён қилинган.

Қўлланма дорилфунунларнинг филология куллиётлари талабалари учун мўлжалланган.

Валиходжаев Б. История узбекского литературоведения.

ББК 83.3Ўз1

№ 9—93
Навоий номли
Ўзбекистон Республикаси
Давлат кутубхонаси

ISBN 5-640-01267-6

В $\frac{4603000000-17}{M\ 351\ (04)\ 93}$ 93

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1993

КИРИШ

Бадиий адабиётнинг ривожланишида адабиётшунослик ва адабий танқиднинг муҳим ҳиссаси бор. Зотан, адабиётни унинг ҳақидаги назарий тушунчаларсиз тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳам бадиий адабиётнинг тарихи қадим замонларга бориб тақалганидек адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашлар ҳам қадимий ва узоқ тарихга эга. Бундай қарашлар ҳар бир халқ тарихида турли-туман тарзда ифодаланади.

Тўғри, бизда X—XIX асрлардаги тарихий шароитларда адабиётшунослик ҳамда адабий танқид ўзига хос ва турли-туман тарзда зоҳир бўлди. Шунинг учун адабиётшунослик муаммолари аруз, қофия, бадиий санъатларга бағишланган рисолалар, тазкира, тарихий-эсдаликлар, луғат ва маноқиблар ҳамда бадиий асарларда ифода этиларди. Ўтмиш адабиётшунослиги манбаларида "адабий танқид", "танқидчи" иборалари ўрнига шу тушунчаларни англатадиган кўпгина сўз ва иборалар ("нақд", "маҳаки имтиҳон", "маслаҳат", "машварат", "жавоҳирсанж", "нуққод" ва бошқалар) қўлланилган эди.

Адабиётшунослик, "адабий танқид", "адабий танқидчилик" ва "танқидчи" атамалари кейинги даврда уйғунлашган бўлса ҳам, аммо тарихий-адабий манбалар бу атамалар остида тушуниладиган мазмун узоқ тарихга эга эканини, ўзига хос шаклларда қадим замонларда шаклланиб, аста-секин ривожланиб, мустаҳкамланиб борганидан гувоҳлик беради.

Ўзбек халқининг адабиётшунослиги ва адабий-танқидий қарашлари тарихи, ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, унинг бадиий ижод тараққиётидаги мавқеини белгилашда олимларимиз ўзларининг турли асарлари билан ҳисса қўшдилар. Бу жиҳатдан, С. Айний, А. Саъдий, Е. Э. Бертельс, И. Мўминов, О. Шарофиддинов, М. Шайхзода, В. Зоҳидов, И. Султонов, В. Абдуллаев, Ғ. Каримов, А. Ҳайитметов, А. Қаюмов, Н. Маллаев, С. Ғаниева, Ҳ. Қудратуллаевларнинг хизматларини алоҳида уқтириш лозим. Эслатилган олимларнинг асарларида адабий муҳитнинг маълум даври ва ёки вакили устида кўпроқ мулоҳаза юритилган. Жум-

ладан, Абдураҳмон Саъдий, Абдуқодир Ҳайитметов, С. Ғаниева, Ҳ. Қудратуллаевлар ўз тадқиқотларида Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашларини ёритган бўлсалар[1], И. Мўминов, М. Хайруллаев, А. Абдуғафуровлар Зокиржон Фурқатнинг шеър ва шоирлик ҳақидаги қарашлари тўғрисида анча мукаммал сўз юритдилар. Н. Маллаев, М. Шайхзода тазкиралардан баҳс юритган бўлсалар, И. Аҳмедов адабий-танқидий қарашлар тарихини ёритишга интилди[2]. 50—60 йилларга келиб бу масалага бағишланган айрим ишлар майдонга келди[3].

Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий-танқидий қарашлари тожик тилида яратилган манбаларда ҳам баён этилгани ўзбек-тожик илмий-адабий ҳамкорлиги натижаси сифатида майдонга келгани ҳисобга олинса, унда форс-тожик адабиётшунослиги ва адабий-танқидий қарашлари тарихини ўрганишга доир асарларнинг Е. Э. Бертельс, А. Мирзоев, А. Н. Болдирев, Р. Ҳодизода, А. Сатторов, Х. Шарипов, Р. Мусурмонқулов, совет адибаси М. Шагинян[4], инглиз олими Э. Браун[5], Эрон адабиётшунослари М. Қазвиний[6], А. Зарринкўб[7] ва Аҳмад Гулчин Маонийлар томонидан яратилганини эслаш ҳам фойдадан холи эмас.

Шундай қилиб, ўзбек ва тожик адабиётшунослиги ва адабий-танқидий қарашлари тарихини ўрганиш 60-йилларгача бўлган даврда нотекис давом этиб, уларда асосан маълум бир шоир ёки адабиётшуноснинг ақидалари бўйича фикр юритилган бўлса, кейинчалик адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашлар тараққиёти тарихини яхлит тарзда текширишга интилиш кучайиб борди. Шунинг натижасида сўнгги вақтларда ўзбек ва тожик

---

[1] *А. Саъдий.* Адабиёт олими ҳам танқидчиси сифатида Мир Алишер Навоий. "Ўзбекистон санъати ва адабиёти" ойномаси, 1938, 11—12-сон; Ўша муаллиф, "Навои как литературовед-критик", журнал "Литература и искусство Узбекистана", 1939, кн. 1; *А. Ҳайитметов.* Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари, Тошкент, 1959.

[2] *И. Аҳмедов.* Узбекское литературоведение. В сб. ст. "25 лет советской науки в Узбекистане", под редакцией Т. Н. Кары-Ниязова. УзФАН, Ташкент, 1942, стр. 292—310.

[3] *Б. Валихўжаев.* Ўтмишдаги ўзбек адабий танқидчилигининг баъзи бир хусусиятларига доир ЎзДУ Асарлари, янги серия № 63, Самарқанд, 1956, 261—278-бетлар; Ўша муаллиф: XV—XIX асрлар ўзбек адабий-танқидий қарашлари тарихидан, СамДУ Асарлари, янги серия 138. Самарқанд, 1964, 16—159-бетлар.

[4] *М. Шагинян.* Этюды о Низами. Ереван, 1955.

[5] *Э. Браун.* Эрон адабиёти тарихи (форсча таржимаси), Теҳрон, 1335 ҳ.-ш.

[6] *М. Қазвиний.* Сўз боши: М. Авфий. Лубоб ул-албоб, I—II жилд, Лондон, 1903, 1906 йиллар.

[7] *А. Зарринкўб.* Нақди адабй (форс тилида), Теҳрон, 1338 ҳ.—ш.

адабиётшунос олимларининг бир қанча илмий тадқиқотлари яратилди. Аммо адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашлар тарихини яхлит тарзда ўрганиш, унинг шаклланиш ва тараққиёти босқичларини белгилаш соҳасида, бу ақидаларнинг бадиий ижод жараёнига кўрсатган ижобий таъсири каби муҳим масалалар, гарчи нисбий бўлса-да, бир бутунлигича ёритилгани йўқ. Шунинг билан бир қаторда бадиий ижод жараёнидаги ўзаро ижодий ҳамкорлик масаласи ҳисобга олинганда адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашлар тарихидаги бундай ижодий-назарий алоқаларга ҳам алоҳида диққат қилиш лозим.

Ҳурматли адабиёт мухлислари, Сизларнинг ҳукмингизга ҳавола этилаётган мазкур рисола муаллифи юқорида эслатилган масалаларнинг ҳаммасини батафсил ва атрофлича ёритишга даъво қилмайди. Шунинг учун бу ишни илк уриниш сифатида қабул қилишларингизни ва уни янада яхшилаш учун ўз фикр мулоҳазаларингизни дариғ тутмаслигингизни илтимос қиламиз.

ИФОДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ ВА ЖАНР РАНГ-БАРАНГЛИГИ

Ўтмишда адабиётшунослик ва адабий танқид тушунчалари ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳолда бўлиб, адабиётшунослик атамаси ҳозир ишлатаётганимиз шаклда учрамайди. Адабий танқид билан боғлиқ бўлган сўз ва ибораларнинг қўлланилганини эса эслатиб ўтган эдик.

"Танқид" арабча — нақада сўзидан ташкил топган бўлиб, муҳокама қилмоқ, текширмоқ, ўрганмоқ, ниманингдир ҳаққонийлиги ва тўғрилигини исботламоқ, ютуқ ва камчиликларни белгиламоқ ва, ниҳоят, бадиий асарни таҳлил қилиш, изоҳлаш каби маъноларни ифодалайди. Демак, бу ҳол танқид тушунчаси доирасининг кенглиги, унинг ҳаётдаги барча ҳодиса-воқеаларга тегишли эканини кўрсатади. Шу жиҳатдан танқид ҳаётнинг қайси бир соҳасига тегишли бўлса, у шу ном билан аталади. Жумладан, ижтимоий танқид, иқтисодий танқид ва ҳоказо.

Санъатнинг турли-туман соҳалари ва унинг ўзига хос хусусиятлари назарга олиниб, ҳозирги кунда ҳар бир соҳага тегишли танқид бир-биридан фарқ қилинади. Бунга театр танқиди, кино танқиди ва бошқаларни мисол тарзида келтириш мумкин. Санъатнинг соҳаларидан бири бўлмиш адабиёт билан боғлиқ бўлган танқид — адабий танқид деб номланади. Чунки адабий танқиднинг қизиқиш доирасини сўз орқали ўймакорларча тасвирлаш санъати ҳисобланган адабиёт ташкил этади.

Адабий танқид, бир томондан, бадиий танқиднинг шаклларидан ҳисобланса, ўзига хос хусусияти — адабий унинг қизиқиш доираси бўлиши нуқтаи назаридан адабиётшуносликнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган ва адабий жараён тараққиётига ўзининг ҳиссасини қўшувчи қисмларидан бири ҳамдир.

Бадиий асар ёки умуман бадиий ижод адабий танқиднинг, адабий-танқидий қарашларнинг вужудга келиши сабаби бўлиб, натижа — адабий танқид, ўз навбатида, бадиий ижоднинг тараққиёти сабабига айланади, шундай қилиб, улар ўзаро алоқага киришадилар.

X асрлардан бошланган Шарқ Уйғониши даври хусусиятлари ва ўша давр адабиётшунослигидаги янги, такрорланмас асарлар

ижод қилиш ҳақидаги назарий талаб "Панж ганж" сингари достонлар туркумини майдонга келтириб, бадиий ижодни жанрий ранг-барангликкa интилишга рағбатлантирган бўлса, "Панж ганж", ўз навбатида, кейинги асрларда байналмилал бадиий ҳодисага айланган хамса ёзиш маъносини ва унинг турли йўсинларда давом этишини белгилади.

Бу фикрлар бадиий ижод ҳамда адабий танқид ва адабиётшунослиқнинг мустақиллигини инкор этмайди. Зеро уларнинг ҳар бири ҳаётни тадқиқ этишга ўзига хос тарзда ёндошади, ўзига хос тарзда фикру мулоҳаза юритади. Агар бадиий ижод ҳаётни тимсол (образ) орқали акс эттирса, адабий танқид унинг қандайлигини текширади, адабиётшунослик эса бу тимсол (образ)нинг тарихий ва тадрижий тараққиёти қонуниятларини белгилайди. Шу жиҳатдан ижодийлик уларнинг ҳаммаси учун ҳам хос хусусиятдир.

Ўтмиш (баъзан ҳозир ҳам) бадиий асар ҳақида икки хилда — оғзаки ва ёзма тарзда — фикр билдиришни учратиш мумкин.

Бадиий асарнинг илк яратувчиси халқ бўлганидек, бундай асарларга биринчи бўлиб ўз муносабатини билдирувчи ҳам халқнинг ўзидир.

Ҳаётнинг турли томонларини, жумладан, кишиларни, уларнинг табиий офатларга, ташқи ва ички душманларга қарши курашини, ҳаёт учун, озодлик учун қаҳрамонлик кўрсатганлигини, фазилати ва руҳий ҳолатини ифода этувчи асарларнинг майдонга келиши ва халқнинг бу асарларга тўғридан-тўғри муносабатда бўлиши — асарларда тасвирланган ҳодиса-воқеаларни маъқуллаши, улардан завқланиши ёки, аксинча, улардан қониқмаганлиги табиийдир. Демак, бадиий асарнинг пайдо бўлиши билан унга баҳо бериш ҳам, унинг қимматини белгилаш ҳам (қанчалик оддий бўлишидан қатъи назар) юзага келган. Бундай фикрлар халқ шоирлари, баҳшилари асарларини эшитганлар томонидан оғзаки тарзда ифода этилган. Бадиий асар ҳақида бу тарзда фикр билдириш тўғрисида маълумотлар унчалик кўп бўлмаса-да, аммо бизгача етиб келган айрим фактлар бу анъананинг қадимийлигидан гувоҳлик беради. Жумладан, Фозил Йўлдошнинг "Санобар", "Фарҳод ва Ширин" достонларини эшитган халқнинг баҳшига ўз таассуротларини билдирганлиги фикримизни тасдиқлайди[1].

"Санобар" достонини эшитганлар севимли баҳшисига мурожаат қилиб, "бизга йиғлоқи кишилар тўғрисида эмас, балки одамни руҳан тетик қилувчи, қаҳрамонлик ва эзгуликка бошловчи кишилар ҳақидаги достонларни кўпроқ айтсангиз",— деганида;

[1] *Т. Ғозибоев.* Фозил Йўлдош ўғлининг совет давридаги ижоди. ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1955; *Е. Э. Бертельс.* Навои, М.— Л., 1948, 193-бет.

Бахшининг Фарҳод ва Ширин ҳақидаги қиссани қаҳрамонларнинг вафот этиши билан эмас, балки муроду мақсадига эришиб, тўю тамошо билан якунлаш тўғрисидаги мулоҳазаларида катта ҳақиқат кўринади. Зеро, бу ҳодисада доим умид билан яшаган халқнинг бадиий асарга баҳо бериш мезони ҳам ойдинлашади.

Халқ оғзаки ижодининг асрлар давомида сақланиб, бизгача етиб келган гўзал намуналарида ана шундай муносабатнинг таъсири шубҳасиздир.

Халқ оммасининг бадиий асарларга оғзаки тарзда муносабат билдириш анъанаси турли шаклларда асрлар оша давом этди. Кейинчалик эса ёзма адабиёт намояндалари ҳам ўз мушоира ва адабий анжуманларида ундан фойдаландилар. Бундай ҳолатнинг мавжудлиги ёзма ёдгорликларда ҳам қайд қилинган. Жумладан, Алишер Навоийнинг "Хамсат ул-мутаҳаййирин", "Мажолис ун-нафоис", Али Сафий ибн Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Латоиф ва тавоиф", Хондамирнинг "Макорим ул-ахлоқ", Восифийнинг "Бадоеъ ул-вақоеъ" каби асарларида мазкур масалага доир қимматли далиллар келтирилади. Масалан, Салмон Соважий ва Убайд Зоконий ўртасидаги мутойиба, ўзбек шоири мавлоно Лутфий ва Абдураҳмон Жомий орасидаги мусоҳабалар, Мавлоно Лутфий ва ёш Алишер Навоий ўртасидаги суҳбатларнинг тасвири ва ҳоказо. Булардан Хондамирнинг "Макорим ул-ахлоқ" асарига киритган ҳикояси ниҳоятда муҳимдир.

"Мавлоно Лутфий,— деб ёзади Хондамир,— сўз лутфида ягонаи даврон эди. Ундан илгари ҳеч ким туркий тилда шеърни ундан яхшироқ айта олмаган. Олий ҳазрат (Навоий — *Б. В.*) ёшлари эндигина тўлиб, йигитлик даври бошланган пайтларда, бир куни Лутфий хизматига борди. Лутфий ўз нозик фикрларингизнинг натижаларидан юзага чиққан бир ғазални ўқиш билан бизни баҳраманд қилсангиз, деб илтимос қилди. Ул ҳазрат бир ғазал ўқиди. Унинг матлаи мана шу:

Оразин ёпқоч, кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш.

Мавлавий жаноблари (Лутфий) бу алангали ғазални эшитиш билан ҳайрат денгизига чўмиб, шундай дейди: "Воллоҳ, агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу ғазалга алмаштирардим ва бунинг юзага чиқишини зўр муваффақият ҳисоблардим"[1].

Бу лавҳа Мавлоно Лутфий ва Алишер Навоийларнинг бизга маълум асарларида қайд қилинмаган. Бир суҳбатда оғзаки тарзда

[1] *Хондамир.* Макорим ул-ахлоқ. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1967, 45—46-бетлар.

баён қилинган мулоҳаза оғиздан-оғизга Хондамиргача етиб борган ва у муҳим аҳамиятга эга бўлган бу мусоҳабани ўз асарига киритиб, унинг бизгача етиб келишида катта хизмат қилган. Ана шу туфайлигина Алишер Навоийнинг йигитликка қадам қўйган вақтлардаёқ замонасининг машқур шоирлари эътиборини жалб этиб, таҳсинларга сазовор бўлгани бизга ойдинлашади. Демак, ёзма адабиёт намояндаларининг у ёки бу асар, шеър ва байт тўғрисида мушоира ва анжуманларда, суҳбат ва учрашувларда оғзаки баён этган мулоҳазалари анча асосли ва фойдали экани маълум бўлади. Афсуски, бундай мушоира ва суҳбатлар ҳамма вақт ҳам қоғозга туширилиб, тарих ва авлодлар учун сақланган эмас. Шунинг учун бу масалага дахлдор ҳар бир далил қийматли ва мўътабардир.

Биз юқорида ёзма манбаларда адабий-танқидий қарашларнинг қоришиқ тарзда ифодаланганлигини ҳам уқтирган эдик. Шу туфайли ўтмишда адабий-танқидий қарашлар, шеър ва шоирлик ҳақидаги мулоҳазалар тарихий ёдномаларда, эсдалик типидаги асарларда, девонларга ёзилган дебочаларда, маноқиб-ҳолатларда, кичик лирик жанрдаги асарларда, достонларнинг махсус бобларида, тазкираларда, аруз, қофия, бадоеъ ва саноеъга доир рисолаларда, баъзан эса умуман илми адаб деб аталмиш илмлар туркумига бағишланган китоб ва луғатларда баён этилган.

Буларда шеър ва шеърият илмига доир назарий масалалар муаллифнинг дунёқараши, фалсафий-ижтимоий ва бадиий тафаккури доирасида турли йўналиш ва кўламда қўйилар ва ҳал қилинар ёки шунга интилиш кўзга ташланиб турар эди. Кўринадики, ўтмишда адабий-танқидий қарашларни ифодалаш учун турли хилдаги адабий ва илмий манбалардан фойдаланиб келинган.

Шунинг учун ўтмиш адабиётшунослиги ва адабий танқидининг ифодаланиш "жанр"ларини уларнинг моҳиятига қараб икки гуруҳга ажратиш мумкин:

I. Бевосита "жанр"лар, яъни аслида адабиётшунослик ва адабий танқидга бағишланмаган асарларда шеър ва шоирлик, шоирлар ҳаёти ва ижодига доир фикрларнинг келтирилиши.

Бу гуруҳга: 1) Фахрия; 2) Шеърий парчалар — ғазалнинг айрим байтлари, қитъа, соқийнома, кичик маснавий; 3) Илми адабга бағишланган асарлар; 4) достонларнинг айрим боблари; 5) тарихий ва тарихий-эсдалик асарлар; 6) насиҳатномаларни киритиш мумкин.

II. Бевосита "жанр"лар, яъни адабиётшунослик ва адабий танқид масалаларидан баҳс юритувчи асарлар гуруҳи. Бу гуруҳга: 1) Тазкира; 2) Маноқиб-ҳолатлар; 3) Аруз, қофия ва шеърий санъатларга бағишланган рисолалар; 4) Дебоча; 5) Рўзнома ва ойномаларда (XIX асрнинг II ярми ва XX асрнинг аввали) эълон қилинган тақриз ва ихчам мақолаларни киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳга киритилганларни ўтмиш адабиётшунослиги ва адабий танқиднинг махсус жанрлари сифатида қараш мумкин.

Адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашларнинг юқорида эслатилган "жанр"ларда ифодаланишига диққат қилинса, унда ўтмиш адабиётшунослиги ва адабий танқидий қарашлари, бир томондан, бадиий сўз — адабиётнинг вазифаси, тасвир услуби, тимсоллар моҳиятига доир фикрларни, иккинчидан, шеърият назариясига доир мулоҳазаларни (аруз, қофия, бадиий санъатлар), учинчи томондан эса адабиёт тарихи, адабий жараён, шоирлар таржимаи ҳоли ҳақида (тазкира, маноқиб-ҳолотлар ва ҳоказо) озми-кўпми ўзига хос тарзда фикр юритгани кўзга ташланади. Шунинг натижасида ҳам адабиёт тарихи ва унинг тараққиёти жараёнини ўрганиш, яъни тарихий-адабий йўналишдаги ўзига хос тадқиқотлар ва ҳам бадиий ижод тараққиётининг хусусиятлари ҳақида махсус назарий асарлар майдонга келган. Бундай ҳол ўтмиш адабиётшунослиги ва адабий-танқидий қарашларининг тараққиётидаги йўналишлар кўламининг кенглигидан далолат беради.

Бу ўринда шуни қайд қилиш жоизки, ўзбек халқи узоқ асрлар давомида қардош форсигўй ва туркигўй — тожик, озарбайжон, афғон, эрон халқлари ва Ҳиндистон билан яқин муносабатда бўлгани каби унинг адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашларида ҳам ана шундай илмий-ижодий ҳамкорлик кўзга ташланади. Шунинг учун бу ҳаётий ҳолатни назарда тутиб, форсий ва туркий (озарий) тилларда яратилган манбаларга ҳам мурожаат қилинади ва, шундай қилиб, илмий тафаккур бобидаги анъанавий ҳамоҳанглик, бири бирига устоз, бири бирига шогирд бўлганлик тарихи зарварақларига ҳам назар ташланади.

Қуйида адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашларни ифода этувчи "жанр"лар ҳақида мухтасар сўз юритилади.

БЕВОСИТА "ЖАНР"ЛАР ГУРУҲИ:

1. **Фахрия.** Ўрта Осиё халқлари адабиётида шу номда адабий жанр мавжуд бўлмаса-да, аммо адабий-танқидий қарашларни ифода этиш воситаларидан бири сифатида фахрия қўлланилади. Одатан, фахрия кичик шеърий жанрлар ёки достонлар ичида келиб, унда муаллиф, бир томондан, ўз ижодиётини бирор машҳур шоир ижоди билан тенглаштирса, иккинчи томондан ўз шеърларининг қиймати ва аҳамиятига ҳам ишора қилади. Шуни ҳам уқтириш лозимки, бадиий ижоднинг улкан намояндалари фахрияга мурожаат этганда ҳеч кимни камситмасдан ўз ижодларини мағрурона намойиш этмасдан, бошқа шоир ижодининг қиймати ва аҳамиятини эътироф этган ҳолда ўз шеъриятлари тўғрисида ҳам фахрланиб сўз юритганлар. Жумладан, малик ул-калом Мавлоно Лутфий бадиий санъаткорликда шуҳрат топган

ва унинг замондоши Абдураҳмон Жомий томонидан "Баҳористон" асарида "шоири фасеҳ"— ўйноқи ва гўзал сўз устаси деб баҳоланган Салмон Соважий (XIX аср) асарларининг санъаткорлик намунаси эканини эътироф этган ҳолда ўз шеърларининг бадиийликда Салмон Соважийнинг ғазалларидан қолишмаслигини таъкидлайди:

Қилинг таҳсин била, Лутфийни дилшод,
Ки рангин шеъри Салмондин қолишмас.

Бундай ҳолни кўпгина шоирлар, жумладан Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобур ижодида ҳам учратиш мумкин.

Алишер Навоий отахони Сайид Ҳасан Ардашерга йўллаган маснавий номасида Фирдавсий ва Низомий Ганжавийларнинг ижодини юксак тарзда баҳолаш билан бирга ўз ижоди ҳақида шундай деб айтган эди:

Мен ул менки то турк бедодидур,
Бу тил бирла то назм бунёдидур.
Фалак кўрмади мен каби нодире,
Низомий киби назм аро қодире.

Алишер Навоий бу фахрияда Низомий Ганжавийни "назм аро қодир" бўлибгина қолмай, балки бундай шоирни фалак кўрган эмас, унинг ижоди такрорланмас бадиий кашфиёт демоқчи ва, шунинг билан бирга, ўзини ҳам унутмайди. Туркий тилда ижод қилишда нодир эканини шоирона тасвирлайди. Бобур эса ўзининг бир байтида форс – тожик адабиётининг улкан намояндаси ширинсухан Шерозлик Ҳофизни, санъаткор шоир Салмон Соважийларни бадиий сўз усталари сифатида эътироф этиб, агар менинг шеърларим бу шоирларнинг ватани Форс ва Ироқи Ажамга етиб борса, Ҳофиз уларни ёдлаб олади, Салмон эса маъқуллайди, деган фикрни ифода этади:

Ироқу Форс гар етса, сенинг бу шеъринг, эй Бобур,
Ани ҳифз этгуси Ҳофиз, мусаллам тутқуси Салмон.

Шеърдаги жуда нозик томон шундаки, Бобур ўз шеърларининг мазмунан юксаклигини "Ҳофиз уларни ёдлаб олади" тарзида, бадиий жиҳатдан баркамоллигини эса "Салмон маъқуллайди" тарзида фахр билан эслатмоқда.

Маълумки, Ҳофиз Шерозий гўзал ва мазмунан юксак асарлар муаллифи сифатида танилган бўлса, Салмон бадиий санъаткорлик билан асар яратишда тенгсиз шоир эди. Демак, ана шундай машҳур устозлар Заҳириддин Бобур шеърини ёдлар ёки маъқуллар эканлар, бу шеърларнинг ҳам юксак мазмунли ва санъаткорлик билан яратилганлигига фахр билан қилинган ишорадир. Кўринадики, Бобур ўз байтида, бир томондан, машҳур ўтмиш-

дошларини эътироф этади, иккинчи томондан эса ўз шеърлари билан одоб ва назокат доирасида фахрланади.

Худди шундай назокат ва одоб билан иш тутиш XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида яшаб ижод этган шоир Ҳумулийда ҳам кўзга ташланади. У бир байтида Алишер Навоийнинг шуҳратига ишора қилиб, ўзининг шеърият бобидаги санъаткорлигини ҳам уқтириб, ёзади:

Гар Навоий лутфидин бўлди Хуросон бўстон,
Тоза шеърингдин Ҳумулий, мулки Турон бўлди боғ.

Яхши ният билан айтилган бундай фахриялар санъаткор шоирнинг шуҳратини, маҳоратини тан олиш билан бирга улардан ижодий мадад исташ, улар ижодиётининг ибрат ва намуна эканини таъкидлашни ҳам назарда тутади. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда,фахрияда, гарчи умумий тарзда бўлса-да, бирор бир шоир ижодига маълум муносабатни билдириш, уларни тарғиб қилиш мақсади ҳам ифода этилади..

Шуни ҳам эслатиш жоизки, холис ниятли шоирлар фахриядан унумли ва яхши мақсадда фойдаланиб, ўтмишдаги ёки замондошлари бўлмиш сўз санъаткорига эҳтиромларини, уларга тенглашиш орзусини ифода этган бўлсалар, айрим шоирлар эса фахрияни машҳур сўз санъаткорларини камситиш орқали ўзларини манманлик билан улардан устун қўйиш воситасига айлантиришга ҳам уринган эдилар.

Масалан, XIX асрнинг биринчи ярмидаги адабий оқимнинг вакилларидан бўлмиш Фазлий "ўз асримнинг Низомийси, Жомийси ва Навоийсиман",— деб даъво қилиб чиқади:

Манам Фазлии номвар дар замон,
Низомии асри худам дар сухан.
Ба гуфтор дорам зи Чомй нишон,
Ба ашъори туркй Навой баён.

Мазмуни:

Мен замоннинг машҳур Фазлийсиман,
Сўзда асрнинг Низомийсиман.
Сўзлашда Жомийдан нишоним бор,
Туркийда ашъорим Навоий баён.

Шу даврнинг Мушриф тахаллусли шоири эса замондошларидан ҳам ўтиб кетиб, машҳур Заҳириддин Бобурни рўй-рост камситади ва таққирлайди:

Ақли Бобур кай расад дар пояи шеъри Амир,
Дарки сад султон Ҳусайн омад кучо дар фаҳми он.

Бунда Мушриф "Амир Умархон шеърларини тушунишга Бобурнинг ақли етмайди, юзта Султон Ҳусайн Бойқаро бўлса ҳам уларнинг маъносини чақа олмайди"— дейишгача етиб боради.

Бундай ҳол маддоҳликнинг нақадар зарарли эканлигининг нишонасидир. Қўқон хони Умархон Амирийнинг маддоҳи Мушриф ўз "олийҳазрати"дан каттароқ улуш олиш учун жаҳоншумул ижодиёт эгаси Заҳириддин Бобурни камситишдан ҳам қайтмайди. Ваҳоланки, худди шу даврда Бобур нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам шуҳрат таратган, асарлари инглиз тилига таржима қилинаётган эди.

Холис ниятли адабиёт намояндалари ва халқ оммаси юқоридагидек шоирларнинг манманлиги, одобсизлигини қоралаганлар. Жумладан, XVII асрда яшаган Ниёзий тахаллусли бир шоир ўзини замонасининг Хусрав Деҳлавийси деб даъво қилгани, Абдураҳмон Жомийни эса менсимаганлиги учун Самарқанд шеърият мухлислари уни шаҳардан қувиб юборганлар ва қайтиб келишига йўл қўймаганлар. Натижада бу шоирнамо шахс Афғонистон ва Бадахшонда сарсон-саргардон бўлиб юргач охирида Ҳиндистоннинг Татта шаҳрига боришга мажбур бўлган экан[1].

Шундай қилиб, фахрияда шоирлар ҳақида мухтасар тарзда турли мавқедан туриб умумий фикр юритиш кўзга ташланади. Бу ҳол адабий қарашлар ўртасидаги қарама-қаршиликнинг фахрияда ҳам инъикос этилганлигидан гувоҳлик беради.

2. Шеърий парчалар. Бундай ибора остида адабий-танқидий қарашларнинг турли кичик шеърий шаклларда ифода этилиши назарда тутилади. Шоирлар ўз салафлари, замондошлари, уларнинг асарларига бўлган муносабатларини ҳамда умуман шеър ва шоирликка доир тушунчаларини ғазал, қитъа, кичик ҳажмдаги маснавий, қитъа, соқинома ва шунга ўхшаш жанрларда ҳам ифода этардилар. XIV аср намояндаси Сайфи Саройининг кичик маснавийси, Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маоний"сидаги қитъа ва соқиномаси, кейинчалик Мунис, Махмур, Комил, Фурқат каби шоирлар томонидан турли жанрларда яратилган асарлар айтилганларга мисол бўла олади. Жумладан, Алишер Навоий "Хазойин ул-маоний"сидаги соқинома бу жиҳатдан диққатга сазовордир[2]. Шоир умрининг охирида ёзилган бу асар анъанавий соқиномалар доирасини кенгайтиради, уни маълум маънода шеърий эсдалик даражасига кўтаради. Худди шу муносабат билан унда замонасидаги шоҳу шоҳзодалар, шоиру адиблар тўғрисида алоҳида-

---

[1] Тазкират уш-шуарои Жаҳонгирий, Қарачи, 1976, 23, 57-бетлар (форс-тожик тилида).

[2] *Алишер Навоий.* Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар, ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1960, 685—721-бетлар.

алоҳида сўз юритилган. Шоирлардан Ҳасан Ардашер, Шайхим Суҳайлий, Туфайлий ва бошқалар ҳақидаги бўлимларда Алишер Навоий ўша муаллифлар билан бўлган муносабати ва улар ижодиётининг муҳим томонларини баён этади. Фикримизнинг далили сифатида соқиноманинг 22, 23, 26-бўлимларини эслатишимиз мумкин.

Алишер Навоий соқиноманинг 22-бўлимида:

Саъдию Хусраву Салмону Камол,
Ким эди ҳар бири бешибҳу мисол.
Гарчи чарх этти барин мутавори,
Сен алар ўрнидадурсен бори,—

деб, Шайхимбек Суҳайлий ва унинг билан бўлган муносабатларини ёритса, 26-бўлимида эса устоди ва отахони Сайид Ҳасан Ардашер тўғрисида сўз юритиб, уларнинг шахсий фазилатлари ва ижодиётлари кўратбахш эканлигини таъкидлайди, 23-бўлимда шоир Туфайлий ҳақида баҳс юритиб, унинг қасида соҳасида қўлга киритган муваффақиятларини қайд қилиб, унинг камчилиги сифатида кам ёзишига ҳам ишора қилиб ўтади:

Кам демак сўзни ҳунар келди мудом,
Санга лекин бу эрур айби тамом.

Шундай қилиб, Алишер Навоий соқиноманинг маълум бўлимларида замонасидаги айрим шоирларнинг таржимаи ҳоли ва ижодий фаолияти ҳақида маълумотлар беради, уларга бўлган муносабатини билдиради. Агар биз соқиномадаги маълум шоирларга бағишланган бўлимларни Сайфи Саройининг кичик масснавийсида шоирлик ҳақида умумий тарзда баён этган фикрлари билан чоғиштирсак, унда адабий-танқидий қарашларнинг XV асрда қанчалик илгарилаб кетганини, умумийликдан фардийликка томон силжиганини, алоҳида шоир ва унинг ижоди ҳақида мулоҳаза юритилганини кўрамиз. Бундай ҳол кейинги асрларда ҳам давом этиб, янги янги хусусиятларни, жумладан ҳажвийликни ҳам (масалан, Махмурнинг "Амаким" шеъри ҳамда Фазлийнинг шеърлари) қамраб олади. Натижада кичик ҳажмдаги парчаларда шеър ва шоирлик ҳақидаги икки мафкуранинг ақидалари ифодалана бориб, у ҳам адабий-танқидий қарашларнинг ғоявий кураш майдонига айланади. Шу жиҳатдан қараганда холис адабий оқим вакилларининг бу соҳадаги хизматлари диққатга сазовордир. Чунки улар бундай шеърларда, бир томондан, ўзларининг бадиий қарашларини, у ёки бу шоир, унинг ижодига бўлган муносабатларини билдириб, адабий-танқидий қарашларни ифода этиш жанрларини бойитган бўлсалар, иккинчи томондан, нохолис адабий оқим ва унинг намояндалари ижодининг моҳиятини фош этдилар.

Айтилганларни Шермуҳаммад Мунисдан олинган айрим мисоллар билан далилламоқчимиз.

Муниснинг девонида "шеър" ва "шуаро" деб аталган шеърлар бор. Булардан биринчиси шеър ва унинг моҳиятига бағишланган бўлиб, иккинчисида замонасидаги холис шоирларнинг аччиқ тақдиридан баҳс юритилган.

Диққатга сазовор жойи шундаки, Мунис "Шеър" деб номланган қитъасида шеърни қандай тушунажаги ва унинг ижтимоий вазифаси хусусида сўз юритади:

Шеър ул тиғи дудамдурким, жаҳонни фатҳ этар,
Чекмайин лашкар гар олса илгига ҳар подшоҳ.
Шеър ул неъмат эрурким, ҳар неча базл этсалар,
Лаззати ортар, даҳи қадриға топмас нуқс роҳ.
Шеър ул маҳкам иморатдурки, сели ҳодисот,
Айламас, ҳар неча бўлса тунд, бунёдин табоҳ.
Ҳар киши ким хотами шеър узра оти тутса нақш,
Мадҳи бешак, шаҳди шуҳрат бошиға бўлғай кулоҳ.
Балки шеър афзалдурур фарзанддинким, шеърни,
Насли боқидин бақолиғдур, дер аҳли интибоҳ.
Шеърдин топмоғлиғиға Санжару Султон Ҳусайн,
Номи боқий — Анварий бирла Навоийдур гувоҳ.
Ёзди Фирдавсий анинг отиға чун "Шоҳнома"ни,
Ўтти гардундин ливойи шуҳрати Маҳмуд шоҳ.
Бас эрур вожиб сенга айлаб ҳамиша тарбият,
Менки Мунисман мени қилмоқ Навоий дастгоҳ[1].

Тўғри, бунда шоирнинг ақидаси тўлалигича баён этилмаган. Аммо қитъа имконияти ва ўз замонаси тушунчаси доирасида шеърни ўткир тиғга, лаззатли неъматга, мустаҳкам иморатга ўхшатиш орқали унинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини белгилашга интилиш, ҳақиқий шеър шоир номини абадий қолдиражагини таъкидлаш диққатга сазовордир. Қизиғи шундаки, шоир шеърни вайроналик ва ўлим келтирувчи урушга қарама-қарши қўяди, уни ўша замондаги кенг халқ оммаси учун ниҳоят қадрли бўлган лаззатли неъмат билан тенглаштиради. Бунда шоир, бир томондан, шеърнинг ғоявий қурол эканлигини уқтирса, иккинчи томондан унинг маънавий озиқалигига ишора қилмоқда. Демак, шоирнинг тушунишича, ҳақиқий шеър ижтимоий ҳаётда муҳим мавқеъга эга.

[1] *Мунис.* Сайланма. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980, 14-бет.

Шоир ўзининг "Шуаро" ва "сўз" радифли шеърларида эса ана шундай аҳамиятга молик бадиий асарлар ўша замонда қадрланмаганини ифодалаб:

Хоҳ назму хоҳ наср ўлсун фазилат аҳлидек,
Хорлиғ домонига чекмиш оёқ якбора сўз[1],

— деб кўрсатган бўлса, уларнинг яратувчилари, яъни шоирлар "қон ютганлари", "емакка нон", "иқболдин нишон" топа олмай хор-зорликда умр кечирганликларини ёзади. Ана шу ҳолат туфайли шоир фиғон гавҳарларини назм этади ("назм этар гавҳари фиғон шуаро"), шеърни ўзига "ёри ҳамзабон" деб билиб:[1]

Дардманду жафокаш элга қилур,
Назм ила дардини баён шуаро[2].

Бунда шоирнинг шеър ва шоирлик тўғрисидаги яна бир муҳим тушунчаси, яъни шеър ҳаётни акс эттирувчи восита эканлиги, шоир эса ўз ҳаёти, ўз муҳити воқеаларини назмга тизгувчи шахс бўлмоғи кераклиги ҳақидаги фикрлари ифода этилмоқда. Бу билан Мунис шеър ва шоирлик ҳақидаги мулоҳазаси доирасини кенгайтиради, ўзгача қилиб айтганда, у бадиий тасвир ҳодисаси ва уни акс этиш услуби тўғрисида сўз юритгандай бўлади. Бундай ҳолат эса Зокиржон Фурқатнинг "Шоир аҳволи ва шеър мубоҳасаси хусусида" деб номланган машҳур маснавийсида янада аниқроқ ўз ифодасини топган. Албатта, бу икки муаллифнинг эслатилган асарларида шоир, шеър, ҳаёт ва уни тасвирлаш услуби ҳақида сўз юритилган бўлса-да, уларнинг ҳар бири яна ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради: Мунис шоирнинг "дардманду жафокаш, элнинг дардини назмга тизгувчи" эканлиги ҳақида сўз юритди; Фурқат тушунчасида эса, шоир ҳаёт ва инсондаги гўзалликнинг куйловчисидир.

Демак, бунда ҳаётни тасвирлашдаги икки услуб кўзга ташланади. Агар бу тушунчаларни ҳозирги адабиётшунослик атамалари билан ифодалайдиган бўлсак, унда сўз реалистик ва романтик тасвир усуллари устида бормоқда. Бу эса ўз навбатида, адабий жараёндаги услуб ранг-баранглигига ишорадир. Бундан кўринадики, турли шеърий парчаларда адабий-танқидий қарашлар ифода этилар экан, улар давр ва шоирнинг ижодий мавқеи, бадиий қарашлари асосида ижодий жараённинг муҳим муаммоларини ўзига хос тарзда акс эттиради.

[1] *Мунис.* Сайланма, 15-бет.

[2] *Мунис.* Сайланма, 12-бет.

3. Илми адабга доир асарлар. Шарқда ўн икки қисмдан, жумладан луғат, сарф, наҳв, маони, баён, аруз, қофия, саноъ каби илмлар туркумини илми адаб деб атаганлар. Ўрта аср адиблари асарларида бу илмлар кўпинча қоришиқ тарзда кўринган, яъни муаллиф ўзининг асарларида илми адабнинг турли соҳалари бўйича мулоҳаза юритган, уларни бир-бири билан боғли тарзда тавсиф қилган ва шарҳлаган. Шунинг натижасида шеър ва шоирлик ҳақидаги фикрлар турли илмлар ҳақида баҳс юритилганда ҳам баён қилинган. Бундай тарзда мулоҳаза юритишни IX—X асрда яшаб ижод этган, муаллими сонийи — иккинчи муаллим номи билан шуҳрат қозонган Абу Наср Муҳаммад ал-Форобий (873—950)нинг "Эҳсо ул-улум", "Китоб ул-Фусул ул-маданий" ва хусусан "Шоирлар санъати қонунлари ҳақида рисола"[1] асарларида; XI асрда фаолият кўрсатган Абу Райҳон Берунийнинг "Ал-осор ул-боқия ан ал-қурун ул-ҳолия" ("Ўтмиш даврдан қолган ёдгорликлар"), "Китобу мо лил ҳинд мин маъқуллатин фил ақли ав марзулатин" ("Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби") қисқаси "Ҳиндистон" ва бошқа асарларида[2], Абу Али ибн Синонинг "Шифо" китобида учратиш мумкин. Шу асрда яшаб ижод этган Абдулқодир Журжоний ҳам ўзининг "Асрор ул-балоға фи илми баён" номли асарида шеърият назариясига доир анчагина мулоҳаза юритган. Абдулқодир Журжонийнинг шундай фикрларидан бири шеъриятда шакл ва мазмун масаласига дахлдордир. Муаллиф бадиий ижодиётда мазмун ва шаклнинг ўзаро боғланганлиги ва, шунинг билан бирга, мазмуннинг шаклга нисбатан устунлиги ҳақида қизиқ мулоҳаза юритган. У ёзади: "Энг яхшиси маънони ўз табиати ва ўз ихтиёрига қўй, токи у ўзига мос сўзларни (шаклни) ўзи топа олсин". Ана шу фикрни қувватловчи бир мулоҳаза унинг "Ал-мадҳал" деб аталувчи иккинчи асарида ҳам мавжуд. Жумладан, асарда сўз ва унинг хусусиятларини баён этган муаллиф: "сўз юмшоқ ва қаттиқ овозлари (товушлари) билан эмас, балки маъносидаги хусусият ва устунлик билан фасеҳ (ёқимли) бўлади", деб ёзган эди[3]. Бундай фикрлар

[1] *Абу Наср Форобий.* Шоирлар санъати қонунлари ҳақида рисола. Арабчадан А. Ирисов таржимаси. "Ўзбек тили ва адабиёти" ойномаси, 1976, 3-сон, 57—64-бетлар.

[2] *А. Қаюмов.* Беруний ва адабиёт. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1974.

[3] Бизнинг диққатимизни бу манбаларга қаратган ва араб тилидан таржима қилишга кўмаклашган раҳматли проф. Абдураҳмон Саъдийнинг хотираси ҳамиша барҳаётдир.

Абулқосим Маҳмуд Замахшарий, Юсуф Саккокий, Тафтазоний, Сайид Шариф Журжоний каби ўз замонасининг етакчи алломалари асарларида ҳам ажойиб тарзда баён этилган.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, илми адабга бағишланган асарлар майдонга келиши билан бирга XI асрдан бошлаб унинг турли бўлимлари алоҳида-алоҳида тарзда ҳам давом эта бошлади. Шунинг натижасида аруз, қофия ва шеърий санъатларга бағишланган рисолалар ҳам яратилаверди. Натижада уларнинг ҳар бири шеърият назариясининг мустақил илми даражасига кўтарилиб, бу соҳада форс-тожик ва ўзбек тилида кўпгина асарлар майдонга келди.

Туркий халқлар бадиий ижодиёти асосида илми адаб доирасидаги асарлар XI асрданоқ майдонга келди. Бунга Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони луғотит турк" асарини мисол сифатида эслатиш мумкинки, унда шеъриятга доир айрим атамаларнинг шарҳи келтирилган.

4. Достонларнинг айрим боблари. Адабий-танқидий қарашлар, шеър ва шоирлик ҳақидаги мулоҳазалар достонлар ёки достонлар туркуми бўлмиш "Панж Ганж", "Хамса", "Ҳафт авранг"ларда ҳам ифода этилди.

Сўзнинг аҳамияти ва шоирлар тўғрисида сўз юритилганликни Фирдавсий "Шоҳнома"си, Низомий Ганжавий "Панж ганжи" Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг"и, Алишер Навоий "Хамса"си ва "Лисон ут-тайр"и, Нишотийнинг "Ҳусн ва Дил"и Очилдимурод Мирий достонларида кузатиш мумкин.

Жумладан, Алишер Навоий ўзининг "Хамса" достонларида Низомий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Ашраф Мароғавий, Шайхим Суҳайлий каби сўз санъаткорлари ва уларнинг асарлари ҳақида асарлардаги, айрим воқеа, тимсол талқинининг муносабатлари тўғрисида мулоҳаза юритади, шеър ва шоирликнинг муҳим масалалари (шеърдаги мазмун ва шакл, рост ва ёлғон, баъзи жанрлар, жумладан маснавий; анъана ва янгилик яратиш масалалари) қаламга олиниб, ниҳоятда диққатга сазовор фикрлар баён этилади. "Лисон ут-тайр"да ҳам Навоий бу хилдаги фикрлар билан бирга машҳур шоир Фаридиддин Аттор ва унинг "Мантиқ ут-тайр" достони ҳақида, ўзи ва Аттор ўртасидаги ижодий ҳамкорлик (қақнус ҳикояси) тўғрисида ажойиб тарзда сўз юритади.

Нишотийнинг "Ҳусн ва Дил", Очилдимурод Мирийнинг "Рустам ва Суҳроб" достонларида эса бу анъаналар давом эттирилди.

Очилдимурод Мирий "Рустам ва Суҳроб" достонининг ёзилиш сабабларига тўхталиб, Фирдавсий ва унинг шу номдаги асари тўғрисида ёзади:

Фирдавсийки мулки назм шоҳи,
"Шоҳнома"сидур бу сўз гувоҳи.
Сўз қасри буюк жаноб алидин,
Фирдавс гули аён тилидан.

Фирдавсча назмин иштиёқи,
Андинму магар бу бир равоқи.
Ким онда бўлиб фасона оғоз,
Рустам ғамидин тарона оғоз.

Назм элчисин айламиш равона,
Ғам кишваридин очиб фасона...
Бу қиссаға обу ранг бермиш,
Ё ҳам қад учун хаданг бермиш.

Бу қиссаки маҳзи дарду ғамдур,
Гар Рустам эрур қадида хамдур.
Фикр этдим ўзум-ўзумга монанд,
Рустам ғамидур ғамимға пайванд.

Онинг ғамидин қилай фасона,
Ўз мотамим этгали баҳона...

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

5. Тарих ва тарихий-эсдалик асарлари. Адабий жараён ва унинг вакиллари ҳақидаги маълумотлар Мирхонднинг "Равзат ус-сафо", Хондамирнинг "Ҳабиб ус-сияр"[1], Мунис Хоразмийнинг "Фирдавс ул-иқбол" каби тарихий асарларида, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома", Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг "Бадоеъ ул-вақоеъ" сингари ёдномаларида ҳам келтирилади. Бу маълумотлар шоирларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан бирга ўша асарлар муаллифларининг адабий жараёнга бўлган муносабатларини ёритишда ҳам қўл келади.

6. Насиҳатномалар. Аслида панд-насиҳат йўналишидаги айрим асарларида шеър ва шоирлик хусусиятлари ҳақида айрим боблар ажратилган. Жумладан, Кайковуснинг "Насиҳатнома" ёки "Қобуснома"си, Низомий Арузий Самарқандийнинг "Мажмаъ ун-наводур" ёки "Чаҳор мақола"си ана шундай асарлар сирасига киради. Бу асарларда муаллифларнинг адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашлар, шеър ва шоирлик ҳақидаги мулоҳазалари баён этилган.

[1] Бундай маълумотларнинг Алишер Навоийга доир қисмлари "Навоий замондошлари хотирасида" (Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва Санъат нашриёти, 1985) китобида нашр эттирилган.

Шундай қилиб, адабиётшунослик ва адабий танқиднинг бавосита жанрлар гуруҳига мансуб манбалар адабиётшунослик ва адабий танқид тарихини мукаммалроқ ўрганишга хизмат қиладилар.

Адабиётшунослик ва адабий танқиднинг бевосита жанрлари тазкира, маноқиб ҳолот, шеърият назариясига бағишланган рисолалар таркибига (аруз, қофия, санъатлар), дебочаларни ҳамда XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида рўзнома ва ойнома саҳифаларида босилган турли хил мақолаларни киритиш мумкин.

1. Тазкиралар. Тазкира арабча зикр сўзидан тузилган бўлиб эсдалик дафтари маъносини англатади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, тазкира маълум даврда бўлиб ўтган ёки муаллифнинг ўз бошидан кечирган ҳодиса-воқеаларни, ҳамда машҳур шахслар ҳаёти ҳақидаги маълумотларни қайд қилувчи асардир. Тазкира ҳаётнинг турли-туман соҳаларини қамраб олиши нуқтаи назаридан уни кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Кенг маънодаги тазкира тарих, фалсафа, санъатнинг турли соҳаларига бағишланган бўлиши мумкин. Жумладан, Фаридиддин Атторнинг "Тазкират ул-авлиё", Ғулом Муҳаммад Деҳлавийнинг "Тазкира хушнависон", Садри Зиёнинг "Тазкираи ҳумақо" каби асарлари ана шундай кенг маънодаги тазкиралардир. Тор маънодаги тазкира адабий-танқидий қарашларни ифода этувчи, адабиёт тарихини, маълум давр шоирлари ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган адабиётшунослик асаридир. Биз ҳам ана шу хилдаги тазкиралар ва уларнинг хусусиятларини тадқиқ этамиз.

Шарқ адабиётида тазкира ёзиш анъанаси узоқ тарихга эга. Ана шу давр ичида тазкира мазмун ва шакл жиҳатидан каттагина ўзгаришни бошдан кечирди.

IX—X асрлардаги араб адабиётшунослигида шундай асарларнинг Абу Абдуллоҳ ибн Саллом ал-Жумаҳий ("Табақот аш-шуаро"), Абдулла ибн Муслим Диноварий ("Аш-шеър ва шуаро"), Абу Мансур ас-Саолибий ("Йатимат ад-даҳр") ва бошқа кўпгина олимлар томонидан яратилгани кўзга ташланади. Уларнинг ан сарияти араб шеърияти тадқиқотига бағишланган бўлса ҳам, амма баъзиларида араб тилида ижод этган ўртаосиёлик қаламкашлар ҳақида қийматли маълумотлар мавжуд. Шулардан бири Абу

[1] Кейинги йилларда форс-тожик ва урду тилларида Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва Эронда ёзилган турли хил тазкираларни махсус ўрганиш бораси Покистон ва Эрон олимлари айрим ишларни амалга оширдилар. Шундай ишларда покистонлик доктор Сайид Алиризо Нақавийнинг "Ҳиндистон ва Покистонда форсий тазкиралар" (Теҳрон, 1968, 904-бет), Эрон адабиётшуноси Аҳмад Гулчин Маонийнинг "Форсий тазкиралар тарихи" (Теҳрон, 1970, 1-том) каби асарларни кўрсатиш мумкин.

Мансур Саолибийнинг "Йатимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср" номли машҳур тазкирасидир[1].

Муаллифнинг замондошларига бағишланган бу тазкира ноёб далилларни қамраб олгани, ўша давр шоирларидан кўпчилигининг зикрини қайд қилгани билан фақат араб адабиётшунослиги учун эмас, балки Мовароуннаҳр ва Хуросондаги адабий муҳит ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлишда муҳим аҳамиятга эгадир[2].

Демак, замондош шоирлар ҳақида тазкира ёзиш X асрданоқ араб адабиётшунослигида маълум эди. Кейинчалик эса, хусусан XIII асрдан бошлаб Ўрта Осиё халқлари тилида, жумладан форс-тожик тилида тазкиралар майдонга кела бошлади. Шулардан бири Муҳаммад Авфий Бухорийнинг "Лубоб ул-албоб" ("Билимлар мағзи")ини эслатиш мумкин. Бу тазкира "Йатимат ад-даҳр" каби фақат замондош шоирларга бағишланмасдан, балки унда X—XIII асрлар давомида яшаб ижод этган қалам аҳли тилга олинади. Бунинг натижасида тазкира ёзиш анъанасига янги йўналиш, яъни ҳам ўтмиш ва ҳам замондош шоирларга бағишланган, тарихий-замонавий йўналишда битилган тазкиралар кириб келди.

Муҳаммад Авфий аслан Бухоролик бўлиб, Самарқандда яшаб, кейинчалик Хуросонга сафар қилиб ва, ниҳоят, Ҳиндистонда гурғун бўлиб қолган адиблардандир. Унинг "Лубоб ул-албоб" ("Билимлар мағзи") номи билан шуҳрат қозонган тазкираси 1221 йилда Ҳинд ўлкасида ёзиб тугатилган.

Тазкирада шеър ва шоирлар хусусиятларига бағишланган алоҳида боблардан ташқари уч аср мобайнида яшаб ижод этган 300 шоирнинг таржимаи ҳоли ва ижоди ҳақида маълумот ҳамда асарларидан намуналар келтирилган. Шуни таъкидлаш лозимки, Муҳаммад Авфий шоирларни зикр этар экан, ўша даврдаги адабий жараёнда мавжуд бўлган икки йўналишни таъкидлаб, бир гуруҳ шоирлар ижодиётини Рўдакий услубига ("Равони Рўдакий") мансублигини қайд қилса, бошқа бир гуруҳдаги шоирлар ижодиётини Унсурий услубига ("Равони Унсурий") мансуб деб билади.

Фикримизнинг исботи сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин. Авфий ўз тазкирасида Низомий Ганжавий ва унинг "Хамса"сидаги достонлар, жумладан "Хусрав ва Ширин" ҳақида ўхталиб, шундай ёзади: "Чун дар ширинсуханй бар сарири фазл Хусрав буд, қиссаи "Хусрав ва Ширин" чунон назм кард, ки

[1] Бу тазкиранинг Ўрта Осиёлик шоирларга бағишланган қисми асарнинг тадқиқоти билан бирга адабиётшунос И. Абдуллаев томонидан нашр эттирилди. Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-даҳр, ЎзССР: Фан, Тошкент, 1976 йил.

[2] Бу ҳақда И. Абдуллаевнинг "Абу Мансур ас-Саолибийнинг ҳаёти ва ижоди" номли мақоласида муҳим фикрлар баён этилган. Қаралсин: Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-даҳр, ЎзССР: Фан, Тошкент, 1976, 23 ва кейинги бетлар.

қавони Унсурй талхком шуд"[1]. (Мазмуни: Низомий ширинбаёнлик тахтининг султони бўлгани учун "Хусрав ва Ширин" қиссасини шундай тарзда яратдики, Унсурийнинг услуби унинг олдида шарманда бўлиб қолди.)

Кўринадики, Авфий улуғ озарбайжон шоири Низомий услубини Унсурий услубидан устун қўяди ва, шундай қилиб, Рўдакий, Низомий, Фирдавсийларни ниҳоят эҳтирос билан тилга олади.

Маддоҳлик адабий йўналиши — Унсурий услуби тарафдорлари ҳақида эса "баён рухсорини тамаъ тутуни билан хира ва фазлу фасоҳат кўзини ҳаёсизлик ва беадаблик ғубори билан хиралаштиради"[2],— деб уларга нисбатан ўзининг салбий муносабатини билдирган эди, Авфий.

Демак, Авфий уч асрлик адабиёт тарихини кўздан кечирар, бу давр орасида яшаган шоирлар ижодини эслар экан, бу боб далилларни маълум нуқтаи назар, муайян адабий-танқидий қарашлар асосида умумлаштиради, унга баҳо беради. Худди ана шу жараёнда у ўзининг нуктасанж адабиётшунос эканини намойиш этади. Авфий ўз тазкираси билан X—XIII асрлардаги форс-тожик тилидаги адабиёт тарихининг ўзига хос лавҳаларини майдонга келтиради, гўё унинг босиб ўтган йўлини умумлаштиради. Бу тазкиранинг яна бир хусусияти шундан иборатки, муаллиф асарга турли халқларнинг (тожик, ҳинд, эрон, озарбайжон, афғон) форс-тожик тилида ижод қилган вакилларини киритиб, уларга нисбатан холисона муносабатда бўлишга интилди. Бундай холислик, айни пайтда бир неча халқлар вакиллари ижодидан баҳс юритиш Ўрта Осиё ва Хуросонда яратилган кўпгина тазкираларда давом эттирилди.

"Лубоб ул-албоб"нинг майдонга келиши билан Шарқ тазкиранавислигига тарихий-замонавий тазкиралар ёзиш анъанаси ҳам кириб келди. Агар замондошларга бағишланган тазкиралар ара адабиётшунослигида "Йатимат ад-даҳр" мисолида кўрингани ҳам собга олинса, унда Мовароуннаҳр ва Хуросон тазкиранавислиги бундай асарлар ҳали мавжуд эмас эди. Аммо шуни ҳам таъкидлаш керакки, тарихий-замонавий тазкира замондошларига бағишланган тазкиралар вазифасини ҳам бажарар эди. Чунки уларнинг маълум бобларида тазкира муаллифига замондош бўлган шоирлар ҳам зикр қилинар эди. Жумладан, "Лубоб ул-албоб"нинг охирги XI—XII боблари ана шундай хусусиятга эга эди.

Мовароуннаҳр ва Хуросондаги тазкирачилик анъанасида XV асрга келиб тарихий-замонавий ва замондошларга бағишланган тазкиралар майдонга келди. Бундай ҳол тазкира тараққиётининг ёрқин далилларидан эди. Шу жиҳатдан XV асрда, бир томонда

[1] *М. Авфий.* Лубоб ул-албаб. II жилд, Лейден, 1903, 396-бет.

[2] *М. Авфий.* Лубоб ул-албоб, I жилд, Лейден, 1906, 12-бет.

Давлатшоҳ ибн Бахтишоҳ Самарқандийнинг форс-тожик тилидаги "Тазкират уш-шуаро"си тарихий-замонавий тазкиралар йўналишида яратилган бўлса, иккинчи томондан, Мовароуннаҳр ва Хуросонда ўзбек тилида замондошларга бағишланган биринчи тазкира ҳам майдонга келди. Бу анъанага асос солган адабиётшунос олим Алишер Навоий эди. Унинг "Мажолис ун-нафоис" асари кўпгина хусусиятлари билан XVI—XIX асрлар давомида ўзбек, тожик, озарбайжон ва форс тилларида яратилган тазкираларга намуна — ибрат бўлди.

Замондошларга бағишланган тазкиралар тарихий-замонавий тазкиралардан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бундай фарқлардан биринчиси шундан иборатки, замондошларга бағишланган тазкиралар тарихий-замонавий тазкираларда учровчи номустақилликдан холидирлар. Маълумки, тарихий-замонавий тазкиралар қанчалик кўп тарихий муддатни қамраб олса, унинг муаллифи узоқ ўтмишда яшаган шоирлар ҳақида гапирганда бошқа манбаларнинг маълумотларига таянади. Натижада ўша манбалардаги нуқсон ёки хато фикрлар тазкирадан тазкирага ўтиб келаверіб, ўқувчиларда нотўғри тасаввур ҳосил қилдиради. Жумладан, Давлатшоҳ ўзининг тазкирасида XII асрда яшаган Низомий Арузий Самарқандий ҳақида сўз юритиб, уни "Вис ва Ромин" достонининг муаллифи дейди, қолаверса, Низомий Ганжавий ҳам "Хамса"дан олдин ана шу номдаги асар ёзган деган кўпол хатога йўл қўяди. Ваҳоланки, Низомий Арузий ҳам, Низомий Ганжавий ҳам "Вис ва Ромин" деган асар ёзган эмаслар. Мазкур асарнинг асл муаллифи Фахриддин Журжонийдир.

Тарихий-замонавий тазкираларнинг муаллифлари ўзлари яшаб ижод этган давр шоирлари ҳақида сўз юритсалар, уларнинг маълумоти асосли, ишончли бўлиши табиий. Чунки уларнинг муаллифлари тазкирада зикр қилинган шоирлар билан ё шахсан суҳбатда бўлишган ва ёки ишончли кишилар орқали улардан хабар топишган. Ана шу нуқтаи назардан замондошларга бағишланган тазкираларнинг афзалияти кўзга ташланиб туради. Иккинчидан, агар тарихий-замонавий тазкиралар бир неча асрни қамраб олувчи адабий ҳаёт ҳақида маълум тасаввур берса, замондошларга бағишланган тазкираларда муаллиф яшаган давр адабий муҳити тўғрисида атрофлича сўз юритилади. Натижада улар маълум тарихий давр адабий муҳити ҳақида ўзига хос лавҳалар бўлиб қолади. Учинчидан, тарихий-замонавий тазкиралар бир неча аср шоирлари ҳақида фикрларни қамраб олиб, уларда асосан машҳур қаламкашлар зикр қилинади. Қобилиятли ёшлар эса одатда тазкирадан четда қоладилар. Натижада кўпгина қобилиятли қаламкашларнинг номи тарих саҳифасидан ўчиб кетади. Жумладан, "Лубоб ул-албоб" уч аср давомида яшаган 300 шоир тўғрисида сўзласа, Давлатшоҳ ўз тазкирасида беш аср

давомида яшаган 156 шоир ҳақида мулоҳаза юритади. Мана шу иккита далилнинг ўзидан маълумки, "Лубоб ул-албоб"га нисбатан Давлатшоҳнинг "Тазкират уш-шуаро"сида кўпгина истеъдодли қаламкашлар, кусусан замондош шоирлар тазкирага кирмай қолган. Худди шу ҳолатни ҳисобга олиб, бу камчиликни туза-тишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг кириш қисмида шундай ёзган эди: "Аср шуароси билан бу давр зурафоси отин анда (тазкирада — Б. В.) саб этилгай, то бу ниёзмандлар ҳам бурунғи шуарои акобир зайлиға қўшилғайлар"[1].

Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис"и XV аср адабий муҳити, аниқроғи шу асрнинг 39—90 йиллари орасида фаолият кўрсатган 459 шоир ҳақида маълумот беради.

Шундай қилиб, Муҳаммад Авфий ўзининг "Лубоб ул-албоб"и билан тарихий-замонавий тазкира ёзиш анъанасини бошлаб берди, бу анъана кейинги асрларда давом этди. Аммо юқорида қайд этилган айрим ҳолатларни сезган адабиётшунослар XVI асрдан бошлаб, тарихий-замонавий тазкира анъанасига ҳам янгиликлар кирита бордилар. Бу янгиликлардан бири шундан иборатки, Ҳиндистон, Эрон ва Афғонистонда кенг кўламда ривожланган тазкира ёзиш анъанасида умумийликдан, яъни кўпгина жанрларда ижод этган шоирлар зикридан соҳавийликка, яъни бирор-бир жанрда кўпроқ ижод этган шоирларни қамраб олишга интилдилар. Натижада тарихий-замонавий тазкираларнинг жанрларга бағиш-ланган хиллари ҳам майдонга келди. Бундай асарлар сирасига эса соҳинома ёзган шоирлар зикрига бағишланган "Тазкира майхона" (1618 йилда Абдунаби Фахруззамоний томонидан ёзил-ган), қасида ёзган шоирларга бағишланган "Хизонаи омира" (1762 йилда Ғулом Алихон Озод томонидан ёзилган), маснавий ёзган-ларни қайд қилувчи "Хулосат ул-калом" (1187—1198 ҳижрий Али Иброҳимхон Халил томонидан ёзилган), "Ҳафт осмон" (1869 йилда Аҳмад Али томонидан ёзилган) каби тазкираларни киритиш мумкин.

Кейинги даврларда тарихий-замонавий тазкира ва унинг соҳа-вий хили Ўрта Осиёда ҳам озми-кўпми кўзга ташланиб турди. Аммо XVI асрдан бошлаб Ўрта Осиё ва Кавказ ортида Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"ининг анъанасини давом эттирувчи замондошларга бағишланган тазкираларни яратиш асосий ўринни эгаллади. Натижада ўзбек, тожик ва озарбайжон тилларида бундай асарлар майдонга келди. Жумладан, Ҳасан Нисорийнинг

[1] *Алишер Навоий.* Мажолис ун-нафоис. Илмий-танқидий матн, тайёрловчи Суйима Ғаниева. Тошкент, 1961, 34 бетлар. Бундан сўнг асарнинг номи қисқа-тирилган тарзда (МН) эслатилиб, тегишли саҳифаси кўрсатилади.

"Музаккири аҳбоб", Содиқбек Содиқийнинг "Мажмаъ ул-ҳавос"[1], Султон Муҳаммад Мутрибийнинг "Тазкират уш-шуаро", Му-ҳаммадбадеъ Малеҳонинг "Музаккир ул-асҳоб", XIX асрнинг биринчи чорагида яратилган "Мажмуаи шоирон", Раҳматулла Возеҳнинг "Туҳфат ул-аҳбоб", Аҳмаджон Табибийнинг икки тазкираси ва бошқалар. Шуни ҳам таъкидлаш мумкинки, бу асарлар бир-бирини такрор этмайди. Уларни шоирларнинг ижо-дига холис ёки бирор-бир мақсадни кўзлаб баҳо бериш нуқтаи назаридан икки гуруҳга ажратиш мумкин. Холис руҳдаги тазки-раларга Нисорий, Мутрибий, Малеҳо, Возеҳ асарларини киритиш мумкин. Бу тазкираларнинг муаллифлари шоирлар ижодига хо-лисона ёндошишга интиладилар, мазмунан ва бадиий жиҳатдан ибратли асарларни маъқуллайдилар. Бу меъёр холис тазкиралар гуруҳини бирлаштирувчи умумий хусусият сифатида кўзга таш-ланса-да, аммо шоирлар ҳақидаги жойлаштириш ва саралаш жиҳатидан бу гуруҳга мансуб ҳар бир тазкира ўзига хос хусусиятга эга. Жумладан, Нисорий ўзининг тазкирасида, оз бўлса-да, тарихий маълумотларни келтирган бўлса, бунай ҳолат Малеҳода анча кенг кўзга ташланади. Агар Мутрибий шоирларни абжад алифбоси тартибида жойлаштиришга интилса (қайд қилиш керакки, Ўрта Осиё тазкирачилигида бу биринчи тажрибадир), Малеҳо ўз тазкирасига фақат бевосита суҳбатдош бўлган шоир ва адибларни киритган.

Шундай қилиб, бу йўналишдаги тазкиралар ҳам тузилиш жиҳатидан анча ўзгаришларга учраб бораверди.

Шоирлар ижодига бирор-бир мақсадни кўзлаб баҳо бериш зайлида ёзилган тазкиралар ўзининг йўналиши билан холис руҳдаги тазкиралардан фарқ қилади. Бу фарқ шундан иборатки, улар ҳаммадан олдин бирор адабий муҳит ва унинг бадиий қарашларини ёқлаб чиқади, холис шоирлар ижодига ғаразгўйлик билан баҳо беради, уларни қоралайди. Тузилиш жиҳатдан эса улар баёзга яқинлашади, пайров, ғазал, мухаммаслар билан тўлдирилади, шоирлар ҳақидаги маълумот асосан шеърий тарзда ("Мажмуаи шоирон" Аҳмад Табибийнинг икки тазкираси) келти-рилади[2].

Демак, тазкира ёзиш анъанаси ўзининг тараққиёти давомида ҳам мазмун ва ҳам тузилиш жиҳатидан маълум ўзгаришларни

[1] *М. Шайхзода.* Тазкирачилик тарихидан, *М. Шайхзода.* Асарлар. Олти томлик, 4-том, Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1972, 295—346-бетлар; *С. Ғаниева.* Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" асари таъсирида ёзилган тазкира. Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, ойнома, 1983, 6-сон.

[2] Ўқдириш лозимки, шеърий тазкира тузиш XVII асрда яшаб ижод этган Содиқий Самарқандийнинг "Риёз уш-шуаро"сидан бошланган. Аммо бу асар ҳозирча номаълум бўлиб қолмоқда, яъни унинг нусхалари топилмаган.

бошдан кечирди. Натижада, Ўрта Осиёда ҳам тарихий-замонавий ҳам замондошларга бағишланган тазкиралар майдонга келди. Холис тазкирачилик эса Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" анъаналарини давом эттириб, уни янги-янги хусусиятлар билан бойитди. Шу туфайли XV асрдан бошлаб замондошларга бағишланган тазкиралар адабиёт тарихини ўрганишнинг қимматли манбаларидан бирига айланди, қолаверса, улар ўзбек, тожик ва бошқа халқлар ўртасидаги адабий алоқаларни янада мустаҳкамлашда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этди.

2. **Маноқиб-қолот ва рисола.** Маноқиб ва қолотлар ўз замонасининг шоир ва ёзувчилари ҳақидаги рисолага ўхшаш асарлардан саналади. Маноқиб-қолотлар одатда бирор-бир машҳур адиб вафотидан сўнг ёзилиб, уларда мазкур шахснинг ҳаёти, ижодий фаолияти, шахсий фазилатлари ёритилади. Шу туфайли уни баъзан мутафаввиёт деб ҳам атайдилар. Маноқиб-қолотларда шоир ва адибнинг таржимаи ҳоли ва ижоди ҳақида маълумот келтириш билан бирга унинг шахсияти, замондошлари билан муносабати, ижтимоий фаолиятига доир қикоя ва ривоятлар ҳам киритилади. Натижада маноқиб — қолотларда илмий ва ижодий далиллар бадиийлик билан қоришиб кетиб, улар ўз замонаси насрининг намунасига айланган. Бундай маноқиб-қолотлардан Хондамирнинг "Макорим ул-ахлоқ", Алишер Навоийнинг "Хамсат ул-мутаҳаййирин", "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад", "Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер" кабиларни эслатиш мумкин.

Тўғри, ўзбек адабиёти тарихида яратилган маноқиб-қолотларнинг ҳаммасини ҳам бир хил савия ва ғоявий мазмунга эга деб бўлмайди. Уларнинг айримларида, жумладан Бобораҳим Машраб ҳақида ёзилган маноқибда, шоирнинг сиймоси асарни яратувчининг мақсади ва ғояси билан боғли тарзда шарҳланади. Холисона тарзда майдонга келтирилган маноқиб-қолотлар фақат адабий-танқидий қарашлар тарихинигина эмас, балки умуман адабиёт тарихини ўрганиш жиҳатидан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Алишер Навоий ва Хондамирларнинг маноқиб-қолотлари ана шундай асарлардир.

Алишер Навоийнинг ва Хондамирнинг маноқиб-қолотлари XV аср адабий-маданий муҳитида катта мавқе эгалловчи адибларга бағишланганлиги, ўзбек ва тожик адабий алоқалари тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшганлиги билан диққатга сазовордир. Шу жиҳатдан қараганда Алишер Навоийнинг Сайид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад ва, хусусан, Абдураҳмон Жомийга бағишланган қолотлари қийматлидир.

Шуни алоҳида уқтириш керакки, Сайид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад каби истеъдодли шахсларнинг ҳаёти ва ижодига доир маълумот Алишер Навоийнинг маноқиб-қолотлари туфайлигина бизгача тўлиқ етиб келди. Айни пайтда ана шу

асарлар орқали Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига доир муҳим маълумотлар ҳам сақланиб қолди.

Демак, мазкур асарлар, бир томондан, таржимаи ҳолга дахлдор қолотлар бўлса, иккинчи томондан, муаллиф таржимаи ҳолига доир эсдалик асар ҳамдир. Буларда келтирилган айрим лавҳалар ўз мазмуни билан ниҳоятда диққатга сазовор. Жумладан, Алишер Навоий отахони ва устози Сайид Ҳасан Ардашер (1417(18)—1488(89) ҳақида сўз юритганда, унинг шеъриятга бўлган муносабатини, айрим асарлар ва байтларни таҳлил қилишдаги ўзига хос билимдонлигини алоҳида таъкидлайди. Масалан:

"Бир кун бир тақриб била ашъё орасида тафовут бобида фазл аҳлидан биров шу машҳур байтни ўқудиким, байт:

Лаъл санг асту деги сангин саиг,
Лек андар миён тафовутҳост.

Алар (яъни Ҳасан Ардашер) қойилининг мақсудининг нақизи жонибидин сўз бошлаб дедиларки, тош қозон ва лаъл-иккаласи тошдур ва лекин ораларида тафовут бор. Тош қозондин ғайри нафъ ҳеч нима мутасаввур эрмаским, лазиз ва мулавван аъзима анда пишарким, хосу ом андин мунтафеъ бўлурлар ва лаълдин халойиққа анвои зарар мутасаввурдир"[1].

Яна: "Туркийгўй шуародин Мавлоно Лутфий шеърларидин абёт ўқувлар эрди ва бу матлаин таъриф қилурлар эдиким:

Нозуклук ичра белича йўқ тори гисуйи,
Ўз ҳаддини билиб белидин ўлтурур қуйи.

Бу мисоллар Сайид Ҳасан Ардашер шахсиятини икки жиҳатдан ойдинлаштиради: бири — унинг ўзбек ва тожик тилларида яратилган адабиётнинг чуқур билимдони эканлиги, иккинчиси эса Сайид Ҳасан Ардашернинг моҳир шеършунос эканлиги. Чунки биринчи мисол орқали Алишер Навоий устоди Ардашернинг инсондўстлиги ва тинчликсеварлигини кўрсатса (тош қозон одамларга фойда келтиради, лаъл эса "халойиққа анвои зарар"), иккинчи мисол орқали малик ул-калом Мавлоно Лутфий шоҳбайтларининг ихлосманди эканини намойиш этади. Мана шу мисолларнинг ўзи ҳам Сайид Ҳасан Ардашернинг дунёқараши ва бадиий завқи тўғрисида маълум тушунча ҳосил қила олади. Қайд қилинганидек, бу асар Алишер Навоийнинг таржимаи ҳолига доир анча маълумотга ҳам эга. Бу маълумот улуғ ўзбек шоирининг ўзи томонидан келтирилгани жиҳатидан ҳам ниҳоят катта аҳамиятга моликдир. Чунончи: "Тарих секкиз юз олтмиш эрди, бу

[1] *Алишер Навоий.* Асарлар. Ўн беш томлик, 14-том, Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1967, 84—85-бетлар.

фақир алар суҳбатиға мушарраф бўлдум. Алар... бу фақирни... назм айтурға тарғиб кўргузурлар эрди. Чун ул авқотда (яъни 860 ҳижрий — 1455—56 мелодий йиллар назарда тутилмоқда — Б. В.) фақирнинг назмлари Хуросонда шуҳрат тутуб эрди, алар дағи илтифот қилиб, баъзи абётни кўп ўқурлар эрди ва мажолисда хушвақт бўлурлар эрди"[1].

Алишер Навоийнинг ўз замонасининг донишмандларидан бўлмиш Паҳлавон Муҳаммад ҳақидаги ҳолоти ҳам ана шундай хилдаги асардир. Унда Паҳлавон Муҳаммаднинг серқирра фаолияти ва чин одамийлигини қайд қилиш билан бирга Алишер Навоий ўз бадиий қарашларининг шакллана бориш давридан диққатга сазовор мисолни ҳам келтиради[2]. Шуниси муҳимки, бунда ёш Алишер Навоийнинг: "Мавлоно Лутфий ҳоло мусалламдурлар ва бу қавмнинг устоди ва малик ул-каломидур",— деб мулоҳаза юритиши ўз замонасидаги адабий жараён ва унинг намояндалари ижодини синчковлик билан кузатганидан далолат беради.

Алишер Навоий ҳолотларидан "Хамсат ул-мутаҳаййирин" устози, тожик адабиёти даҳоларидан бўлмиш Абдураҳмон Жомийга бағишланганлиги билан диққатга сазовордир. Беш ҳайрат деб аталмиш, беш бўлимдан иборат бўлган бу асар Абдураҳмон Жомий вафотидан сўнг ёзилган. Унда улуғ шоирнинг таржимаи ҳоли, ижодиёти, шахсий фазилатлари ҳақида энг ишончли маълумотлар келтирилган. Бу асар эсдалик тарзида бўлганидан муаллифнинг Абдураҳмон Жомий билан бўлган шахсий ва ижодий муносабатларини ҳам ёритади. Шу жиҳатдан олиб қараганда икки қардош халқ адабий алоқалари бу икки улкан зотнинг ижодий ва шахсий алоқалари мисолида янада равшанроқ намоён бўлади.

Алишер Навоийнинг "Хамсат ул-мутаҳаййирин"и ўзбек адабиётшунослиги ва адабий-танқидий қарашлари тарихидаги нодир ҳолотлардандир. У Абдураҳмон Жомий ҳақида камёб ва қиймат баҳо маълумот берадиган манба сифатида, шоирнинг ижодий ишхонасини тиклашга катта ҳисса қўшади. Шуниси муҳимки, унда Абдураҳмон Жомий билан боғли бўлган қатор янги ривоят ва ҳикоятлар киритилган. Бу ҳикоятлар Абдураҳмон Жомийнинг шахсий ва ижодий сиймосини янада равшанроқ тасаввур этишда кўмаклашади.

Агар улуғ мутафаккир Алишер Навоий тожик адабиётининг улкан намояндаси Абдураҳмон Жомий тўғрисида ўзбек тилида

[1] *Алишер Навоий.* Асарлар. Ўн беш томлик, 14-том, Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1967, 77-бет.

[2] Ўша асар, 98—99-бетлар.

"Хамсат ул-мутаҳаййирин"ни ёзган бўлса, машҳур тарихшунос Хондамир улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ҳақида ўзининг "Макорим ул-ахлоқ" номли ҳолотини тожик тилида яратиш билан икки қардош халқ адабий алоқалари тарихига янги саҳифа очди.

"Макорим ул-ахлоқ" (яхши хулқлар) китоби Алишер Навоийнинг ҳаётлиги вақтида ёзила бошланиб, унинг вафотидан сўнг ниҳоясига етказилган асардир.

Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижоди, ижтимоий фаолиятига оид қийматбаҳо маълумотга бой бўлган мазкур асар улуғ шоирнинг кўпқиррали фаолиятини ўрганишда муҳим манбалардан ҳисобланади. Шунинг учун у ўзбек ва рус тилларига таржима қилиниб, кенг китобхонларга тақдим этилди, унинг аҳамияти тўғрисида олимларимиз ўз мулоҳазаларини баён этдилар.

"Макорим ул-ахлоқ" муаллифининг эътироф этишича, асарда Алишер Навоийнинг "яхши ахлоқ ва гўзал одоб фазилат"ларидан баҳс юритилган, шоирнинг "муборак аҳволлари ва мақбул одатларидан, сеҳрдек таъсирчан табълари хоссаларининг ва нозик нақшлар тузувчи қаламлари натижаларининг бадеали ҳолат ва ажойиб воқеаларидан бироз баёнотни ўз ичига оладиган парчалар тартибга" солинган.

Мазкур китоб муқаддима, ўн боб (мақсад деб аталган) ва хотимадан иборат. Ҳар бир мақсад (боб)да Алишер Навоийнинг маълум фазилати ёритилган. Мисол учун. "Биринчи мақсад. Ақл ва идрокнинг шараф ва даражаси тўғрисида"; "Иккинчи мақсад. Илмнинг фазилати ва олимларнинг мартабаси тўғрисида"; "Еттинчи мақсад. Меҳрибонлик ва марҳамат баёнида" ва бошқалар. Бу бобларда Алишер Навоийнинг кенг билими, одамларга меҳрибонлиги, теран ақл-идроки каби фазилатларидан баҳс юритилган, ҳар бир фикрнинг исботи учун унинг ҳаёти ва ижоди билан боғланган турли ҳикоя ва ривоятлар келтирилган.

Хондамир ўз асарининг учинчи бобини "Шеърнинг афзалликлари ва шоирларнинг баланд мартабалари ҳақида" деб атаб, унда шеър ва шоирлик, Алишер Навоийнинг шоирлик маҳоратидан сўз юритган, унинг ижодий фаолиятига, хусусан ўзбек тилида яратган "Хазойин ул-маоний" ("Чор девон"), "Хамса" ҳамда қатор илмий асарларига ҳақли равишда юксак баҳо берилган, улуғ ўзбек шоирига бағишланиб ёзилган асарлар бир-бир эслатиб ўтилган.

Хондамир ўзининг "Макорим ул-ахлоқ" асарида ўзбек адабиёти тарихида рубоий жанрини баланд чўққига кўтарган Алишер Навоийнинг хизматларини алоҳида уқтириб, унинг "Назм ул-жавоҳир" номли асарини мақтайди.

Кўринадики, Хондамирнинг XV аср адабиётшунослиги ва адабий-танқидий қарашлари доирасида яратган "Макорим ул-ахлоқ"и ўзининг кўп масалаларни холисона ҳал қилишга интилгани жиҳатидан ўша даврдаги яхлит рисолалар намунаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, адабиётшунослик тарихида бошқа жанрлар қаторида маноқиб ва ҳолотлар ҳам ўзига хос тарзда шоир ва адиблар, уларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида сўз юритди.

Аммо бундай хилдаги асарлар кейинги асрлардан унчалик кўп етиб келган эмас. Сўнгги асрларда яратилган маноқибларнинг аксарияти эса тасаввуф вакилларига бағишланган (Хожа Аҳрор, Баҳоваддин Нақшбанд ва бошқалар).

Шундай бўлса-да, адабиёт намояндалари ҳақидаги маноқиб, ҳолотлар ўзининг тарихий ва илмий аҳамиятини сақлаб қолаверади, машҳур адибларнинг ҳаёти, ижоди, шахсий фазилатларини ҳар томонлама ёритишга ўз ҳиссасини қўшаберади.

Ўрта аср адабиётшунослиги тарихида алоҳида шоир ва адибларга бағишланган маноқиб-ҳолотлар билан бир қаторда, гарчи ҳозирча якка-ягона бўлса-да, маълум даврнинг машҳур шоирлари ҳақида ёзилган умумлашма мақола-рисолалар ҳам кўзга ташланади. Бундай мақола-рисолага Ҳусайн Бойқаронинг "Рисолаи Ҳусайн Бойқаро" деб аталадиган асарини мисол қилиб келтириш мумкин[1].

Мазкур рисола Фуод Куприлизода томонидан 1934 йилда нашр эттирилиб, илмий муомалага киритилди[2]. Исмоил Ҳикмат Эртайлон ҳам уни 1945 йилда нашр эттирди[3]. Шундан сўнг эса Италия шарқшуноси Турхон Ганжайи, озарбайжон олими Ҳамид Арасли, афғон олими Муҳаммад Яъқуб Жузжоний ва, ниҳоят, ўзбек олимаси С. Ғаниева рисолани нашр эттирдилар[4].

Рисолада анъанавий ҳамд ва наътдан сўнг Ҳусайн Бойқаронинг инсон ва унинг мавқеи, подшоҳлик ва унинг хусусиятлари ҳақидаги мулоҳазалари баён этилади. Шундан кейин Султон Ҳусайн ўзининг тинчлик ва осойишталикни тиклаш учун қилган ҳаракатларн, мадраса ва илм аҳлига кўрсатган илтифотларини ёритади. Буларнинг ҳаммаси асосий масаланинг баёни учун дебочалик вазифасини бажарган. Асосий мақсад эса Ҳусайн Бойқаро ўз ҳукмронлиги даврида адабиётни ривожлантиришга

[1] Бу асарнинг ўрганилиш тарихи А. Абдуғафуровнинг "Алишер Навоий ва "Рисолаи Ҳусайн Бойқаро" мақоласида ёритилган. Қаралсин: *А. Абдуғафуров.* Эр ва эзгулик куйчилари. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент 1979, 57—74-бетлар.

[2] Турк дили ва адабиёти ҳақида араштирмалар. Истанбул, 1934.

[3] Turk Edebiuati Eznekleri, II, Istanbul, 1945.

[4] Tourkhan Yangjlel, Uno seritto apologetico di Husain Mirza^ sultano del Khorasan Annali Instituto univesitnto Orientale di napoli, nova serie, vol. V. Napoli, 1953, pp. 158—183; Ҳамид Арасли. Рисолаи Ҳусайн Бойқаро. Ўзбек тили ва адабиёти ойнома, 1966, 3-сон; Ҳусайн Бойқаро. Девон. Рисола. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва Санъат нашриёти. Тошкент, 1968, 159—166-бетлар (бунда рисола қисқартирилган).

эътибор бергани туфайли "бу даврон барча дурлардан (санъат аҳлидин — Б. В.) мумтоз", "Сойир мингта яқин кишиким аларнинг иши маоний дурларин назм силкига тортмоқ бўлғай" майдонга келиб, форсий ва туркийда ижод қилганини таъкидлаш ҳамда уларнинг пешволари Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий эканини алоҳида уқтиришдан иборат эди.

Шу мақсадда Ҳусайн Бойқаро Абдураҳмон Жомий ва унинг фаолияти, асарлари ҳақида ҳайратланиб сўз юритади. Унинг "лутфомез ғазаллари шўрангиз ва шўрангиз байтлари лутфомез" эканлиги, "тасонифи жамеъи улумда беҳад ва ҳар таснифда хазойини маони беадад" бўлганини уқтиради. "Панж Ганж"га жавобан ёзаётган асари ҳақида эса шундай дейди:

Чу мезони табъи бўлуб ганжсанж,
Онга бир тарозу келиб "Панж ганж",
Ки ҳайрон қолиб назм қилғон чоғи,
Онга йўққи Хусрав, Низомий Тоғи.

Албатта, бундай баҳо умумий тарздаги эътирофдир. Аммо унда Абдураҳмон Жомий ижодиётининг нақадар буюк аҳамиятга эга эканлиги тўғри таъкидланган. Бу масалада эса Ҳусайн Бойқаро хато қилмаган.

Шуниси диққатга сазоворки, Абдураҳмон Жомий атрофида Суҳайлий ва Туфайлий сингари шоирлар ҳам борлигини ниҳоят нозиклик билан баён этиб, ёзади: "Ва яна ҳам назм аҳлидин хушгўйлуқ авжининг Суҳайли бўлурдек кишилар бор ва латофати назм достони ва матонати таркиб баёнида олам эли аларнинг Туфайли бўлурдек мавжуд турурким, бурун алардек фалак жилва берган эрмас ва ҳоло тоғи ҳеч ерда кимса алартек нишон бермас".

Ҳусайн Бойқаро юқорида тилга олган шоирлари асосан форсигўй бўлганларини таъкидлайди ва, шунинг билан бирга, унинг ҳукмронлиги даврида туркигўйлик соҳасида улкан хизмат қилган Алишер Навоий ҳақида батафсил мулоҳаза юритади. Ҳусайн Бойқаронинг Навоий тўғрисида ёзганлари шу жиҳатдан диққатга сазоворки, унда улуғ шоирнинг бетакрор хизматлари жуда тўғри эътироф этилган ва улар қуйидаги мисраларда умумлаштирилган:

Эрур сўз мулкининг кишварситони,
Қаю кишварситон ҳусравнишони.
Дема Хусравнишонким, қаҳрамоне,
Эрур гар чин десанг соҳибқироне.

Шундай қилиб, Ҳусайн Бойқаронинг рисоласи ўз даврининг ўзига хос умумлашма мақоласи бўлиб, унда XV асрнинг иккинчи ярмидаги адабий муҳит, унинг зуллисонайн эканлиги, турли жанрларда (шеърият, достон, жумладан хамса) асарлар яратилгани, уларнинг мазмун ва бадиийлик жиҳатдан аҳамияти ҳамда

бу адабий муҳитнинг кўзга кўринган намояндалари ҳақида ўш
замон насрининг услубида сўз юритилган. Шуниси борки, рисола
гарчи шоирона руҳда ёзилган бўлса-да, адабий жараённи баҳо
лашда холис ва тўғри фикрларни баён этган.

3. Аруз, қофия ва санъатларга бағишланган рисолалар. Илм
адаб ҳақида сўз борганда уқтирилганидек, X—XI асрларда шеъ
рият назариясига доир рисолалар алоҳида соҳа сифатида майдонг
келиб, унинг кўпгина намуналари яратилган.

Мисол сифатида Абулҳасан Сарахсийнинг "Ғоят ул-арузайн"
"Канз ул-қофия", Муҳаммад Родуёнийнинг "Таржумон ул-балоға"
Аҳмад Маншури Самарқандийнинг "Канз ул-ғаройиб", Рашид
Самарқандийнинг "Зийнатнома", Рашиди Ватвотнинг "Ҳадойи
ус-сеҳр фи да қойиқ уш-шеър" каби асарларини келтириш
мумкин. Уларнинг айримлари бизгача етиб келмаган бўлса ҳам
аммо манбаларда улар ҳақида анча самимий фикрлар баён
этилган.

Баъзан эса ҳар учала илм (аруз, қофия, саноеъ) ҳақида яхли
китоблар ҳам яратилди.

Бунинг мисоли сифатида Қайс Розийнинг "Китоб ул-мўъжа
фи маойири ашъор ил-ажам" (XIII), Ваҳид Табризийнинг "Жамъ
мухтасар" (XV) номли рисолаларини эслатиш мумкин.

Шамсиддин Қайс Розийнинг "Китоб ул-муъжам" асари узо
йиллар давомида шеър ва шоирлик билан шуғулланувчиларнин
дастуруламалига айланган эди. Бунинг асосий сабаби шундаки
Қайс Розий ўзигача мавжуд бўлган шеърият тажрибаси асосид
майдонга келган назарий фикрларни умумлаштириб берган эди
Шунинг натижасида муаллифнинг аруз, қофия ва шеърий сан
атлар соҳасидаги мулоҳазалари, адабий жанрлар ҳақидаги фикр
лари ўша замон шароитига нисбатан мукаммаллиги билан ажра
либ турарди.

Ваҳид Табризийнинг "Жамъи мухтасар" рисоласи ҳам ана ш
илм тўғрисида ўзига хос тарзда маълумот беради.

Кейинчалик, хусусан XV асрда ва ундан сўнг ўзбек тилид
аруз илмига доир рисолалар майдонга келди. Бу жиҳатда
Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон"и, Заҳириддин Бобурнин
"Аруз рисоласи" диққатга сазовор асарлардандир. Эслатилга
асарларда аруз қонун-қоидалари ўзбек шеърияти асосида ёрити
либ, унинг тараққиётига, хилма хил баҳрларини майдонга кел
тиришда Ўрта Осиё халқлари адабиёти вакилларининг қўшга
ҳиссалари таъкидланади. Шуниси диққатга сазоворки, Алише
Навоий ҳам, Заҳириддин Бобур ҳам масалани ёритишда ўзбе
шеърияти билангина қаноатланиб қолмай, балки форс-тожи
тилидаги адабиётнинг хилма хил далилларидан ўринли фойдала
ниб, адабий дўстлик саҳифаларига ўзларининг улкан ҳиссаларин
қўшганлар.

4. Дебоча. Шеърлар девонига наср билан ёзилиб, асарнинг
узилиши, адабий жанрлар ҳамда муаллифнинг баъзи назарий
арашларини баён қилгувчи дебоча — муқаддималар ҳам адабий-
анқидий қарашларни ифода этади. Бундай хилдаги дебочаларга
лишер Навоийнинг "Бадоеъ ул-бидоя", "Наводир ун-ниҳоя" ва
иҳоят "Хазойин ул-маоний" девонларига ёзган муқаддималарини,
ашҳур шоира Нодира ва таниқли шоир Огаҳийларнинг девон-
арига ёзилган кириш қисмларни мисол сифатида келтириш
умкин.

Алишер Навоийнинг юқорида эслатилган уч девонига ёзган
уқаддимасидан, фақат иккитаси бизгача етиб келган. Булардан
ири "Бадоеъ ул-бидоя" дебочаси бўлса, иккинчиси "Хазойин ул-
аоний"га ёзилган муқаддимадир.

Булардан биринчиси, яъни "Бадоеъ ул-бидоя" дебочаси Алишер
авоий томонидан XV асрнинг етмишинчи йилларида ёзилган
ўлса, иккинчиси ўша аср тўқсонинчи йилларининг маҳсулидир.
ир-биридан қарийб ўн-ўн беш йилга фарқ қиладиган бу икки
ебоча Алишер Навоий адабий танқидий қарашлари тараққиётини
рганиш учун ҳам, шоир сифатидаги камолотини аниқлаш учун
ам ва, ниҳоят, адабий жанрларга, бадиий тасвир масалаларига
оир тушунчаларини белгилашда ҳам катта аҳамиятга моликдир.

Жумладан, "Бадоеъ ул-бидоя" девони учун ёзилган дебоча,
ир томондан, шоирнинг ғазал тўғрисидаги назарий фикрларини
фода этса, иккинчи томондан, девон тартиб бериш тарихи ва
лишер Навоийнинг бу соҳадаги хизматларидан баҳс этади.

Худди ана шу дебочада Алишер Навоий ғазалнинг мазмун ва
узилиш жиҳатидан яхлит бўлиши лозимлиги, ошиқона кайфи-
тлар баёни ичида ахлоққа доир фикрларнинг бўлиши мақсадга
увофиқлиги тўғрисида ажойиб мулоҳаза юритади. Масалан:

"Гўё баъзи эл ашъор таҳсилидин ва девон такмилидин ғараз
ажозий ҳусну жамол тавсифи ва мақсуди зоҳирий хатту хол
ърифидин ўзга нима англамайдурурлар. Девон топилғайким,
да маърифатомез бир ғазал топилмагай... ул жиҳатдин бу
евонда... бирор-иккирор насиҳаторо ва маъвизатосо байт иртик
илинди..."[1]

Яна: "Сойир давовинда расмий ғазал услубиндинким, шоеъду-
ур, тажовуз қилиб, махсус навъларда сўз арусининг жилвасиға
амойиш ва жамолиға оройиш бермайдурлар. Ва агар аҳёнан
атлае махсус навъда воқеъ бўлғон бўлса, ҳамул матлаъ услуби
ила итмом хилъатин ва анжом кисватин кийдурмайдурурлар,

[1] *Алишер Навоий.* Хазойин ул-маоний, IV том, Тошкент, ЎзФАН, 1960,
9-бет. Ёки: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Биринчи том, ЎзССР
Фан" нашриёти, Тошкент, 1987, 21-бет.

балки тугагунча агар бир байт мазмуни висол баҳорида гулор
лик қилса, яна бири фироқ хазонида хорнамойлиқ қилибдур
Бу сурат даги муносабатдин йироқ ва мулояматдин қи
кўрунди. Ул жиҳатдин саъй қилиндиким, ҳар мазмунда матл
воқеъ бўлса, аксар андоқ бўлғайким, мақтаъгача сурат ҳайс
тидин мувофиқ ва маъни жонибидин мутобиқ тушгай"[1].

Бундан ташқари дебочада ўтмиш ва замондош шоирлар иж
ҳақида фикр юритиш ҳам кўзга ташланади. Бу жиҳатдан "
бешасининг ғазанфари ва ишқ оташгоҳининг самандари, жавох
маънавийси амир Хусрав Деҳлавий", "фано майхонасининг ри
хирқачоки ва бало паймонасининг масти бебоки, ишқу муҳаб
асрори аминларининг ҳамрози — Хожа Ҳофиз Шерозий"лар ҳа
да; Мавлоно Саккокий ва малик ул-калом Лутфийлар тўғрис
ўз асрининг истеъдодли икки тилли шоири Суҳайлий бора
ёзилган мулоҳазалар диққатга сазовордир.

Кўринадики, дебочада ҳам адабиёт назариясига, адабий жа
ённинг тараққиётига ҳисса қўшган забардаст намояндалари
ижоди бўйича фикр юритилган. Бу эса мазкур дебоча
қийматини янада оширади ва унинг фақат девонга ёзи
муқаддимагина эмас, балки муҳим назарий ва амалий аҳам
молик адабий-танқидий асар эканидан ҳам далолат бер
Машҳур шоира Нодиранинг ўз девонига ва Огаҳийнинг "Таъ
ул-ошиқин"ига ўзи ёзган дебочалари эса шоирлар ҳаёти ва иж
девон тузиш сабаблари ҳақида муҳим маълумотни қамраб ол
лар. Шу жиҳатдан Нодира дебочаси шоиранинг руҳий ҳолати
девонининг тартиб берилиш сабабларини баён қилгани би
муҳим бўлса, Огаҳий дебочасида шоир томонидан ёзилган
таржима қилинган асарлар ҳақидаги маълумот қизиқарлидир.
икки ҳолатда ҳам бу дебочалар муаллифларнинг бадиий иж
доир қарашларини ўзига хос тарзда ифода этгани билан аҳам
лидир.

Юқорида кўриб ўтилганлар девон муаллифлари томон
ёзилган дебочалар бўлса, иккинчи хил дебочалар бирор-бир ш
девонини тартиб этган ёки баёзлар тузган шахслар томони
ёзилади.

Бунга шоира Нодиранинг Макнуна тахаллуси билан ёз
тожикча шеърлари девонига ёзилган дебочани, XIX асри
иккинчи ярмида яшаган Ҳусайн Бухорийнинг 19 шоир ижоди
ташкил топган "Марсадат тасоний"идаги ҳар бир шоир ҳақи
муқаддимани мисол тарзида келтириш мумкин. Бундай деб

[1] *Алишер Навоий.* Хазойин ул-маоний, IV том, Тошкент, ЎзФАН, 1
769—770-бетлар. Ёки: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами, Биринчи
22-бет.

ларда баёзни тузувчи шахс шоирнинг таржимаи ҳоли ва ижоди ҳақида маълумот беради. Бундай дебочаларни маълум даражада ўзига хос адабий лавҳа деса ҳам бўлади.

Шундай қилиб, адабий-танқидий қарашларни ифода этиш учун хизмат қилувчи дебоча ҳам кўпгина фазилатлари билан адабиётшунослар диққатини ўзига тортади.

5. Рўзнома ва ойномаларда босилган мақолалар. Адабий-танқидий қарашларни ифодалашнинг бундай шакли XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида майдонга келди. Чунки бу даврда ўлкада китобхона, босмахона, сурат олиш корхоналари, янги хилдаги мактаб — гимназия ва бошқа муассасалар кўрина бошлади. Ўзбек тилида ҳам рўзнома чиқадиган бўлди. Вақтли матбуот чор Россиясининг сиёсатига мувофиқлаштирилган бўлса ҳам, унда маҳаллий хабарлар, ўлкадаги шоирлар, босилиб чиқаётган китоблар ҳақидаги мақолалар ҳам бостириларди. Бундай мақолалар "Туркистон вилояти газети" саҳифаларида кўринарди. Худди ана шу рўзнома саҳифаларида Зокиржон Фурқат ҳам ўз асарлари билан қатнашганди.

Бундан ташқари XX асрнинг бошларида турли хилдаги қатор ойномалар ("Ойна", "Ал-Ислоҳ") чиқа бошлади. Буларнинг саҳифаларида ҳам адабиётга доир ҳар хил савиядаги мақолалар босилар, баҳс ва мунозаралар ташкил этиларди.

Шундай қилиб, адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашларни ифода этувчи жанрларни кўздан кечириш шундан далолат берадики, адабиёт, шеър ва шоирликнинг турли масалалари давр тақозоси билан ҳар хил шаклларда ўз ифодасини топа борди. Тўғри, маълум адабий замин ва шароитда майдонга келган бундай жанрлар ўзгаришсиз қолмади, албатта. Ҳар бир давр уларга ўз муҳрини босди, такомиллаштирди ва ёки янгисини майдонга келтирди.

Мана шу ҳолнинг ўзи ҳам бир ҳақиқатни тасдиқлайди, яъни ўтмишда адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашлар ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтиб, бадиий адабиётнинг ривожига ҳисса қўшиб келди.

МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ўтмиш адабий танқиди ва адабиётшунослигининг ифодаланиш "жанр"лари ва уларнинг хусусиятлари тўғрисида сўзланг.
2. Тазкира, унинг хусусиятлари ва тараққиётини қандай тасаввур этасиз?
3. Ўтмиш адабиётшунослигининг қоришиқлиги нимадан иборат?

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Алишер Навоий шеърияти ва достонларидан фахрияни ажратиб, таҳлил қилинг, айримларини ёдланг.

2. Хондамир "Макорим ул-ахлоқ"ини ўқиб, унда Навоий асарларига берилган баҳоларни кўчириб олинг ва уларга ўз муносабатингизни билдиринг.

3. Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро"сидаги XV аср шоирларига доир маълумотларни мутолаа қилиб, тегишли жойларини ёзиб олинг.

ЗАРУРИЙ АДАБИЁТЛАР:

а) Манбалар:

1. *Абу Мансур ас-Саолибий.* Йатимат-ад-даҳр. ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1976.

2. *Давлатшоҳ Самарқандий.* Шоирлар бўстони ("Тазкират уш-шуаро"дан). Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1981.

3. Алишер Навоий "Бадоеъ ул-бидоя" дебочаси. Қаранг: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами, Биринчи том, ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1987, 11—25-бетлар.

4. *Алишер Навоий.* "Хазойин ул-маоний" дебочаси. Алишер Навоий Мукаммал асарлар тўплами, Учинчи том, ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1988, 9—22-бетлар.

5. *Алишер Навоий.* Хамсат ул-мутаҳайирин. Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Қаранг: Алишер Навоий. Асарлар, 15 томлик, 14-том. Тошкент, 1967, 5—102-бетлар.

6. *Хондамир.* Макорим ул-ахлоқ. Тошкент, 1967.

б) Илмий асарлар:

1. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1977—80 (II том, 357—397-бетлар; III том, 7—12, 142—151 бетлар; IV том, 10—23-бетлар).

2. *М. Шайхзода.* Тазкирачилик тарихидан. Қаранг: М. Шайхзода. Асарлар, олти томлик, 4-том, Тошкент, 1972, 295—346-бетлар.

3. *Н. Маллаев.* XV аср тазкираларининг тарихий-адабий аҳамияти. Қаранг: "Ўзбек адабиёти масалалари". Адабий-танқидий мақолалар тўплами, ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1959, 255—291-бетлар.

4. *А. Ҳайитметов.* Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1959, 15—39-бетлар.

5. *Б. Валихўжаев.* Ўтмишдаги ўзбек адабий танқидчилигининг баъзи бир хусусиятларига доир. ЎзДУ Асарлари, янги серия № 63, Самарқанд, 1956, 261—278-бетлар; яна шу муаллиф: XV—XIX асрлар ўзбек адабий-танқидий қарашлари тарихидан. СамДУ Асарлари, янги серия, № 138, Самарқанд, 1966, 16—38-бетлар.

ИЛК ҚАДАМЛАР

Адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашларнинг шаклланиши ва тараққиёт босқичларини белгилашда баъзи ўзига хосликлар кўзга ташланади. Бу ўзига хослик шундан иборатки, адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашларнинг тараққиётини даврлаштиришда, бир томондан, ижтимоий-сиёсий шароит, иккинчи томондан, адабий ҳаёт назарда тутилса, учинчидан, адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашларнинг ифодаланиш ҳолати ҳам ҳисобга олинади. Шунинг натижасида адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашларни даврлаштириш адабиёт тарихини даврлаштириш билан бир хил, айнан бўлиб чиқмайди. Шунинг туфайли адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашларнинг ифодаланиш ҳолати ва бу соҳада бизгача етиб келган маълумотларни назарда тутган ҳолда уни қуйидагича даврлаштириш мақсадга мувофиқдир:

1. Илк қадамлар — бу давр ўзбек адабиётшунослиги ва адабий-танқидий қарашларининг шаклланиш босқичи, яъни XI асргача бўлган даврни қамраб олади. Бунда адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашларни ифода этувчи жанрлар ҳам, у баён этган мазмун ҳам ҳали етарлича ва тўлиқ эмас эди. Мазкур даврда шеър ва шоирлик ҳақидаги мулоҳазалар асосан умумий тарзда баён этилар ва кўпинча қоришиқ ҳолда ифодаланарди.

2. Тараққиёт зиналари — мазкур давр ўзбек адабиётшунослиги ва адабий-танқидий қарашларининг шакл ва мазмун жиҳатидан такомиллашган даврини, яъни XV асрни қамраб олади. Бу даврда адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашлар ҳам адабиёт тарихи, ҳам назарияси соҳасида мулоҳазаларни ифода этиш билан бирга ўша замондаги адабий жараённинг айрим масалалари ва намояндаларининг ижоди тўғрисида фикр юритди, ўтмиш адабиёти вакиллари ижодига доир кузатиш натижаларини (умуман ва маълум асарлар юзасидан ҳам) баён этди. Агар биринчи босқичда бадиий адабиёт ва унинг вакиллари ҳақида умумий тарзда фикр юритиш асосий ўринни эгаллаган бўлса, иккинчи босқич, яъни тараққиёт даврида муайянлик асосида умумлаштиришга ўтиш кўзга ташланиб туради.

3. Анъана ва янгилик — шартли равишда шундай номланган давр XVI ва XX асрларни ўз ичига қамраб олади. Мазкур давр тараққиёт зиналари деб аталмиш босқичда баён қилинган адабий-танқидий қарашларга содиқ қолиб, уларни қўллаб-қувватлаши билан бирга шеър ва шоирликка доир ҳар бир масала бўйича янги фикру мулоҳазаларни ҳам баён этди. Бу давр XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ва адабий-маданий ҳаётдаги ўзгаришларни ҳам назарда тутади. Шундай қилиб, адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашлар тараққиёти тарихини ҳозирги кунда ана шу уч катта даврга бўлиб ўрганиш маъқул.

Тўғри, ҳозирги замон адабиётшунослигининг жаҳон адабиёти тарихини, жумладан адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашлар тарихини ўрганиш соҳасидаги тажрибалари ва янги-янги назарий мулоҳазалари ҳисобга олинса, унда юқорида тавсия этилган даврлаштириш бу талабларни назарда тутган ҳолда амалга оширилгани аниқланади, ҳар бир давр адабий-танқидий қарашлари тўғрисида сўз юритилганда уларнинг қардош халқларнинг шундай ақидалари билан ҳамоҳанг ва яқинлиги уқтирилади. Албатта, адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашларнинг шаклланиши ва тараққиёти хусусиятларини яхлит тарзда, мил-лийлик ва байналмилалчилик масаласи асосида ёритиш ниҳоят мушкил ва каттагина илмий жамоанинг узоқ йиллар давомида олиб бориладиган тадқиқотининг натижаси сифатида майдонга келиши мумкин. Шундай бўлса-да, ана шу соҳада илк қадамларни қўймоқчимиз.

Адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашлар тараққиётининг биринчи даври шартли равишда илк қадамлар номи билан аталди.

IX—XI асрларда Шарқ мамлакатларида умумжаҳон адабий жараёни учун муштарак бўлмиш Уйғониш даври бошланиб, у турли соҳаларда ўзини намоён этаётган эди[1]. Бу даврда фалсафа, ахлоқ, адабиёт ва санъатда инсоннинг ўзини кашф этиши асосий масалалардан бир эди. Инсон ва унинг улуғворлиги, маънавий ва жисмоний камолоти кенг дунёқарашли мутафаккирлар, шоир ва адиблар томонидан ҳар тарафлама талқин этилди.

Шу давр мутафаккирларининг қомусий билимга эга бўлишлари, туркий ва форсий тилли халқларнинг бой маданияти тарихидан чуқур хабардор бўлиш билан қаноатланмай араб, ҳинд, юнон халқлари фалсафаси, маданияти, адабиёти ва адабиётш

[1] *Н. И. Конрад.* Запад и Восток. Москва, 1972; М. Хайруллаев. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. "Ўзбекистон" нашриёти, Тошкент, 1971; *И. С. Брагинский.* Проблемы востоковедения. Изд. "Наука", Москва, 1974.

ослигидан баҳраманд бўлишлари, шундай қилиб, Шарқ ва Ғарб
ъаналарини бирлаштиришга уринишларининг ўзи ҳам инсон
ли ва заковати улуғворлигининг ёрқин намунаси сифатида
ққатга сазовордир.

Шунинг натижасида мазкур давр мутафаккирлари асарларида адабиёт, санъат, шеър ва шоирлик ҳақидаги мулоҳазалар м ўз ифодасини топди. Бу даврда адабий-танқидий қарашлар осан бавосита гуруҳга мансуб "жанр"ларда ифода этилди. Бу ихатдан Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али н Сино, Маҳмуд Қошғарий кабиларнинг хизматларини алоида қайд қилиш лозим. Агар бу даврда яшаган Абу Абдулла дакий, Шаҳиди Балхий, Абу Шакур Балхий, Абулқосим ирдавсий, Юсуф Хос Ҳожиб каби улуғ шоирлар асарларида еъру шоирлик тўғрисидаги мулоҳазалар ҳисобга олинса, унда шқа фанларнинг тараққиёти билан бирга бадиий адабиёт қидаги қарашларнинг ҳам ўзига хос шаклда ифода этилгани зга ташланади.

Эслатилган даврда адабий-танқидий қарашлар бирданига майнга келмай, балки ундан олдинги даврларда, жумладан исломча бўлган даврдаги адабиёт ва шеър ҳақидаги тушунчаларнинг нуний давоми сифатида юзага келган. Шуни ҳам эслатиш зимки, қадимги замон ёдномаларидан кўпчилиги бизгача етиб лмаган ва шунинг туфайли ўрганилаётган мавзуга доир ақидар ҳам номаълум бўлиб қолмоқда. Аммо IX—XI асрларда яшаб код этган ва адабий меросидан айримлари етиб келган шоирнинг асарларида бу соҳада баён этилган фикрлар диққатга зовордир. Чунки улар исломгача бўлган даврда шеър ва оирлик ҳақида баён этилган мулоҳазаларни (бизгача етиб лмаган манбалар асосида) ҳисобга олинган ҳолда майдонга лгани ҳақиқатдан узоқ эмас. Жумладан, IX—X асрларда яшаб код этган Абу Шакур Балхийнинг бизгача етиб келган мероси ида бу масалага доир қарашлар ҳам мавжуд. Масалан, Абу акур Балхий маънонинг ёрқин ва тўғри ифодаланишини бадиий зининг фазилати деб билади (Сўз ёқут каби мусаффо, гўзал ва ймматбаҳо бўлмоғи керак). Бундай фазилат эса Абу Шакур алхийнинг тушунишича, шоирнинг билимдонлигига боғлиқдир. емак, Абу Шакур Балхий донишмандликка тарғиб этувчи шеър рафдори ва у шеър орқали дунёни билиш мумкинлиги ғоясини тага ташлайди. Агар бу мўъжаз фикрлар кенгайтирилса, унда ърий сўзнинг вазифаси тўғрисида фикр юритилаётгани аниқнади. Бундай ақида ўша даврда яшаган Шаҳид Балхий ерларида ҳам учрайди. Унинг тушунишича, шеър юқоридаги азилатлар билан бирга фалсафий теранликка ҳам эга бўлмоғи рак.

Шундай қилиб, Шаҳид Балхий бадиий сўзда фалсафийлик, донишмандликни кўради, унинг муаллифида эса ростлик, тўғрилик фазилатлари бўлмоғини хоҳлайди.

Абу Абдулла Рўдакий ҳам ўз асарларида шеър ва шоир тўғрисида фикрлар баён этган. Унинг бизгача сақланган байт рида шеър яратиш жараёни, яъни шоирнинг яхши асар ёзиш ижодий меҳнати борасида айрим фикрлар мавжуд. Жумладан, шундай ёзади:

К-аз шоирон наванд манаму навгувора,
Як байт парниён кунам аз санги хора.

Рўдакийнинг ёзишича, тошйўнар оғир меҳнат билан то сайқал берган каби шоир ҳам бир байтни ана шундай ижо изланиш ва машаққат туфайли майдонга келтиради.

XI асрнинг машҳур муаллифларидан бири Юсуф Хос Ҳо ҳам ўзининг "Қутадғу билиг" номли асарида шоирлар тўғри мулоҳаза қилиб[1], бадиий сўзнинг ижтимоий ҳаётда ва киши ҳаётидаги мавқеидан баҳс юритди. Шуниси диққатга сазовор Юсуф Хос Ҳожиб шоирларнинг ўша муҳитда эгаллаган мавқе анча дадиллик билан кўрсатади, улар яратган асарларнинг те тарқалишини уқтиради:

Басо келди шоир бу сўз тергучи,
Киши ўггучилар[2] йема йергучи[3].
Қиличда йетиграк[4] буларнинг тили,
Яна қилди йинчка бу хотир йўли.
Татиғ йинчка сўзлар уқайин[5] теса,
Булардин эшит сўз ўқулғай[6] баса[7].

Шунинг билан бир қаторда, Юсуф Хос Ҳожиб ҳам сўз тўғри ва рост битиш, сўз айтувчининг билимли бўлиши, сўзни эса эзгуликдан баҳс этиши, яхши бўлиши кераклиги к фикрларни баён этади.

---

[1] *Юсуф Хос Ҳожиб.* Қутадғу билиг. ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1 656—658-бетлар.

[2] Ўггучи — мақтовчи.

[3] Йергучи — сўкувчи

[4] Йетикрак — ўткирроқ

[5] Уқайин — фаҳмлайман, тушунаман

[6] Уқулғай — тушунилади.

[7] Ўша асар, 656-бет.

Юсуф Хос Ҳожибнинг:

Улугдин тирикка қумару сўз ул,
Қумару сўзи тутса асғи йуз ул,— (100-бет)

яъни: ўлганлардан тирикларга мерос сўздир, мерос сўзи, яъни оталар сўзини тутилса, нафъи юз-юздир, мазмунидаги мулоҳазалари, бир томондан, меросни авайлаш ва қадрлаш нуқтаи назаридан диққатга сазовор бўлса, иккинчи томондан, бу мероснинг сўз воситасида, яъни ёзма сўз, адабий мерос ва бошқалар воситасида авлоддан-авлодга ўтиб келишига ҳам ишорадир. Бу фикрни Юсуф Хос Ҳожибнинг "Китоб эгаси ўзига узр айтади" бобида:

Тилагим сўз эрди, эй, билга бугу,
Кедин келдачика ўзим сўзлагу,— (90-бет)

(яъни: тилагим сўз эди, эй билағон доно, кейин келувчи(лар) учун ўзим айтадиган (сўзлар эди), деб ёзгани ҳам масалага аниқлик киритади).

Юқорида қатра-қатра баён этилган фикру мулоҳазалар умумлаштирилса, унда бадиий сўз, унинг қонун-қоидалари, фазилати ва вазифасига доир қарашлар тўғрисида маълум бир тушунча майдонга келади. Аммо бундай тушунчалар шеърий асарлардагина эмас, балки турли илмларга бағишланган китобларда ҳам ифода этилди. Ана шу жиҳатдан Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Қошғарийларнинг турли хилдаги асарларда баён этган мулоҳазалари қизиқарлидир.

Абу Наср Форобий (873—950) ўз замонасининг машҳур қомусий олимларидан бўлиб, илмнинг турли соҳаларини мукаммал билган, уларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган мутафаккирлардандир.

Форобий ўз асарларида адабиёт ва бадиий ижод ҳақидаги фикру мулоҳазаларини ҳам баён этди. Форобийнинг адабий-танқидий ва бадиий қарашлари махсус ўрганилмаган бўлса-да, кейинги йилларда бу борада айрим мақолалар нашр эттирилиб[1], унинг баъзи асарлари кенг жамоатчиликка манзур бўлди[2].

Форобийнинг турли асарларида баён қилинган фикрлари умумлаштирилганда шу нарса маълум бўладики, улуғ мутафаккир

---

[1] *Р. Ҳодизода.* Ақидаҳои эстетикии Форобй. *Садои Шарқ*, журн., 1975, 9-сон, 137—145-бетлар; *А. Ирисов.* Аристотель поэтикаси ва унинг Шарқдаги издошлари. Қаранг: *Аристотель.* Поэтика. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1980, 124—128-бетлар.

[2] *Абу Наср Форобий.* Шоирлар санъати қонунлари ҳақида рисола. Ўзбек тили ва адабиёти, 1976, 3-сон, 57—64-бетлар; яна: *Аристотель.* Поэтика. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1980, 63—74-бетлар.

бадиий ижоднинг ҳар хил масалалари бўйича ўз дунёқараши ва замонаси имкониятлари доирасида сўз юритган. Шуниси диққатга сазоворки, Форобий бу соҳада мулоҳаза юритганда юнон олимлари, хусусан Аристотелнинг "Поэтика" номли асаридан ижодий озиқланиб, Шарқ шеъриятшунослигига юнон шеършунослиги қонун-қоидалари унсурларини олиб киришга сабабчи бўлган. Шуниси ҳам борки, Форобий ўз замонасидаги адабий муҳит далиллари асосида фикр юритади. Форобийнинг қуйидагича ёзганлари фикримизни тасдиқлай олади:

"Ҳаким Аристотель ўзининг шундай фазилати ва даҳоси билан тугатиб қўйишга жазм қилолмаган бир ишни биз ниҳоясига етказишга интилишимиздан кўра, бу санъатда фойда берадиган ва ҳозирги замонда учрайдиган қонун-қоидалар, мисол ва мулоҳазалар келтириш билан чеклансак яхшироқ бўлади"[1].

Кўринадики, Форобий юнон олимлари, жумладан Аристотель "Поэтика"сидан қанчалик илҳомланмасин, уларга шарҳлар ёзмасин, бари-бир юнон олимлари фикрларини айнан такрорламайди, балки уларни Шарқ халқлари бадиий ва илмий тафаккури билан бойитади. Шу жиҳатдан Форобийнинг "Ҳаким Аристотель ўзининг "Шеър санъати" у ёқда турсин, ҳатто софистика ҳақидаги мулоҳазаларини ҳам мукаммал баён қилиб улгурмаган эди"[2]— деб ёзиши ниҳоятда муҳим. Чунки юнон олимлари асарлари, жумладан, Аристотель "Поэтика"сининг камолга етмаганлигини англай олган муаллифнинг билим даражаси ҳам, унинг ўз асарлари олдига қўйган юксак талаблари ҳам ойдинлашади. Бу ҳолни Форобийнинг адабий-танқидий қарашларида ҳам кузатиш мумкин.

Форобий "Буюк кишиларнинг нақлларидан" асарининг 52-бобида шеър санъати ҳақида алоҳида тўхталиб, шундай ёзади: "Бу санъат бирор мақсадни амалга ошираётган пайтда йўлдан чиқиб кетмасликка ёрдам берувчи ва инсон хаёлини қоғозда намоён этувчи санъатдир. Шеърнинг олти хили бор. Шундан учтаси яхши ва учтаси ёмон хилдир. Яхшиларидан бири шуки, унинг ёрдамида инсон ақлий қувватини мукаммаллаштиради, саодатга олиб борувчи фикри ойдинлашади, яхши ишларга, фазилатли бўлишга илҳомланади, хасислик, ёмон ва қабиҳ ишлардан сақланади. Иккинчи яхши хили кишининг руҳий сезгиларини юксалтиради, ҳаддан ташқари эҳтиёткорликдан холи қилади, иззат-нафсни сақлайди, ғазабланишдан, ёмон ишлардан эҳтиёт қилишга ёрдам

[1] *Абу Наср Форобий.* Шоирлар санъати қонунлари ҳақида. Қаранг.: *Аристотель.* Поэтика, Т., 1980, 63—64-бетлар.

[2] *Абу Наср Форобий.* Шоирлар санъати қонунлари ҳақида. Қаранг: *Аристотель.* Поэтика, Т., 1980, 63-бет.

ради. Учинчиси кишини заифликдан сақлайди, кишининг нафси, ҳирсини тияди, ғамдан халос қилади, ёмонлик олдида ана у юқорида қайд қилинган яхши хислатларни намоён этишга дам беради"[1].

Бунда муаллиф шеърнинг вазифаси, инсонлар ҳаётида тутган авқеидан баҳс этади. Форобийнинг фалсафий ва ижтимоий арашларида фазилатли комил инсон ва унинг бахту саодати ақидаги қарашлар асосий ўринни эгаллагани каби унинг дний ижод ҳақидаги тушунчалари ҳам ана шу фалсафий минга асосланади. Шунинг учун Форобий бадиий ижодни нсоннинг фазилатли — комил бўлиши учун хизмат қиладиган ситалардан бири деб тушунади. Демак, сўз бадиий ижоднинг рбиявий мавқеи, фазилатли — комил инсонни шакллантиришаги аҳамияти устида боради. Шундай экан, адабий-танқидий арашлар IX—X асрлардаги бадиий ижоднинг муҳим муамморидан баҳс этиб, унинг ижтимоий масъулияти тўғрисида улоҳаза юритгани кўзга ташланади. Форобий ўзининг турли сарларида муҳим масалалар устида фикр юритар экан, уларни адиий ижодга ҳам маълум даражада дахлдор деб билиш умкин. Жумладан, у "Бахт-саодатга эришув ҳақида" номли исоласида тасаввур эттириш ва ишонтириш усуллари тўғрисида апириб: "бу усул кўпчилик омма ва турли халқларга таълим ериш йўлидир"[2],— деб уқтиради. Агар биз Форобий асарларида адиий ижодга тарбия воситаларидан бири сифатида қаралганини эсласак, унда мазкур фикрнинг шеъриятга ҳам алоқадорлигини биламиз. Бас шундай экан, гап тасвир услуби ҳақида оражаги аниқланади. Бадиий ижодда ҳам ишонтириш ва асаввур эттиришнинг ўзига хос йўллари мавжудлиги равшанашади. Форобий бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари, нинг ҳаётни акс эттириш воситаси ҳақида тўхталиб, шундай зади: "шеър санъатини безайдирган нарсалар сўз-мулоҳазалар ўлса, рассомлар санъатини безайдиган нарса — бўёқлар санаади. Буларнинг иккови ўртасида фарқ бор, аммо иккаласи ам феълда бир-бирига ўхшаш, иккаласи ҳам одамлар тасаввури а сезгиларида бир мақсадга — тақлид қилишга йўналган ўлади"[3].

Форобий бадиий ижодни ҳаётга тақлид қилувчи деб тушунади. ундай тушунча инъикос эттириш, ҳаётга ўхшашлик масаласи илан, иккинчи хил қилиб айтганда, ҳаёт ҳодиса-воқеаларини

[1] *Форобий.* ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1975, 112—113-бетлар.

[2] *Форобий.* Рисолалар, 82-бет.

[3] *Абу Наср Форобий.* Шоирлар санъати қонунлари ҳақида. Қаранг: *Аристотель.* Поэтика. Тошкент, 1980, 73-бет.

тўғри ва рост тасвирлаш билан чамбарчас боғлидир. А
Форобийнинг юнон олимлари, жумладан Аристотель асарлари
илҳомланганлиги назарда тутилса, унда мазкур масалани
қилишда Форобий машҳур биринчи муаллим — Аристотель м
қеида тургани аниқланади. Чунки Аристотель ҳам ўз "Поэ
ка"сида шеъриятни ҳаётни бадиий инъикос этувчи тақлид сиф
тида талқин этган эди[1].

Форобий ўз фикрини давом эттириб, "тамсил... кўпинча ш
санъатида ишлатилади, бундан аён бўлишича, шеърий мулоҳ
бу тамсил-аналогияга киради"[2]— деб уқтиради. Шундан кел
чиққан ҳолда Форобий шеъриятда ростгўйлик ва тахайюл-
мантика масалаларидан баҳс этиб, "шеърий сўзлар ғайри воқе
нарсаларни бизнинг тасаввуримизга воқеий тарзда намоён эт
ради"[3],— деб ҳам ёзади. Кўринадики, Форобий бадиий ижоди
кўпгина муҳим масалалари устида мулоҳаза юритиб, шоир
шеър олдига қўйиладиган талабларни баён этади. Бу ўри
Форобийнинг "Шоирлар санъати қонунлари ҳақида" рисоласи
шеър ва унинг хусусиятларига доир мулоҳазаларини эслат
мақсадга мувофиқдир. Чунки унда Форобий шоирлардаги қо
лият, уларнинг бирор бир жанрга майл кўрсатиши, асарлари
ғоя ва мазмун масалалари, ташбеҳ — ўхшатишнинг турла
шоирларнинг ундан фойдаланишдаги маҳорати тўғрисида ҳам
юритади. Диққатга лойиқ томони шундаки, муаллиф бади
тасвирнинг "тақлидий"— ҳаққоний (реалистик) бўлишини тар
қилиш билан бирга шоирнинг муболағани ишлатиши мумкин
гини ҳам уқтиради: "уста шоир бир-биридан узоқ бўлган ик
нарсани, мулоҳазаларни орттириш билан бир-бирига мувофиқ
қилиб кўрсата олади".

Тўғри, бу фикрлар адабий асар таҳлили ёки маълум бир да
адабий муҳити умумлашмаси жараёнида айтилган эмас. Шунд
бўлса-да, замонасидаги бадиий жараён хусусидаги кузатишларни
назарий хулосаси бўлмиш мазкур мулоҳазалар ҳар жиҳатда
диққатга сазовордир. Бунинг устига Форобийнинг шеър қону
қоидалари, Аристотель "Поэтика"сига ёзган шарҳи, трагед
дифирамб, комедия, драма, сатира, поэма, эпос ва бошқал
тўғрисида ҳам фикр билдиргани эътиборга олинса, унда Фор

[1] *Аристотель.* Поэтика "Academia" Ленинград, 1927, стр. 41, 77; ўзбек таржимаси: *Аристотель.* Поэтика. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Тошкент, 1980.

[2] *Форобий.* Шоирлар санъати қонунлари ҳақида. Қаранг: *Аристотель.* Поэтика, Тошкент, 1980, 65-бет.

[3] *Форобий.* Эҳсо ул-улум. Теҳрон, 1934, 66—67-бетлар; Кўчирма Р. Ҳо зоданинг эслатилган мақоласидан олинди.: "Садои Шарқ", 1975, 9-сон, 141-бе

нийнинг адабиётшунослиқдаги хизматлари намоён бўлаверади. фсуски, Форобий IX—X асрларда Ўрта Осиё халқлари адабиёти, нинг намояндалари ижодида мавжуд бўлган жанрлар ва уларнинг усусиятлари ҳақида батафсил тўхталмаган. Шунга қарамай обий адабиётшунослик равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини ўшди.

Адабиёт ва шеър тўғрисидаги фикрлар Абу Али ибн Синонинг 980—1037) асарларида ("Нажот", "Рисолаи ишқ", "Рисолаи ман-иқ") ҳам баён этилди. Бундай фикрлар, хусусан унинг "Китоб ш-шифо"сидаги мантиқ илмига доир қисмнинг "Шеър санъати" деб талмиш ва шеъриятга доир бобларида ҳамда "Ҳикмати аруз" исоласида ўзининг ёркин ифодасини топган[1]. Бу бобларда Абу Али бн Сино юнон олими Аристотелнинг "Поэтика"сини шарҳлайди. унда муаллиф Абу Наср Форобий каби шеъриятдаги тасвир услуби, ахайюл ва ростлик-реаллик ҳақида, шеърнинг вазифаси тўғрисида ўз юритади. Шуниси диққатга сазоворки, ибн Сино ҳам Ғарб адабиётшунослиги илми масалаларини Шарқ билан боғлайди ва Абу аср Форобий бошлаган ишни қўллаб-қувватлайди.

Бундай ҳолни шу даврнинг бошқа қомусий олими Абу Райҳон еруний (973—1048) илмий фаолиятида ҳам учратиш мумкин. бу Райҳон Берунийнинг жаҳон илми тараққиётидаги мавқеи урли соҳа мутахассислари томонидан кенг ва батафсил ёритил-ан. Аммо улкан олимнинг адабиёт ва адабиётшунослик соҳа-идаги хизматларини ёритиш ўзининг текширувчисини кутар эди. на шу масъулиятли ва шарафли вазифани бажаришга таниқли олим А. Қаюмов бел боғлаб, Абу Райҳон Беруний туғилганига 000 йил тўлиши муносабати билан ўзининг "Беруний ва адабиёт" омли рисоласини нашр эттирди[2]. Бунда Берунийнинг турли асарларида ҳинд, юнон, араб адабиёти ва халқ оғзаки ижоди ўғрисида баён этган қарашлари синчиклаб текширилган.

Абу Райҳон Берунийнинг адабиёт масалаларига доир қараш-ари, бир томондан, "Фазл аҳлининг шеърларда айтилган фикр-арини баён қилиш китоби", "Танланган асарлар ва шеърлар итоби" каби адабиётга бағишланган махсус асарларида баён илинган бўлса (афсуски, бу асарларнинг ўзи ҳали тадқиқотчи-арга маълум бўлган эмас)[3], иккинчи томондан, фаннинг бошқа

[1] *Ибн Сино.* Фанни шеър... Қаранг: Фанни шеър. Душанбе, "Ирфон", 985, 407-бетлар. Яна: Абу Али ибн Сино. Осори мунтахаб, иборат аз 10 чилд, II, Душанбе, "Ирфон", 1980, 242—246-бетлар.

[2] *А. Қаюмов.* Беруний ва адабиёт. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат ашриёти, Тошкент, 1974.

[3] *П. Г. Булгаков.* Жизнь и труды Беруни. Изд.. "Фан" УзССР, Ташкент, 1972, гр. 310, 312.

соҳаларидан баҳс этувчи асарларида, жумладан "Ҳиндуст
"Маъданшунослик", "Китоб ус-сайдана" кабиларда ҳам шеър
шоирлик ҳақидаги фикрлари баён этилган.

Берунийнинг бизгача етиб келган асарларида шеър ва шоир
ҳақида ёзганларидан маълумки, у мазкур масалага жуда ма
лият билан ёндашган олимлардандир. Шу нарса диққатга с
ворки, юнон, араб, ҳинд, туркий ва форсий тилларни мукам
билган Беруний шу тилларда яратилган илмий ва бад
адабиётлардан бевосита фойдаланибгина қолмай, балки ўз
қиқотларида уларнинг ҳар бирини жой-жойида ишлата бил

Беруний ўз замонасида юнон, ҳинд, форс-тожик ҳамда ту
халқлар оғзаки ижодию ёзма адабиёти масалаларига алоҳ
эътибор билан қараган муаллифлардандир.

Беруний шеъриятнинг мазмуни ва шакли масаласига диққ
жалб этиб, ҳинд шеъриятидаги вазнни араб шеъриятидаги а
билан чоғиштиради, улардаги умумият ва фарқиятга эътиб
қилади, иккинчи томондан, юнон адабиётидаги афсоналар (Зе
Ромул, Искандар), ҳинд халқи ривоятлари (Васудова ва Шин
нола) ҳамда машҳур "Калила ва Димна" тўғрисида сўз юрита
учинчидан эса араб шоирлари ҳақида сўзлайди, шеърла
таҳлил этади. Бу ўринда Берунийнинг "Маъданшунослик"
"Китоб ус-сайдана"да маъданлар ва доривор ўсимликлар ҳақи
фикрларни тасдиқлаш учун келтирган арабча шеърий мисра
нинг таҳлили ниҳоятда диққатга сазовордир. Бунда Беру
шеърда ташбеҳларнинг ҳаққонийлиги ва ҳаётийлиги масала
алоҳида эътибор қилиб, ҳаққонийликдан маҳрум бўлган шеъ
мисраларни танқид қилади. Бу ҳақда адабиётшунос А. Қаюм
нинг кузатишларидан қуйидаги фикрларни келтирмоқчимиз:

"Беруний Абу-т-Тиҳон деган шоирнинг шеърини келтир
ундаги ноаниқликни танқид қилади. У шеър бундай эди:

Уларнинг асилзодалиги, уларнинг чеҳраси шундай
нур таратадики,
Тун қоронғулигини ёритди, ониксни ташувчи уни
ипга терса мумкин бўлади.

Берунийнинг фикрича, бу шеър асосида оникс оқ ва қ
чизиқларга эга деган тасаввур туғилади. Шу туфайли ундаги
чизиқлар ва кундуз равшанлиги бирлашиб, уни кўриб бу
майдиган қилиб қўядилар. Бундан шундай хулоса қилиш му
кинки, ониксни кундузи ҳам, кечаси ҳам кўриб бўлмайд
Ваҳоланки, уни одатда кундуз куни топадилар. Демак, бу шеър
ҳеч қандай маъно ва ҳеч қандай фойда йўқ"[1].

[1] *А. Қаюмов.* Беруний ва адабиёт, 104—105-бетлар.

Бунга ўхшаш мисолларни кўздан кечириш шундан далолат
беради, Беруний шеърнинг мазмунини ҳаётий воқеа ва ҳо-
дисалар ташкил этмоғи керак деган тушунчани олға сурган.
Демак, у шеъриятнинг ҳаётийлигини тарғиб этган. Худди шундан
келиб чиқиб, шеърни ҳаётни ўрганиш воситаси деб билган.
Шунинг учун ҳам Беруний "Маъданшунослик" ва "Китоб ус-сай-
дана"да бирор маъдан ёки ўсимликнинг хусусиятини белгилашда
турли шоирларнинг шеърларидан фойдаланади. Жумладан, "Китоб
ус-Сайдана"да кулкула деган ўсимлик ҳақида сўз юритиб, у
қуриб қолгач, бир хил оҳанг-товуш чиқаришини ёзади. Бу садо,
ўз навбатида, аёллар тақинчоқларининг силкигандаги овозига
ўхшар эмишки, бу маъно шоир ан-Набиғанинг қуйидаги мисра-
ларида ўз аксини топган экан:

Унинг чўчиб қочаётганида тақинчоқларидан чиққан овоз,
Қуриган кулкуланинг шамолдан тебраниб шилдирашига
ўхшайди[1].

Шундай қилиб, Беруний ўзининг турли асарларида шеър ва
шоирлик ҳақида диққатга сазовор фикрларни олға сурди. Бе-
рунийнинг катта хизматларидан бири шундаки, у ҳам Абу наср
Форобий ва Абу Али ибн Сино сингари Шарқ ва Ғарб адаби-
ётлари ва адабиётшунослиги анъаналарини бир-бирига яқинлаш-
тиришга интилди, бундай текширишлар доирасини кенгайтириб,
ҳинд ҳалқи адабиёти ва адабиётшунослиги далиллари билан ўз
хулосаларини бойитди.

Агар Беруний ўз асарларида ҳинд, юнон ҳамда Ўрта Осиё
халқлари оғзаки ижоди масаласига эътибор қилиб, бу соҳада
ажойиб натижаларга эришган бўлса, шу даврда яшаб, илмий
фаолият кўрсатган Маҳмуд Қошғарий ҳам бу соҳада анча
хизматларни амалга оширди. Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони
луғотит турк"и ўз асринингтина эмас, балки кейинги даврларнинг
ҳам нодир асарларидандир. Бу асарда муаллиф, бир томондан XI
асргача ва шу асрда мавжуд бўлган туркий халқлар оғзаки ижоди
намуналарини жамлаб, гўзал бир хазинани яратган бўлса, ик-
кинчидан, ўша даврдаги ёзма адабиёт намуналарини ҳам ўз
асарига киритиб, уларнинг бизгача етиб келишига сабабчи бўлди.
Тўғри, бу мисол ва намуналар сўзларнинг изоҳи учун келтирил-
ган. Агар улар тўпланса, XI аср туркий халқлар шеъриятининг
гўзал бир баёзи майдонга келади[2].

[1] *А. Қаюмов.* Беруний ва адабиёт, 125-бет.

[2] Бу ишни олима *И. В. Стеблева* ўзининг "Развитие тюркских поэтических форм в XI веке" (Изд. "Наука", ГРВЛ, Москва, 1971, стр. 111—279) асарида бажариб, уларнинг рус тилидаги таржимасини ҳам келтирган.

Бу ҳодиса Маҳмуд Қошғарийнинг фақат тилшунос олим эмас балки моҳир адабиётшунос эканидан ҳам далолат беради. Унинг сўзлар изоҳи учун шеърий парчаларнинг танлай олгани ҳам шу даъвони яна бир карра тасдиқлайди. Шунинг билан бир қатор "Девони луғотит турк"да XI асргача мавжуд бўлган адабий жанрлар тўғрисида маълумотлар ҳам борки, улар диққатга сазовордир. Чунки адабий жанрларнинг Маҳмуд Қошғарий қўллаган қилган атамалари араб-форс адабиётшунослиги атамаларидан фарқ қилади. "Девони луғотит турк"даги адабиётшунослик атамаларини икки гуруҳга бўлиш мумкин: бири — насрий асарларга тегишли бўлса, иккинчиси эса шеърий асарларга нисбатан қўлланилган кўринади.

Биринчи гуруҳга мансуб атамалардан "Этук", "Откўнч" ва "сов"ларни кўрсатиш мумкин:

"Этук-ҳикоя, эртак; бирор мақсадни шоҳга билдириш, ҳикоя қилиш учун ҳам бу сўз қўлланади. Асли бир нарсани ҳикоя қилишдан олинган"[1].

Худди шу тарзда "Откунч" атамаси ҳам изоҳланган: "откунч — ҳикоя, "откунч", "откунди — ҳикоя айтди" (1, 175). Кўринадики, Маҳмуд Қошғарий ҳозирда ҳикоя ва эртак тарзида кенг қўлланадиган адабий жанрларни тарихий халқлар адабиётидаги бошқача номини келтирган. Буларнинг изоҳидан маълумки, иккови ҳам ҳикоя қилиш услубида ёзилган асарларни англатади. Бас шундай экан, халқ оғзаки ижодида насрий тарздаги эртаклар ҳам, кейинчалик ёзма адабиётдаги насрий ҳикоя ҳам "этук" ва "откунч" номлари билан аталган кўринади. Эҳтимол, буларда бири "откунч" ўтмишда содир бўлган воқеаларнинг насрий баёни учун қўлланилган кичик жанр бўлса, иккинчиси — этук маълум даражада яқин ўтмиш ва ҳозирги замонда содир бўлаётган воқеаларнинг насрий баёнига бағишланган кичик адабий жанр бўлиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда ана шу номлар туркий халқлар адабиётида ўзига хос атамаларнинг мавжудлигидан далолат беради. "Этук" ва "откунч"лар кичик насрий адабий жанрларни ифода этган бўлиши мумкин деган эҳтимолни шу асарда "сов" ҳақидаги шарҳлар ҳам тасдиқлагандай бўлади:

"Сов-қисса. Қадимги воқеалардан хабар бериш, айтиш (III, 168 ёки: "рисола, хат, кичик китобча... сўз, нутқ" (III, 18).

Бу шарҳда, биринчидан, ҳикоя ёки эртак сўзи ишлатилмаган, иккинчидан, воқеа содир бўлган вақт аниқ кўрсатилган, учинчидан эса асар ҳажмига ишора қилинган. Шундан келиб чиққан

[1] *М. Қошғарий.* Девони луғотит турк. Уч жилдлик, I жилд. ЎзФА нашриёти. Тошкент, 1960, 98-бет. Бундан сўнг шу манбадан олинган мисоллар охирида қавсда тегишли жилд ва бети кўрсатилади.

ҳолда совнинг этук ва откунчлардан ҳажм жиҳатидан каттароқ эканлиги жиҳатдан муаллиф уни қисса деб таржима қилган кўринади. Қадимги воқеалардан хабар бериш, айтиш деб рисола, хат, кичик китобчалигига ишора қилиш воситасида унинг ёзма адабиётдаги намуналарини назарда тутмадимикин? Аммо унинг "қадимги воқеалардан хабар бериш" жумласи охирида "айтиш"ни қўшиш билан маълум даражада бу жанрнинг халқ оғзаки ижоди заминига ишора қилмадимикин... Агар шундай бўлса, унда сов кейинчалик достон тарзида машҳур бўлган жанрнинг қадимий намуналаридан бўлиб чиқади ва, шундай қилиб, унинг насру назмда яратилган адабий асарлиги ҳақидаги тахминни кучайтиради. Кейинчалик эса ёзма адабиётнинг тараққиёти билан бу жанр ўз имкониятлари доирасини кенгайтирган ва назм шаклидаги ўтмиш воқеаларидан баҳс этувчи достонларни ҳам ифодалаган бўлиши мумкин.

"Девони луғотит турк"ни ҳозирги тилга ўгирган таржимон ҳам масаланинг худди шу томонини назарда тутган ҳолда ўзининг изоҳида (166-изоҳ) "эҳтимол, назм билан сўз айтиш маъносини англатар" деб ёзади. Шундай қилиб, юқорида қайд қилинган ҳар учала жанр ҳам эпик тасвир кўринишларидан бирининг номини ифода этади ва қадимий туркий халқлар адабиётида арабий ва форсий шеърият атамаларидан фарқ қилувчи ўз жанрлар ва уларнинг атамалари мавжудлигидан гувоҳлик беради. Китобда келтирилган иккинчи гуруҳ атамалар ҳам бу тахминни ҳақиқатга яқинлаштиради. Уқтирилганидек, иккинчи гуруҳнинг атамалари шеърий жанрларга тегишлидир. Булар қошуғ ва йир деб аталган:

"Қошуғ — шеър, қасида, қўшиқ. Шеърда шундай келган:

Туркан қатун қутина
Тэгур мэндін қошіғ
Ажғіл сізнин табуғчи
Отнур јані табуғ.

Малика (шоҳ) хотинга мендин мақтов, қасида (қўшиқ) еткур ва ходимингиз янги хизмат билан йўлланди, деб айт" (1, 357).

Иккинчиси йир бўлиб, муаллиф уни қуйидагича изоҳлайди: "Йир — ғазал, мақом, куй" (III, 156).

Бу икки изоҳдан қошуғ ва йирнинг жанр хусусиятларини маълум даражада тасаввур қилиш мумкин. Жумладан, қошуғ қасида ва, умуман, шеър маъносида ишлатилган экан, демак, у эпиклик ва лириклик хусусиятини ўзида ташувчи кичик ҳажмдаги достонлар маъносини ҳам англатган кўринади[1]. Бас

[1] Шу асрда рус адабиётидаги "слово" "Слово о полку Игореве" "Игорь полки ҳақида қўшиқ" ҳам шундай маънода қўлланилган экан, демак юқоридаги эҳтимол ҳақиқатдан узоқ бўлмаса керак.

шундай экан, бу жанр қадимий даврдаги эпик шеъриятни
бир тури сифатида машҳур бўлган кўринади. Йир деб ти
олинган асар эса лирик шеъриятнинг жанрларидан бўлиб,
"ғазал" деб шарҳланган. Агар ўша даврларда ғазал асо
ишқий мавзуларни баён этувчи жанр сифатида тушунилг
эсланса, унда Маҳмуд Қошғарийнинг йирни ғазал деб изоҳла
бежиз эмас, яъни йир ишқий кечинмалар баёнидан ибо
шеър бўлиб, у ўша даврда ғазал вазифасини бажарган. Ам
муаллиф бу жанрларнинг шаклий хусусиятлари қақида бир
бир фикр ёзиб қолдирмаган.

Гарчи Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони луғотит турк" асари
ўша давр адабиётшунослиги, хусусан туркий халқлар шеърш
нослигига доир маълумот оз бўлса-да, унда Жужу номли шоир
бошқаси эслатилмаган бўлса-да, аммо мавжуд маълумотларн
ўзи ҳам катта илмий қийматга эга. Асардаги айрим ишоралар
маълумки, Маҳмуд Қошғарий ҳам ўша даврдаги муаллиф
сингари "сўз"ни кенг маънода — бадиий адабиёт маъносида
шунган. Жумладан, "тизди"— у марваридни тизди. Биров с
тузса, шеър ёзса ҳам "ул тизди" дейилади. (II, 16). Агар бу
Фирдавсий ва Юсуф Хос Ҳожибларнинг фикрлари билан қиё
ланса, масала янада ойдинлашади. Чунки шу асрда яшаган
шоирлар ҳам "сухан", "сўз"ларни шеър ва бадиий ижод маъноси
қўллаган эдилар. Шундай қилиб, Маҳмуд Қошғарийнинг турк
халқлар шеършунослигидан келтирган қатра хабарлари бизни
тўлиқ етиб келмаган шеършуносликнинг намуналари сифат
диққатга сазовордир. Буларнинг аҳамияти яна шу билан бел
ланадики, улар Ўрта Осиё халқлари адабиётининг тараққи
зиналарини, туркий халқлар шеърият қонуниятларининг ўз
хос хусусиятларини ўрганишда қийматли далил бўлиб хиз
қилади.

XI асрнинг ёдномаларидан бири Унсур ул-Маоли Кайковусн
(1020—1099) "Насиҳатнома" ёки "Қобуснома" номи билан маш
бўлган асаридир. Мазкур асар 1083 йилда Журжонда ёзил
Панд-насиҳат мазмунидаги бу асарни Кайковус ўғли Гелонше
бағишлаб ёзди. 44 бобдан иборат бўлган мазкур асарда Кайко
турмушнинг турли-туман масалаларидан баҳс этиб, ўғлига ҳаёт
ўргатишни мақсад қилган эди.

Ана шу ранг-баранг масалалар қаторида шеър ва шоирли
бағишланган махсус — 35-боб ҳам бор. Мазкур бобнинг майд
келиши бежиз эмас. Чунки Журжон бир вақтлар Абу Райҳ
Беруний, ибн Синолар истиқомат қилиб, асарлар ижод қилга
адабий ҳаёт гуркираб тараққий этган шаҳарлардан эди. Ш
туфайли Журжон ўша даврнинг илмий ва адабий қарашл
доирасидан четда эмас эди. Натижада Унсур ул-Маоли Кайко
ўзининг асарида турли масалалардан, жумладан шеър ва шоирл

қақида баҳс юритар экан, ана шу умумий йўналиш даражасида
туриб сўз юритади.

Кайковуснинг таъкидлашича, шоир ўз асарларини халқ учун
змоғи керак. Шунинг учун у кенг халқ оммаси тушунадиган
услубда содда ва равон шеър ижод қилсин: "Шоир бўлишни
стасанг ҳаракат қилки, сўзинг осон ва фойдали бўлсин, англа-
илмайдиган қийин сўзларни ишлатмагин, ўзингтина билиб,
бошқалар учун унинг шарҳига муҳтож бўлгудек сўзни айтмагил,
унки шеърни халқ учун ёзиш керак ва (шоир) ўзи учун
змайди"[1].

Кўринадики, Кайковус шоирнинг биринчи даражадаги вазифа-
и халққа хизмат қилиш ва унинг учун ижод қилишдан иборат
еб тушунган. Шунинг учун у шоирнинг шеърият илмидан яхши
абардор бўлмоғи, бадиий санъатлар, қофия ва вазн илмини
илмоғи даркорлигини таъкидлайди.

Шуниси диққатга сазоворкн, унда XI асрда аруз вазни ва
аҳрларининг ҳолати баён қилинган. Муаллиф арузнинг фор-
игўйлар томонидан қўлланилган баҳрларини ҳамда араб шеъри-
ти учун махсусларини алоҳида-алоҳида таъкидлаб ўтади. Бу
аъкид аруз баҳрларининг такомилини ўрганиш ҳамда XI асрдан
ўнг Моваруннаҳр ва Хуросон олиму шоирлари томонидан
ўшилган янги баҳрларни аниқлашда катта кўмак беради. "Қобус-
ома"да келтирилган ва муаллиф томонидан форсигўйлар ва
рабийнавислар учун махсус деб тасниф қилинган баҳрлар қуйи-
агилар:

1. Форсигўйлар учун: ҳазаж, ражаз, мунсареҳ, хафиф, музо-
еъ, муктазаб, мужтасс, мутақориб, сареъ, қариб — ҳаммаси
ўлиб 11 баҳр.

2. Арабийнавислар учун: басит, мадид, комил, вофир, тавил
аммаси бўлиб 5 баҳр[2].

Бундан ташқари асарда ҳазажи макфуф, ҳазажи ахраб, ражази
атво, рамали мазбун, музореи ахраб, мунсареҳи кабир каби
аҳрлар ҳам ҳазаж, ражаз, рамал, музореъ, мунсареҳларнинг бир
или тарзида эмас, балки мустақил баҳрлар қаторига қўшилган.
Шу жиҳатдан қараганда муаллиф арузнинг форсигўй шоирлар
шеъриятида қўлланилган ўн етти баҳрини, арабийнавислар учун
махсус бештасини, жами йигирма иккита баҳрни санаб ўтади.
сейинги давр арузшунослари эса, жумладан Ваҳид Табризий,
лишер Навоийлар арузнинг, "Қобуснома"да эслатилмаган жадид,

[1] Қобуснома. "Ўқитувчи" нашриёти, Тошкент, 1967, 112-бет.

[2] Унсур ул-Маоли Кайковус. Насиҳатнома. Нашриёти "Ирфон", Душанбе, 1968, 07—108-бетлар. Баҳрларни бундай гуруҳлаштириш асарнинг ўзбекча таржимасида ушиб қолган кўринади. Қобуснома, "Ўқитувчи" нашриёти, Тошкент, 1967, 113-бет.

мушокил ва мутадорик каби баҳрларини тилга олсалар, Зах
риддин Муҳаммад Бобур буларга қўшимча равишда ариз ва ғ
баҳрларини ҳам киритади. Кўринадики, "Қобуснома" муалл
ўз даврида шеъриятда кенг қўлланилган баҳрларни эслаб,
қиқотчилар учун муҳим маълумотни сақлаб қолади. Нати
арузнинг Ўрта Осиё адабиётлари тарихидаги тараққиётини ў
нишга катта имконият туғдиради. Бу масалани, яъни Ўрта О
халқлари шеъриятидаги арузнинг тараққиётини ўрганишнинг
рур ва аҳамиятли эканини Алишер Навоий ҳам ўзининг "Ме
ул-авзон"ида таъкидлаб, шундай ёзади:

"Эмди билким, буҳуреки баъзининг такрори ва баъзи
таркиби баъзи била ҳосил бўлур, ўн тўққуздур, баъзи ара
махсус ва баъзи ажамқа махсус ва баъзи муштарак ва т
шуаросиға миллати истеъмолдин ҳеч қайси бир вақтқа дега
махсус эмас эрмиш ва мулойим табълиғ нозимлар ҳар баҳр
вазнда кайфа мутаффиқ назм айтур эрмишлар ва аруз қоида
зобитасидин орий эрмишлар, то бу вақт тенгри иноятидин т
тили била шеър ажам шуаросиға махсус буҳур ва авзон д
назм силкиға кирди"[1].

"Қобуснома" муаллифи шоирлик ҳақидаги сўзини да
эттириб, шоирнинг ёддан кўп шеър билмоғи кераклиг
("шеър ва ғазални кўп ёд билгин"[2]), мустақил ижод қ
оладиган бўлмоғини ("ҳар хил нарса ёзмоқчи бўлсанг,
фикринг билан ёзгил, бошқаларнинг сўзини такрорлама
ўринсиз мақтовларга тўлиб тошган асарлар ёзмаслиги лоз
лигини алоҳида уқтиради.

Шуниси диққатга сазоворки, муаллиф бадиий ижодн
тасвир услуби тўғрисида тўхталиб, "агар шеърда ёлғон
муболағани яхши десалар ҳам, ёлғонни ҳаддан ошириб юб
магил"[4] деб ёзади.

Кўринадики, муаллиф бадиий ижодда ёлғон ва мубол
бўлиши кераклигини уқтирса-да, аммо уни ошириб юбо
тарафдори эмас, яъни у муболағани ҳам меъёри билан ишлат
бадиий тасвирнинг ҳақиқатга яқин бўлишига мойиллик билдир
Бундай мойилликнинг эса ўша замондаги бошқа мутафаккирл
ва олимларнинг шу масалага доир қарашлари билан ҳамоҳангли
эътиборга олинса, унда Моваройннаҳр ва Хуросон адабий м

[1] *Алишер Навоий*. Асарлар. 15 томлик, 14-том, F. Ғулом номидаги адабиёт санъат нашриёти, Тошкент, 1967, 142-бет.

[2] Қобуснома, 116-бет.

[3] Ўша асар, 114-бет.

[4] Ўша асар, 113—114-бетлар.

итидаги бадиий талаб ва адабий-танқидий қарашлар уйғунлиги
ўзга ташланади.

Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий-танқидий қарашлари та-
аққиётининг биринчи босқичида шеър ва шоирлик ҳақидаги
улоҳазалар турли шаклда ифодаланган. Юқорида қайд қилин-
анлар бундай ақидаларнинг илмий адабга бағишланган асарларда
ориши тарзда баён этилганини, бадиий ёдгорликларда, шеъру
оирликка махсус бағишланган рисолаларда ўз аксини топганини
а, ниҳоят, адабиётга бағишланмаган, бошқа соҳалардан баҳс
тадиган асарларда ҳам ўртага ташланганлигини тасдиқлайди.
емак, қайси шаклда бўлишидан қатъий назар адабиёт, шеър ва
оирлик тўғрисида турли хилдаги ақидаларнинг баён этилгани
иққатга сазовордир. Чунки улар, бир томондан, адабий-танқидий
арашларнинг шаклланa борганидан далолат берса, иккинчидан,
адиий жараённинг маълум назарий асосда давом этганини ҳам
ўрсатади, учинчидан эса ижодкорларнинг ана шундай назарий
асарларга доимо катта қизиқиш билан қараганликларидан гу-
оҳлик беради. Шу туфайли XI асрдаёқ адабиёт назариясидан,
умладан, аруз, қофия ва шеърий санъатлардан баҳс этувчи
лоҳида асарлар майдонга келди. Мисол учун Маншур Самарқан-
ийнинг шеърий санъатлар талқинига бағишланган "Канз ул-
аройиб", Рашид Самарқандийнинг "Зийнатнома", Рашид Ватвот-
инг "Ҳадоиқ ус-сеҳр" каби асарларини, Абулқосим Али Баҳро-
ийнинг аруз қонун-қоидаларини шарҳловчи "Ғоят ул-арузайн",
офия масалаларидан сўз юритувчи "Канз ул-қофия" каби рисо-
аларини ҳамда Муҳаммад бинни Умар Родуёнийнинг шеърий
анъатлар ҳақида мулоҳаза юритувчи "Таржимон ул-балоға"
арини эслатиш мумкин. Бундай хилдаги асарларнинг майдонга
елиши бежиз эмас эди. Чунки шу вақтга қадар аруз, қофия
а шеърий санъатлар ҳақида яратилган асарларнинг кўпчилиги
араб тилида бўлиб, бунинг устига улар асосан араб тилидаги
еъриятга таянарди. Аммо VIII—XI асрлар давомида Моваройн-
аҳр ва Хуросонда фақат араб тилида эмас, балки маҳаллий
алқлар тилида ҳам шеърият давом этар ва бу давр ичида у
аълум тажрибани орттирган эди. Бу шеърият исломгача бўлган
авр анъаналарини сақлашга интилса-да, аммо араб шеършунос-
иги қонун-қоидалари маҳаллий халқлар тилида яратилган бадиий
арларга фаол тарзда кириб бораётган эди. Аммо бу ҳолни
амма ҳам бир хил қабул қилмаган эди. Ана шундай кайфият-
инг бир ифодаси Унсур ул-Маолийнинг "Қобуснома"сида учрай-
и. Жумладан, у шундай ёзади:

"Оғир вазнда ва арузда шеър ёзмагин, чунки аруз ва о вазн ёқимсиз қилиқли, совуқ (табиатли), латиф ва нозик маънолардан маҳрум бўлган, одамлар учун яхшидир"[1].

Шунга қарамай, маҳаллий халқларнинг исломгача бўлг шеършунослиги ва унинг қонун-қоидалари, кўпгина атамал аста-секинлик билан араб шеършунослиги ва атамалари бил алмашина боради. Натижада маҳаллий халқлар тилида яратил бадиий асарлар ўз руҳи ва мазмуни билан миллийликни сақла ҳолда шаклий жиҳатдан араб адабиётшунослигидаги атамалар араб ёзуви хусусиятларига мослаша боради (қасида, маснав тазод, муболаға, китобат санъатлари, мақлуби муставий бошқалар).

Бу янги ҳолат эса уни назарий жиҳатдан тушинтириш шарҳлашни талаб қиларди. Шунинг натижасида XI асрдан бош форс-тожик тилида аруз, қофия ва шеърий санъатларга бағ ланган асарлар майдонга келабошлади. Исломдан сўнг XI аср қадар форс-тожик тилида яратилган бадиий мерос бундай назар асарларнинг асоси бўлиб хизмат қилди. Бу ҳолни Родуёний (аср) ҳам "Таржимон ул-балоға"нинг кириш қисмида алоҳи таъкидлаб ўтади.

Юқорида қайд қилинган сабабларга кўра майдонга кел бундай хилдаги асарларда аруз қонун-қоидалари ҳам, шеър санъатларнинг хусусиятлари ҳам кенг шарҳланди ва изоҳлан Жумладан, "Ҳадойиқ ус-сеҳр"да мақлуби муставий санъа Рашид Ватвот шундай изоҳ берган:

"Мақлуби муставй — ин чунон буд, ки дар наср алфо мураккаб ё дар шеър як мисраъ ё як байти тамом чунон аф ки рост битавон хонд ва ҳам бошгуна. Мисол:

Таржимаси: "мақлуби муставий насрда мураккаб ибор шеърда эса бир мисра ёки байтни ҳам ўнг ва ҳам чап ўқилиши мумкин қилиб тузиш санъатидир".

Бундай санъат маҳаллий халқларнинг қадимги, ислом бўлган адабиётида мавжуд бўлганда эди унинг бирор номи бў ва у сақланиб қолган бўлиши мумкин эди. Аммо бу б номаълум. Мазкур санъат арабча аталиши муносабати б

[1] Қобуснома. "Ўқитувчи" нашриёти, Тошкент, 1967, 113-бет. Бу мат қуйидагича: "Зинҳор, ки шеъри гарон ва арўзӣ нағў, ки гирди аруз ва гарон касе гардад, ки табъи нохуш дорад ва очиз бувад аз лафзи хуш ва зариф". Таржимаси: Ҳеч қачон тушунилиши қийин ва арўз вазнида шеър ёз Кимки чуқур маънолар, гўзал сўзлар айтишдан маҳрум бўлса, табъи ёмон у аруз ва оғир вазнлар атрофида парвона бўлади".

[2] *Рашиддиддин Ватвот.* Ҳадоиқ ул-сеҳр. Москва, изд. "Наука", 1985, 2

Рашид Ватвот унга кенг шарҳ ёзган ва, шундай қилиб, адабий тажрибада мавжуд бўлган ҳодисани назарий жиҳатдан асослаб, ҳам араб ва ҳам форс-тожик тилида мисол келтирган. Агар биз бу санъатнинг араб ёзувига мосланганини назарда тутсак, унинг исломдан сўнгги давр маҳсули эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Шундай қилиб, адабий тажрибадаги янгиликларни назарий жиҳатдан асослаш ва бу янги қонун-қоидаларни кенг тарғиб қилиш талаби юқорида қайд қилинган асарларда амалга оширилган эди. Шуниси борки, адабий тажриба тез илгарилаб кетар ва унинг ҳодисаларини назарий жиҳатдан асослаш зарурияти адабиётшунослар олдига ҳамиша кўндаланг бўлиб турар эди. Шунинг туфайли ҳар асрда турли-туман назарий асарлар майдонга келарди. Жумладан, XII асрнинг ўрталарида бу ишни Низомий Арузий Самарқандий ўзининг "Чаҳор мақола" номи билан машҳур асарида амалга оширган эди.

Исми Аҳмад, тахаллуси Низомий, аруз қоида-қонуниятларини ҳар томонлама билгани учун Арузий лақаби билан машҳур бўлган бу зот аслан Самарқанддан бўлиб, XI асрнинг охирларида дунёга келди. Ўша давр талабига мувофиқ таҳсил кўргач, Бухоро, Балх, Ҳирот каби кўпгина шаҳарларда бўлди ва, ниҳоят, Бомиёнда турғун бўлиб қолди. Худди шу жойда у шоир ва олим сифатида танилди. Аммо Низомий Арузийга шоирлиги эмас, балки адабиётшунослик соҳасидаги фаолияти кўпроқ шуҳрат келтирди. Бунга унинг "Мажму ан-наводир" (Нодир ҳикоятлар) ёки "Чаҳор мақола" (Тўрт мақола) деб юритиладиган асари сабаб бўлди.

Мазкур китоб 1156 йилда ёзилиб, аслида дастурамал моҳиятига эга. У тўрт мақола — қисмдан ташкил топиб, биринчисида дабирлар (котиблар) ва уларнинг фазилатларидан сўз юритилса, иккинчиси шеър ва шоирликка бағишланган; учинчиси нужум ва мунажжимлардан баҳс юритса, тўртинчисида тиб илми ва табиблар тўғрисида гапирилган. Кўринадики, асар бошдан охиригача шеър ва шоирлик масалаларига бағишланмаган, аммо унинг иккинчи қисмида шу соҳага доир баён қилинган мулоҳазалар шоир ва адабиётшунослар олдида унинг қийматини ошириб юборди. Шунинг учун ҳам кейинги асрлар давомида мазкур китоб шоир ва олимларнинг кўп мутолаа қилувчи асарларидан бирига айланди, унда баён қилинган фикрларга асосланадиган бўлдилар.

Низомий Арузийнинг мазкур китобни яратишдан мақсади дабир, шоир, мунажжим ва табибларнинг сарой маъмуриятидаги мавқеини тушунтиришдан иборат бўлиб, баҳс юритилаётган кўпгина масалалар шу нуқтаи назардан шарҳланган бўлса-да, аммо кейинги давр олим ва шоирлари асарнинг шеър ва шоирлик ҳақидаги қисмини шу мақсад доирасидан кенгроқ тарзда тушундилар. Ҳақиқатан ҳам бу бобда турли адабий йўналишга мансуб шоирлар учун фойдали маслаҳат ва ўгитлар мавжуд.

"Чаҳор мақола"нинг иккинчи бобида "Шеър илмининг моҳия- ва шоирнинг салоҳияти ҳақида" сарлавҳаси остида шундай фик- лар бор:

"Шоирлик шундай санъатки, (шоир) бу санъат орқали ҳаяж- лантирувчи тушунчаларни ҳосил қилади ва таъсирчан қиёслар бир-бирига улайди. У шундай йўл билан, масалан, кичик маъно каттага, катта маънони эса кичикка айлантиради, чиройли хунук либосда кўрсатади, хунукни эса чиройли суратда жилвага этади. Илҳом санъати билан ғазаб ҳамда ҳиссий қувватларни қўзғатади, натижада кишилар табиатида қайғу ёки хуррамлик пайдо бўлади. Бу эса улуғ кишилар фаолиятида оламни тартиб солиб туриш учун хизмат қилади"[1].

Низомий сўзни шеъриятнинг таърифидан бошлаб, унинг ўзи хос санъатлиги, шоир турли тасвирий услублардан фойдалани (муболаға ва кичрайтириш) ҳаёт ҳақида тасаввур ҳосил қилдириши, шу йўл билан одамлар онгига таъсир кўргизиб, ҳаётдаги муҳим воқеаларнинг содир бўлишида сабабчи бўлишлиги тўғрисида баҳс юритади. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, Низомий шеърият-адабиётда ҳаётнинг ўзига хос тарзда акс эттирилиши ҳақида мулоҳаза юритади. Агар биз Низомий Арузийдан бир аср олдин яшаган айрим мутафаккирлар асарларида машҳур Аристотелнинг "Поэтика"сидаги адабиёт ҳаётнинг тақлидчиси экани ҳақидаги фикрларининг таъсирини учратган бўлсак ва бу тақлидийликнинг ҳаққонийлик маъносида қўлланилганини эслаб, унда XII асрга келиб, адабиётнинг ҳаётни ўзига хос тарзда тасвирлаш ҳақидаги мулоҳазага дуч келишимиз кишини маълум даражада ҳайратлантиради. Аммо, эътибор қилинса ҳайратланарли ган жойи йўқ. Чунки шеъриятнинг тасвир мўлжали ва услуби турли олим ва шоирларни қизиқтирар экан, уларнинг баъзилари адабиётда ҳаққонийликнинг тахаййулдан устунлиги нуқтаи назаридан сўз юритган бўлса, иккинчи гуруҳи тахаййулни ҳаққонийликдан устун қўяр эди. Шунинг натижасида бадиий адабиётнинг ҳаёт билан муносабати масаласида икки хил тушунча юзага келган. Айрим олимлар эса бу ҳолни ҳисобга олмай, Низомий Арузийнинг бадиий адабиёт тўғрисидаги мулоҳазаларини ҳаёт узоқлашувнинг ифодаси деб баҳолайдилар[2]. Агар ҳаётий воқеаларнинг кичигини катта ва каттасини кичик тасвирлаш усули, яъни ҳаётий воқеаларни бизнинг тасаввуримиздан бошқача бўлиб туюладиган тарзда инъикос этишни ҳаётдан узоқлашув

[1] *Низомий Арузий Самарқандий.* Нодир ҳикоятлар. Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 27-бет.

[2] *А. Н. Болдырев.* Предисловие. В кн.: Низоми Арузи Самарканди. Собрание редкостей или четыре беседы. ИВЛ, Москва. 1963, стр. 15.

баҳолайдиган бўлсак, унда адабиётнинг бадиийлиги қаёқда қолади.

Худди шу нуқтаи назардан Низомий Арузийнинг шеърият гўзал нарсани хунук, хунук ва дағални эса гўзал ва нафис тарзда акс эттира олиши тўғрисидаги фикрларига ёндашилса, унда муаллифнинг тахаййул уйдирма-тўқиманинг бадиий ижодидаги мавқеидан баҳс юритгани аниқланади.

Шундай қилиб, Низомий Арузий адабиёт ҳақида бадиийлик мезони асосида баҳс юритган. Бу ҳодисанинг диққатга сазовор иккинчи томони шундаки, ундан бадиий инъикос жараёнидаги ранг-баранг услубларнинг, жумладан ҳаққонийлик ва тахаййулнинг доимий йўлдошлиги ҳамда давр, замон, бадиий тафаккур талабига мувофиқ уларнинг маълум шароитларда ўрин алмашуви кабиларни кузатиш мумкин.

Бундан ташқари Низомийнинг шеъриятга берган таърифида бадиий адабиётнинг инсон маънавий ҳаётида тутган ўрни ҳам баён этилган. Унингча, бадиий адабиёт дунёда муҳим ишларнинг содир бўлишида ҳам, инсонларнинг руҳий дунёсига ҳам таъсир кўрсата олади. Демак, муаллиф бадиий ижоднинг ижтимоий вазифасини, инсонни тарбиялашдаги аҳамиятини таъкидлайди, бу фикрини далиллаш учун эса бир неча ҳикояларни ҳам келтиради.

Низомий Арузий ўз асарида баён этган фикрларини давом эттириб, шоирнинг қандай фазилатларга эга бўлмоғи лозимлигини ҳам айтиб ўтган. Унингча, шоир салим ул фитрат, азим ул фикрат, саҳех ут табъ ва дақиқ-ун назар бўлмоғи[1] ҳамда ўтмиш шоирлар шеърларидан йигирма минг байт, замондошлар шеъридан ўн минг байтни ёд билмоғи, моҳир шоирлар девонини доимий равишда мутолаа қилмоғи керак.

Низомий Арузий қайд қилганидек, шоирликнинг зарур фазилатларидан бири салим ул фитратликдир.

Салим ул фитрат сўзи арабча бўлиб, унинг луғавий маъноси покиза табиатлилик, хислатлилик бўлиб, у олижаноб инсоний фазилатлардан биридир. Демак, шеърият соҳиби, бадиий ижод муаллифи, Низомий Арузийнинг тушунчасига кўра, ҳаммадан олдин олижаноб инсон бўлмоғи керак. Дарҳақиқат, олижаноб инсон бўлмиш шоиргина инсоний гўзаллик ва покизаликни тасвирлай олади, шундай одамнинг бадиий тимсолини ярата олади. Бунда муаллиф бадиий ижодни ахлоқийлик мезони билан боғлаб, унинг олижаноб инсоний фазилатлар тарғиботчиси эканини уқтиргандай бўлади. Шу жиҳатдан жаҳон адабиёти хази-

[1] "Шоирнинг руҳи тоза, фикри кенг, табъи латиф, кўнгли тўғри ва зеҳни ўткир бўлмоғи лозим"— Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар. Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 31-бет.

насига ҳисса қўшган улуғ сиймоларга, жумладан озарбойжон Низомий, Шерозлик Саъдий, Ҳофиз, Хўжандлик Камол, ул Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийлар хислатларига дик қилинса, уларда Низомий Арузийнинг таъкидлаган сифатла кўриш мумкин. Улар учун ижтимоий, маданий ва шахсий ҳаё ҳам, бадиий ижодда ҳам покизалик ва олижаноблик хос хус сиятдир.

Шундай қилиб, Низомий Арузийнинг шоирнинг салим фитрат бўлиши ҳақидаги мулоҳазаси умуман адабиётга до бадиий қоидалардан келиб чиқадиган муҳим талаблардан би ҳисобланадики, бу талаб ҳозир ҳам ўз қийматини сақлаб қо моқда.

Низомий Арузийнинг шоирлик учун зарур деб билган фаз латлардан бири азим ул фикратликдир.

Азим ул фикрат ҳам арабча ибора бўлиб, фикри ке дунёқараши кенг деган маънони англатади. Бу ҳам муҳим Чунки шоир ҳаётнинг турли-туман воқеа-ҳодисаларига мурож этар экан, у ана шуларга доир маълумотга эга бўлмоғи дар бошқача қилиб айтганда, у ўз замонасидаги илмлардан хабар бўлиши ва уларни пухта ўрганиши лозим. Шоир олдига бун талабнинг қўйилиши бежиз эмас. Ана шу анъананинг мавжудли туфайли Низомий Арузий уни адабиёт илмига олиб кири шоирнинг зарурий фазилатларидан бири сифатида азим фикратликни кўрсатган эди. Иккинчи томондан эса, Низом Арузийгача мавжуд бўлган адабий жараён вакилларининг ижо ҳам муаллифнинг шундай хулосага келишига замин ҳозирлаг эди. Чунки Низомий Арузий томонидан асарда қайд қилинга демакки, унинг томонидан ижоди мутолаа қилинган Абу Абдул Рўдакий ва Абулқосим Фирдавсий ҳам, Масъуди Саъд Салм ва Саноий ҳам, Рашид Самарқандий ва Али Шатранжийлар ҳ ана шундай сўз усталари эдилар.

Демак, азим ул фикрат бўлмоқ шоирдан кўп ўқиш ва мутол қилишни, табиат ва жамият ҳодиса-воқеаларига доир илмлард воқиф бўлишни талаб қилади. Иккинчидан эса маълум б шоирнинг бир неча тилни билиши ва турли халқлар адабиётид баҳраманд бўла олишини ҳам назарда тутади. Агар бу талаб Низомий Арузий яшаган давр нуқтаи назаридан қаралади бўлса, унда у шоирнинг форс-тожик тили ва адабиёти тарихи билишидан ташқари араб тили ва адабиёти ҳамда бошқа ф ларни ҳам билишини тақозо этарди.

Низомий Арузий бу орқали шоир тафаккурини тор доира кенг майдонга йўналтиради, шунинг воситасида шоирликн оддий ва жўн касб эмас, балки шарафли санъаткорлик, қоби ятнинг ифодаси бўлишини истар эди. Бундай истак эса фойд ва аҳамиятлидир.

Ана шу истак билан боғли бўлган учинчи фазилат саҳеҳ ут табъликдир. Бу сўз ҳам арабча бўлиб, мавзун табъ эгаси, яъни шоирлик истъедодига молик бўлиш демакдир. Арузийнинг фикрича, дунёқараши кенг, олижаноб, инсоний фазилатларга эга бўлган шоир юксак истеъдод соҳиби ҳам бўлмоғи керак. Чунки бу фазилат шоир айтмоқчи бўлган фикрларни, тасвирламоқчи бўлган воқеа-ҳодисаларни гўзал ва бадиий тарзда акс эттириш учун лозимдир. Бунга эришиш учун шоир ўз она тилининг барча нозикликларини мукаммал даражада ўрганган бўлиши даркор. Шунда унинг фикрлари содда ва равон тарзда баён этилиши мумкин. Ниҳоят, Арузий томонидан кўрсатилган шоир учун хос фазилатлардан бири дақиқ ун-назарликдир.

Дақиқ ун-назар ибораси ҳам арабча бўлиб, нозик мушоҳада, диққат билан қараш, кузатувчан бўлиш маъноларини англатади.

Бу фазилат ҳақиқий шоир учун зарурий бўлиб, усиз шоир ўқувчи кўнглиги мафтун эта оладиган асарларни яратиши қийин. Чунки шоир оддий ўқувчиларга нисбатан ҳаёт воқеа-ҳодисаларида, унинг кичик лавҳаларида катта маънони сеза олмоғи, ўзгача айтганда, заррада қуёшни, чигитда атом кучини сеза олмоғи керак.

Шоирда юқорида баён этилган фазилатларнинг жамулжам бўлиши унинг асарлари сифатини ошириб, ўқувчилар кўнглидан жой олиши ва авлоддан авлодга ўтиб келишига сабабчи бўлади.

Шарқ адабиётининг бадиий тажрибаси Низомий Арузий фикрларининг ҳаққонийлигини тасдиқлайди.

Шунинг билан бир қаторда Низомий Арузий шоир учун зарурий фазилатлардан бири сифатида ўтмиш ва замондош шоирлар асарларидан кўплаб шеър ёдлашни уқтиради. Унинг таъкидига кўра, шоир ўтмишдошлари ижодидан йигирма минг, замондошлари асарларидан ўн минг байтни ёдлаши ва моҳир санъаткорлар девонини муттасил мутолаа қилмоғи керак.

Мазкур талаб шоирнинг доимий ўқиш-ўрганиш билан машғул бўлмоғи, ўзидан олдин яратилган асарлардаги бадиий маҳоратни ўрганмоғи ва шу асосда олдингиларни такрорламайдиган янги бадиий асарларни яратмоғи лозимлигини назарда тутади.

Низомий Арузий асарида шоирлар олдига қўйилган талаблардан бири бадеҳатан шеър айтиш маҳоратини ўрганишдир. Муаллифнинг фикрича, шоир шароитга мувофиқ тарзда бадеҳатан — ҳозиржавоблик билан шеър айта оладиган бўлмоғи керак. Албатта, бунда Низомий Арузий саройда хизмат қилувчи шоирларни назарда тутадики, асарда келтирилган ҳикояларнинг айримлари ҳам (Рўдакий, Фаррухий ҳақидаги ҳикоялар) бу фикрни тасдиқлайди. Шундай бўлса-да, шоир олдига ҳозиржавоблик-бадеҳагўйлик талаби ҳам қўйилар экан, бу шоирнинг истеъдоди намоён бўладиган фазилат сифатида талқин қилинади.

Шундай қилиб, Низомий Арузий "Чаҳор мақола" асарини иккинчи бобида шеър ва шоирлик тўғрисида ўзигача мавжуд бўлган мулоҳазаларни давр адабий жараёни, унга маълум бўлга шоирлар ижодиётига таянган ҳолда давом эттиради. Натижад унинг бадиий тасвир услуби ҳақидаги қараши шоирлар фазилат тўғрисидаги мулоҳазалари билан қўшилиб, юқорида кўрилганде муҳим фикрларни майдонга келтирган. Тўғри, Низомий Арузи ақидаларида унинг дунёқараши билан боғли бўлган чекланган ликлар ҳам мавжуд. Аммо унинг шеър ва шоирлик борасидаг фикрларининг аксарияти Низомий Арузийни бизга яқинлаштира ди. Шуниси муҳимки, Низомий Арузийнинг асари кейинг асрларда етишиб чиққан форсигўй ва туркигўй шоирларнин дастуруламал китобига айланиб қолган эди.

XI—XII асрларда адабиётшунослик ва шеършуносликка доир кўпгина асарлар яратилиб, уларда шеър ва шоирликнинг ўш замон учун долзарб бўлган масалаларидан баҳс юритилди. Ан шу назарий кўникмаларга амал қилган адабий тажриба катта муваффақиятларни қўлга киритиб, адабиёт хазинасини нодир дурдоналар билан бойитган шоир ва адибларни етиштирди. Бу шоир ва адиблар эса ўз ижоди билан адабий-танқидий қараш ларни янги хулосалар билан бойитдилар. Бу ҳол ўз навбатида XIII асрга келиб, мавжуд тажрибаларни, адабий-танқидий қараш лардаги янгиликларни назарий жиҳатдан умумлаштириш зарурия тини майдонга келтирди. Натижада мазкур асрда ҳам адабий жараён тараққиёти ва ҳам назарий қарашларни умумлаштирган асарлар юзага келди.

Адабий жараённинг босиб ўтган йўлларини ўзига хос тарзда умумлаштирган асар бу Муҳаммад Авфийнинг "Лубоб ул-албоб" (1221) номли тазкираси эди. Олдинги бобда қайд қилинганидек, IX—XIII асрларда яшаб, форс-тожик тилида ижод этган 300 га яқин шоирлардан баҳс юритувчи бу асар IX—XIII асрлардаги адабиётнинг ўзига хос тарихини майдонга келтирган эди. Шуниси диққатга сазоворки, Муҳаммад Авфий адабий жараён даги турли оқимларни ўзига хос тарзда кузатади. Бу ҳол эса Муҳаммад Авфийнинг фақат шоирлар ҳаёти ва ижодинин шарҳловчисигина эмас, балки адабий жараён хусусиятларини моҳирлик билан кузатган адабиётшунос олимлигидан ҳам да лолат беради. Тўғри, асарда айрим ноаниқликлар, шоирла тўғрисидаги такрорий маълумотлар ҳам учрайди. Аммо, умуман олганда "Лубоб ул-албоб" XIII аср адабиётишунослиги тарихини ёритиш йўлида қўлга киритилган муваффақиятнинг намунаси дир.

Худди шу даврда адабиёт назарияси, жумладан шеършунослик соҳасида қўлга киритилган ютуқларни умумлаштирувчи "Китоб ул-мўъжам фи маойири ашъор ил-Ажам" асари ҳам майдонга

келди. Мазкур китобнинг муаллифи Шамсиддин Муҳаммад бин Қайс Розий XII асрнинг иккинчи ярмида Рай шаҳрида дунёга келиб, кейинчалик Хуросон, Мовароуннаҳр, Хоразм, Ироқ, Форс ўлкаларини кезиб чиқди. У адабий ва илмий фаъолият билан шуғулланиб, адабиётшуносликка доир бир қанча асарларни яратди. Жумладан, "Алкофи фил арузайн вал қавофий", "Ҳадойиқ ул-муъжам", "Китоб ул-муъраб фи маойири ашъор ил-Араб" каби китоблар унинг қаламига мансуб. Шамсиддин Муҳаммад бин Қайс Розийга катта шуҳрат келтирган асар бу "Алмуъжам фи маойири ашъор-ил-Ажам"дир.

"Алмуъжам" 1217 йили ёзила бошланиб, турли сабабларга кўра 1233 йили ниҳоясига етказилган.

Асар аруз, қофия илмлари билан бир қаторда нақд уш-шеър — адабий танқид масалаларидан ҳам баҳс юритади.

Аслини олганда асарнинг мазмунини фақат қайд қилинган масалаларгина ташкил этмайди. Чунки унда биз бадиий санъатлар ва адабий жанрларга доир муҳим мулоҳазаларни, шеър таърифи ва шоирликнинг фазилатларига доир фикрларни ҳам учратамиз. Шу жиҳатдан мазкур асарда XIII асргача мавжуд бўлган адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашлар соҳасида қўлга киритилган муваффақиятлар жуда ўринли ва ўз вақтида умумлаштирилган. Шунинг учун муаллиф ўз салафларининг асарларида баён қилинган фикрлардан фойдаланади, уларни маъқуллагандай бўлиб, ўз асарида ўзлаштирган ҳолда келтиради. Масалан, Шамсиддин Муҳаммад бин Қайс Розий айрим масалалар баёнида Низомий Арузийнинг "Чаҳор мақола"сида билдирилган фикрлардан фойдаланганини кўринади:

"Шоир шеър ёзишга киришар экан, аруз ва қофияга доир рисолаларни мутолаа қилмоғи керак, токи бу соҳадан хабардор бўлиб, шеърнинг вазн хусусиятларини белгилай олсин.

Шоир устодларнинг маъно ва бадиийлик жиҳатдан гўзал қасида ва қитъаларини кўпроқ ёд билмоғи, уларнинг девоналарини муттасил мутолаа қилмоғи керак. Шундагина унинг шеър ёзишдаги қобилияти ўткирлаша бориб, натижада гўзал шеърларни дунёд эта олади"[1].

Бу мулоҳазаларда Низомий Арузий фикрлари билан ҳамоҳанглик ва уларни маъқуллаб, янада кенгроқ шарҳлашга интилиш мавжуд.

[1] *Шамсиддин Муҳаммад бин Қайс Розий.* Китоб ул-муъҳжам фи маойири ашъор ил-Ажам. Матбааи мажлис. Теҳрон, 1314 шамсий, 328-бет. Таржималар мазкур рисола муаллифи қаламига мансуб.

Шу ҳолатнинг ўзи ҳам юқорида қайд қилинган ақидалар
тасдиқлайди ва Шамсиддин Муҳаммад бин Қайс Розийнинг мо
адабиётшунос олим бўлганлигидан далолат беради.

Шоирлик тўғрисида фикр юритган Шамсиддин Муҳаммад
Қайс Розий шеър ўғрилигини энг ёмон қолат сифатида алоҳ
қайд этади. Муаллиф,—"шоир бировнинг асарларидан мазмун
гўзал ибораларни ўғирлаб, ўзиники қилиб олмасин, чунки
донишмандлик ва одобдан далолат бермайди",— деб ёзади[1].

Шамсиддин бин Қайс Розийнинг хизмати шундаки, у ислом
сўнгги давр форс-тожик тилидаги адабиётнинг вазн, қофия, ж
ва бошқа соҳадаги муваффақиятларини умумлаштириб, ула
қонунийлаштиришга, таърифларини аниқлашга интилди.

Шунинг туфайли бу асардаги кўпгина назарий қоидалар аср
давомида адабиётшунос ва шоирлар томонидан адабий тажр
учун асос қилиб олинди.

Жумладан, муаллиф шеърнинг таърифини унинг луға
маъносидан бошлаб, атама сифатидаги шарҳигача давом эттир
шундай ёзган эди:

"Билгилки, шеърнинг луғавий маъноси билмоқ, сўз маъно
идрок этмоқ, фикр қилмоқ бўлиб, атама сифатида маъноси ў
тизилган, вазнли, охирги ҳарфлари ўзаро тенг парчадан иборатд

Муаллиф шеър сўзининг луғавий маъносини алоҳида туш
тирганлиги бежиз эмас. Зеро XIII асрга келиб, маҳаллий халқ
нинг исломгача бўлган шеършунослиги, жанрлар номи ва бош
лар қарийб унутилган ва уларнинг ўрнини арабча атам
эгаллаган эди. Шеър ҳам арабча сўз бўлганидан, аруз баҳрл
жанрлар номининг асосан арабча бўлганидан Қайс Розий ул
форс-тожик тилида шарҳлаш зарурлятини сезган ва бу и
амалга оширган.

Асарда бу ишнинг давоми ўша даврдаги адабий жан
шарҳига бағишланган бобларда ҳам кўринади. Мисол учун у
нинг айримларини кўздан кечириш мумкин. Муаллиф ўз асс
қасида, қитъа, ғазал ва бошқа жанрлардан баҳс юритар э
уларнинг шаклий хусусиятлари ва мазмуни тўғрисида мул
юритган.

Жумладан, ғазал ҳақида сўз юритганда XIII аср ад
тажрибасига, яъни форс-тожик тилидаги ғазалнинг XIII ас
ҳолатига асосланиб, уни қуйидагича изоҳлайди:

"Ишқий кечинмаларга, зулф ва хол васфига, васл ва
ҳикоясига... бағишланган асарни ғазал дейишади... Ғаза

[1] *Шамсиддин Муҳаммад бин Қайс Розий.* Китоб ул-муъҳжам фи м
ашъор ил-Ажам. Матбааи мажлис. Теҳрон, 1314 шамсий, 340-бет.

[2] *Шамсиддин Муҳаммад бин Қайс Розий.* Ўша асар, 147-бет.

луғавий маъноси қизлар ва улар сўзларининг ҳикояси ҳамда
хотин-қизлар ишқи ҳақида сўз юритишдир. Ружули ғазал, яъни
ошиқ ва ашулани севгучи эркак деганларидек, ошиқ аҳволи ва
маъшуқа жамолидан сўз юритувчи асар ғазалдир"[1].

Кўринадики, муаллиф ғазал жанрининг мавзуи ва қаҳрамон-
лари тўғрисида сўз юритар экан, асосан ишқ ва ишқий кечин-
маларни ҳамда ошиқ ва маъшуқаларни назарда тутади. Демак,
бу таъриф ғазалнинг ўша даврдаги ҳолатини ифода этади.

Шамсиддин Муҳаммад бин Қайс Розий ўз асарида адабий
танқиднинг мўлжали, вазифаси, танқидчининг масъулияти тўғри-
сида ҳам мулоҳаза юритган. XIII асрда яратилган асарда нақд
уш-шеър — адабий танқид тўғрисида сўз юритилиши унинг бу
даврда келиб шаклланган и ва маълум тажрибаларга эга бўлгани-
дан далолат беради.

Муаллифнинг ёзишича, нақд-уш-шеър яхши ва ёмон шеърни
келтилай оладиган бўлиши лозим. Бунинг учун нақд уш-шеър
билан кўпроқ шоирлар шуғулланмоқлари керак, чунки уларга
шеърнинг фазилати ва нуқсони кўпроқ ойдин бўлади. Агар шоир
шеърни ўз эҳтиёжлари доирасида яратса, ноқид (адабий танқидчи)
шеър мазмуни ва сўзларининг яхши бўлмоғи учун интилади. Ноқид
шеърда яхшилик ва гўзалликка эришув йўлларини қидирувчидир.

Бу қайдлар қанчалик қисқа ва умумий бўлишидан қатъий
назар адабий танқид ва танқидчи вазифаларини баён этганлиги
нуқтаи назаридан диққатга сазовордир.

"Алмўъжам" муаллифи томонидан баён этилган бу масалалар
XIII асрдан сўнгги давр шоир ва адабиётшунослари учун асосий
назарий қўлланма сифатида хизмат қилди. Шунинг учун Шарқ
халқлари адабиётлари, жумладан ўзбек, тожик, озарбайжон, эрон
ва бошқа халқлар адабиётининг вакиллари ўзларининг амалий
ва назарий фаолиятларида Шамсиддин Муҳаммад бин Қайс
Розийнинг асарларида баён этилган мулоҳазаларга ўхшаш ақида-
ларни ифода этдилар ёки уларни давом эттирдилар.

XIII—XV асрларнинг аввалига қадар бўлган даврда туркий
тилда ёзилган ва бизгача етиб келган ёдгорликларда ҳам шеър
ва шоирлик ҳақида фикр юритиш кўзга ташланади. Шуни
таъкидлаш керакки, мазкур даврда яратилган ёдномалар ичида
назкира ёки аруз, қофия, бадиий санъатларга бағишланган
махсус асарлар учрамайди. Шеър ва шоирлик ҳақидаги му-
лоҳазалар асосан бадиий асарлар таркибида ёки алоҳида шеърий
парчаларда ифода этилди. Шу жиҳатдан қараганда Аҳмад
Фанакийнинг "Ҳибат ул-ҳақойиқ"ида, Сайфи Саройининг мас-

[1] *Шамсиддин Муҳаммад бин Қайс Розий.* Китоб ул-муъҳжам фи маойири
ашъор ил-Ажам. Матбааи мажлис. Теҳрон, 1314 шамсий, 151-бет.

навийсида, Ҳайдар Хоразмийнинг "Маҳзан ул-асрор"ида, Г
кокий, Атоий, Гадоийларнинг шеърларида баён этилган фик
диққатга сазовордир.

Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибат ул-ҳақойиқ" (XII—XIII) аса
шеър ва шоирлик масалалари махсус ёритилган эмас. А
асардаги айрим байтларда шу масалаларга оид фикрлар
ифода этилган дейиш мумкин. Жумладан, Адиб Аҳмад ёза

Битидим китоби мавоиз масал,
Ўқуса тотир тил емиштак асал...
Адиб Аҳмад отим адаб, панд сўзум,
Сўзум мунда қолур борур бу ўзум[1].

Бунда "Ҳибат ул-ҳақойиқ"нинг ахлоқий китоблиги ҳ
муаллифнинг бадиий сўз орқали панд-насиҳат мавзуларини
гувчи ёзувчи эканлиги уқтирилмоқда. Агар масалага кен
қараладиган бўлса, унда юқорида баён қилинган фикрлар ба
адабиётнинг вазифаси билан боғлилигини тушуниш мумкин.
жиҳатдан Адиб Аҳмаднинг бадиий асарнинг кишиларни
ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашдаги мавқеини тўғри
шунганини уқтириш мумкин.

XIV асрда яшаб ижод этган Сайфи Саройи ҳам шеъ
шоирлик масалаларидан баҳс юритган муаллифлардандир. У
йилда Саъдий Шерозий "Гулистон"ини ўзбек тилига ўгирган
Агар мазкур даврда Низомий, Фирдавсий, Саъдийлар ижо
бўлган қизиқиш, асарларининг таржимаси ёки улардан ил
ланиб асарлар яратиш йўналиши туфайли адабиётлар ўртас
ўзаро алоқанинг жонлангани назарга олинса, унда Сайфи Са
ишининг аҳамияти ойдинлашади. Сайфи Саройи мазкур асав
сўнгида ўша замондаги бир неча шоирларнинг татаббуъ шеъ
рини келтирадики, улар орасида ўзининг етти байтдан и
қуйидаги маснавийси ҳам бор:[2].

Жаҳон шоирлари, эй гулшани боғ,
Кими булбулдурур сўзда, кими зоғ.
Кими тўти бикин чайнар шакарни,
Кими лафзи билан ўртар дурарни.
Кимининг сўзлари мавзуну ширин,
Кимининг лойиқи ташрифу таҳсин.
Кими ўзганинг ашъорин меним дер,
Кими ҳалво киби шалғам чўбин ер.

[1] *К. Маҳмудов.* Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибат ул-ҳақойиқ" асари ҳақида. Ўз
"Фан" нашриёти, Тошкент, 1972, 213—214-бетлар. Танқидий матндан олин

[2] *Э. Фозилов.* XIV аср Хоразм ёдномалари. ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошк
1973, 126-бет.

Кими маъни қўюб, лафзин тузатур,
Кими вазнин бузуб, санъат кузатур.
Аларнинг уш бири Сайфи Саройи,
Жаҳон орифларининг хоки пойи.
Ани сен жумла шоир камтари бил,
Қамар юзга ҳамиша муштари бил.

Келтирилган маснавийда умумий тарзда бўлса ҳам ўша даврда
яшаб ижод этган шоирларни уч гуруҳга (булбул, зоғ, тўти)
ажратиш ва улар ижодининг умумий хусусиятларини белгилашга
интилиш ҳодисаси диққатга сазовордир. Сайфи Саройи шоирларни
гуруҳларга ажратишда ўша давр учун тушунарли воситани
қўллайди. Бу восита эса бир гуруҳ шоирларни булбулга, иккин-
чисини зоғга ва, ниҳоят, учинчисини эса тўтига ўхшатишдан
иборатдир.

Сайфи Саройининг шоирларни қушларга ўхшатиши бежиз
эмас. Чунки булбул ўзининг ёқимли сайраши билан кишиларга
ҳиссий таъсир кўрсатиб, завқ-шавқини келтиради. Шунинг учун
мазмунли ва бадиий жиҳатдан гўзал шеърият соҳибларини
булбулга ўхшатиб, улар асарларининг "мавзуну ширин"лигини,
"лойиқи ташрифу таҳсин"лигини, яъни шарафлаш ва таърифлашга
сазоворлигини алоҳида уқтиради.

Зоғ кўриниши жиҳатидан ҳам, ёқимсиз овози билан ҳам
одамларга маъқул эмас. Шунинг учун Сайфи Саройи ўзининг
бадиий тушунчаларидан келиб чиққан ҳолда номаъқул шеърлар
ёзувчи шоирларни зоғга ўхшатиб, уларнинг асосий хусусияти
сифатида шаклпарастликни кўрсатади. Бу фикрни мазкур масна-
вийдаги:

Кими маъни қўюб, лафзин тузатур,
Кими вазнин бузуб, санъат кузатур,—

каби мисраларда ифода этилган мазмун ҳам тасдиқлайди.

Тўти эса биров томонидан ўргатилган сўзларни такрорловчи
уш бўлганидан бошқа шоирларнинг шеърларини, мазмун ва
ўзал ибораларини ўзиники қилиб олувчи шеър ўғриларининг
имсолидир.

Кўринадики, Сайфи Саройи ўз замонасидаги адабий муҳитда,
р томондан, гўзал асарлар ёзувчи ва одамларга завқ бағиш-
вчи шоирлар гуруҳи борлигини алоҳида уқтирса, иккинчи
омондан эса, шаклпарастликка берилган шоирлар гуруҳи мав-
удлигини ҳам таъкидлайди. Афсуски, муаллиф ўзининг бу
затишларини аниқ шоирларни тилга олиш орқали ривожлан-
ирмаган. Аммо шунга қарамай, Сайфи Саройининг шоирлар
ижодига муносабати, уларни гуруҳларга ажратиши ва ҳар бир
уруҳнинг ижодига хос хусусиятларни ниҳоят ихчам, пухта тарзда

тушунтириб бериши диққатга сазовордир. Чунки бу ақида шеършуносларнинг тўғри фикрларини ифода этади, улар бадиий сўз олдига қўйилган ижтимоий талабларни ўз замо шароити нуқтаи назаридан ҳаққоний тушунганларидан ва амалга ошириш учун курашганларидан далолат беради, улар шеъриятдаги қалбакичилик ва шаклпарастликка қарши муро эканликларини кўрсатади.

Юқорида келтирилган шеърий парчанинг аҳамияти яна шу иборатки, унда муаллиф шеъриятнинг асосини мазмунд ташкил этишини, шакл эса унга боғли эканлигини уқтиради шу жиҳатдан XIV асрдаги адабий-танқидий қарашларда ба ижодиётнинг муҳим масалаларига катта эътибор берилиб, и фикр ва мулоҳазалар баён этилган деган хулосаларга ке мумкин. Тўғри, бу қарашлар ҳали умумийликдан холи эма улар маълум шоир асарлари таҳлилидан узоқроқ эди. Ш қарамай, юқорида таъкидланган фазилатлар бу даврдаги ад танқидий қарашлар адабий жараён билан ҳамнафас эканл исботлайди.

Бундай хулосани XIV аср охири ва XV аср бошларида ижод этган қатор шоирларнинг шеърлари асосида баён эти фикрлар ҳам қўллаб қувватлайди.

Жумладан, машҳур туркигўй шоир Атойи девонида м масалага доир айрим фикрларни учратиш мумкин. У ёзад

Назм баҳрина чўм, қаърина ет дуртек Атойи,
Дарё юзина чун хасу хошок керакмас.

Ёки:

Сўз баҳрида чун дурлар ғавс эттук Атойидек,
Гар кўрмаса эл не ғам миқдори хасе бизни.

Бунда Атойи назм денгизининг тубидан олиқадр дурла олиш шоирнинг вазифаси эканини уқтирмоқда, у сув ю хасу хашакдай, яъни қадрсиз шеърлар ёзишни ёқтирмайд фикрлар ҳам кўринмас иплар билан Сайфи Саройи ақида бориб боғланади.

Шу даврнинг шоирларидан бири Мавлоно Саккоки ҳам шундай қарашларни қўллаб-қувватлайди ва уларни ўзи тарзда баён этади. Жумладан, у шундай ёзади:

Биздан эшитсун эмди жаҳон тоза қиссалар,
Чун кўҳна бўлди Лайлию Мажнун ҳикояти.

Саккоки бадиий ижодиётда янгилик тарафдори, у шоир "тоза қиссалар" яратишга даъват этмоқда.

Шунга ўхшаш фикрлар шу даврда яшаб ижод этган Ҳайдар Хоразмий ижодиётида, хусусан унинг "Маҳзун ул-асрор" номли достонида ҳам учрайди[1].

Ҳайдар Хоразмийнинг мазкур асари фалсафий-ахлоқий достон бўлиб, у Низомий Ганжавийнинг шу номдаги асаридан ижодий илҳомланиш натижасида майдонга келган. Шу жиҳатдан қараганда у адабий-танқидий қарашларни ифода этувчи махсус асар сифатида қаралмайди. Аммо унда муаллиф бадиий ижоднинг айрим масалаларига доир мулоҳазаларини ҳам ўрни билан баён этганки, уларни кўздан кечириш фойдалидир.

Чунки бу қарашлар, бир томондан, Ҳайдар Хоразмий яшаган даврга қадар мавжуд бўлган шеър ва шоирлик ҳақидаги фикрларнинг давоми сифатида, иккинчи томондан эса Низомий Ганжавий асарларида баён этилган адабий-танқидий қарашлар билан ҳамоҳанглиги жиҳатидан диққатга сазовордир[2].

Ҳайдар Хоразмий ҳам ўз салафлари сингари бадиий сўздаги маъно ҳақида гапириб, мазмундорликни биринчи ўринга қўяди ва шу билан Сайфи Саройи томонидан танқид қилинган шаклпарастликка у ҳам қарши чиқади. У ёзади:

Сўзда керак маънию маънида завқ,
Сўзлагучида сўз учун дарду шавқ.

Муаллифнинг фикрича, асардаги мазмун шоирнинг кечинмалари билан боғланиб кетмоғи керак, яъни у чуқур ҳиссиёт билан, завқ билан баён этилмоғи лозим. Ҳақиқатан, агар шоир ўзи тасвир этаётган воқеадан завқланмаса, унда у ўқувчисини ҳам завқлантира олмайди. Шунинг учун тасвирланаётган ҳодиса шоир томонидан чуқур ҳис этилган бўлиши лозим— дея уқтиради Ҳайдар Хоразмий.

Бундан ташқари "Маҳзан ул-асрор"да ўзидан олдин ўтганларнинг ижодига, яъни адабий меросга муносабат масаласида ҳам айрим фикрлар баён этилган:

Менки пишурдим бу лазиз ошни,
Шайх Низомийдин олиб чошни.
Шайх Низомий дамидин жон топиб,
Маънисидин ярлуқу бурҳон топиб...[3]

---

[1] Ҳайдар Хоразмий ва унинг билан алоқадор масалалар бўйича қаралсин: Ғ. Валихўжаев XV—XIX асрлар ўзбек адабий-танқидий қарашлари тарихидан. А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети асарлари, янги серия № 138, Самарқанд, 1964, 50—56-бетлар. Яна: Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1974; Н. Абдуллаев. Ҳайдар Хоразмий ва унинг "Маҳзанул-асрор" асари, ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1976.

[2] *Е. Э. Бертельс.* Низами и Фузули. ИВЛ, Москва, 1962, стр. 394—431.

[3] Муборак мактублар. Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987, 222-бет. Бошқа мисоллар ҳам шу манбадан олинди.

Менки бу ният била қўйдум қадам,
Жон тамури учини қилдим қалам.
Хос кўнгул нақдидур ушбу румуз,
Ғавсда кўрсатма гуҳарни ужуз.

Ҳайдар Хоразмий салафлар ижодига, бу ўринда Низом ижодига ҳурмат ва эҳтиром билан ёндашишнигина таъкидлаб ди, балки уни давом эттиришни ҳам уқтиради. ҳар бир шоир "хос кўнгил нақди" бўлмоғи лозимлигини эътироф этади. Бу меросга ижодий ёндашиш, уни айнан такрорламаслик ҳақида юритилади, шундан келиб чиққан ҳолда бадиий ижодда янги сари интилиш лозимлиги баён этилади. Ҳайдар Хоразмий талабларга жавоб бера олиш, уларни амалга ошира олиш мураккаблигини тушунади. Шунинг учун у ўтмиш анъана мурожаат этиб, уни давом эттира олмайдиганларга қарата шу ёзади:

Кимдаки бор иштаҳи эттим ҳалол,
Қўрсоғина нўш бу жоми зулол.
Ҳазм қила билмаса, кўп емасун,
Куч била ҳалвони ачиқ демасун.

Ҳайдар Хоразмий томонидан қаламга олинган яна бир мас бу адабий танқиднинг мавқеи ҳақидаги фикрдир. Агар маз масала Шамсиддин Муҳаммад бин Қайс Розий томонидан муъжам" асарида тилга олингани эсланса, унда Ҳайдар Хор мийнинг шу асардан хабардор экани маълум бўлади. Амм достоннинг бирор жойида бунга ишора қилмайди. Шундай ё ҳам Розий ва Ҳайдар Хоразмийнинг бу соҳадаги ақидалар мавжуд бўлган ҳамоҳанглик юқорида айтилган мулоҳазани қ ватлайди.

Ҳайдар Хоразмий адабий танқидни "маҳаки имтиҳон"— тиҳон тоши ибораси билан қўллайди. Унинг фикрича, шеър ҳақиқий ва ёки ноҳақиқийлигини белгиловчи асосий восита маҳаки[1] имтиҳондир:

Орага кирса, маҳаки имтиҳон,
Сўз иёри бўлур ул дам аён.

Кўринадики, XV асрнинг бошига келиб ўзбек тилидаги ёд маларда ҳам адабий танқид ва унинг вазифасига доир лоҳазалар баён этила борди. Бу эса адабий танқиднинг, ш ва шоирлик ҳақида баён этилган фикру мулоҳазаларнинг тоб

[1] Маҳак — олтин ва кумушнинг ҳақиқий ёки қалбаки эканини аниқлаш қўлланадиган қора тош.

кучайиб бораётганидан, адабий жараёнда маълум мавқега эга бўлганидан далолат беради.

"Маҳзан ул-асрор"да баён қилинган мулоҳазалардан яна бири шоирнинг ижодий меҳнати масаласидир. Ҳайдар Хоразмий шоирнинг ижодий меҳнатини деҳқоннинг боғни парвариш қилишдаги меҳнатига ўхшатади. Деҳқон қанчалик кўп меҳнат қилса, дарахт ва экинларга қараса, улар шунча яхши ҳосил беради. Худди шунга ўхшаш тарзда шоир қам "жон тиши бирла... конни", яъни сўз конини қазиши, назм денгизида ғаввослардек шўнғиб, қимматбаҳо дурру марваридларни топа олиши лозим. Бундай ишни амалга оширган шоирнинг асарлари кенг халқ оммасига маъқул ва мақбул эканини у Низомий Ганжавий ижоди мисолида кўрсатиб, шундай дейди:

Ул киши қўйғай чу Низомий бу ганж,
Қазғана олғай гуҳари дастранж.
Йўқ эса ҳар муфлиси бедастгоҳ,
Ҳеч топа билмайму бу махзанга роҳ.

Демак, Ҳайдар Хоразмий Низомий Ганжавий сиймосида барча шоирлик фазилатларининг жам бўлганини кўради. Бошқа шоирларни ундан ибрат олишга чақиради.

Бу фикрларнинг Низомий фикрлари билан уйғунлигига диққат қилинса, унда Ҳайдар Хоразмий масаланинг моҳияти борасида ўз салафлари билан ҳамфикрлиги аён бўлади.

Бундай ҳолат асарда тўғри баён қилинган яна бир муҳим муаммога ҳам тегишлидир.

Ҳайдар Хоразмий XV асрнинг бошида шу даврга қадар мавжуд бўлган ўзбек тилида яратилган бадиий адабиётни кузатган ҳолда бу ишни эндиликда кенг кўламда давом эттириш шиорини ўртага ташлайди ва шундай ёзади:

Турк зуҳуридур ужунда бу кун,
Бошла улуғ йир била туркона ун...
Турк сурудини тузук бирла туз,
Яхши аёлғу била кўкла қубуз.

Бундай даъватни ўртага ташлаш ўз-ўзича бўлган эмас. Ҳайдар Хоразмий туркий тилли халқларнинг ўз она тилларида "улуғ йир" ларни ярата олишини ишонч билан сўзлайди. Шоир "турк сурудини"ни кўпроқ эшитмоқчи. Демак, у шоирларни ана шу тилда "улуғ йир" ва "суруд"лар (яъни, қўшиқлар) яратишга даъват этмоқда. Агар мазкур фикр баён этилган вақтда ўзбек тилидаги адабиётнинг Мовароуннаҳрда ҳам, Хуросон ва Форс ўлкасида ҳам давом этаётгани ва забардаст намояндаларни етиштираётгани (Саккокий, Лутфий, Гадойи, Амирий ва ҳоказолар) ҳисобга олинса, унда Ҳайдар Хоразмий чақириғининг нақадар долзарб ва

замонавий зарурат эканлиги маълум бўлади. Бу эса, ўз навбатида, адабий-танқидий қарашларнинг ўша давр, адабий жараёндаги муҳим йўналишни тўғри тушуниб, ўз вақтида уни қўллаб-қувватлаганидан далолат беради.

Шундай қилиб, Ҳайдар Хоразмий "Махзан ул-асрор" достонидаги бадиий ижоднинг айрим масалаларига доир қарашларини баён этиб, ўзбек адабий-танқидий қарашлари тараққиётига ўзининг маълум ҳиссасини қўшди.

Хулоса қилиб айтганда, адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашлар тараққиётининг биринчи босқичи шаклланиш даври бўлиб, унда турли йўсинларда бадиий ижодга доир мулоҳазалар баён этилди. Шуниси муҳимки, ана шу даврдан бошлаб, бадиий сўзнинг ижтимоий вазифаси, мазмуни ва бадиийлиги, тасвир услуби, шоирнинг фазилатлари, адабий жараён учун муҳим бўлмиш муаммолар ўша давр тушунчасига кўра ифода этилди. Мазкур давр адабий-танқидий қарашлари қизиқиш кўламининг кенглиги унинг муҳим кучга айлана борганидан далолат беради. Бу ҳол эса адабий-танқидий қарашлар тараққиётининг янги босқичига замин тайёрлади.

МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Адабий танқидчилик ва адабиётшуносликнинг ривожланиш босқичлари, уларнинг хусусиятларини аниқланг.
2. Адабий танқид (нақд уш-шеър) вазифалари тўғрисида, ким, қайси асарларималар ёзган?
3. Форобий, Беруний ва Синоларнинг шеър ва шоирлик ҳақидаги фикрларининг аҳамияти нимадан иборат?
4. Сайфи Сароий ва Ҳайдар Хоразмийнинг шеъриятга доир қарашлари ҳақида сўзлаб беринг.

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. "Қобуснома"нинг 35-бобини ўқиб, таҳлил қилинг.
2. "Девони луғотит турк"даги туркий шеъриятга доир атамаларнинг шарҳини кўчириб олинг.
3. Низомий Арузий Самарқандийнинг "Чаҳор мақола"сидаги иккинчи мақола(мақола)ни ўқиб, таҳлил қилинг.

ЗАРУРИЙ АДАБИЁТЛАР

а) Манбалар:

1. *Аристотель.* Поэтика. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1980, 7—60-бетлар.
2. *Форобий.* Шоирлар санъати қонунлари ҳақида. Қаранг: Аристотель. Поэтика. Тошкент, 1980, 63—75-бетлар.
3. *Форобий* Рисолалар. ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1975, 82. 112—113-бетлар.
4. *Юсуф Хос Ҳожиб.* Қутадғу билиг. ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1972, 656—658-бетлар.
5. Қобуснома "Ўқитувчи" нашриёти, Тошкент, 1967, 112 ва кейинги бетлар.
6. *Низомий Арузий Самарқандий.* Нодир ҳикоятлар. Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.
7. *Шамсиддин Муҳаммад бин Қайс Розий.* Китоб ул-мўъчам фи маойири ашъор ал-Ажам. Теҳрон, 1314.
8. *Сайфи Саройи.* Гулистон би-т-турки. Қаранг: Э. Фозилов. XIV аср Хоразм ёдномалари. ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1973, 126-бет.

б) Илмий асарлар

1. *А. Қаюмов.* Беруний ва адабиёт. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1974.
2. *А. Ирисов.* Абу Али ибн Сино. ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1980, 166—171-бетлар.
3. *А. Сатторов.* "Поэтика" Аристотеля на Востоке. Қаранг: "Мушкилоти ибн Сино". Мақолалар тўплами, Душанбе, 1980, 132—143-бетлар.
4. *А. Сатторов.* Восточные перипатетики о сущности поэзии, ее роли и основных элементах. Қаранг: юқорида эслатилган тўплам, 143—172-бетлар.
5. *А. Ҳайитметов.* Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1959.
6. *Б. Валихўжаев.* XV—XIX асрлар ўзбек адабий-танқидий қарашлари тарихидан. СамДУ асарлари, янги серия № 138, Самарқанд, 1964, 38—103-бетлар.

ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

Ўзбек адабиёти тарихининг XV асрдаги ҳолати Шарқда Уйғ
ниш даврининг якунланиш даврига тўғри келади. Шу сабаб
X—XV асрлар давомида катта тажриба орттирган, адабий
маданий тафаккурга таъсир ўтказиб келган илмий-бадиий қара
лар бу даврга келиб ўзининг янги қирраларини намоён эта
Илмий-бадиий қарашлар эса мазкур даврдаги илғор ижтимо
сиёсий ва фалсафий ақидалардан келиб чиқарди. Маълум
даврнинг илғор фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари Уйғ
ниш босқичининг инсонпарварлик ақидаларига асосланар, ўзи
инсоннинг буюклиги, шароитнинг шунга мувофиқ бўлиши ка
орзуларини ифода этарди. Шундан келиб чиққан ҳолда адабиёт
ҳам ана шу ақидаларни ўзида ташувчи турли адабий тимсол
намоён бўлар эди.

Бу даврда адабий-танқидий қарашлар, адабиёт ва шеър
ҳақидаги фикру мулоҳазалар ҳам мазкур ақидаларга асослан
ҳолда ривожланиб борди.

Шуни уқтириш лозимки, тараққиёт босқичлари ёхуд зинала
деб номланган даврда адабиётшунослик ва адабий-танқидий
рашлар мазмун ҳамда шакл жиҳатдан ўзидан олдинги даврла
дагига нисбатан анча илгарилаб кетган эди. Чунки бу дав
адабий-танқидий қарашларни ифода этувчи кўпгина "жанр"л
мукаммаллашибгина қолмади, балки ўзбек адабий-танқидий
рашларида уларнинг айримлари худди шу даврда майдонга кел
Мазкур даврда адабий-танқидий қарашлар фахрия, дебоча,
ноқиб, турли шеърий парчалар, шеър ва шоирлик ҳақид
махсус асарлар, тазкира ва тарихий китоблар каби "жанр" ла
ифода этилди, уларнинг мазмуни чуқурлашди, шакли мукамм
лашди. Айни пайтда, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ўзб
тилидаги биринчи тазкира, маноқиб, шеъриятга доир рисола
ҳам худди шу даврнинг маҳсулидир. Шуниси ҳам борки, мазк
даврда адабий-танқидий қарашларни ифодалашда умумийл
қоришиқликка нисбатан аниқликка эътибор кучайди. Шун
натижасида биринчи даврда кўпроқ кўзга ташланадиган ил

адабга доир асарлардаги қоришиқ тарзда фикр юритиш ҳодисаси бу даврда кам кўринади. Мазкур даврнинг хусусиятларидан яна бири шундан иборатки, адабий жараёндаги зуллисонайнлик ҳодисаси адабий-танқидий қарашларда ҳам кўринади. Бу ўринда шуни алоҳида уқтириш лозимки, агар адабий жараёнда кўпгина шоирларнинг ўзбек ва тожик тилида тенг равишда қалам тебратганлари зуллисонайнлик анаънасининг кўринишларидан бирига айланган бўлса, адабий-танқидий қарашларда эса ўзбек тилида ёзилган асарларда (Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис") ҳам ўзбек ва ҳам тожик шоирлари ҳақида, тожик тилида ёзилган асарларда (Давлатшоҳ "Тазкират уш-шуаро") ҳам тожик ва ҳам ўзбек тилларида ижод этган қаламкашлар ҳақида сўз юритиш, ҳаёти ва ижодига доир маълумот бериш ҳодисаси кенг тарқалди. Шунинг билан бир қаторда ўзбек шоири ҳақида тожик тилидаги махсус асарда сўз юритиш (Хондамир "Макорим ул-ахлоқ") тожик шоири ҳақида эса ўзбек тилида (Алишер Навоий "Хамсат ул-мутаҳаййирин") махсус асарлар яратиш ҳодисаси анъанага айланди. Шуниси диққатга сазоворки, ўша давр танқидчилари ва адабиётшунослари қайси тилда бўлишидан қатъи назар шоирлар ҳақида самимий ва ўз тушунчалари доирасида холисона сўз юритиш билан турли халқларнинг адабиётлари ва уларнинг забардаст намояндалари ҳаёти ҳамда ижодини кўпчиликка тарғиб қилиш, таништириш каби эзгу мақсадни ҳам ўз олдларига вазифа қилиб қўйиб, уни шараф билан уддалаганлар. Бу давр адабий-танқидий қарашларининг хусусиятларидан яна бири шундаки, бу соҳада баён қилинган фикрлар асосан XV аср адабий муҳитига таянган ҳолда ёки ўтмишдаги адабий жараён ҳақида шу давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ифода этиларди. Бундай ҳолат, бир томондан, адабий-танқидий қарашларнинг замонавийлигини исботласа, иккинчи томондан, унинг анъана билан ҳам алоқадорлигини тасдиқлайди. Шунинг натижасида бу даврда ўтмиш адабий жараёнини замонавий талаблар асосида идрок этиш, замонавий адабий жараённинг ўтмиш анъаналари билан муносабатини белгилашга интилиш, уларнинг ўзига хос томонларини аниқлаш анча кучайди.

Шу жиҳатдан қараганда бу даврда фаолият кўрсатган адиб ва шоирларнинг кўпчилиги турли шаклларда адабий жараён, шеърият қонуниятлари ва шоирлар ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Бундай ҳолни Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Хондамир, Сайфий Бухорий ва бошқаларнинг фаолиятларида кузатиш мумкин. Аммо шу даврнинг йирик санъаткорларидан бўлмиш ўзбек адабиётининг асосчиси Алишер Навоий адабий танқид ва адабиётшунослик соҳасида ҳам улкан намояндалардан эди. Навоийнинг бадиий ижоди қанчалик кўпқиррали бўлса, унинг адабий танқид ва адабиётшунослик соҳасидаги фаолияти ҳам шунчалик бой ва такрорланмасдир.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ ҚАРАШЛАРИ

Алишер Навоийнинг адабий-танқидий ва адабиётшунос сифатидаги фаолияти навоийшунос олимларнинг диққатини йиллардаёқ ўзига тортган эди. Шунинг натижасида проф. А. Сдий аввало ўз мақоласи билан чиқиш қилган бўлса, кейинча проф. А. Ҳайитметов бу масалани махсус ўрганди ва "Алиш Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари" номли йирик рисол нашр эттирди. Шундан сўнг С. Ғаниева ва Ҳ. Қудратиллае ўз номзодлик диссертацияларини шу масалани ўрганишга бағ ладилар. Мазкур сатрлар муаллифи ҳам 60 йилларда ўз иш рининг бир қисмини Алишер Навоийнинг адабиётшунос олим адабий танқидчи сифатидаги фаолиятига бағишлади. Шунд қилиб, Алишер Навоийнинг турли соҳадаги хизматларини ҳ томонлама ўрганишга диққат қилган адабиётшунослик унин мазкур масалага оид беқиёс хизматларини ҳам атрофлича ўрган ва ўрганмоқда.

Шуни алоҳида уқтириш керакки, кўпқиррали ижод соҳи Алишер Навоий адабий танқид ва адабиётшунослик соҳасида ноёб ва нодир асарлари билан адабиёт оламини лол қолдира Қайд қилинганидек, Алишер Навоий ҳам адабиётшунос олим ҳам адабий танқидчи сифатида фаолият кўрсатди. Бу фаолия унинг насрий ва шеърий асарларида, шу соҳага бағишланга махсус рисолаларида ҳамда бадиий асарларида намоён бўлд Шунинг учун, унинг ғазал, маснавий ва соқиномаларида, машҳу "Хамса"сидаги достонлари ва "Лисон ут-тайр"ида, "Мезон ул-а зон", "Муфрадот", "Мажолис ун-нафоис", "Ҳолоти Паҳлав Муҳаммад", "Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер", "Хамсат ул-му таҳаййирин" каби асарларида адабиёт, шоир ва шеърият қон ниятлари ҳақидаги муҳим фикрлари баён этилган.

Алишер Навоийнинг адабиётшунос олим ва адабий танқид сифатидаги фаолияти кўпинча бир-бирига қоришиб кетади улар яхлитликда намоён бўладилар.

Алишер Навоийнинг адабиётшунос олим ва адабий танқид сифатидаги фаолияти унинг бадиий ижод соҳасидаги шоирл мароми ҳамда ижтимоий-фалсафий қарашлари билан чамбар боғлиқдир. Шунинг учун Алишер Навоий бадиий сўзнинг инсо ва унинг манфаатларига хизмат қилиши, ҳақиқат ва ростл асосида яратилиши ҳамда ёлғондан узоқ бўлиши лозимли масаласига алоҳида диққат қилади.

Неча зарурат аро қолғон чоғи,
Чин демас эрсанг, дема ёлғон доғи[1].

[1] *Навоий.* Хамса, 1960, 92-бет.

Алишер Навоий "ҳақиқат" ва "ёлғон" деганда нимани назарда тутарди? Аввало, шоир бу сўзларни асл маънода, яъни инсон фаолияти, унинг фазилати билан боғли маънода ишлатади. Шунинг билан бирга у "ҳақиқат"ни рост, табиий тарзда тасвирлаш, яъни иккинчи хил қилиб айтганда, инсон ва унинг фаолияти, уни ўраб олган муҳит билан боғли бўлган табиийлик маъносида ҳам ишлатган. Бу фикр маълум маънода Аристотель, Форобий, Абу Али ибн Сино, Низомий Арузий Самарқандий каби олимлар томонидан шу ҳақда баён этилган мулоҳазалар билан умумийликни ташкил этади ва Алишер Навоийнинг ўзидан олдинги илғор ақидалардан ижодий фойдаланганлигини тасдиқлайди. Демак, Алишер Навоий бадиий сўз табиийликка асосланмоғи лозимлигини уқтиради. Шунинг учун у:

Сўзда, Навоий, не десанг чин дегил,
Рост наво нағмаға таҳсин дегил,—
(Хамса, 93-бет)

деб ҳам таъкидлайди. Ёлғон сўзи эса, бир томондан, ғайритабиийлик маъносида қўлланилган бўлса, иккинчи томондан, шеъриятдан бадиий тўқима маъносида ҳам ишлатилган. Жумладан, Алишер Навоий бу маънода "Ҳайрат ул-аброр"да:

Сўз аро ёлғон киби йўқ нописанд,
Айлар анинг назмини доно писанд,—
(Хамса, 34-бет)

деб ёзиб, унинг назм-шеъриятда ишлатилиши жоизлигини қайд қилган бўлса, бу фикрни давом эттириб, "Маҳбуб ул-қулуб"да шундай ёзади: "Ёлғон сўз жуз назмда нописанд ва қойили нохирадманд". Байт:

Сўз ичраки ёлғон зарур нописанд,
Чу назм эттилар қилди доно писанд"[1].

Демак, Алишер Навоий инсоннинг кундалик ҳаётида ёлғон сўзнинг эътиборсизлигини алоҳида уқтирса, шоирнинг бадиий тўқимаси эса кўпчиликка ҳам, донишмандларга ҳам маъқул тушажагини таъкидлайди, чунки шоир "ёлғон"ни табиийлаштиради, ишонарли ҳолатга келтиради. Бу жиҳатдан Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб"идаги қуйидаги сўзлар диққатга сазовордир:

"...Ваҳшатангез чиндин ...мулояматомиз ёлғон ...яхшироқ. Байт:

Ёлғон ўлса мулояматомиз,
Ваҳшатангез чиндин англа азиз"[2].

[1] *Алишер Навоий.* Асарлар, 13-том, Тошкент, 1966, 63-бет.

[2] *Алишер Навоий.* Асарлар, 13-том, Тошкент, 1966, 65-бет.

Бас, шундай экан, назмда қўлланиладиган "мулояматомиз ёл... табиийликка мойил бадиий тўқимадир. Шунинг билан бир... Алишер Навоий бадиий тўқима маъносида тахаййулни ... қўллайди:

Тахаййул аро барча бир навъ эмас,
Ҳадисин икки кимса бирдек демас.

Шундай қилиб, Алишер Навоийнинг бадиий сўз ва уни... фазилатлари ҳақида мулоҳаза юритишларида бадиий тасв... усулларига доир қарашларни ифода этгани ҳам сезилади. Гарчан... бундай қарашлар яхлитлаштирилган ҳолда баён этилмаган бўлса... да, ўша давр адабиётшуноси ва адабий танқидчисининг бадиий ижод билан боғлиқ бўлган муҳим масалалардан баҳс юритиш... диққатга сазовордир. Шу жиҳатдан Алишер Навоийнинг бадиий асар мазмуни ва шаклига доир мулоҳазалари ҳам эътиборлойиқдир. Чунки бу фикрлар Навоий замонасидаги адабий жараён ва унда шаклпарастликка мойил йўналишнинг мавжудлиги билан боғлиқдир. Алишер Навоийнинг бадиий асарда мазмун ва шакл таносиби ҳақидаги қарашлари, бир томондан, илғор адабий танқидий қарашларнинг давом эттирилиши бўлса, иккинчи томондан, бу фикрларнинг замонавий адабий жараён асосига майдонга келиб, шу адабий жараённи илғор назарий қараш... билан қуроллантириши муҳим аҳамиятга эга.

Агар ўша даврдаги адабий жараёнга назар ташланса, шаклпарастлик йўналишига мансуб кўпгина қалам аҳли шеърнинг бадиий воситалар йиғиндисига айлантириб, мазмунни хароб қилган, ҳатто бирор бир маънони англатмайдиган мисра ва байтлар ёзишга берилиб кетган эдилар. Худди ана шундай шеъртарошлик ҳақида Алишер Навоий шундай ёзган эди:

Табъ кажу борча такаллумнамой,
Нағма чапу борча тараннумсарой.
Англамайин сўзда туюқ баҳрини,
Қайси туюқ, балки қўшуқ баҳрини.
Лафзлари бемаза, таркиби суст,
Носара маънию адо нодуруст...
Турфа буким, шеър қўюб отини,
Еткурубон кўкка мубоҳатини...
Кўнглима кўп теғи жафо урдилар,
Дема кўнгул жонима еткурдилар.
(Хамса, 35—36-бетлар)

Даврнинг шаклпараст адабий оқими намояндалари ижоди ҳақида бундай мазмунда фикр юритишни Абдураҳмон Жомий асарларида ҳам учратиш мумкин.

Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий бошчилигидаги адабий йўналиш намояндалари шаклпарастларнинг шеър ҳақидаги тушунчаларига қарама-қарши ўлароқ бадиий ижодда мазмуннинг бирламчилиги, шаклнинг эса унга хизмат қилажаги тўғрисидаги ақидаларини ифода этдилар. Жумладан, Алишер Навоий уларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда шундай ёзади:

Назмда ҳам асл анга маънидурур,
Бўлсун анинг сурати ҳарнедурур.
Назмки маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маони қошида хуб эмас.
Назмки ҳам сурат эрур хуш анга,
Зимнида маъни даги дилкаш анга.

Алишер Навоийнинг бу фикрлари ўша даврнинг кўпгина олимларига илҳом бағишлаган эдики, бу ҳол Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг Алишер Навоий ташаббуси билан 1493 йилда ёзилган "Бадойиъ ус-санойиъ" асарида ҳам кўринади. Жумладан, унда шундай дейилган:

"Билгилки, лафзий гўзалликларнинг асоси улдурким, алфозни маъноға тобиъ қилғайлар. Умуман барча гўзалликларнинг асоси улдурким, нутқ ул тарзда адо этилгайким, маънони англашға, анинг латофати, таркиби ва соғломлиғига ҳеч бир халал етмагай. Асос ул эмаским, алфозға ҳусну зийнат бермакка сайъ қилғайлару маъноға халал етур ҳолдин кўз юмғайлар ёхуд аксинча холис маъно баён этиб, ҳусн-и адо тариқаға йўламағайлар"[1].

Навоий мазмун ва шаклнинг бирлиги, ўзаро боғлилиги, мазмуннинг етакчилиги ҳамда унинг ҳаққоний ва рост бўлиши кераклигини уқтирганидек, ўз-ўзини қайтарувчи ёки бошқа шоирлар томонидан ишланган мавзу ва баён этилган мазмунни айнан такрорлашни эмас, балки ижодкорлик ва янгиликка интилиш лозимлигини ҳам таъкидлайди:

Бир деганни икки демак хуш эмас,
Сўз чу такрор топти дилкаш эмас.
(Хамса, 484-бет)

Навоий бу масалага оид фикрини давом эттириб, бадиий ижоддан фақат аслиятнинг ўзинигина эмас, балки бу аслият халқ манфаатларига қаратилган бўлмоғини ҳам, унинг орзу-истаклари билан ҳамоҳанг бўлиши лозимлигини ҳам таъкидлайди. Шундай қилиб, бадиий ижоддаги ибрат бўла олишлик ҳодисаси асарнинг халқчиллиги масаласи билан чамбарчас боғли тарзда шарҳланади:

[1] *Атоуллоҳ Ҳусайний.* Бадойиъ-ус-санойиъ. Форсчадан Алибек Рустамов таржимаси. Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 35-бет.

Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай,
Улусқа майли беандоза бўлғай.

Бу мисраларда Алишер Навоий ижодининг ҳам асосий мар
ўз ифодасини топган. Навоийнинг ўзи шу ақида асосида
қилиб, ҳақиқий қаламкашларга ҳам ана шу йўсинда бадиий
яратишлари лозимлигини уқтиради.

Бу ўринда Алишер Навоий асарларида турли адабий жанр
жумладан ғазал, маснавий, туюқ, чангийлар ҳақида сўз юр
либ, уларнинг хусусиятлари бўйича муҳим фикрларнинг
этилганини ҳам таъкидлаш лозим. Чунки бу фикрлар Али
Навоийнинг адабий жараённи, эслатилган жанрларнинг та
қиёти ва хусусиятларини чуқур кузатиши, умумлаштириш
тижасида майдонга келиб, замонасидаги адабий тажриба би
бевосита боғлидир. Шу жиҳатдан Алишер Навоийнинг "Бе
ул-бидоя" девонидаги дебочада ғазал ҳақида баён қилган
лоҳазалари алоҳида қийматга эга.

"Сойир давовинда расмий ғазал услубидинким, шоъ
тажовуз қилиб, махсус навъларда сўз арусининг жил
намойиш ва жамолиға оройиш бермайдурурлар. Ва агар аҳ
матлае махсус навъда воқеъ бўлғон бўлса, ҳамул матлаъ ус
била итмом хилъатин ва анжом кисватин кийдурмайдурур
балки тугангунча агар бир байт мазмуни висол баҳорида
ройлик қилса, яна бири фироқ хазонида хорнамойлиқ қилиб
Бу сурат даги муносабатдин йироқ ва мулояматдан
кўрунди. Ул жиҳатдин саъй қилиндиким, ҳар мазмунда ма
воқеъ бўлса, аксар андоғ бўлғайким, мақтағача сурат ҳайси
мувофиқ ва маъни жонибидин мутобиқ тутқай"[1].

Бунда ғазалнинг муаммолари ва шунга боғли равишда тузил
жиҳатидан яхлитлигига доир фикрлар айтилган, шу мезон аса
яратилган ғазаллар алоҳида уқтирилган. Кейинчалик Али
Навоий ўзининг "Мажолис ун-нафоис"ида замондошларидан
миш Сайфий Бухорийни меҳнат аҳлини, хусусан ҳунармандл
ғазалнинг тасвир доирасига киритгани учун қўллаб-қувватла
уни бу соҳада ихтирочи деб атайди.

Алишер Навоийнинг ўзи эса ғазалчилик фаолиятида бу
зонга амал қилиб, мазкур жанрнинг энг яхши намуналар
яратгани учун ғазал мулкининг султони деган шарафга саза
бўлди. Кўринадики, жанрлар ҳақидаги назарий мулоҳаза
адабий тажрибага жорий қилиниб, улар янги-янги асарлари
майдонга келишига замин яратганлар. Бу эса адабиётшунос

[1] *Алишер Навоий.* Мукаммал асарлар тўплами, 1 том, Тошкент, ЎзССР
нашриёти, 22-бет.

ва адабий танқидчининг бадиий жараён тараққиётига қўшган катта ҳиссаларидан биридир.

Шундай қилиб, Навоий ўз асарларида замонасидаги адабий жараён ҳолатидан келиб чиққан ҳолда бадиий ижодга доир фикрларини турли муносабат билан баён этди ва адабий йўналишнинг назарий асосларини белгилаб берди.

Ана шу назарий масалалар ва тушунчалар асосида Алишер Навоий ўтмиш шоирлари ижодига ҳам, замонасидаги қалам соҳиблари ижодий фаолиятларига ҳам турли шаклда баҳо берди, улар ҳақида фикр юритди. Агар ўтмиш шоирларига бўлган муносабатда Алишер Навоий кўпроқ адабиётшунос сифатида кўзга ташланса, замондошлари ҳақида сўз юритганда адабий танқидчи сифатида намоён бўлади. Шуниси ҳам борки, адабиётшунос Навоий замонасидаги адабий-танқидий қарашлар талабидан ўтмиш шоирлари ижодига ёндашади, ана шу жиҳатдан уларни мақтайди ёки уларда учровчи камчиликларни кўрсатади.

Алишер Навоийнинг ўтмиш шоирлари ижодига бўлган муносабати кўп қиррали ва кенг қамровли масаладир. Шу жиҳатдан Навоийнинг асарлари кўздан кечирилса, унда Фирдавсийдан тортиб Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Аҳмад Яссавий, Адиб Аҳмад Югнакий ва Ҳайдар Хоразмийгача бўлган форс-тожик ва ўзбек адабиётининг барча йирик намояндалари ҳақида фикр юритганлиги намоён бўлади. Бундан ташқари турли муносабат билан араб шоирлари, юнон донишмандларининг тилга олиниши Алишер Навоийнинг ўзигача бўлган давр илмий ва адабий меросидан яхши хабардорлигидан гувоҳлик беради. Шу жиҳатдан Алишер Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" асаридаги маълумотлар ниҳоятда муҳимдир. Маълумки, Навоийнинг бу асари устози Абдураҳмон Жомийнинг "Нафоҳат ул-унси"дан илҳомланиб ёзилган ("Нафоҳот ул-унс" Навоийнинг хоҳиши билан ёзилганлиги ҳам маълум).

"Насойим ул-муҳаббат" тасаввуф аҳли силсиласига бағишланган бўлса-да, унда, юқорида уқтирилганидек, форсий ва туркий назмнинг кўпгина машҳур намояндалари ҳақида ҳам асарнинг мавзуи билан боғлиқ тарзда маълумот келтирилган, бошқача қилиб айтганда, Алишер Навоий бу асарида машҳур шоирлар фаолиятига файласуфона ёндашиб, бир томондан, улар фаолиятида ўрта асрлардаги тасаввуф ва унинг кўринишларини кузатса, иккинчи томондан, уларнинг бадиий ижодлари ва шу соҳадаги алоҳида хизматларини ҳам таъкидлайди. Бу жиҳатдан туркий тилда ижод қилган Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Ҳаким ота, Адиб Аҳмад, Мавлоно Лутфий, Мавлоно Муқимий, Сайид Насимийлар ҳақида ёзганлари диққатга сазовор. Агар Хожа Аҳмад Яссавий "Туркистон мулкининг шайх ул-машойихи" тарзида

эҳтиром билан тилга олинса[1], Сулаймон Ҳаким ота тўғрисида гапирганда "Ҳаким отаға ҳикмат тили гўё бўлубтур, андоқким анинг фавоиди атрок орасида машҳурдур",— деб ҳикматларидан бирини мисол келтиради:

Тики турғон тўбадур,
Борғонларни ютадур,
Борғонлар келмас бўлди,
Магар манзил андадур[2].

Бунда Алишер Навоий XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳаким ота ҳикматларининг туркийгўйлар орасида шуҳрат қозонганлигини гина эмас, балки бу ҳикматларнинг ўша даврдаги нусхасини мисол сифатида келтириб, ажойиб бир ишни амалга оширган. Чунки бу мисол ҳикмат мавзуи, унинг шаклий ва тил хусусиятларини ўрганишда бебаҳо бир бадиий ҳужжатдир.

Алишер Навоийнинг Адиб Аҳмад ҳақида билдирган мулоҳазаларида ҳам унинг шоирлиги ва шеърларининг туркий тилда эканлиги, уларнинг асосий мавзуидан қизиқарли баҳс юритади.

"Анинг (Адиб Аҳмаднинг) тили турк алфози била мавзуи насоиҳқа гўё эрмиш... аксар турк улусида ҳикмат ва нуктадоншоеъдур. Назм тарихи била айтур эрмиш. Анинг фавоидидин:

Байт: Улуғлар не берса, емасмен дема,
Илик сун, оғиз ур, емасанг ема.
Байт: Сўнгакка иликтур, эранга билик,
Биликсиз эран ул иликсиз сўнгак"[3].

Агар бу мисраларнинг айримлари адабиётимиз тарихида Адиб Аҳмад Югнакий номи билан машҳур бўлган шоирнинг "Ҳибат ул-ҳақойиқ" номли асарида учраши ва Навоийнинг Адиб Аҳмад ҳақида ёзганлари шу шоирнинг таржимаи ҳолига дахлдорлиги назарга олинса, унда XV асрда Адиб Аҳмад Югнакий ва унинг шеърияти маълум эканлиги равшанлашади. Агар "Ҳибат ул-ҳақойиқ"нинг 1444 йилда Самарқанд шаҳрида Зайнулобидин ба Султон Бахт ул-Журжоний деган котиб томонидан уйғур ёзувида кўчирилган нусхаси ҳақидаги маълумот ҳам илова қилинса, унда Адиб Аҳмад асари билан Навоий Самарқандда бўлган йиллар танишмаганмикан деган тахмин ҳам ҳақиқатдан узоқ эмас. Кейинчалик 884 ҳижрий 1479—80 милодий йилда унинг араб

[1] *Алишер Навоий.* Асарлар. 15 томлик, 15-том, Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968, 153-бет.

[2] Кўрсатилган асар, 154-бет.

[3] *Алишер Навоий.* Асарлар. 15 томлик, 15-том, Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968, 157-бет.

ёзувдаги нусхаси Шайхзода Абдураззоқ Бахши томонидан Қустантанияда кўчирилган. Бас шундай экан, Навоий замонида Адиб Аҳмаднинг асари Моваройуннаҳру Хуросондагина эмас, балки ўша даврдаги Румда ҳам маълум бўлган экан.

Демак, Алишер Навоий адабиётшунос олим сифатида ўзигача мавжуд бўлган туркий тилли шоирлар ижодини, улар ижодидан намуналарни келтириш билан туркий адабиёт тарихининг маълум бир лавҳаларини яратади.

Шуниси диққатга сазоворки, Алишер Навоий бундай ишни форсий тилда ижод қилган Носир Хусрав, Ҳаким Саноий, Фаридиддин Аттор, Шайх Саъдий, Авҳадий Кирмоний, Афзалиддин Ҳоқоний, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Ҳасан Деҳлавий, Камол Хўжандий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомийлар ҳақида маълумот келтириш билан ҳам амалга оширган. Яна шуни ҳам эслатиш жоизки, номлари тилга олинган шоирларнинг айримлари Навоийга замондош бўлсалар, кўпчилиги XV асрдан анча олдин яшаб ижод этган сўз санъаткорларидир.

Ўтмиш шоир ва адиблари ҳақида сўз юритган Алишер Навоий улар ижодидаги шеърий ва насрий асарларни, ўзига хос хусусиятларини, айрим шоирларнинг алоҳида хизматларини таъкидлайди. Жумладан, у Шайх Саъдий ҳақида шундай ёзади:

"Шайхнинг ашъори девони ва "Бўстон" маснавийси ва "Гулистон" китоби ва сойир китоби ва расойили андин машҳурроқдурки, андин бирор нима ирод қилилғай. Ғазалгўй акобир ва шуаро оллида мундоқ муқаррардурки, ғазал Шайх мухтареъдурлар"[1].

Шайх Саъдийнинг ғазал жанри соҳасидаги хизматига берилган баҳо ҳозиргача ўз қийматини йўқотган эмас[2].

Алишер Навоий ўтмиш шоирларидан баҳс юритар экан маснавийгўйларга алоҳида эътибор билан қарайди. Жумладан,у "Муҳокамат ул-луғатайн"да "маснавийда устози фан Фирдавсий ва нодири замон Шайх Низомий ва жодуи Ҳинд Мир Хусравдур"— деб ёзиб, бу улкан шоирларни машҳур "Шоҳнома", "Панж ганж" ва "Хамса"ларнинг муаллифлари сифатида таърифлайди. Алишер Навоийнинг адабиётшунос сифатидаги фаолиятининг моҳияти ҳам шундаки, биринчидан, у бу асарларнинг қайси тилда ёзилганидан, қайси халқ вакили томонидан яратилганидан қатъий назар уларнинг умумбашарий аҳамиятини тўғри белгилайди ва муаллифлари фаолиятини ҳаққоний тарзда юксак қадрлайди.

[1] *Алишер Навоий.* Асарлар. 15 томлик, 15-том, Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1968, 172-бет.

[2] Бу ҳақда қаранг: *С. Айний.* Куллиёт, ч. II, китоби 1, Душанбе, 1963, сах. 114—115

Алишер Навоий ўтмиш маснавийгўйларидан Озарбайжоннинг улуғ шоири Низомий Ганжавий, Ҳиндистонда яшаб ижод этган Хусрав Деҳлавий, форс-тожик шоири Фаридиддин Атторлар ҳақида кўпгина асарларида алоҳида эҳтиром билан сўз юритади.

Алишер Навоийнинг Низомий Ганжавий ҳақидаги фикрлари унинг "Хамса"сидаги достонларнинг тегишли бобларида кенг ва батафсил баён этилган. Жумладан, "Ҳайрат ул-аброр"нинг кириш бобларидан бирида Низомий ва унинг асарига алоҳида тўхталади:

Хайли фасоҳат бошининг афсари,
Ганжи яқин афсарининг гавҳари...
Ганжа ватан, кўнгли анинг ганжхез,
Хотири ганжуру тили ганжрез.
Фикрати мезони бўлуб хамсасанж,
Хамса дема, балки дегил панж ганж.
Каффаи мизон анга афлок ўлуб,
Ботмони тоши кураи хок ўлуб.
Тортса юз қарн хирад хозини,
Чекмагай онинг кўпидин озини...
Нозим ўлуб сўз дури серобиға,
Чарх Низомий ёзиб алқобиға.
Дурларидин ер юзи мамлуъ бўлиб,
Балки фалак дуржлари ҳам тўлуб.
Чун қилибон сўз юзи оройишин
Қўймай эл оройиши гунжойишин.

(Хамса, 29—30-бетлар)

Бу мисраларда Алишер Навоий Озарбайжон шоири Низомий Ганжавийни шоирлар гуруҳининг тожи, тожигина эмас, балки ундаги қийматбаҳо гавҳари деб эътирозлайди. Шу тарзда у нисбатан ўзининг чуқур эҳтиромини ифода этган.

Алишер Навоий улуғ Низомийнинг бебаҳо "Панж ганж"ини ниҳоятда юқори баҳолаб, унинг қийматини белгилаш учун ҳазиначиси юз қарн, яъни жуда узоқ муддат меҳнат қилса ҳамма хусусиятларини аниқлай олмаслигини уқтиради. Бу баҳо бадиий тарзда катта ҳақиқат ифода этилган. Дарҳақиқат, юзлаб йиллар давомида бу асар ўрганилиб, шарҳланиб келинаётган бўлса-да, аммо ҳали ҳам унинг очилмаган қўриқлари, каш этилмаган муаммолари олимларни янгидан-янги тадқиқотларга чорлайди.

Низомий ҳақида ниҳоят эҳтиром билан сўз юритган Алишер Навоий унинг "Панж ганж"идаги айрим тимсолларнинг ишлатилиши, уларнинг талқин қилинишига доир ўзининг мулоҳазаларини ҳам баён этади. Бу мулоҳазалар Навоийнинг адабий-бадиий мезони ва XV асрнинг шароити билан белгиланадиган ақидалар асосида бўлиб, уларда бадиийлик ва ҳаққонийликнинг ўзаро

қўшилиб кетиши хусусидаги талаблар кўзга ташланади. Бу жиҳатдан Алишер Навоийнинг ўтмиш хамсанавислари асарларидаги Хусрав, Фарҳод, Баҳром тимсолларига боғли бўлган воқеалар муносабати билан билдирган мулоҳазалари диққатга сазовордир. Жумладан, "Сабъаи сайёр"да ўзидан олдин ўтган муаллифларнинг Баҳромлари ҳақида сўз юритиб, шундай ёзади:

Бўлса тарих аларға гар матлуб,
Анда сўз боғламоқ эмастур хуб.
Сўз ясардин чу топти пироя,
Ишқдин хуштур анда сармоя.

(Хамса, 476-бет)

Бу фикр шу асарнинг хотима қисмларидан бирида Навоийнинг туш кўриши ва унда шоҳ Баҳром билан мулоқотда бўлганини тасвирловчи бўлимда шоҳ Баҳром тилидан шундай давом эттирилади:

Ўзгалар ҳам йўнуб бу ишга қалам,
Айладилар бу достонни рақам.
Сафҳаки чун мунаққаш айладилар,
Ёздилар ҳар неким хуш айладилар.
Не эшитганни айлабон тасдиқ,
Қилдилар назм, айламай таҳқиқ...
Яна бу ким алар ёзарда варақ,
Бердилар чун рақам ишига насақ[1].
Қисса кўпроқ эканини билмадилар,
Яна истарга сайъ қилмадилар.

(Хамса, 608)

Бу мисраларда сўз тарихийлик ва бадиийлик масалалари, уларнинг ўзаро муносабати устида бормоқда. Навоийнинг фикрича, шоир тарихий мавзу, тарихий шахсларни қаламга олишда тарихийликка асосланган ҳолда бадиийлик қонуниятларига таянмоғи даркор. Кимки бадиий ижоднинг бу нозиклигини ҳисобга олмаса, у саҳву хатога йўл қўйиши мумкин. Шу жиҳатдан Навоийнинг ўтмишдаги устозлар асарларида хусусан Баҳром образини яратишларида учратган саҳву хатоларни "бехабарлик" ва "эҳтиётсизлик" оқибати сифатида талқин қилгани ҳам бежиз эмас.

Ул иков устоди моҳир эди,
Ким маҳорат аларда зоҳир эди.
Чун тузуб бу бисот ўтмишлар,
Қилмайин эҳтиёт ўтмишлар.

[1] Насақ — тартиб, интизом.

Мен деолманки, саҳвлар тушмиш,
Бехабар тушмиш, ул агар тушмиш.
(Хамса, 476)

Бундай мулоҳазалар Хусрав Деҳлавийга ҳам дахлдорлиги ўзидан равшан. Шундай қилиб, Алишер Навоий ўзидан ол ўтган муаллифлар ижодиётининг мақтовга сазовор томон тўғрисида ҳақли равишда самимият билан сўз юритгани ҳ учровчи айрим номутаносибликни ҳам хуштакаллуфлик ва асосли тарзда кўрсатиш ва ўзининг бадиий тажрибасида, хусу "Хамса" ёзишида, уларни тузатишга катта эътибор берган.

Бу билан Навоий ўтмиш меросига ижодий ёндошиш ун яхши анъаналарини давом эттириб, ўзига хос чекланганликла дан эҳтиёт бўлишни уқтирди. Алишер Навоийнинг тушуниш

Кишилик будурким, унутсанг ани,
Чу таркинг қилур тарк қилсанг ани.
(Хамса, 650)

Бунда сўз анъана ва уни давом эттиришдан бормоқда. Ма масала Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр"ида Қақнус қ ҳақидаги масалда янада равшанроқ баён этилган.

Навоий достоннинг охирида Фаридиддин Аттор анъанас давом эттирганидан сўз юритиб, Қақнус қуши ҳақидаги қизика ривоятни келтиради. Тасвирланишича, Ҳиндистонда Қақнус но чиройли ва минқори жуда ажойиб тарзда тузилган қуш эмиш. Унинг жуфти бўлмас эмиш, ўзи ўрмонда танҳо яшарм Умри бўйи ўтин терармиш ва минқоридан шундай чиройли с чиқармишки, уни эшитган барча қушлар мафтун бўлиб қо миш. Ана шундай хонишни эшитган Фисоғурс (Пифагор) шунинг асосида мусиқа фанини яратганмиш. Қақнус умри о рида ўзи йиққан ўтинларни куйдирармиш ва ўзи ҳам ёнарм Ўтинлар ҳам, қақнус ҳам ёниб кул бўлгач, кул ичидан қа боласи қанот ёзиб чиқармиш ва отаси ишини давом эттирарм

Бу ривоят сўнгида Навоий Фаридиддин Атторни ота Қақну ўзини эса Қақнус полопонига ўхшатиб, ёзади:

Ҳар неким кўрди отамдин рўзгор,
Ҳам они бўлди манга омўзгор.
Ўртадим олам элини, ўзни ҳам,
Қуш тилидин ўзга қилмай сўзни ҳам.
Будир умидимки бу сўзи фано,
Борча куйганга бақо бергай яно[1].

[1] *Алишер Навоий.* Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн, тайёр Ш. Ш. Эшонхўжаев. Ўзбекистон ССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1965, 19

Бу билан Навоий ўтмиш анъаналари кейинги авлод томонидан давом эттирилиши қонуний бир ҳодиса эканлигини, бу қонуният бадиий ижодга ҳам бевосита дахлдорлигини уқтирмоқда.

Хуллас, Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашларида адабий меросга, ўтмиш сўз санъаткорларига нисбатан бўлган муносабатга доир қийматли мулоҳазалар мавжуд бўлиб, улар фақат Навоийнинг ўзигагина тегишли бўлмай, балки замондошлари учун ҳам дастуруламал бўлиб хизмат қилган эди.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЗАМОНДОШЛАРИ

Навоийнинг замондошларига бўлган муносабати унинг бир қанча асарларида ўз аксини топган. Шуни ҳам эслатиш лозимки, Навоий замондошларини уч гуруҳга ажратиш мумкин: а) устозлар; б) тенгқурлар ва в) шогирдлар — ёшлар. Алишер Навоийнинг ҳар бир гуруҳ вакилларига бўлган муносабати ўзига хос тарзда ифода этилган.

Навоий замондошларидан устоз шоирларга алоҳида эътибор билан қарайди, уларнинг ижодини зўр ҳурмат билан тилга олади. Шунинг билан бир қаторда ижодий камолоти ва дунёқарашининг шаклланишида маълум роль ўйнаган устоз ва тенгқурларига бағишлаб алоҳида асарлар ҳам ёзиб қолдирди. Бунинг учун "Хамсат ул-мутаҳаййирин", "Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер" ва "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" кабиларни кўрсатиш мумкин.

Навоий бу асарларида устози Абдураҳмон Жомий, отахони Саид Ҳасан Ардашер ва замондоши Паҳлавон Муҳаммад ҳаёти, ижоди, шахсий фазилатлари ҳақида кўп маълумотларни келтиради. Бу жиҳатдан унинг Жомий ва Лутфий тўғрисида ёзганлари ниҳоятда қизиқарлидир. Чунки улар Навоий билан Лутфий ва Жомий ўртасидаги ижодий дўстликни, ҳамкорликни тушуниш ишига катта ёрдам беради.

Даврнинг машҳур олими ва шоири Абдураҳмон Жомий ўзининг девонлари: "Ҳафт авранг", "Баҳористон" каби асарлари билангина эмас, балки "Рисолаи аруз", "Рисолаи мусиқий" ва шу каби илмий-назарий асарлари билан ҳам кенг танилган кишидир.

Навоий ўзининг "Мажолис ун-нафоис" асарида Жомий тўғрисида шундай ёзади: "Бу мухтасарда (яъни "Мажолис ун-нафоис"да) мазкур бўлган жамоатнинг (яъни шоирларнинг) раъс ва раиси[1] ул зоти нафис ва бу рисолада мазкур бўлғон гуруҳнинг муқтадоси ва пешвоси ул гавҳари яктодур" (яъни, Абдураҳмон Жомийдир — Б. В.)".

[1] раъс ва раис — сарвар, бошлиқ (Б. В.).

Жомийга шу руҳда баҳо бериш "Хамса"нинг ҳамма достонрида мавжуд. Навоий ва Жомий ўртасидаги ижодий муноса ҳам катта аҳамиятга эга. Алишернинг ҳар бир ижодий муваф фақиятидан қувонган Жомий уни янги-янги ютуқларга илҳомл тирарди. Навоий бу ҳолни "Садди Искандарий"нинг хотима қисмида жуда аниқ кўрсатган.

Асар ёзишда бу икки шоир бири иккинчиси учун таянч бўлиб қолмасдан, балки муҳаррир ҳам бўлганлар. Бу тўғр "Муҳокамат ул-луғатайн"да шундай ёзилган: "Барчадин кулли санад буким, ҳазрати иршодпаноҳи... Нуран (яъни Жомий) форсий сўзда жамиъ алар сўзидин юқорироқ сўз йўқдур, кўп кутуб ва расоил ва ғазалиёт ва қасойиддаки, маоний гавҳарла назм силкига қийдурур эрдилар ва замир ниҳонхонасидан ан ман тамошогоҳиға жилва берур эрдилар анинг мусаввад бурунроқ бу фақирға илтифот ва эътиқод юзидан берур эр ларким: "Бу авроқни ол ва бошдин оёғига назар сол, хотири ҳар не айтқудек сўз келса, айт" деб. Ва ҳар не ишо бўлғониким, мазкур бўлди, зоҳир қилсам, мақбул тушар эр Бу дағвоға далил буким, ўндин ортуқ кутуб ва расоилда ҳазрат бу фақирнинг отин мазкур қилибдурлар ва кўпи табъ идрок ва мунга муносиб нималарга нисбат бериб, мастур қил дурлар"[1]. Ҳақиқатан ҳам Абдураҳмон Жомий Навоий томони қанча ҳурмат қилинган бўлса, Жомий ҳам Навоийни ҳур қилар, унинг ижодига юксак баҳо берар эди. "Хирадно Искандарий"нинг хотима қисмида Навоий ва унинг "Хамса"с доир ижобий баҳо фикримизнинг далилидир. Бунда Али Навоий ижодининг илк қадрловчиларидан бўлмиш Абдурах Жомий 1484 йили "Хамса"нинг ёзилиши муносабати би "Хамса"нинг фақат Навоий ижодидагина эмас, балки ўша да даги адабий ҳаётда улкан воқеа эканини таъкидлаган бўлса, фикр унинг "Баҳористон"ида яна бир карра тасдиқланади. Шун билан бир қаторда бу асарда Абдураҳмон Жомий улуғ ўз шоирининг ўн минг байтдан иборат ғазалиёти ва "Хамса"си асо (шуни эсда тутиш керакки, бу 1487 йилга тегишли гаплар) Шарқ мумтоз адабиётининг Рўдакий, Фирдавсий, Низомий, Саъ Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий каби намояндалари қато тилга олади ҳамда замонасидаги адабий муҳитнинг сардафт бошлиғи эканини алоҳида уқтиради. Шуниси ҳам борки, Аб раҳмон Жомий Алишер Навоий ижодиётининг асосий хусусия рини, ўзбек адабиёти тарихида тутган алоҳида мавқеини т белгилайди. Шу жиҳатдан, Алишер Навоий "Хамса"си ҳа қуйидагича ёзганлари диққатга сазовордир:

[1] *Алишер Навоий.* Асарлар. 14-том, 126—127-бетлар.

"Маснавиёте, ки дар муқобилаи "Хамса"и Низомӣ вукӯъ ёфта, ба сӣ ҳазор наздик ва ҳамоноки ба он забон пеш аз вай, беҳ аз вай ва беш аз вай касе шеър нагуфтааст ва гавҳари назм насуфтааст".

Мазмуни: Низомий "Хамса"си жавобида ўттиз минг байтга яқин ёзган маснавийлари борки, ҳеч ким ундан олдин, ундан яхшироқ ва кўпроқ шеър айтгани ва назм гавҳарларини тиза олгани йўқ".

Кўринадики, устоз қобилияти шоирднинг салоҳиятини, ижодий ютуқларини зўр тантилик билан тан олибгина қолмай, балки XV асрнинг ўзидаёқ Алишер Навоийга бадиий ижод соҳасининг даҳолари қаторидан жой ажратади. Бу ҳам Абдураҳмон Жомийни замонасининг адабий жараёнини синчиклаб кузатган, ундаги ижобий ҳодисаларни ўз вақтида пайқаб, уларга ижобий баҳо берган адабий танқидчи сифатида намоён этади. Биз бу икки шоирнинг бири иккинчиси ҳақида айтган фикрларини келтириш билан адо қила олмаймиз. Навоий ёки Жомий учун ҳар бирининг ижодидаги майда-чуйда камчиликлар аҳамиятли эмас, балки шу ижоднинг моҳиятини белгилаш аҳамиятли эди. Буни биз юқорида келтирган мисолларимиз заминида очиқ тасаввур қила оламиз. Ана шу нуқтаи назардан Навоийнинг "Хамсат ул-мутаҳаййирин" асари Жомий шахсияти ва ижодини ўрганишда қимматли маълумот берувчи манбалардан биридир.

Навоий ўзининг яна бир устози Лутфий ҳақида ҳам самимият билан сўз юритади: у "Мажолис ун-нафоис"да Лутфийнинг ғазаллари ва Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома"сини ўзбек тилига таржима қилгани ҳақида маълумот беради, уни "ўз замонининг малик ул-каломи эрди" деб айтади. Кўп ўринда бу баҳони Лутфийнинг бадиий маҳоратига нисбат берадилар. Бу тўғри, лекин мазмунни биринчи қилиб қўйиб, бадиий шакл унинг ифодачиси бўлсин деган Навоий Лутфий ижодининг энг аввал мазмунан бойлиги ва шунинг билан бирга бадиий пишиқлиги учун унга "малик ул-калом" деб баҳо берган. Ҳақиқатан, Лутфийнинг шеърияти ўйноқи, жозибали, кўнгил торларини чертувчи, нозик ва ҳаётийдир. Ҳаётга муҳаббат, инсон ва унинг фазилатларини куйлаш, табиатнинг гўзал манзараларини тасвирлаш, замонадаги адолатсизликдан норози бўлиш ва шу кабилар Лутфий шеъриятининг асосий мавзуларидир. Қайд қилиш керакки, Лутфий шеъриятида муаллифнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари ҳам, ўша замоннинг ҳаётий лавҳалари ҳам ўз ифодасини топган.

Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн", "Мажолис ун-нафоис", "Насойим ул-муҳаббат" ва девонларига ёзган дебочаларда Лутфий ҳақида фикр юритса-да, лекин унинг ҳаёти, ижоди, фазилатлари ҳақида мукаммал маълумот бергучи бир ҳолот —

мутафаввиёт ёзишга улгурмаган кўринади. Агар бу иши амалга ошганда эди, ҳозирги кунда лутфийшуносликдаги кўпгина муғам моларга жавоб айтилган бўлурди.

Демак, Навоий ўзининг замондош устозлари бўлган шоирларни зўр эҳтиром билан муносабатда бўлиб, уларнинг ижодига ҳақли равишда юқори баҳо берган. Улар ижодини ўз замонасидаги ёш шоирларга ўрнак қилиб кўрсатиб, ёшларни бундай сўз санъаткорларидан ўрганишга, уларни қунт билан ўқишга даъват этган.

НАВОИЙ "МАЖОЛИС УН-НАФОИС"ининг АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ ҚАРАШЛАР ТАРИХИДАГИ АҲАМИЯТИ

1. "Мажолис ун-нафоис" ва унинг баъзи бир хусусиятлари

XV асрнинг адабий-маданий ҳаётини ўрганишда ишончли манбалардан бири бўлган "Мажолис ун-нафоис" 1490—1491 йилда ёзилиб, 1498 йилда унинг иккинчи таҳрири бажарилган[1].

"Мажолис ун-нафоис"нинг муқаддимасидан маълумки, Навоий бу асарини ёзиш учун ўзигача яратилган тазкираларни чуқур ўрганиб, уларда асосан ўтмиш даврнинг машҳур шоир ва олимлари тилга олингани, замондошларга эса кам ўрин ажратилганини тўғри пайқаган.

Алишер Навоий тазкирачилик анъанасидаги шу ҳолатни тузатиш мақсадида ўзининг "Мажолис ун-нафоис"ини яратди. "Шикаста хотирға ва синук кўнгулга андоқ келдиким,— деб ёзади Алишер Навоий,— бир неча варақ битилган ва бу асар шуароси била бу давр зурафоти отин анда сабт этилгай, то бу ниёзмандлар ҳам бурунғи шуарои акобир зайлида мазкур бўлғайлар ва бу пайравлар ҳам ул раҳбарлар хайлиға қўшулғайлар"[2]...

Демак, "Мажолис ун-нафоис"нинг кириш қисмидаёқ Навоий ўз асарининг аввалги тазкиралардан тубдан фарқини белгилаб берди.

"Мажолис ун-нафоис" саккиз мажлис — бобдан иборат. Бу мажлисларни шоир ва қалам аҳлининг жойлаштирилиши нуқтаи назаридан уч гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳни I-II-III иккинчи гуруҳни IV-V-VI ва учинчи гуруҳни VII-VIII мажлислар ташкил этади.

Биринчи гуруҳга кирадиган мажлисларда асосан шоирлик билан шуғулланувчи 311 киши ҳақида сўз юритилган. Шунис

[1] *Алишер Навоий.* Мажолис ун-нафоис. Илмий-танқидий тексти, тайёрловчи Суйима Ғаниева. ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1961.

[2] *Алишер Навоий.* Мажолис ун-нафоис. Илмий-танқидий тексти, тайёрловчи Суйима Ғаниева. ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1961, 4-бет (эски ўзбек ёзувида

ҳам борки, бу мажлисларда шоирлар хусусидаги фикрлар Алишер Навоийнинг уларни кўрган-кўрмаганлиги, суҳбатида бўлган-бўлмаганлигига қараб, яъни маълум бир тарихий изчиллик асосида жойлаштирилган. Бу ҳол ҳар бир мажлиснинг сарлавҳасидан ҳам маълум. Чунончи: "Аввалғи мажлис-жамоати маходим ва азизлар зикридаким, бу фақир аларнинг шариф замонининг охирида эрдим (ва) мулозаматлари шарафиға мушарраф бўлмадим".

"Иккинчи мажлис-ул жамоати азизлар зикридаким, фақир алардин баъзининг мулозаматиға кичикликда етибмен ва баъзининг суҳбатиға йигитликда мушарраф бўлубмен ва ҳоло сана ситта ва тисъина ва самона миа (яъни, 896 ҳижрий — 1490—91 милодий) тарихидаким, бу мухтасар битиладур, алар бу фано домғоҳидин бақо оромгоҳига борибдурлар".

"Учинчи мажлис-алар зикридаким, ҳоло замон саҳойифида маони абкори аларнинг дақиқ табълари ҳуллабофлиғидин назм либоси киядур ва назм либоси аларнинг амиқ зиҳнлари муйшикофлиғидин санъат ва салосат нақш ва нигора топадурким, баъзининг мулозаматиға мушарраф ва сарбаланд ва баъзининг мусоҳабатидан хушнуд ва баҳраманддурбиз".

Иккинчи гуруҳнинг IV—V мажлисларида асосий касблари бошқа бўлиб, баъзан шеър билан қизиқувчи ва ҳатто шеър битувчи фозил кишилар ҳақида баҳс юритилган бўлса, VI-мажлисда юқорида қайд қилинган тоифадаги кишилар билан бирга соҳибдевонлари ҳам тилга олинган. Учинчи гуруҳ мажлисларида (VII—VIII) шеърият билан қизиқувчи, баъзан шеър битувчи, ҳатто девон тузган амир ва амирзодаларнинг зикри келтирилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир мажлиснинг ўзи ҳам махсус тузилмага эга бўлиб, шоирлар маълум бир изчиллик билан жойлаштирилган:

а) Олим ва шоирликда танилган кишилар, ундан сўнг ўртача танилган ва, ниҳоят, адабиёт майдонига энди қадам ташлаб келаётган хуш табъ ёшлар;

б) Шоир ва олимларни турар жойларига қараб гуруҳлаштириш, масалан, Астробод шоирлари, Самарқанд олимлари, Хоразм, Хуросон шоирлари;

в) Шоирларнинг касби, ҳунари, машғулотига (воиз, косиб, ҳунарманд) қараб кетма-кет келтириш;

г) Туркийгўй шоирларнинг анча қисмини бирин-кетин тилга олиш. Шоирларни бундай тартибда ўринлаштириш улар ҳақида пухта, тўлақонли маълумотларга эга бўлишни, шоирлар ижоди билан ҳам етарлича танишган бўлишликни талаб қилади. Бу оғир ишни бажаришда кўп шоирлар билан бевосита алоқада бўлиш, улар ижодини сурункали равишда кузатиб бориш Навоийга енгиллик туғдирди. Бунга Мир Алишернинг ёшлигида, ўқиш ва сургун йилларида, кейинчалик давлат арбоби сифатида турли

шаҳарларга бориб, у жойларда талай олим, шоир ва санъаткорлар билан учрашуви, улар ҳақида эшитиши, энг яқин кишиларнинг (Сухайлий, Хўжа хонд, Жомий) унга ёрдам беришлари ва ниҳоят, Навоий ҳофизасининг кучли бўлиши ҳам сабаб бўлган эди. Ана шундай ижодий изланишлар натижасида "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи таҳририда 459 киши ҳақида ноёб маълумотлар тўпланган[1].

Навоий у ёки бу шоир ҳақида фикр юритганда, уларнинг шеърларидан намуналар келтиришда ишончли манбаларга ва эътиборли кишиларга таянишга интилади. Бунинг натижасида "Мажолис ун-нафоис"нинг аҳамияти янада ошади. Навоий у ёки бу шоир шеърларидан намуна келтиришда жуда эҳтиёткорлик билан иш тутади, уларнинг кимга тегишли эканини аниқлашга уринади. Масалан, Навоий замондоши бўлган Мавлоно Сулаймоннинг бир ғазалига бўлган қарашини шундай таҳқиқ қилади: "Ва машҳур мундоқдурким, бу абёд Мавлоно Ҳаким Табибнинг хотуни Меҳринингдур. Бу фақир сиққа (ишончли) элдин эшитимки, Сулаймонийнингдур".

Навоий бу ўринда ўша ғазалнинг шоир Сулаймоний қаламига мансуб эканини исбот қилади. Иккинчидан, шоира Меҳрини ҳатилга олиб ўтади.

Навоийнинг ёзганларидан маълумки, шоира Меҳри ўша даврда ўз ғазаллари билан танилган, ҳатто муаллифи бошқа бўлишига қарамасдан, яхши ғазаллар шоирга нисбат берилган. Бугина эмас, диққатга сазовор жойи шундаки, Навоий "Мажолис ун-нафоис"да Бедилий тахаллусли иккинчи бир шоира ҳақида ҳам хабар беради. Навоий унинг ижодини ижобий баҳолайди.

Баъзан Навоий ўзи кўрмаган шоирларнинг шахсий фазилатлари ҳақида гапирганда ёки улар ижодининг хусусиятини белгилашда кишилар томонидан билдирилган фикрларга ҳам таянади. Масалан: 1. Мавлоно Хаёлий: "Ўзи хуш хулқ тавр йигит эрмиш"; 2. Мавлоно Бисотий: "Шўх табъи бор эрмиш, аммо бағоят омий эрмиш" ва ҳоказо.

"Мажолис ун-нафоис"дан ўрин олган шоир, санъаткор ва олимлар жамиятдаги турли табақаларнинг вакилидир. Унда шоҳ, шаҳзода, вазир, қозий, воиз, мударрисларни; турли касбдаги ҳунармандлар — наққош, кулол, хаттот ва мадраса талабаларини ҳам учратамиз.

Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис"ида шоирлар ҳаёти ва ижодига тавсиф беришнинг бир неча тури мавжуд:

---

[1] Адабиётшунос *М. Ҳакимов* "Мажолис ун-нафоис"нинг XVШ асрда кўчирилган Қўқондаги топилган нусхасида бунга қўшимча яна икки шоир Ҳузукрий ва Жафоий зикри келтирилиб, шоирлар сони 461 тага етганини аниқлаган. Қаранг: *М. Ҳакимов.* асарлари қўлёзмаларининг тавсифи, Тошкент, ЎзССР "Фан" нашриёти, 1983, 161-бет.

1. Навоий шоирлар ҳақида баъзан жуда сиқиқ маълумот беради. Бу маълумотлар ихчам бўлишидан қатъий назар шоирнинг ахлоқий қиёфаси, ижодининг муҳим томонларини, ватанини аниқлашда аҳамиятдан холи эмас.

2. Навоий шоирнинг фақатгина аждоди ва машғулоти ҳақида сўз юритадида, унинг шеърларига бўлган муносабатини, ижодининг хусусиятини белгиламасдан тўғридан-тўғри мисол келтиради (Масалан, Хожа Муайяд, Мавлоно Офатий, Мавлоно Кавкабий ҳақидаги зикрлар).

3. Баъзан шоирнинг хулқ-атвори ҳам, табъининг ҳолати ҳам, суҳбатининг хушлиги ҳам бир йўла ёритилади. Навоий бундай шоирларни бошқаларга намуна қилиб кўрсатади (Масалан, Мир Имод Машҳадий, Мирзабек).

4. Баъзи бир шоир ва олимларга баҳо беришда, уларнинг сифатлари, ижодининг хусусиятларини аниқлагандан сўнг Навоий ўзининг таржимаи ҳолига доир маълумотларни ҳам қайд қилиб ўтади, шу шоир ва олим билан қандай муносабатда эканини ёзади (Масалан, Мавлоно Шарафиддин Али Яздий, Хожа Фазлуллоҳ Абулайсий, Аълои Шоший, Шайх Камол Турбатий, Дарвеш Мансур, Ҳофизали Жомий ва бошқаларнинг зикри).

5. Ёш шоирларга баҳо берганда уларнинг тез орада илм эгаси бўлганликлари, шу билан бирга замонасининг шоирлари қаторига кириб, адабий ҳаракатнинг сафини тўлдира бораётганликларини таъкидлайди. Масалан, Ҳилолий, Сайфий Бухорий. Аҳамиятли томони шундаки, Навоий қобилиятли ёш шоирлар тақдирига умид билан қарайди, уларнинг келажагига ишонади.

6. Навоий ёзувчиларга тавсифнома беради-да, уларнинг шеърларидан намуналар келтиради: ғазалнинг матлаи ёки мақтаи, маснавийдан парчалар, муфрадот, қитъалар... Бу мисоллар мақсадсиз келтирилмайди. Навоий кўпинча шоирнинг ахлоқий қиёфаси ва ижодининг моҳиятини ифода этувчи мисраларни келтириб, ўз фикрларининг тўғри эканини кўрсатишга интилади.

Шундай қилиб, Навоий "Мажолис ун-нафоис"и ўзининг хусусиятлари билан, бир томондан, тазкирачилик анъанасининг нодир ёдгорликларидан бири сифатида кўзга ташланса, иккинчи томондан, адабий ҳаётни ҳар томонлама ўрганиш учун ноёб манбалиги билан ҳам қийматлидир. Асарда келтирилган маълумотлар XV аср адабий муҳитида зуллисонайнлик, мавзу ва жанрий ранг-барантлик, ҳунармандлик мавқеининг оша бориши, турли хил адабий йўналишларнинг мавжудлиги, мумтоз адабиёт анъаналарига бўлган муносабат ва, хусусан, бу давр адабий муҳитида Алишер Навоийнинг улкан мавқеини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

2. "Мажолис ун-нафоис"да шоирнинг ижодий ва ахлоқий қиёфаси масаласи

Алишер Навоий шоирнинг ижодий ва ахлоқий қиёфасини бир-бири билан узвий боғланган ҳолда тушунади. Шунинг учун у шоир ижоди хусусиятларини белгилашга уринар экан, унинг ахлоқий қиёфасини ҳам бир йўла ёрита боради. Шунинг орқали Алишер Навоий шоир ижодининг қандай эканини, нимага қаратилганлигини кўрсатиб, ўзининг унга бўлган муносабатини ҳам ифода этади.

Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис"идан маълумки, муаллиф камтар, ўзига талабчан, инсонпарвар, адолатли, чуқур мулоҳазали, хушмуомала, хушсуҳбат, доно шоирларнинг ижодини юқори баҳолайди, уларни ёқтиради. Ахлоқан тубан шоирлар ижодининг хусусиятини эса уларнинг ахлоқий қиёфасига боғлайди, бундайларга салбий муносабатда бўлади.

Демак, Алишер Навоий ўзининг ижтимоий қарашлари асосида шоирнинг ижодий-ахлоқий қиёфасини белгилайдики, бу кўп ўринда XV асрнинг иккинчи ярмидаги адабий ҳаётнинг хусусият ва йўналишларини ўрганиш ишига катта ёрдам беради.

Навоийнинг шоирлар ижодига баҳо беришидан ўша даврдаги адабий муҳитда икки адабий йўналишнинг борлигини, уларнинг бир-бирига қарши кураш олиб борганини аниқлаш имконияти туғилади. "Мажолис ун-нафоис"даги маълумотларга таяниб, Навоийнинг бу адабий йўналишларга муносабатини ёритиш мумкин. Алишер Навоий ижоди ахлоқий қиёфаси каби юксак бўлган шоирларни шунинг учун ёқтирадики, уларнинг ижоди Навоийнинг бадиий ижод олдига қўйган илғор талабларига жавоб бера оларди; бу гуруҳга мансуб ёзувчилар ижодида Навоий ҳаётий мавзуларнинг куйланганлигини, бадиий жиҳатдан пишиқликни, мумтоз меросга ҳурматни, бадиий шаклни бойита олганликни ва, ниҳоят, уларда ҳаётий лавҳаларнинг тасвирини кўрди. Бундай ёзувчиларнинг фалсафий қарашлари ўзининг фалсафий қарашларига яқинлигини англади. Шунинг учун Навоий уларнинг ижодини ҳам, ахлоқий қиёфасини ҳам маъқуллайди. Бу жиҳатдан "Мажолис ун-нафоис"нинг Қосим Анвор зикри билан бошланган диққатга сазовордир.

Навоий бунинг сабабини қуйидагича изоҳлайди: "Ҳар неча аларнинг (ҳазрати Амир Қосим Анворнинг) рутбаси (мартабаси) шоирлик поясидан юқорироқдур ва валоят аҳли зумрасида васфдин ташқарироқ, аммо чун ҳақойиқ ва маориф адосида назм либоси дилпазирроқ учун илтифот қилур экандурлар, таяммун (қутлуғ санаш) жиҳатидан бу мухтасарни аларнинг шариф исмлари била ибтидо қилилди".

Қосим Анворни (1356—1433) қутлуғ санашга сабабчи бўлган ҳолат шундан иборатки, Навоий уни назм соҳасида ўзининг устозларидан бири деб ҳисоблайди ва, иккинчидан, Қосим Анворнинг тасаввуфга оид қарашларини назарда тутади.

Алишер Навоий Қосим Анворнинг:

Риндему ошиқему жаҳонсўзу жомачок,
Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чи бок,—

(Мазмуни: Биз оламни куйдирувчи ринд ва яқони йиртувчи ошиқмиз. Сенинг ғаминг давлатидан жаҳоннинг фикридан қўрқмаймиз) матлаини, ўзининг ёзишича, ёшлигидаёқ ёдлаган. Кейинчалик эса бу байтни "Мажолис ун-нафоис"да Қосим Анвор ижодини белгиловчи мисралар сифатида қайд қилади. Албатта, ёш Навоий дунёқарашининг шаклланишида тасаввуфга доир фикрларни ифода этувчи бундай шеърлар маълум таъсир кўрсатган. Шунинг учун Навоий Қосим Анвор ҳақида сўз юритар экан, унинг тасаввуфий ғояларини ҳам маъқуллайди. Иккинчи бир мисол. Озарбайжондаги Насимий, Қосим Анвор кабилар мансуб бўлган фалсафий оқим сингари XIV асрдаги Хоразмда ҳам инсонни улуғлаш, табиатда гавдаланувчи ҳамма нарсада Аллоҳ зоҳир бўлади деган тасаввуфий ғоя олға сурилган. Ана шундай ғояни ифода этувчилардан бири Мавлоно Ҳусайн Хоразмий эди. Мавлоно Ҳусайн Хоразмий XIV аср охири XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган олим ва мусиқашунос Хожа Абдулвафо Хоразмийнинг шогирдидир. Ҳусайн Хоразмий ўз замонасининг донишманд олими, шоири ҳамда "Қасидаи бурда"га хоразмча ўзбек тилида шарҳ ёзган эди. Навоий унинг кейинги аҳволи ҳақида шундай ёзади: "Мавлонони Шоҳрух мирзо замонасида бир ғазал учун такфир (кофир) қилиб, Хоразмдин Ҳирийга келтурдилар". Мавлоно Ҳусайнни кофир деб эълон қилишга сабабчи бўлган бу ғазал тасаввуфий қарашларни ифода этади:

Эй дар ҳамаи олам пинҳон туву пайдо ту,
Ҳам дарди дили ошиқ, ҳам асли мудово ту.

(Мазмуни: Бутун оламда яширинган ҳам, кўринадиган ҳам сенсан. Ошиқнинг кўнглидаги дард ҳам, уни даволовчи ҳам ўзингсан). Албатта, Ҳусайн Хоразмийнинг Қосим Анвор ғоялари билан ҳамоҳанг асарлари биргина ғазалдан иборат бўлмаган. Мавлоно Ҳусайн тасаввуфий қарашларни ифода этгани учун Навоий уни ҳурмат қилади, унинг ижодини маъқуллайди ва шу воситада бундай ижод эгаларига ўзининг ижобий муносабатини ҳам жуда усталик билан билдиради.

Маълумки, Алишер Навоий ўз асарларида инсонни улуғлаб, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилибгина қолмай, балки инсонни улуғловчи ҳар қандай фалсафий оқимни ҳам маъқуллаган.

Демак, Навоий бадиий тафаккурининг марказида инсон улуғлаш, куйлаш, уни ҳимоя қилиш масаласи турган. Навоий ана шу меъёр асосида шоир ва алломалар ижодига баҳо берган.

"Мажолис ун-нафоис"дан маълум бўлишича, XV асрда маснавий, қасида, ғазал, рубоий, муаммо, луғз (топишмоқ), мунозара, бадиҳа, масал, мухаммас, тарих, нома, тирзиқ, мақлубий муставий каби турли адабий шаклларда асарлар яратилган. Бу жанрлардан ғазал, муаммо ва тарих ўша даврда ниҳоятда кенг тарқалган эди. Бу ҳолни Абдураҳмон Жомий ўзининг "Баҳористон"ида, Алишер Навоий эса "Мажолис ун-нафоис"га ёзган кириш қисмида, ва, ниҳоят, девонлари учун ёзган дебочада ҳам алоҳида уқтиради.

Навоий ғазал жанрига алоҳида бадиий шакл ("ғазал таври", "ғазал тариқи") сифатида қарайди ва унга юксак баҳо беради. "Ғазал таври... барчадин дилосороқ ва нишотафзороқдурур".

Агар Навоий ёш Ҳилолий ижодидаги, хусусан газалларидаги бадиий жиҳатдан ўзига хосликка интилишни кўриб, улардан намуна келтирган бўлса, ғазалда ҳаётий лавҳалар ва ҳунармандлар аҳволини тасвир этган шоирларнинг асарларини ҳам зўр қизиқиш билан эслатади. Бундай шоирларнинг ижоди уларнинг ахлоқий қиёфаси каби гўзал эканини кўрсатади. Масалан, ҳунармандлик билан шуғулланиб, шеърлар ҳам айтувчи самарқандлик шоир Ховарий ижоди ҳақида сўз борар экан, унинг "бадиҳан равон" айтиши, "табъи хеле шўх" экани уқтирилгач, шоирнинг

Мезанад гаҳ бо чўбу гоҳ бо мушт,
Бозй-бозй маро бихоҳад кушт.

(Мазмуни: Мени гоҳ таёқ ва гоҳ мушт билан уради. Ҳазил-ҳазил деб мени ўлдириб қўяди) мисралари келтирилади. Бу мисралар ўйноқилиги билангина эмас, балки ҳаётий мазмунни ифода этганлиги учун қам Навоий диққатини ўзига тортган эди.

Ёки иккинчи бир мисол.

Навоий Сайфий тахаллусли Мир Ёдгорбек деган шоир ҳақида гапирар экан, унинг "яхши матлаълари"дан қуйидаги мисраларни келтиради:

Дар барат пироҳани катон зи таҳрики насим,
Ҳаст чун навкисаи ларзанда бар болои сим.

(Мазмуни: Эгнингдаги нозик куйлакнинг шамолдан ҳилпиллаши эндигина давлатга эришган кишининг кумуш (пул) устида тирашига, қалтирашига ўхшайди). Бу мисолнинг "яхши матлаълар"дан бири сифатида қаралишига сабаб шундаки, унда, биринчидан, ҳаётий лавҳа тасвир этилган (эндигина давлатга эришган кишининг бир чақа устида тик туриши), иккинчидан, байтда гўзал ўхшатиш ишлатилган. Худди шундай гўзал тасвирни Мажнуний Балхий ғазалларида кузатган Навоий улардан намуна сифатида қуйидаги байтни келтиради:

Моҳи тобоним иситти, қилди бағримни кабоб,
Ой эди, эмди ҳароратдин бўлубтур офтоб.

Бундан ташқари "Мажолис ун-нафоис"да XV асрдаги шаҳар ҳаётини, ҳунармандлар шароитини акс эттирувчи шоирлар ижодига ҳам кенг ўрин берилган. XV асрнинг иккинчи ярмида ҳунармандчиликнинг жуда кенг миқёсда ривожланиши ўша давр адабий ҳаётига ҳам таъсир кўрсатди. Натижада турли ҳунар: ҳаймадўзлик (чодир тикиш), зардўзлик (тикувчилик), косагарлик (кулол), ҳалвоғарлик, камонгарлик (ёй ясаш)... билан шуғулланиб, шеърият билан қизиққан, шеърлар ёзган Мавлоно Қадимий — нақорачи, Мавлоно Зайн-киссадўз, Мавлоно Ҳавоий — наққош, Мавлоно Саид Кулол — косагар, Мавлоно Арғун — хаймадўз, Мавлоно Ховарий — зардўз, Мавлоно Бақоий — камонгар, Мавлоно Мажнуний — хаттот каби кўпгина шоирлар етишиб чиққанлар. Шунинг билан бирга ҳунармандлар мавзуси ғазалларга ҳам кириб бориб, ҳатто шундай ғазаллар девони ҳам майдонга келдики, унинг муаллифи Сайфий тахаллусли шоир эди.

Сайфий бухоролик бўлиб, Ҳиротга ўқиш учун келган. Ўқиш даврида шеърият билан шуғулланиб, ғазал, масал жанрларида асарлар яратган. Навоийнинг кўрсатишича, Сайфий ижодидаги янгилик шундан иборатки (бу янгилик XV асрда яшаб ижод этган шоирлар ижодига, улар ижодининг мавзусига нисбатан), у ҳунарманд ва косиблар ҳаётини ўз ғазалларининг мавзуси қилиб олган. Навоий Сайфий ижодидаги бу ҳолатни табриклаб, шундай ёзади: "(Сайфий Бухорий) санъат ва ҳирфа аҳли учун ҳам кўп латоиф назм қилибтур ва ул тариқда мухтаредур. Бир байт ул жумладиндурурким:

Бути пардозгарам к-ў бо касон месозад,
Ҳеч ба ҳоли мани хаста намепардозад.

(Мазмуни: Пардозчи гўзалим кўп киши билан чиқишади-ю, аммо мен хастанинг ҳолига ҳеч парво қилмайди.)

XV асрнинг иккинчи ярмидаги адабий ҳаётнинг мавзу доираси ранг-баранг бўлиб, унда ҳаётий масалаларга асосланиш, ҳаётий мавзулар устида ишлаш кўзга кўринарли ўринни эгаллаб борар эди.

Алишер Навоий адабиётдаги ана шу йўналишни сеза олди ва уни қўллаб-қувватлади. Ёш шоир Сайфий Бухорий ижодининг Навоий диққатини ўзига қаратган хусусияти ҳам шунда эди. Сайфий ғазалларининг мавзуси ҳунармандларнинг ҳаёти бўлганлиги ўша давр ғазалчилиги учун янгилик эди. Демак, Алишер Навоийнинг адабий-танқидчи сифатидаги фаолиятининг яна бир хусусияти шундан иборатки, у адабий жараёнда майдонга келган янгиликни вақтида сеза олиб, турли йўл билан уни қўллаб-қувватлаган.

Навоий шоирлар ижодининг ҳаёт билан алоқаси масаласи анча дуруст мавқеда турган. Унингча, ҳаёт билан маҳкам боғланган шоирлар ижодигина диққатга сазовордир. Шунинг у у "Мажолис ун-нафоис"да ҳунарманд шоирлар ва ижодин асосий мавзусини ҳунармандлар ҳаёти ташкил этган шоирла алоҳида тилга олади.

"Мажолис ун-нафоис"да форс-тожик ва ўзбек тилида қийматга эга бўлган асарлар ёзган шоирлар гуруҳига ҳам эътиб берилган. Чунки улар тожик ва ўзбек мумтоз адабиёти кў киритган муваффақиятларни ўз ижодларида мужассамлаштирди ва бадиий жиҳатдан юксак асарлар ёзишга интилар эдил Навоий бундай шоирлардан Амирий, Ҳожи Абдулҳасан, Мавло Қутбий, Тархоний, Яқиний ва шунга ўхшаш қатор кишилар қайд қилиб ўтади. Навоийнинг кўрсатишича, Шайхим Суҳайли шулардан биридир. Шунинг учун Навоий "Мажолис ун-нафоис" Суҳайлийни ўзбек ва тожик тилларида шеър ёзган шоир сифати тавсифлайди. Унинг лирик шеърларини ҳам, ҳажвий мисраларин ҳам маъқуллаб, қуйидаги қитъасини келтиради:

Вайсию Соғарй ба азми ҳарам,
Гашта буданд ҳар душон сафарй.
Лек аз он роҳ ҳар ду во монанд,
Он як аз бе харию ин зи харй.

(Мазмуни: Вайсий билан Соғарий Маккага бориш учун тайёр гарлик кўрган эдилар. Лекин улардан бири эшагим йўқ деб йўлдан қолган бўлса, иккинчиси эшаклик қилиб бу йўлда қолди.) Навоийнинг қайд қилишича, бу қитъа ўша даврда ке "шуҳрат тутди".

Алишер Навоий Суҳайлийнинг ахлоқий қиёфасини ҳам, ижодини ҳам, уларнинг бир-бирига бўлган муносабатини ҳам ў замонасининг шоирларига намуна қилиб кўрсатишга интилган.

Диққатга сазовор жойи шундаки, Алишер Навоий икки тил асарлар ёзган 40га яқин шоирларнинг номини "Мажолис ун-нафоис"га киритган. Булардан кўпчилигини, жумладан Мавлоно Ҳожи Абдулҳасан, Мавлоно Қутбий, Мавлоно Наимий (биринчи мажлисдан); Мавлоно Лутфий, Мавлоно Отойи, Мавлоно Муқи мий, Мавлоно Саккокий, Мирҳожи Суғдий Самарқандий, Мир зобек (иккинчи мажлисдан); Мавлоно Шавқий, Мавлоно Гадоий ларни (учинчи мажлисдан) ниҳоятда ҳурмат билан эслай Бундан равшанлашадики, ўзбек тилида асар яратиш учун кура XV асрнинг биринчи ярмидан бошлаб катта қадамлар билан ўсиб борган. Бу йўналишнинг тараққиёти жараёнида янги-янги истеъ додлар унга қўшилиб борганлар. Натижада XV асрнинг иккинчи ярмига келиб, ўзбек тилида асар ёзиш жараёни шунчалик кат кучга эга бўлдики, Лутфий, Отойи, Саккокий, Мирзобек ка

машҳур ва иқтидорли шоирлар гуруҳини тарбиялаб етиштира олди. Бизнингча, Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис"да ўзбек тилида асар ёзган шоирларни — туркийгўйларни (қайд қилиш керакки, улар ҳам икки тилда асарлар ёзганлар) алоҳида уқтириши сабабсиз бўлмаса керак. Бу билан Алишер Навоий XV асрдаги ўзбек адабиёти тарихининг қисқа очеркини яратмоқчи, бу тарихда ўзининг ижоди билан кўзга кўринган намояндаларни алоҳида қайд қилмоқчи бўлган. Бу эса Навоийнинг ўзбек адабиётини ривожлантириш учун курашганининг яна бир ёрқин мисолларидандир.

Навоий ўзининг "Мажолис ун-нафоис"ида туркийгўй шоирларга кўп эътибор беради. Уларнинг ҳар бири ижодидаги ўзига хос хусусиятларни кўрсатишга ҳаракат қилади. Масалан, Мавлоно Отойи ҳақида: "Мавлоно кўп туркона айтур эрди",— дер экан, биринчидан, ўзбек тилида шеър айтганини таъкидласа, иккинчидан, бадиий жиҳатдан анча дуруст асарлар ёзар эди, демоқчи. Мавлоно Муқимийнинг ўзбекча шеърлари тўғрисида "хеле чошниси бор" деб ёзса, ўзбек тилида ёзган шеърлари, асарлари халқ оммаси орасида кенг тарқалганини Мавлоно Камолийнинг зикрида таъкидлаб ўтади.

Алишер Навоий туркийгўй шоир Мирзобекни ҳаммага, хусусан ёшларга ҳар жиҳатдан: ахлоқий қиёфада ҳам, ижодидаги бадиий маҳоратда ҳам намуна қилиб кўрсатади. У ёзади: "Мирзобек инсоният ва хушахлоқликда Хуросон ва Самарқанд мулкида ягона эрди. Табъ ва фаҳм ва отар ва тутарда бу икки мулк йигитлари орасида саромади замона. Зеҳни диққат ва маони нуқудидин ғани эрди ва табъи бу навъ таърифлардин мустағни... Ҳайф ва юз ҳайф ва дариғ ва юз минг дариғким, ҳаёт чашмасидин сероб бўлмади ва умр нахли мевасидин бар емади".

Истеъдодли шоир Мирзобекнинг ёшлигидаёқ ўлиб кетганидан Навоий ниҳоятда афсусланади. Бунинг сабаби шундаки, у (мероси кам бўлишига қарамай) ўз асарларини ғоявий-бадиий жиҳатдан анча пухта ишлаган эди. Бу эса Мирзобекнинг келажакда етук шоир бўлиб етишувидан далолат берарди. Фикримизнинг исботи учун "Мажолис ун-нафоис"га мурожаат қиламиз: "Бу матлаъ анинг дурким:

Кўзинг не бало қаро бўлубдур,
Ким жонға қаро бало бўлубдур.

Зулқофиятайндур ва қофиялари тардиакским, жавоб айтмоқ бу фақир қошида маҳолотдиндур. Агарчи анинг тилига бу навъ абёт кўп ўтар эрди, аммо ҳаргиз парво қилиб бир ерда битимас эрди. Бу матлаин фақир тугатиб, анинг ёдгори девонда битибмен".

Ҳақиқатан ҳам бу байтнинг бадиий жиҳатдан жуда пишиқ ишланиши ва турли бадиий воситаларнинг қўлланиши мазмунга

хилоф етказмаган, аксинча уни кучайтиришга хизмат қил
Навоий, гарчи бир оз муболаға қилса-да, ҳақли равишда бу
шеърларга "жавоб айтмоқ бу фақир қошида маҳолатдиндур"
алоҳида қайд қилади. Шу орқали ҳам шеър матлаининг ма
ва бадиий жиҳатдан юксаклигини эътироф этган. Мирзобек
бундай шеърларни жуда кўп айтар эди.

Навоийнинг шу матлани давом эттириб ёзган ғазали
Мирзобек ижодига юксак баҳо берганининг ёрқин далили
Шундай қилиб, Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн"ни ёзгунга қ
ўзбек тилининг адабий тил бўлиши қонуний эканини "Маҳ
ун-нафоис"даёқ туркийгўйлар зикрида исботлашга уринган э
Бу тилда чуқур мазмунни бадиий маҳорат билан ёзилган ас
раларда ифода этиш мумкинлигини шоирлар асарларидан кел
ган мисоллар, намуналар орқали ҳам кўрсатди. Алишер Нав
ўзбек адабиётини ривожлантириш бу халқ манфаатларини, ун
орзу-истакларини ифода этиш деб билди, ҳамда бу ишга ў
киришиши мумкинлигини уқтирди:

Сенга онча ҳаҳ лутфи воқедурур,
Ки то турк алфози шоеъдурур.
Бу тил бирла то назм эрур халқ иши,
Яқин қилмамиш халқ сендек киши.

Демак, Навоий шоирнинг ахлоқий қиёфаси ва ижоди ў
сидаги муносабатни текширар экан, уларнинг бир-бирлари би
маҳкам алоқада эканини кўрсатиб, ҳам ахлоқий қиёфаси ва
ижоди гўзал бўлган, ҳаётий манзараларини, даврнинг долза
масалаларини ўз асарларида тасвир этган шоирларга сами
муносабатда бўлди. Ҳақиқатан ҳам кўриб ўтганимиз шоир
ўша давр адабий ҳаракатида соғлом йўналишнинг, дунёвий
ва ҳақиқатгўйликни ўзига шиор қилган оқимнинг вакилла
эдилар.

Алишер Навоийнинг бу масалани ёритишида иккинчи то
ҳам бор: у ҳам бўлса, ахлоқий қиёфаси ёмонлик ва адолатс
ликдан иборат бўлган шоирлар гуруҳига Навоийнинг сал
муносабати масаласидир. Бу ҳолни Алишер Навоийнинг — ил
адабий оқим вакилининг, илғор адабий танқид намояндаси
шаклпарастликка, адабиётни ўйинчоқ ва эрмак қуролига ай
тириш учун интилувчи гуруҳга қарши кураши деб ҳам тушу
мумкин.

Алишер Навоий илғор адабий-танқидий қарашларнинг на
яндаси сифатида Хожа Мусайяб ва Мавлоно Шиҳоблар ман
бўлган гуруҳни қоралади, шеъриятнинг ғоявий бўлиши ва бад
ийликнинг мазмун билан алоқасини мустаҳкамлашни ёқ
қилди. Масалан, Навоий Хожа Мусайяб шеърларидан келтир
мисол орқали унинг ижодини фош қилади: "Хожа Мусайяб

зидин (Сонеийдан), ажаброқ киши эрди. Ул даҳи вазорат бехудлигидин мусулмонларга ажаб зулмлар қилурға бел боғлаб эрдиким, қазо девонидин бевосита сиёсатга муставжиб бўлуб ва эл аниңг шарридин халос бўлдилар... Бу матлаъ анингдурким:

Гузашт умру зи ғафлат ман он чунон мастам,
Ки ҳеч тавба накардамки, боз нашкастам.

(Мазмуни: Умр ўтди, лекин мен ғафлат билан шунчалик мастманки, ҳар қачон бир ишдан тавба қилган бўлсам, уни албатта синдирдим, яъни ҳар вақт тавбамдан қайтдим).

Бу ўринда адабий танқидчи Навоийнинг маҳорати шундан иборатки, у Хожа Мусайябни ўз тили билан, ўз шеъри билан ўзини фош қила олган. "Мажолис ун-нафоис"да золим кишининг ахлоқий қиёфаси ва ижодий йўналиши бир-биридан фарқ қилмаслиги кўрсатилади.

Демак, бундан кўринадики, Навоий шоирларга, уларнинг ижодига баҳо беришда ҳам адолат ва адолатли киши учун кураш ғояси асосида иш кўрган. Унинг фикрича, адолатли киши — гина халққа хизмат қила олади, халққа манзур бўладиган асарлар ярата олади.

Аммо зулм ва адолатсизлик йўлидаги шоҳ ҳам, шоир ҳам халққа хизмат қила олмайди, яхши асарлар ёза олмайди. Кўринадики, Навоий адабий танқидининг йўналиши унинг ижодий ва фалсафий қарашлари билан ҳамоҳангдр. Иккинчи томондан, Алишер Навоий камтар, хушмуомала ва хушсуҳбат бўлиш, устодларни ҳурмат қилиш каби хусусиятлардан холи бўлиб, манманлик, худписандлик ва дағаллик касалига мубтало бўлган шоир, ёзувчиларни танқид қилади. Ахлоқий жиҳатдан тубанлик шоирнинг ижодига ҳам таъсирсиз қолмаяжагини кўрсатади. Бу жиҳатдан "Мажолис ун-нафоис"да Мавлоно Осафий ва Мавлоно Хуррамийга бағишланган зикрлар диққатга сазовордир. Навоий Осафий тўғрисида ёзар экан, унинг ўз вақтини бекор сарф қилганини, ўзига мафтун бўлиб кетганини алоҳида уқтиради. Шу билан бирга унинг "мутлақо пандпазир эрмас"лигини, манманликка берилганини ҳам қайд қилади.

Мавлоно Хуррамий деган шоирнинг манманлиги, дағаллигини қоралаб, шундай ёзади: "Мавлоно Хуррамий — Ҳиринінг одамийзодаларидиндур, аммо ўзида одамийликдин асар, балки бўе йўқтур. Бадмизожликлари жиҳатидан Хуросонда тура олмади, Ироққа борди, андин Макка ва Мадина ва Байт ул-муқаддас. Кўпроқ анбиё ва машойих мазоротин яёқ бориб, зиёрат қилди, балки икки қатла анга бу риёзат ва машаққат, балки бу давлат муяссар бўлди. Аммо ўз зотий бедавлатлиғлари жиҳатидин бу сафлардан келгандин сўнгра борғондин бурунроқдин бехабарроқ ва бадфеълроқ келди ва анинг маддоҳлиғида тил ожиз ва ақл

қосирдур. Бовужуди мунча турфалиқ шеър ҳам айтур ва ... кишини писанд қилмас".

Шундай қилиб, Алишер Навоий шоирнинг ижоди ... ахлоқий қиёфаси билан чамбарчас боғли эканини мисоллар асосида исбот қилиб берди. У ана шу масалани ечиш жараёнида замонасидаги икки адабий оқим ва унинг хусусиятларини кўрсатиб беришга интилди. Навоий бу масалани ҳам адолат муаммоси асосида ҳал қилиб, ўзининг адабий-танқидий қарашлари, бадиий тафаккури дунёқарашининг бир қисмн эканини очиқ кўрсатган.

3. "Мажолис ун-нафоис"да ҳажв, мутояба, ҳазил ва зарофатнинг тутган ўрни

Ҳажв ва мутояба Навоийнинг бутун ижодида бўлганидек, "Мажолис ун-нафоис"да ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳажвий ва ҳазиломиз асарлар ёзувчи қатор шоирларнинг унда қайд қилиниши фикримизнинг далили бўла олади.

Навоий ҳажв ва ҳазилдаги кулгининг хусусиятларини тушуниб олган. У ҳажвда кулгининг аччиқ ва куйдирувчи бўлиши, ҳазилда эса енгил бўлишлигини ажрата олган. Шунинг учун Навоий сатирани ҳажв, юморни эса "мутояба, зарофат" тушунчалари орқали ифода этган[1].

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, Навоий ҳаётий асосланган ҳажвни ёқлаган. Улуғ шоирнинг "Туҳфат ул-афкор" қасидасидан қуйидаги мисраларни шу фикрнинг далили сифатида келтириш мумкин:

Бегунаҳро сохтан озурда аз теғи забон,
Нотавон кардан раги беранчро аз наштар аст.

(Мазмуни: Гуноҳсиз кишига тил тиғи билан озор етказиш, ... томирга ништар уриб, уни яроқсиз қилиб қўйишдекдир.)

Демак, Навоий гуноҳсиз кишини шеъриятда масхарала... ундан кулишни қаттиқ қоралаган ва асоссиз равишда ҳажв остига олишнинг ёмон оқибатларга олиб келишини уқтирган. Навоий ҳажвга қандайдир шахсий кураш, шахсий манфаат қуроли сифатида қарамаган, балки у ҳажвнинг ҳаққоний бўлишига ва унинг таъсир кучига юқори баҳо берган. Бинобарин, ҳажв ҳаётий ва тўғри бўлгандагина ўз куч-қувватини сақлай олишини тушунган Навоий ёлғондан кулиш ва ғаразли танқиднинг зарарли таъсирини алоҳида кўрсатган эди. Шунинг учун Навоий ... нозикликларни тушунган ҳолда ҳажвий ва ҳазиломуз шеърлар ...

[1] Бундай ҳолни Навоий замондоши, таниқли олим Ҳусайн Воиз Кошифий ўзининг "Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ ул-ашъор" (изд. "Наука", Москва, л. 10а) асарида тасдиқлайди.

...ёзади Муҳаммад Олим Бурундуқ, Жунуний, Мавлоно Олим, Саид Козимий, Хожа Аҳмад Мужаллид, Саид Абдулло Астрободий, Мавлоно Музҳир, Мажнун каби қатор шоирларни ҳурмат билан тилга олади, асарларидан намуналар келтиради.

Халқ оммаси эҳтироссиз, қуруқ асарларга нисбатан янгилик руҳи билан суғорилган, маълум камчиликларни танқид қилган асарларни жуда севган, золимларнинг сирларини фош қилувчи шоирларни қўллаб-қувватлаган. Халқнинг Саид Козимий асарларини ҳурмат қилишининг сабаби ҳам шунда. "Саид Козимий,— деб ёзади Навоий,— хуш таъб ва сабукруҳ киши эрди ва табъи ҳажвга мойил эрди... Шеъри равон воқе бўлур эрди:

Шукри худо, ки қозии шаҳри Ҳари наям,
Дар силки одамисифатонам харй наям.

(Мазмуни: Худога шукрки, мен Ҳирот шаҳрининг қозиси эмасман; одамийлар қаторидаману, эшаклардан эмасман) ҳам аниқдур. Мунча ғайри мукаррар халқ Саид давлатидан шуарога мамдуҳ бўлубдурлар".

Қозийларнинг кирдикорларини, қози бўлиш учун амалдорларнинг ҳийла ва найрангларини, уларнинг порахўрлигини танқид қилган шоирлардан бири Саид Астрободий эди. Алишер Навоий ахлоқи юксак бу шоирни ҳар жиҳатдан мақтайди ва қуйидаги мисраларининг машҳур эканини алоҳида уқтиради:

Ҳаме гашт дар шаҳр шахсе зи Хўчон,
Ки қозй шавад, садр розй намешуд.
Бидодаш харе ришваву гашт қозй,
Агар хар намебуд қозй намешуд.

(Мазмуни: Хўчонлик бир киши қози бўлмоқ учун тинмай шаҳарга қатнар эди, бироқ садр унинг қози бўлишига рози эмасди, охирида у киши бир эшакни садрга пора бериб, қози бўлиб олди. Ҳақиқатан агар эшак бўлмаса эди (бу ўринда нозик лутф мавжуд) қози бўла олмас эди.)

Бу мисралар шунчалик усталик билан тузилганки, улар XV асрдаги амалдорларнинг хатти-ҳаракатларини билишда катта аҳамиятга эга. Ундаги сўз ўйини айтилмоқчи бўлган фикрни ифода этиш учун ўринли ишлатилган. Навоий бу парчани маъқуллабгина қолмаган, балки уни намуна сифатида ўзининг тазкирасига киритган.

Бу ўринда шуни қайд қилиш керакки, ҳажвнавис шоирлар фақат ғазал, маснавий, қасида жанрлардагина асар ёзмасдан, балки ўша даврда кенг ёйилган муаммо шаклидан ҳам усталик билан фойдаланганлар. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи ҳам Хожа Аҳмад Мужаллид номли шоир зикрида шундай ёзади: "Мутааййин элдин оз қолмиш бўлғайким, ул (Хожа Аҳмад Мужаллид) назм

ё муаммо била ҳажв ё ҳазл қилмағай. Мавлоно Журда исмли бу муаммо анинг ҳазилларидиндур:

Харе кач карда полон сўи деҳ тохт,
Чарогоҳи деҳ аз говон бипардохт.

(Мазмуни: Эшак тўқимини қийшайтириб, қишлоқ томон чопиб кетди-ю қишлоқнинг ўтлоғи қорамоллардан бўшаб қолди.)

Шоир бу масалнамо мисраларда муаммо қоидаларига риоя қилган[1]. Лекин энг асосий томони шундаки, унда солиқ тўплаш учун қишлоқларга чиққан амалдорлар — эшаклар фаолияти натижасида қишлоқларнинг хароб бўлиши манзараси тасвир этилган.

Шуниси қизиқарлики, Саид Козимий ҳам, Саид Астробод ҳам ўзларининг ҳажвий шеърларида амалдорларни, жумладан қозиларни эшакка ўхшатиб, уларнинг нодон, калтафаҳм кишилар эканини кўрсатган бўлсалар, шоир Аҳмад Мужаллид ҳам ўз тимсолга мурожаат этади ва қишлоқларни талон-торож қилувчи амалдорларни эшакка ўхшатади. Бундай умумийлик, илғор фикрли шоирларнинг ҳаётий масалаларни тушунишда ҳамжиҳат эканликларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Алишер Навоий эса бундай шеърларни "машҳурдур", "равон воқеъ бўлубтур" деб ижобий баҳолайди.

"Мажолис ун-нафоис"да халқ оғзаки ижодининг таъсирида асарлар ёзган шоирлар ҳам зикр қилинади. Улардан бири Мавлоно Мажнундир. У "шўх табъ"лардан бўлиб, халқ афсона ва эртакларини ўрганган киши.

Бир эртакнинг мазмунини ифода этувчи қуйидаги байт фикримизнинг далили бўла олади. Мавлоно Мажнуннинг:

Ба ваъз мераваму зор-зор мегирям,
Бадин баҳона зи ҳичрони ёр мегирям,—

(Мазмуни: Ваъзни эшитишга бораману қон йиғлайман, шу баҳона билан ёрнинг ҳижронидан йиғлайман),— деб ёзиши воизлар таъқидига бағишланган турли хилдаги халқ латифаларининг мазмунини эслатади. Бу ҳол халқ меросини чуқур ўрганишнинг ижобий натижаси бўлиб, Навоий бундай йўналишни ёқлаган, шоирларни халқ ижодини ўрганишга даъват этган.

Демак, Навоий ҳажвий асарлар ёзувчи шоирларга нисбатан "шўх табъ", "ҳаззол табъ", "табъида шўхлик бор", "масалгў" каби ибораларни қўллаб, бу билан улар ижодининг йўналиши

[1] Унинг ҳалли қуйидагича: хар (خر) тўқимини (нуқтасини) қийшайтириб, пастга туширса, жур (جر) ҳосил бўлиб, у деҳ (ده) — қишлоқ томон борса, яъни " جر " "га" " ده " қўшилса, Журда ده جر номи келиб чиқади.

кўрсата олган. Юқорида кўриб ўтганимиз мисолларда Навоий ўз замонасининг адолатсизлигини фош этувчи ҳажвнавис шоирлар ҳақида сўз юритса, Мирҳайдар Мажзуб, Мавлоно Муҳаммад Араб, Мир Муфлисий ва Хожа Муайяд Девона каби шоирлар зикрида тамоман бошқа хил фикр юритади. Юқорида номлари тилга олинган кишилар ўз замонасидаги зулм ва адолатсизликка қарши курашган, ўз шеърларида ана шу руҳни ифода этган шоирлардир.

Масалан, улардан бири Мавлоно Муҳаммад Араб бўлиб, Навоий унинг ҳақида шундай ёзади:

"Мавлоно Муҳаммад Араб —...донишманд киши эрди... доим салтанат сўзин мазкур қилур эрди, то ул ким, чин ё ёлғон, Мавлонони мунга муттаҳам қилдиларким, уйидин хуруж аслаҳаси пайдо бўлубтур, деб. Чун азиз ва мусин киши эрди, подшоҳи замон анга шаҳрдин ихрож ҳукми буюрди. Ул ердин Сиистонға борди ва сўзи ҳам ушбу ранг эрди. Ўзининг подшолиғи қоидасида "Шоҳнома" айтибдур. Бу байт ул абётдиндурким:

Касе маҳрами шоҳ жуз шоҳ нест,
Зи аҳволи шоҳ жуз шоҳ огоҳ нест...

(Мазмуни: шоҳга шоҳнинг ўзидан бошқа ҳеч ким маҳрам бўла олмайди, шоҳ аҳволидан фақат унинг ўзигина хабардордир, холос.)

Ёки Мавлоно Мирҳайдар Мажзуб тўғрисида гапирганда, у "хотам ус-салтанатлиққа росих бўлур эрди ва халқни ўз навкарлигига даъват қилиб, хуруж қилур сўзин айтур эрди",— деб ҳам эслатади. Мавлоно Мир Муфлисий зикрида унинг бир байтини бежиз келтирмаган:

Халқ гўяд Муфлисй девона шуд,
Лочарам девонагй аз муфлисист.

(Мазмуни: халқ Муфлисий девона бўлибди, дейди, аммо аслида девоналигимнинг ҳақиқий боиси камбағаллик ва йўқлик (муфлис)дир.) Бу билан Навоий Муфлисийнинг "табъи хуб" бўлганлиги билан камбағаллик балоси унга девоналик лақабини беришларига сабаб бўлганини алоҳида уқтиради.

Бу учала шоирнинг "девоналик, мажнунлик, муфлислик"да ном чиқаришлари, фаолияти ва ижодидаги ғоявий йўналишнинг умумийлиги уларни бир-бирига яқинлаштиради. Шунинг учун Навоийнинг бу шоирлар ҳақидаги фикрлари ҳам бир-бирига жуда яқин ва ижобийдир.

Шундай қилиб, Алишер Навоий ҳажв ва ҳазил ҳақида ўзининг баъзи бир фикр ва мулоҳазаларини ифода этган. У ҳажв ва ҳазилнинг мавқеига катта баҳо бериб, ижтимоий аҳамиятдаги ҳажвни ёқлаган, қўллаб-қувватлаган эди.

4. "Мажолис ун-нафоис"да бадиий маҳорат масаласи

Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашларида бадиий маҳорат масаласи мазмун ва шаклнинг ўзаро мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги ақида билан узвий боғлиқдир.

Навоий "Мажолис ун-нафоис"да, бир томондан, бадиий жиҳатдан муваффақиятли чиққан асарларни ва, иккинчи томондан, бадиий жиҳатдан бўш, сўз ўйинларидан иборат бўлган мазмунсиз шеърларни, мисраларни келтириш билан бирга ўзининг — илғор адабий танқидчининг уларга бўлган муносабатини ҳам ифода этди.

Навоий биринчи гуруҳга Мавлоно Лутфий, Мавлоно Отойи, Дарвеш Мансур, Абдусамад Бадахший, Мирзобек, Мавлоно Абдулло, Муҳаммад Бадахший, Ҳилолий, Дарвеш Деҳакий каби қатор шоирларнинг асарларини киритган. Тасвирнинг гўзал бўлиши, бадиий воситаларнинг ўринли ишлатилиб уларнинг асосий мазмунни очишга хизмат қилдирилиши бу гуруҳ шоирларининг асарларининг ўзига хос хусусиятларидир. Шунинг учун Навоий Мавлоно Нужумий, Дарвеш Деҳакий ва бошқалар асарларидаги гўзал тасвирий воситаларни алоҳида қайд қилиб ўтади. Масалан, "Мавлоно Дарвеш Деҳакий-Қазвин вилоятидиндур. Хиштмоллиқ санъатиға мансубдур. Дерларким, абдолваш кишидур. Девони доим белига боғлиқдур. Ҳар байти ё маънисиға эҳтиёж бўлса, кўргали филҳол девонин чиқариб, топиб кўргузур. Филвоқеъ, фақирнинг то шеърга шуурум бор, ул тарафдин анинг абётидин яхшироқ назм келмади. Бу матлаъ анингдурким:

Бар мисоли сурати девор бежон мондаам,
Пушт бар девору рў сўи ту ҳайрон мондаам.

(Мазмуни: Девордаги суратга ўхшаш жонсиз бўлиб қолганман. Орқа тарафимни деворга-ю, юзимни сенга қаратиб ҳайратда қолганман.)

Бу байти даги хуб воқеъ бўлубтур:

Ба ғайри ноқаи Лайлй, ки меканад хоре,
Дигар киро ғаме аз раҳгузарии Мажнун аст.

(Мазмуни: Лайлининг тикон юлувчи туясидан бошқа ҳеч ким Мажнуннинг йўловчи эканидан парво қилмайди) ёки, Мавлоно Ҳожи Нужумий тўғрисида гапириб ёзади: "Бу матлаи яхши воқеъ бўлубтурким:

Боз ид омад биё жоно, ки қурбонат шавам,
Ҳамчу чашми гўсфанди кушта ҳайронат шавам.

(Мазмуни: Яна ҳайит келди, жоним, қурбонинг бўлай, Сўйилган қўйнинг кўзи каби ҳайронинг бўлай.)

Келтирилган мисоллардан Дарвеш Деҳакийнинг биринчи байти ва Нужумийнинг мисраларида гўёки бир мазмун — ёрнинг гўзаллиги ва илтифотидин ҳайратда қолиш тасвир этилган кўринади. Лекин шу мазмун икки ёзувчида ўзига хос услубда баён қилинади. Агар Дарвеш Деҳакий ўзининг ҳайратда қолганини деворга чизилган жонсиз суратга ўхшатса, ва шу туфайли эсда қоларли манзарани яратган бўлса, Нужумий ҳайратда қолишни сўйилган қўйнинг кўзига ўхшатади. Чунки сўйилган қўйнинг кўзи очиқ бўлиб, кишига бақрайиб қарагандай туйилади. Ёрни кўриб қолган ошиқ ҳам ўзини йўқотиб, нима қилишини билмай қараб қолган эди. Иккинчидан, шоир бу мисралардаги ўхшатиш билан умуман ҳайит ҳақида эмас, балки қурбон ҳайити тўғрисида сўз юритади. Демак, икки шоир бир мавзуда шеър ёзган бўлса-да, уларнинг ҳар бири ўз услуби билан шу мавзуни юксак бадиий маҳорат билан ёрита олган. Дарвеш Деҳакийдан келтирилган иккинчи мисолда эса Мажнуннинг кишилар томонидан менсимаслиги, хор қилиниши ажойиб тарзда очиб берилган: Мажнуннинг оёқларига тикан санчилмасин деб Лайлининг туяси Мажнун юрадиган йўлдаи тиконларни юлиб ер эди, дейди муаллиф. Гарчи Лайли ва Мажнунлар ҳақида жуда кўп асарлар ва шеърлар ёзилган бўлса ҳам Дервеш Деҳакийнинг мисралари ҳам гўзал ва ҳам мазмунлидир.

Алишер Навоий Шарқ мумтоз адабиётида кенг тарқалган тажнис, тарсеъ, тардиакс, зулқофиятайн ва шу каби санъатларни усталик билан ишлатган Дарвеш Мансур, Ибн Лаълий, Мавлоно Муҳаммад Амин, Мирзобек каби қатор шоирларни ҳам ҳурмат билан тилга олади.

Шундай қилиб, Навоий бадиий жиҳатдан пухта ишланган асарларни ўз тазкирасида мисол тарзида келтириб, улардан ўрганиш, намуна олиш кераклигини уқтирмоқчи бўлган. Шунинг билан бирга Навоий қуруқ шаклга берилиш, бадиий асар деб бўлмағур парчаларни ёзиш, шеър ўғирлаш ва шу каби ҳолларга умуман шаклпарастликка қарши кескин курашди, шунинг учун у Мавлоно Қобилий, Вали Қаландар, Мавлоно Анисий, Мавлоно Аёзий, Мавлоно Шомий, Мавлоно Наргисий, Мавлоно Жалолиддин, Мавлоно Бу Али, Мавлоно Шиҳоб, Мавлоно Соғарий ва бошқаларнинг ғоявий-бадиий жиҳатдан бўш асарларини ҳаққоний равишда танқид қилади. Масалан, Навоий Мавлоно Қобилийнинг қуйидаги мисраларига "Ҳеч мазаси йўқтур ва қофияси ҳам ғалатдур" деб баҳо беради:

Ажаб набвад ба лутфи арзон, ки бинвозй ғарибонро,
Навозим з-он расму одати хубест хубонро.

Мазмуни: Лутф ва марҳаматингни арзон қилиб, гоҳо ғарибларни ҳам йўқлаб қўйсанг ҳечқиси йўқ, чунки марҳамат кўрсатиш

гўзалларнинг гўзал одатидир.) Бу шеър ҳақидаги фикрини давом эттирган Алишер Навоий шоирни танқид қилиб,—"иттифоқан бу шеър билан ўзин ҳажв ҳам қилибтур",— деб ҳам ёзади.

Бугина эмас, Алишер Навоий бадиий асарлар ярата олмовчи, лекин бошқа шоирларнинг шеърларини ўзиники қилиб олган шеър ўғриларини (Мавлоно Наргис[1], Мавлоно Анисий[2]), бошқаларга пул бериб, шеър ёздириб, уни ўзиники қилиб тақдим этувчи найрангбозларни (Хожа Мўсо[3]); ўзини ўта қобилиятли деб ҳисоблаб, машҳур шоир ва алломалар тахаллусларини қабул қилувчи, лекин асарлари ҳеч нимага арзимовчи шоирларни (Мавлоно Бў Али) ва "бад шеър, бадзабон", имлоси ғалат, шеърни "бир навъ айтадиган" кўпгина шоирларни ҳам ҳақли равишда қоралайди. Битта-яримта яхши мисраларини назарга олмаганда Мавлоно Соғарий, Вали Қаландар шеърларининг аксарияти ғоявий-бадиий жиҳатдан бўшдир, дейди Навоий. Бу фикрларнинг тўғрилиги Жомийнинг шу шоирлар ҳақида айтганларидан ҳам маълумдир. Навоий Мавлоно Соғарий ҳақида шундай ёзади: "Мавлоно Соғарий — Соғар вилоятидиндур. Ҳирот шуароси силкида эрди. Маоши ўткунча тамаввули бор эрди, аммо имсоки ғолиб эрди... Мавлоно Соғарий агарчи бадшеър эрди, аммо бу матлаъи хуб тушубтур". Алишер Навоийнинг замондоши Али Сафий ибн Ҳусайн Воиз Кошифий эса бу шоир ҳақида сўз юритиб ёзади: "Мавлоно Соғарй шоире буд, ки бо эшон (Абдураҳмон Жомий) бозгашти тамом дошт... Эшон дар шаъни Мавлоно Соғарй қитъае фармуданд:

Соғарй мегуфт дуздон маоний бурдаанд,
Ҳар кучо дар шеъри ман маънии даранге дидаанд.
Дидам аксар шеърҳояшро яке маънй надошт,
Рост мегуфт он ки маъниҳошро дуздидаанд.

Ин қитъа шуҳрат кард. Чун бар Мавлоно Соғарй хонданд, пеши эшон омад ва гила оғоз кард ва гуфт: "Ман ходими деринаи ин остонам ва шумо қитъае фармудаед, ки дар тамоми шаҳр шўҳрат карда ва мардум ёд гирифтаанд ва ҳар чо, ки мерасам, мардум мехонанду механданд. Ин қитъа маро расвои олам сохт".

---

[1] "Мавлоно Наргисий... мазкур бўлғон тахаллус била назм айтур эрди. Оны Оҳийга табдил қилди... Қойдаким, жузве рангин сўз ё маънии нозик кўрса, тасарруф қилурға одат қилибдур. Иншоолло андоқким, тахаллусиға тағйир берди, бу одатиға ҳам тағйир бергай".

[2] "Мавлоно Анисий кам бизоат шоир эрди ва муттаҳам анга эрдиким, элнинг шеърини ўзига боғлар..."

[3] "Хожа Мўсо — ўзин шеърға мансуб қилур ва эл қошида шеърлар ўқур Анинг аҳволидин соҳибвуқуф эл қошида муқаррардурким, табъи назм эрмас, ёрмоқ (пул) бериб, бу тоифаға ўз-отиға шеър айттурур..."

«Мазмуни: Мавлоно Соғарий Абдураҳмон Жомийга яқин бўлган шоирлардан эди. Жомий Соғарий ҳақида бир қитъа айтди: "Маъноларни ўғирловчи кишилар ҳам бор экан, менинг шеърларимда яхши маъноларни учратсалар, дарров ўғирлайдилар, дер эди Соғарий. Мен,— дейди Жомий,— унинг шеърларини кўрдим, Соғарий тўғри айтар экан, унинг асарларида маънодан ҳеч қандай дарак йўқ, маъно ўғрилари унинг маъноларини ўғирлаганга ўхшайдилар".

Бу қитъа шуҳрат қозонди. Уни Соғарийга ўқиб берганларида, у Жомий олдига келиб, гина қила бошлади: "Мен сизнинг эшигингизда кўпдан бери хизмат қиламан. Сиз менинг тўғримда бир қитъа айтибсизки, у бутун шаҳарда шуҳрат қозонибди. Уни кишилар ёдлаб олибтилар. Мени кўришлари билан уни ўқийдилар-да, кула бошлайдилар. Бу қитъа мени шарманда қилди").

Мисоллардан кўринадики, шоирлар ижодига баҳо беришда Навоий ҳам, Жомий ҳам бир мавқеда турганлар. Шеърнинг, адабиётнинг мазмунли бўлишини тарғиб қилганлар.

Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр"идаги қуйидаги мисралар Мавлоно Соғарий ва Қобилий, Мавлоно Анисий ва Аёзийларга қарата айтилганга ўхшайди:

Чин демаги ҳарзаву ҳазён бори,
Турфа буким, яхшиси ёлғон бори...
Маъни ичинда кишиликдин йироқ,
Балки аромизда минг йиллик фироқ.

Алишер Навоий ўз замонасида шеъриятдаги шаклпарастликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашди. Бунинг учун Навоийнинг Мавлоно Муҳаммад Номаний деган кишининг муаммо ҳақидаги фикрларига қўшила олмаслигини кўрсатишимиз мумкин. Унда XV аср шеъриятида кенг тарқалган муаммо жанрини имо ва ишоралар йиғиндисига айлантиришга интилган Муҳаммад Номанийнинг фикрлари тўғри инкор этилган. XV асрда ғазал, маснавий, муаммо жанрлари билан бир қаторда тирзиқ, мақлубий муставий санъатлари ҳам мавжуд эди. Тирзиқ санъати бир-бирига қовушмайдиган сўзлар бирикмасидан шеър ясаш бўлиб, ҳақиқий шеъриятдан узоқ бўлса, мақлубий муставий бир мисра ёки байтни ҳам ўнгдан ҳам чапдан ўқилиши мумкин қилиб тузиш санъатидир. Бу санъатлар шаклбозликдан иборат эди, холос. Чунки бу санъатларни юзага келтириш учун мазмунга эътибор бермасдан тўғри келган сўз ва ибораларни ишлатганлар, буни амалга ошириш учун жуда кўп беҳуда ўйлаганлар. Шунинг учун Навоий Мавлоно Шиҳоб деган шоир ҳақида шундай ёзади:

"...Одамийлик суратидин мунхале бўлиб ўзга жонвар суратига масх бўлғай, андоқким, инсоният сиратидин субоъ ва баҳойим

сиратига мубаддал бўлубтур. Аммо бу даъво исботига бу мисраки мақлуби муставий санъатида айтибдур далил басдурким:

"موش خر فرخ شوم درک رقم می کرد

Ҳақиқатан ҳам ҳеч қандай маънога эга бўлмаган, фақат сўз йиғиндисидан иборат бўлган бундай "шеърлар" ва "санъатни" Навоийнинг қоралаши табиий ҳолдир. Бутун ижоди жараёнида шаклбозликка қарши мазмуннинг шаклга нисбатан устунлигини ҳам назарий, ҳам амалий исбот қилган Навоий адабий танқидчилик фаолиятида бундай шаклбозликка қарши муросасиз курашди.

Ўрта асрларда шоирлар қандайдир бир янгилик билан ўз суҳбатдошларини ҳайратда қолдиришга, уларни енгишга интилар, шу орқали шуҳрат ва ном қозониш учун курашар эдилар. Ана шунинг натижасида майдонга келган бундай "санъатлар" адабиётнинг ижтимоий-бадиий вазифасини бажаришга халақит берар эди. Адабиётни ижтимоий-бадиий вазифадан маҳрум қилиш эса уни ҳалок қилиш билан баробардир.

Навоий ижодий меҳнат қилмай, бадиий жиҳатдан бўш асарлар ёзувчи шоирларни (Мавлоно Садр Котибий, Мавлоно Аёзий), ҳақли танқидларни тан олмовчиларни (Осафий, Мавлоно Хусравий, Хуррамий, Мирҳусайн Бовардий) қаттиқ танқид қилади. Навоий бундай шоирларни танқид қилишда камчиликларни тўғридан-тўғри кўрсатиш усулини қўллаш билан бирга уларнинг баъзиси ижодини мақташ орқали ҳам киноявий танқид қилади. Масалан, Навоий Мавлоно Симий, Мавлоно Соилий, Қози Исо кабиларга нисбатан шу услубни қўллайди. Мавлоно Симий ҳақида ёзади: "Кўп фазли бор эди. Шеър ва муаммо ва иншо ва хатда асридаги бу фан аҳли мусаллам тутар эрдилар. Бир кун даъво била икки минг байт айтиб битгани машҳурдур ва муҳрига бу байтни айтиб, қоздурубдурким:

Як рўз ба мадҳи шоҳи покизасиришт,
Симӣ ду ҳазор байт гуфту бинвишт.

(Мазмуни: Бир кун Симий покнажод подшоҳ мадҳига бағишлаб икки минг байт шеър битди.)

Ҳар ойинаки бу байтдин бошқа эл ичида ғазалидин бир озроқча бор".

Қози Исонинг "кунда ўн ғазал" ёзганини киноялы танқид қилган Навоий Симийнинг икки минг байтни (4 минг мисрани) бир кунда ёзиб тугатишини маъқулламайди, албатта, балки у Симийдан келтирилган байт тўғрисида "бу байтдин бошқа эл ичида ғазалидин бир озроқча бор", деб ёзиш билан бу байтларнинг бадиий жиҳатдан бўш, мазмунан саёз эканини кўрсатади.

Демак, "Мажолис ун-нафоис"да бадиий маҳорат масаласига анча эътибор берилган. Танқидчи китобда келтирилган мисоллар ва ҳар бир шоирнинг зикри орқали шеърият ходимлари олдига бадиий маҳоратни ошириш, бунинг учун эса тинмай ижодий меҳнат қилиш кераклиги талабини қўяди. Навоий бадиий жиҳатдан пишиқ асар яратиш учун шоирнинг кенг маълумотли, санъатнинг бошқа турлари билан таниш бўлиши кераклигини ҳам уқтиради.

"Мажолис ун-нафоис"да шоирларга тавсиф беришда улардан баъзи бирларининг мусиқа, хаттотлик, рассомлик, наққошлик санъатларига алоқадорлигини ҳам қайд қилган. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, Навоий у ёки бу шоирнинг юқорида тилга олганимиз санъатлар билан машғул бўлишини самимият билан маъқуллайди. Бундан маълум бўладики, Навоий адабиётнинг санъатнинг бошқа турлари билан алоқада бўлишини, хусусан шеъриятнинг мусиқа билан боғланиши натижасида унинг таъсири янада кучайишини тушунган. Маълумки, Навоийнинг ўзи фақат шоир, олим ва ёзувчигина эмас эди, балки санъатхор, аниқроғи моҳир мусиқачи ва бастакор ҳам эди. У замонасининг машҳур санъаткори Хожа Юсуф Бурҳондан мусиқани чуқур ўрганган эди. Шунинг учун Навоий ўзининг бадиий қарашларида шеърият билан шуғулланувчи кишиларни санъатнинг фақат бир тармоғи билан чекланиб қолмасликка, мусиқани ва шунга ўхшашларни ўрганишга даъват этади. Ана шу қоидага амал қилган шоирларни эса алоҳида таъкидлаб ўтиш билан уларни бошқаларга намуна қилиб кўрсатади. Бу жиҳатдан унинг Мавлоно Соҳиб Балхий, Мавлоно Биноий, Хожа Юсуф Бурҳон ва бошқалар ҳақида ёзганлари диққатга сазовордир. Масалан: "Мавлоно Соҳиб Балхий бовужуди шеър фанида маҳоратлик киши эрди, адвор ва мусиқий илмида комил эрди ва ўз ғазалларини ўз амалларига боғлабдурким, анинг фазойилига далолат қилғай", ёки Хожа Юсуф Бурҳон ҳақида гапириб, "кўпроқ ўз шеърига мусиқий боғлаб эрди", деб ёзади.

Демак, "Мажолис ун-нафоис" XV асрда замондошларга бағишланган тазкирачилик анъанасини ривожлантирган асар бўлиб, шу давр адабий ва маданий ҳаётини ўрганишда қимматли манбалардан биридир. Иккинчи томондан, "Мажолис ун-нафоис"да Алишер Навоийнинг бадиий ақидалари, шаклпарастликка қарши кескин қураши, санъатнинг турли тармоқлари ўртасидаги муносабатини тушуниши ва шу каби қатор масалалар ўз аксини топган. Шунинг учун бу асарнинг аҳамияти тазкира доирасидан анча кенгдир.

"Мажолис ун-нафоис" XV аср иккинчи ярмидаги адабий муҳитни кенг қамраб олганлиги ва унда зуллисонайн — туркигўй ҳамда форсигўй шоирлар ҳақида маълумот берилгани туфайли у ўша даврнинг ўзида катта қизиқиш уйғотди. Натижада фор-

сиғўйларнинг ҳам ундан баҳраманд бўла олишлари назар тутилиб, XVI асрнинг йигирманчи йилларидаёқ форс-тожик тил га иловалар билан таржима қилинди[1]. Бундай таржиманинг бир 1521—1522 йилда Ҳиротда Султон Муҳаммад Фахрий Ҳирот томонидан амалга оширилиб, "Латоифнома" деб аталган бўлса иккинчиси 1522—1523 йилда Истамбулда Муҳаммад Ҳакимшо Қазвиний томонидан бажарилди. XVI асрнинг охирларида Шо Али ибн Абдулали деган муаллиф ҳам "Мажолис ун-нафоис" форс-тожик тилига ўгирган. Кейинги даврдаги маълумотлар кўра, "Мажолис ун-нафоис" XVIII асрда Ҳиндистонда яшаг Абдулбоқи Шариф Рамазоний томонидан тўртинчи марта фор тилига таржима қилинган экан.

Кўринадики, "Мажолис ун-нафоис" XVI—XIX асрлар давомид туркий-ўзбек ва форсий тилда Шарқда кенг тарқалган муҳа манбалардан ҳисобланиб, унинг маълумотларидан фойдаланиш асарда қўлланилган анъаналарни давом эттириб, ўзбек, тожи озарбайжон, форс тилларида тазкиралар яратиш ҳолати кўза ташланади.

Алишер Навоийнинг адабиётшунос олим ва танқидчи сифатидаги фаолияти ҳақида сўз борганда унинг "Мезон ул-авзон"и ҳа муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу асарда Навоий ўзбек адабиёт шунослиги тарихида биринчи бўлиб аруз ва унинг қонун-қоида лари тўғрисида сўз юритди. Бу масалани Навоийнинг ўзи ҳа алоҳида таъкидлаб, шундай ёзади:

"Ғараз бу мақолотдин ва мақсад бу муқаддимотдин бу эрдиким, чун турк алфози билаким, назм воқеъ бўлубтур, анга зобитае ва қонуне йўқ эркондур ва ул фан ривожи учун киши аруз фаннида китобе ё рисолае битмайдур... бу сабабдин бу илм зобитасиға қалам сурулди"[2]. Шуни таъкидлаш лозимки, Навоий гача ва унинг замонида араб ва форс-тожик шеърияти асосид арузнинг хусусиятини ёритувчи кўпгина рисолалар мавжуд бўлиб Навоий улардан яхшигина хабардор эди. Шунинг учун "Мезон ул-авзон"нинг кириш қисмида араб адабиётшуноси Халил ибн Аҳмад, "илм устоди Қайс" (Шамсиддин Қайс Розий), Хожа Насир Тусий ва Абдураҳмон Жомийларнинг бу соҳадаги хизматлари эслатиб ўтилган. Аммо Навоийнинг бу масалада ўтмиш устодларидан фарқ қилувчи хизмати шундан иборатки, у туркий, хусусан ўзбек тилида яратилган шеърият тажрибаси асосида аруз қонун-

---

[1] *Р. Воҳидов.* "Мажолис ун-нафоис"нинг таржималари. Тошкент, ЎзССР Фан нашриёти, 1984.

[2] *Алишер Навоий.* Асарлар. 15 томлик, 14-том, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1967, 182-бет. Бошқа мисоллар ҳам шу нашр олинди.

қоидаларини баён этди ва, шунинг билан бирга, туркий халқлар шеъриятига хос бўлган шеърий шакл ва вазнларни ҳам бирма-бир таърифлаб берди. Натижада Навоий бу иши билан фақат адабиёт тарихи масалаларидан сўз юритган адабиётшунос бўлиб қолмади, балки туркий шеърият назариясига доир кузатишларини ҳам умумлаштиришга эриша олди.

Демакки, бу соҳада ҳам Навоий тадқиқотчи сифатида фаолият кўрсатиб, ўзидан олдинги муаллифлар ва замондошлари томонидан яратилган арузга доир рисолаларда бўлмаган маълумотлар ва хулосаларини киритди. Бу жиҳатдан унинг асар охиридан ўрин олган туюғ, чинга (чангий), муҳаббатнома, орзуворий, туркий ҳақидаги мулоҳазалари диққатга сазовордир. Чунки улар аслида туркий халқлар оғзаки ижодининг маҳсули бўлиб, Навоийдан олдин ҳеч бир аруз рисоласига киритилмаган эди. Навоий кузатишларида бу мисоллар келтирилишининг аҳамияти шундаки, уларда ёзма адабий жанрларнинг халқ оғзаки ижоди жанрлари билан ўзаро алоқаси хусусида сўз боради.

Алишер Навоийнинг туркий ва форсий шеърият, унинг забардаст намояндалари ҳақидаги мулоҳазалари ҳамда ўз асарлари тўғрисида ёзганлари "Муҳокамат ул-луғатайн"да ҳам учрайди. Диққатга сазовор жойи шундаки, Алишер Навоий салафлари ва замондошлари ҳақида жуда мухтасар тарзда сўз юритса-да, аммо ҳар бир шоир ижодининг ўзига хос хусусиятларини, қайси жанрда қобилиятларини кўрсата олганликларини маҳорат билан белгилайди. Жумладан, у XIV асрнинг машҳур шоири Салмон Соважий ҳақида шундай ёзади:

"Суханпардоз устози олийшон Хожа Калимиддин Салмон, ки қасида майдонининг чобуксаворидур ва ўз замонининг беназир сухангузори, машҳурдурки, чун маснуъ қасидаси тартибига қалам суруботур, ўн саккизда итмом еткурубдур. Воқеан ише қилибдурки, назм аҳли анинг тааммуқида ҳайрон ва тааммулида саргардондурлар"[1]. Ёки, "Ҳазрати Шайх Муслиҳиддин Саъдий... ғазал таври мухтареидур"[2], "маснавийда устози фан Фирдавсий ва нодири замон Шайх Низомий ва жодуи ҳинд Хусрав..."[3] Туркий тилда шеър битишда Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Отойи, Муқимий, Яқиний, Амирий ва Гадоийлар майдонга келган бўлсалар-да, Мавлоно Лутфийнинг алоҳида мавқега эга эканлиги ҳам уқтирилади.

Демак, бу асарда Навоий фақат тилшунос олим эмас, балки адабиётшунос сифатида ҳам кўзга ташланади.

---

[1] *Алишер Навоий.* Асарлар. 15 томлик, 14-том. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1967, 124-бет.

[2] Кўрсатилган асар, 125-бет.

[3] Кўрсатилган асар, 128-бет.

Бошқа асарларда айтилган фикрлар буюк инсонпарвар шоир Навоий ижодини якунловчи "Маҳбуб ул-қулуб"да яна бир карра эслатилиб, баъзи ўринда улар ривожлантирилади. "Маҳбуб ул-қулуб"нинг иккинчи қисмида "Ишқ зикрида" деб аталувчи ўнинчи бобида ишқнинг таърифи берилгач, унинг уч хил бўлиши кўрсатилади. Ана шунда пок ишқ —"пок кўзни пок назар билан пок юзга солмоқдур ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин қўзғолмоқ" тарзида шарҳланиб, бу хилдаги ишқнинг шоирлари сифатида Амир Хусрав Деҳлавий, Шайх Ироқий, Ҳофиз Шерозий ва Абдураҳмон Жомийлар тилга олинади. Бу шоирларнинг хусусан устози Абдураҳмон Жомийнинг "дарду ишқ таври адосида гуфторлари турк улусида ҳароратомез ва сорт хайлида офатангездур",— деб таъкидлаб ўтади.

Кўринадики, Навоий шоирлар ижодининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида муҳаббат билан сўз юритиб, бадиий ижоднинг моҳиятини улу-халқ орасида эътиборга сазовор бўлишлигида деб тушунади.

Бу ҳол шоирларни гуруҳларга бўлиш масаласида ҳам (16-бобда) яққол кўринади. Бундан ташқари Навоий замондош шоирлар ҳақида сўз юритиб, уларнинг камчиликларини ҳам кўрсатади: "Яна адно табақаси жамоатедурларким, назми фақат бирла қўнгуллари хушнуд ва хурсанд ва рози-ю баҳраманддурлар ва юз машаққат била бир байтким боғлаштурғайлар, даъво овозасин етти фалакдин ошурғайлар. Сўзларида не ҳақойиқ ва маориф нўшидин ҳаловат ва назмларида не шавқ ва ишқ ўтидан ҳарорат. Не шоирона таркиблари аҳсан ва не ошиқона сўзу дардлари шўълаафкан. Баъзидан агар гоҳи бирор яхши байт воқеъ бўлур, аммо ўн онча ёмон даъво зоҳир бўлурки, ул ҳам зоеъ бўлур. Агар бири бир нозик маънида байти писандида печ қилур, аммо ўн онча нописанд... даъво била ани ҳеч қилур. Гўё ўзларига ақидада мувофиқдурлар ва сўзларига эътиқодда муттафиқ, турфароқ буким, ҳар бирининг сўзида маъни озроқ ва ўзида даъво кўпроқ. Рубоий:

Аълоларидур нединки дерсен аъло,
Аднолари ҳам барча дунидин адно.
Авсатлариким ҳеч нимага ҳам ярамас,
Балким нафас урмамоқ алардин авло".

Демак, "Мажолис ун-нафоис"даги услуб "Маҳбуб ул-қулуб"да ҳам сақланган бўлиб, Навоийнинг ўз фикрларини доим олга сурганлиги, ундан қайтмаслиги, бинобарин адабий танқидининг изчиллигини тасдиқлайди. Алишер Навоий адабий танқидни шахсий иш деб билмаган. У маълум асарини ёзар экан, халқ унга ҳақиқий баҳо беради, деб тушунган:

Ки бу дурларки айладим манзум,
Филҳақиқат эмас манга маълум.
Ки нечукким мен айладим идрок,
Бормудур элга доғи софию пок.
("Хамса", 613-бет)

Ёки:

Деганимни улусға марғуб эт,
Ёзганимни кўнгулға маҳбуб эт.
("Хамса", 615-бет)

Навоий шоир ёки ёзувчининг хато қилмаслиги мумкин эмас, деб ёзиб, гўё ўзининг ҳам хатоға йўл қўйиши мумкинлигини кўрсатади. Лекин хато қилганда уни дўстона, беғараз кўрсатиш кераклигини ҳам уқтиради. Демак, бу ўринда ҳам у адабий танқиднинг ҳар қандай ғаразгўйликдан холи бўлиши кераклигини назарда тутган ("Қилса ғалат рифқ ила қилғил даво").

"Берур натижани эл фикрати" деган Навоий бадиий асарнинг халқ учун яратилиши кераклигини тушуна олган. Шунинг учун, — дейди Навоий,— шоирнинг асарлари муаллифнинг ўзига маъқул тушиши унча аҳамиятли эмас, балки халққа маъқул бўлиши аҳамиятлидир:

Сўзинг ким сенга келди ҳоло писанд,
Писанд эркин эл ичра ё нописанд.
("Хамса", 848-бет)

Навоий у ёки бу асар ҳақида маълум доирадаги кишилар фикрларининг тўғрилиги бу ҳали оз деб билган. Автор бу билан ўз замонидаги адабий мажлисларда шоирлар шеърларининг муҳокама қилиниши ва бу мажлисларда уларга юқори баҳо берилганлигига ишора қилади. Мажлисларнинг тор доирада эканини кўрсатган Навоий бир асар ҳақида шу доиранинг фикри асосида ҳукм чиқаришнинг етарли эмаслигини уқтиради. Асарга баҳо беришда, Алишер Навоийнинг фикрича, кўпчилик фикрини ифода эта билиш керак, чунки халқ орасида мазмунан паст асарлар — шеърлар, достонлар узоқ яшай олмайди:

Шеър ҳам чун кишигадур фарзанд,
Кўнглига қуту бағрига пайванд.
Зишт эса қоили кўрар ани хуб,
Элга мардуд эрур, анга марғуб.
("Хамса", 612-бет)

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, ўзбек, тожик ва озарбайжон адабиётининг энг илғор анъаналарини давом эттирган

Навоий XV асрнинг иккинчи ярмидаги адабий ҳаётнинг бошлов маслаҳатчиси эди.

Алишер Навоий адабий танқидчи сифатида ўз асарларида адабий ҳаётнинг муваффақият ва камчиликларини кўрсатиш замондошларини ҳаётни чуқур ўрганиш, мумтоз адабиёт наналарини ўқиш асосида мазмунли, бадиий пишиқ асарлар яратишга чақирди ва бу билан халқ оммасининг талабига жавоб бериш учун интилишга ундади.

Улуғ мутафаккир адабиётнинг ижтимоий вазифаси, унинг шакли, мазмуни ва мазмуннинг устунлиги асосида шакл ҳамда мазмуннинг бирлиги, ҳажв ва ҳазил, ғазал ва маснавий, ҳақиқатни тасвирлаш ва шу каби қатор масалаларни ўртага қўяди ва уларни тўғри ҳал қилишга уриниб, замонасидан анча илгарилаб кетди.

Шундай қилиб, тараққиёт зиналари деб аталган давр ўзининг юқорида қайд қилинган хусусиятлари билан ўзбек адабий-танқидий қарашлари тарихида муҳим мавқени эгаллайди. У, бир томондан, ўзигача бўлган даврда қўлга киритилган ютуқларни мужассамлаштирган бўлса, иккинчидан, кейинги давр учун мустаҳкам замин яратиб, адабий-танқидий қарашларнинг тадрижий тараққиётини таъминлади.

МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Адабиётшунослик ва адабий танқидчиликнинг XV асрдаги хусусиятлари нималардан иборат?
2. Алишер Навоийни адабиётшунос ва адабий танқидчи сифатида намоён этган асарлари тўғрисида сўзланг.
3. "Мажолис ун-нафоис"нинг давр адабий жараёнини ўрганишдаги аҳамияти нимадан иборат?
4. Адабиётшунослик ва адабий танқидчиликда зуллисонайнлик анъанасининг кўриниши ҳақида гапиринг.

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Абдураҳмон Жомий "Баҳористон"и ва "Ҳафт авранг"ида Алишер Навоий ҳақида ёзилганларни ўқиб, таҳлил қилинг.
2. Навоий "Хамса"сида Низомий ва Хусрав Деҳлавийга бағишланган боблар ўқинг ва шарҳланг.
3. "Мажолис ун-нафоис"да устоз шоирлар (Абдураҳмон Жомий, Лутфий, Қосим Анвор); туркигўй ва зуллисонайн қаламкашлар ҳақидаги маълумотлар Алишер Навоийнинг адабий танқидчи сифатидаги маҳоратини белгиланг.

ЗАРУРИЙ АДАБИЁТЛАР

а) Манбалар

1. *Алишер Навоий.* Мажолис ун-нафоис. Қаранг: *Алишер Навоий.* Асарлар 15 томлик, 12-том, Тошкент, 1966.

2. *Алишер Навоий.* Мезон ул-авзон. Қаранг: Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик, 14-том, Тошкент, 1967, 133—182-бетлар.
3. *Алишер Навоий.* Хамса. Тошкент, 1960.
4. *Алишер Навоий.* Маҳбуб ул-қулуб. Қаранг: Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик, 13-том, Тошкент, 1966.
5. *Атоуллоҳ Ҳусайний.* Бадойиъ ус-санойиъ. Форсчадан А. Рустамов таржимаси. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1981.
6. *Абдураҳмон Жомий.* Танланган асарлар. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1971.
7. *Жомий ва Навоий.* ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1966.

б) Илмий асарлар

1. *А. Ҳайитметов.* Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. Тошкент, ЎзФАН, 1959.
2. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик, II том, Тошкент, 1977.
3. *А. Абдуғафуров.* Навоий сатираси. ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1966.

АНЪАНА ВА ЯНГИЛИК

Адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашлар тараққиётининг учинчи, яъни XVI асрдан XIX аср охиригача бўлган даврни ўз ичига қамраб олувчи босқичи шартли равишда анъана ва янгилик номи билан аталди.

Бунинг асосий сабаби шундаки, агар XVI асрдан XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврда адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашлар олдинги босқичларда майдонга келган адабий ва назарий замин асосида ривожланиб, ўша босқичлардаги анъаналарни (албатта, унда маълум бир янгиликларни ҳам кузатиш мумкин) давом эттирган бўлса, XIX асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий-сиёсий ва маданий-адабий ҳаёт тақозоси туфайли майдонга келган шароитда адабий-танқидий қарашларда ҳам янги фикрлар (албатта, анъанани давом эттириш асосида) ифода этилди.

Мазкур босқичда адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашларни ифода этувчи турли хилдаги асарлар, жумладан тазкира, илмий рисола, XIX асрнинг иккинчи ярмидан сўнг эса рўзнома ва ойномалар саҳифасида босилган мақолалар яратилди. Шунинг билан бир қаторда бадиий асарлар ичида шеър ва шоирлик ҳақида фикр баён этиш ҳолати давом этибгина қолмай, балки улар тўғрисида алоҳида шеър ва маснавийларнинг ҳам майдонга келганини алоҳида уқтириш лозим. XVI—XIX асрнинг охиридаги адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашлар жанр жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам анъана ва янгилик деб аталмиш босқичга мувофиқ тарзда давом этди. Бу ҳолни тазкира яратишда ҳам, бадиий ижод ҳақида ўзига хос тарзда фикр юритишда ҳам, шоирлар ва шеър тўғрисида сўз юритишда ҳам кузатиш мумкин. Мазкур босқичдаги адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашлар фақат илмий рисола, тазкира ёки бадиий асарлардагина ифодаланиб қолмай, балки ўзбек ва тожик тилларида яратилган тарихий ва эсдалик асарларида ҳам кўринади. Бу жиҳатдан Ҳофиз Танишнинг "Абдуллонома", Роқим Самарқандийнинг "Таърихи касира", Мунисниинг "Фирдавс ул-иқбол", Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг "Бадоеъ ул-вақоеъ" каби асарлари диққатга лойиқ

дир. Чунки уларда тарихий воқеа ва шахслар билан бирга ўша даврдаги шоирлар ҳақида ҳам озми-кўпми маълумот келтирилади, баъзан эса сўз санъатига доир муҳим фикрлар билдирилади. Жумладан, "Абдуллонома"нинг муаллифи сўз санъати билан шуғулланувчиларни услуб жиҳатдан бир неча гуруҳга бўлиб, ҳар бир гуруҳнинг ўзига хос хусусиятларини уқтиришга интилади. Ҳофиз Таниш шундай ёзади: "Баъзилар сўзни тарсе ва тажнис асосига қўядилар (ва) сўз(нинг) юзини шулар билан безайдилар. Натижада саҳни кенг бўлиши лозим бўлган сўзларда бир неча қадам босиб қайтилади. (Натижада) жилови қўйиб юборилган боён отининг жавлон қилишга мажоли қолмайди ва ғап майдонидаги чавандоз беихтиёр йиқилиб тушади. (Мисра):

Бу майдонда қалам шаҳсувори жавлон уролмайди.

Яна бир гуруҳ (ёзувчилар) ширин сўзлар ва нозик ҳадислар тузадилар, гўзал маъниларни марғуб лафзлар билан безайдилар... Яна бир тоифа (борки), матбуъ сўзини туғ фараз қилиб, ўз асарларини турли санъатлар билан безайдилар... Ва яна бир тўда қалам аҳли (ҳам борки), улар латиф сўзларни топиб қўллайдилар, аммо (уларнинг) маъносига эътибор бермайдилар... Сўзнинг обрўси санъат оёғи остида тўкилмасин"[1].

Кўринадики, Ҳофиз Таниш турли услубда асар битувчиларни тилга олар экан, мазмун ва шакл масаласига эътиборни қаратиб, икковининг узвий боғлилиги туфайли майдонга келган асарларни маъқуллайди, шакл учун мазмунни қурбон қилувчиларни ёқтирмайди. Бу фикрлар ҳам назм ва ҳам наср билан шуғулланувчиларга тегишли эканлиги назарга олинса, унда Ҳофиз Танишнинг ўз даври, яъни XVI асрнинг бадиий сўз усталари олдига қўйган талабларини ифода этгани равшанлашади.

Роқим Самарқандийнинг "Таърихи касира" (XVII аср) деб аталувчи тожик тилида ёзилган асарида эса XV—XVII асрларда содир бўлган воқеалар, ҳаёт кечирган шахслар, жумладан Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби шоирлар ҳақида ҳам қисқа маълумотлар келтирилган.

Муаллифнинг шоирлар ҳақидаги маълумотлари холислиги, мазмунан пишиқлиги билан ажралиб туради. Масалан, у Алишер Навоийни "сўз санъати иқлимининг подшоҳи" сифатида тавсифлаб, унинг девонлари, "Хамса"си, "Мажолис ун-нафоис" каби асарларини ҳурмат билан тилга олади ва Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" достонида устозларига бағишланган мисраларини намуна сифатида келтиради:

[1] *Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий.* Абдуллонома (Шарафномаи Шоҳий), 1-жилд, ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1966, 48-бет.

Йўлдаса бу йўлда Низомий йўлум,
Қўлдаса Хусрав била Жомий қўлум.
Каҳфи фано ичра алар бўлди гум,
Мен ҳам ўлай робеуҳум калбуҳум.

"Таърихи касира"нинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, унда шоирлар ҳақида битилган қитъа, рубоий ва масналар кўплаб тўпланган. Буларнинг ҳаммаси мазкур асарнинг шоирлар ҳаёти ва ижодини ўрганишда муҳим манбалардан бири эканини исботлайди.

Адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашлар тарихини ўрганишда эсдалик хилидаги айрим асарларнинг, жумладан Зайниддин Восифийнинг "Бадоеъ ул-вақоеъ"сининг ҳам аҳамияти катта. Бу асар, бир томондан, XV асргача бўлган адабиётнинг айрим намояндалари (Фирдавсий, Абу Али ибн Сино, Хоқоний Шервоний ва бошқалар) ҳақида қизиқарли маълумотларни қамраб олса, иккинчи томондан XV ва XVI асрнинг биринчи ярмидаги маданий-адабий муҳит, унинг кўзга кўринган вакиллари: Улуғбек, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Беҳзод, Риёзий Самарқандий, Муҳаммад Солиҳ, Огаҳий, Ҳасаншоҳ, Гулханий Астрободий кабиларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида, ўша даврдаги адабий алоқалар, бадиий завқ ҳақидаги нозик кузатишларни ўзида тўплаган[1]. Бу маълумотлар адабий муҳит ва унинг хусусиятларини, маълум бир шоир ҳаёти, ижодини ўрганишда, ўша даврнинг бадиий ижод олдига қўйган талабларини аниқлашда маълум аҳамиятга эга.

Бу босқичда майдонга келган тарихий асарлардан бири ўзбек тилида ёзилган "Фирдавс ул-иқбол"дир. Мунис Хоразмийнинг бу асарида XVIII ва XIX асрларда Хоразм диёридаги тарихий, маданий ва адабий муҳит, унинг айрим намояндалари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Худди шу манба туфайли адабиёт тарихи учун Мавлоно Вафо, Паҳлавонқули Равнақ, Музаффархўжа Киромийга ўхшаш қаламкашлар кашф этилди.

Шундай қилиб, тарихий ва эсдалик хилидаги асарларда маданий-адабий ҳаётга доир маълумотлар келтирилар экан, бу ҳол ўша муаллифларнинг давр адабий муҳити ҳақидаги тушунчаларини, баъзи ҳолларда унга билдирган муносабатларини ёритишга ва, умуман, турли шаклларда ифода этилган адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашлар ҳолатини аниқлашда кўмаклашади. Агар биз тарихий ва эсдалик хилидаги асарлар муаллифларининг кўпчилиги бадиий ижод соҳиби эканини ҳисобга олсак, унда масала янада ойдинлашади.

---

[1] *Зайниддин Восифий.* Бадоеъ ул-вақоеъ. Форсийдан Наим Норқулов таржимаси. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1979.

XVII—XIX асрнинг охирларида шеър ва шоирлик, адабиёт ва унинг тўғрисидаги фикрлар бундан олдинги босқичларда бўлгани каби турли шеърий асарларда ҳам озми-кўпми ўз аксини топди. Шунинг натижасида Мунис ва Ниҳотий, Махмур ва Ҳозиқ, Муқимий ва Фурқат ижодида бу масала ўзига хос тарзда, муаллифнинг нияти ва дунёқараши асосида ёритилди. Масалан, Мунисниинг девонида шоир ва шеър ҳақида битилган ғазаллар ва алоҳида байтлар учрайди. Уларда, бир томондан, шоир ва шеърнинг ижтимоий вазифаси ҳақида сўз юритилса, иккинчи томондан, ўтмиш шоирлари ижодига муносабат билдирилган. Мунис шеър ёзишдан мақсад кенг халқ оммасига маъқул тушадиган асар яратиш эканлигини алоҳида уқтириб, шундай ёзади:

Мунис, не сўзки сафҳа узра айласанг рақам,
Мақбули табъи хоссаю матбуи омма бит[1].

Бу олижаноб мақсад Мунисниинг бадиий сўз, унинг ижтимоий вазифасига доир тушунчаларини ифода этади ва ҳақиқий шоирнинг халқ учун хизмат қилиши, уларнинг эътиборини қозона билиши лозимлигига ишора ҳам қилади. Шунинг билан бирга Мунис шеърни "тиғи дудам" "маҳкам иморат" сифатида тилга олиб, унинг яратувчилари — шоирлар ана шу фазилатни ҳисобга олган ҳолда бадиий ижод билан шуғулланишлари маъқуллигини уқтиради. Бу билан Мунис шоирларни ўткир ва бадиий жиҳатдан баркамол шеърлар ёзишга ундайди; ана шу тахлитда ижод этган Анворий ва Навоийни, Фирдавсий ва Низомийларни ибрат намунаси сифатида эслайди. Бу жиҳатдан унинг "Манга" радифли ғазали диққатга сазовордир. Зеро унда Мунис ўзидан олдин ўтган форс-тожик, озарбайжон ва ўзбек адабиётининг ўн иккита забардаст намояндаларини тилга олиб, уларнинг ҳар биридан ўзига хос тарзда баҳраманд бўлганини таъкидлайди. Бу ғазал Мунисниинг ўтмиш меросига бўлган муносабатини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга эканини эътиборга олиб, уни тўлиқ ҳолда назардан ўтказиш мақсадга мувофиқдир:

Волийи мулки тариқат, гар Низомийдур манга,
Манзили маънига Ҳизри роҳ Жомийдур манга.
Хотиримга Хусравийдин ҳар замон шўре етиб,
Банда давроннинг бори ширин каломидур манга.
Пири Ансорий сўзидин чошни нутқум топиб,
Сўзда ҳосил шарбати юҳъй ил-изомидур манга.
Ҳофизи Шероз лутфидин тараққийлар топиб,

[1] *Мунис.* Сайланма. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1980, 259-бет. (Бундан сўнг шу манбадан олинган мисолларнинг бетлари қавсда кўрсатилади — Б. В.)

Жилвагоҳ аҳли тасаввуфнинг мақомидур манга.
Юзима Аттор ҳар лаҳза дўкони файз очиб,
Доим андин атрпарвар жон машомидур манга.
Файзи Фирдавсий ғаҳе кўнглум очибдур ийдек,
Гоҳ Хоқоний футуҳининг паёмидур манга.
Гоҳ табъим Анворий нури била равшан бўлуб,
Гоҳ Саъдий жомининг файзи мудомидур манга.
Топибон ишқи Ироқийдин замирим нашъае,
Ҳосил, аҳли ишқнинг шўри тамомийдур манга.
Нусхаи таъйид Бедилдин топиб файзи сухан,
Маъни ичра номаи иқболи томийдур манга.
Қилса ҳосид дахли бежо сўз аро йўқтур ғамим,
Ким бу маънида Навоий руҳи ҳомийдур манга.
Тонг эмас, Мунис, агар бўлсам киромн қадрким,
Устоди зоҳиру ботин Киромийдур манга. (11-бет)

Бу шеър анъанавий ғазал шаклида ёзилган бўлса-да, аммо ўзининг мазмуни билан тамоман янги бир асардир. Бу Мунис ижоди давомида илҳом олган шоирлар, мутафаккирларнинг зикри мўъжаз тазкирасидир. Бу мўъжаз шеърий тазкирачада Шарқнинг X—XVIII асрлар давомида яшаб ижод этган улкан сиймолари ниҳоят самимият билан тилга олинибгина қолинмаган, балки унда Мунисниг улардан қайси соҳаларда илҳом олганига ҳам жуда нозик тарзда ишора қилинган: маънн соҳасида Абдураҳмон Жомий билан Мирзо Бедил, ширинсуханликда Хусрав Деҳлавий, фалсафийликда Ансорий ва Ҳофизи Шерозий ва бошқалар.

Шуни алоҳида уқтириш керакки, Мунис улуг ўзбек шоири Алишер Навоий ижодига, айниқса катта эҳтиром билан ёндашади. Бу фикр Мунисниг қуйидаги рубоийсида давом эттирилади:

Сўз ичра Навоийки жаҳонгирдурур,
Мунисга маоний йўлида пирдурур.
Йўқ ғайрият андин ўзгаким айтурлар:
— Бу Шермуҳаммад, ул Алишердурур. (324-бет)

Бу эътироф ва таъзимда энг муҳим томон шундаки, Мунис улуғ Алишер Навоийни "маони йўлида пир" деб билади. Бу эса ўз навбатида, Алишер Навоий ижодига баҳо беришнинг бир кўринишидир. Агар биз сарой-феодал шоирлари Алишер Навоий ижодига нисбатан эътиборсизлик қилиб ёки ўзларини ундан устун қўйишга интилганларини (Масалан, Фазлий) эсласак, унда Мунисниинг нақадар катта жасорат билан ҳақиқатни ҳимоя қилганини — Алишер Навоий ижодининг улуғ аҳамиятини эътироф этганини ва уни оммалаштиришга катта ҳисса қўшганини англаймиз. Бу эса жуда муҳимдир.

Ҳақиқий шоирлар, халқчил қаламкашлар ижодини ҳимоя қилиш масаласи Мунисниг бошқа асарларида, жумладан "шуаро" радифли ғазалида ҳам давом эттирилади. Бу шеърда Мунис "дардманду жафокаш элга" ҳамдард бўлган шоирлар аҳволи ўша замонда ниҳоят оғир экани, уларнинг доимо қон ютгани, емакка нон топа олмаганига алоҳида урғу беради ва бу ҳолнинг сабабини аниқлашга ҳам уринади. Мунисниг тушунишича, ҳар қандай ҳунарга душман бўлган замонга (Баски даврон эрур ҳунар душман, Кўрадур фазлидин зиён шуаро) ҳақиқий шоирлар ҳам душман эдилар... (бор душмани замон шуаро). Ана шу қарама-қаршилик (замон ва илғор шоирлар ўртасида) ҳақиқатгўй шоирларни таъқиб остига олар ва уларнинг аҳволини хароб қиларди. Шунинг туфайли,— деб тушунтиради Мунис,— илғор шоирлар "назм этар гавҳари фиғон", яъни уларнинг асарларида оҳу фиғон, замона адолатсизлигидан нолиш, фарёд чекиш асосий ўринни эгаллайди. Бу ҳол фақат биргина шоир оҳу ноласининг ифодаси бўлмай, балки минг-минглаб жафокашлар оҳу фарёдининг ҳам инъикоси эди:

Дардманду жафокаш элга қилур,
Назм ила дардини баён шуаро. (12-бет)

Мунисниг илғор шоирлар ва замона ўртасидаги қарама-қаршиликни тушуниб, уни изоҳлашга интилгани ҳам унинг бадиий маромини, бадиий адабиётнинг ижтимоий вазифасига бўлган муносабатини белгилаб беради. Агар бу ўринда ўша даврдаги маддоҳ шоирларга Мунисниг муносабатини эласак, унда масала янада ойдинлашади. Жумладан, Мунисниг мана бундай фикри диққатга сазовордир:

Лаънат ул шоирғаким, ҳирсу тамаъ таҳрикидин,
Кўргузур ҳар сифлаву нокасға изҳори мадеҳ. (287-бет)

Демак, Мунис маддоҳ шоирлардан қанча нафратланса, ҳақиқатгўй шоирларни шунчалик иззат-ҳурмат қиларди.

Шундай қилиб, Мунисниг шеърларида, гарчи қатра тарзида бўлса-да, муаллифнинг шеър ва шоирлик ҳақидаги муҳим фикру мулоҳазалари баён этилган. Улар Мунис ижодий маромини, шеър ва шоир олдига қўйган талабларини, ўша давр адабий муҳитидаги қутбланишни англашда ва, умуман, мазкур даврдаги жараённинг назарий фикрларини аниқлашда кўмаклашади. Мунисниг замондошлари бўлмиш кўпгина шоирларнинг бизгача етиб келган адабий меросида, жумладан Махмур асарларида ҳам шеър ва шоирлик ҳақида турли шаклда баён этилган мулоҳазалар учрайди. Жумладан, Махмурнинг эълон қилинган асарлари ичида "амаким", "амакам", "ўлғай", "исқотий" радифли ўзбек ва тожик

тилларида ёзилган ҳажвиялари бор[1]. Улар малик уш-шуаро Абдукарим Фазлий Намангонийга бағишланган. Диққатга сазовор жойи шундаки, агар Мунис ўз асарларида шеъру шоирлик ҳақидаги мулоҳазаларини умумлашма тарзида баён этган бўлса, Махмур ўзининг қарашларини маълум тарихий шахс — сарой шоири Фазлий ва унга бўлган муносабат орқали ифода этади. Бундай ҳол, яъни бадиий асарда тарихийлик ва аниқликка асосланиш Махмурнинг ижодий услубига хос хусусият бўлиб, маълум бадиий воқеага асосланиб, умумий хулоса чиқаришга олиб келади. Шундай бўлса-да, Мунис ва Махмурларнинг шеър ва шоирлик тўғрисидаги мулоҳазаларида умумийлик шундан иборатки, Мунис ҳам, Махмур ҳам маддоҳ ва сарой шоири қиёфасини фош этади, улардан нафратланади. Ана шу жиҳатдан қараганда Махмурнинг Абдукарим Фазлий Намангоний ҳақидаги шеърлари туркумини кузатиш маълум хулосаларга келиш учун асос бўла олади. Мазкур туркум шеърлар шундан гувоҳлик беради ки, Махмур ижодида шеър ва шоир ҳақидаги ақидалар ҳажвия шаклида ифодаланиб, баёндаги сокинлик ўрнини газаб ва нафрат эгаллайди. Тўғри, Махмурнинг тўла девони ҳали қўлга кирмагани туфайли унинг ижодидаги бошқа хусусиятлар, жумладан илғор замондош шоирлари ҳақидаги қарашлар ҳақида ҳозирча бирор нарса айтиш қийин. Аммо мавжуд маълумотлар асосида билвосита шундай хулосага келиш мумкин: Махмур ҳам замондоши Мунис каби бадиий ижоднинг кенг меҳнаткашлар оммаси ҳаёти билан боғли бўлишини маъқуллаган, бадиий асарларда ҳақиқатни тасвирлашни ёқтирган ва шунинг учун ҳам ўз асарларини "тиғи дудамга" айлантириб, қабоҳат ва фирибгарлик бағрини ёриб ташлаган.

Бадиий ижоднинг турли масалалари, ўтмиш шоирларига муносабат билдиришни XVIII асрнинг шоири Нишотий ижодида ҳам учратиш мумкин. Уқтириш лозимки, Мунис ва Махмурлар шеър ва шоирлик ҳақидаги қарашларини асосан кичик шеърий асарларда ифода этган бўлсалар, Нишотий "Ҳусну Дил" достонининг айрим бобларида бу ҳақда сўз юритди. Нишотий ўз асарида бадиий сўз ва унинг йирик намояндалари ижоди хусусида турли мулоҳазаларни билдирди. Бу мулоҳазаларнинг кўпчилиги ўзигача мавжуд бўлган адабий-танқидий қарашларни давом эттиради. Бу ҳолни Нишотийнинг сўз ва ундаги маъно ҳақидаги фикрларида ҳам, улуғ шоирлардан Низомий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар тўғрисидаги мулоҳазаларида ҳам учратиш мумкин.

---

[1] *А. Қаюмов.* ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1956, 100—107-бетлар.

Нишотий ҳам бадиий ижодда янгилик тарафдори. У "тоза сўз"ни яратишнинг мухлиси, такрорни эса маъқулламайди. Бу жиҳатдан Нишотий мулоҳазаларининг Алишер Навоий адабий-танқидий қарашлари билан ҳамоҳанглиги, улардан баҳраманд бўлганлиги яққол кўринади.

Шеър ва шоирлик ҳақидаги мулоҳазалар ўша даврда яшаб ижод этган барча илғор шоирлар томонидан турли шаклларда ифода этилган эди. Бундай ҳолни Ҳозиқ ижодида ҳам, Сайидо ва Бедил асарларида ҳам учратиш мумкин. Уларнинг ҳаммаси учун бадиий ижоднинг ҳақиқий, ғоявий-бадиий юксак бўлиши лозимлиги, ўтмишнинг забардаст шоирлари ижодини ҳурмат қилиш, улардан ўрганиш, маддоҳлик ва шаклпарастликни қоралаш масалалари умумий ва муҳим муаммолар сифатида аҳамиятли эди. Ана шу жиҳатдан улар ижодида илғор адабий-танқидий қарашлар анъанасининг изчил давом эттирилгани кўзга ташланиб туради.

XIX асрнинг II ярмида ҳам адабий-танқидий қарашлар баён этилди ва у янги-янги хусусиятларни касб этди[1].

Халқчил, маърифатпарвар адабий оқимнинг ҳаётга, атрофдаги ҳодиса-воқеаларга ёндашиши тўғрилик, ҳаққонийлик нуқтаи назаридан бўлиб, унинг адабий-танқидий қарашлари ҳам шунга асосланади. Муқимийнинг:

Гар қилич бошимга ҳам келса, дегайман ростин,
Сўзки ҳақ бўлса, саволимга жавобим ким десун?—

мисраларида шоирнинг ижодий мароми ҳақгўйлик экани кўрсатиладики, бу фикрни ўша даврдаги илғор адабий оқимга тўла нисбат бериш мумкин. Муқимий ўз замонасидаги ҳодиса-воқеаларни ҳассослик билан кузатиб, уларни ўз ижодида акс эттирди. У ростни куйлашдан, ҳақиқатни улуғлашдан қайтмади. Бунинг натижасида Навоий, Турдий, Гулханий ва Махмурлар ижодидаги танқидий йўналиш XIX асрнинг иккинчи ярмида Муқимий ижодида юқори чўққига кўтарилди. Шоирнинг ижоди кенг меҳнаткаш халқ оммаси орзу-истакларининг инъикоси бўлгани учун Муқимий халқ учун азиз эди.

Муқимий бадиий ижод тўғрисида сўз юритар экан, бадиий асарнинг халқ руҳини ифода этиши масаласини назарда тутади ва бадиий ижодга халқ манфаати учун хизмат қила олиш ёки хизмат қила олмаслик нуқтаи назаридан баҳо беради.

[1] Ишнинг бу қисми XIX асрнинг II ярмидаги ҳаётни, ижтимоий-сиёсий фикрлар ва адабий-танқидий қарашларни ҳар томонлама кенг ёритишга даъво қилмайди — Б. В.

Бу даврда адабиётшунослик ва адабий-танқид мустақил назарий асарлар шаклида кўринмаса-да, у бадиий ижоднинг таркибий қисми сифатида давом этар, ҳажвиёт билан ҳам боғли эди.

Ўтмиш адабиётшунослиги ва адабий танқидий бадиий ижодда шакл ва мазмун ҳамда мазмуннинг устунлиги масаласига диққатни қаратиб, шуларга асосан ҳаётни тасвирлаш усули тўғрисида сўз юритади. XX асрнинг иккинчи ярмидаги адабий-танқидий қарашлар ҳам шу ақидаларга асосланди. Бунинг мисоли сифатида Фурқатнинг "Шоир ва шеър муболағаси хусусида" номли масна-вийсини кўрсатиш мумкин. Бу шеърни халқчил адабий оқимнинг дастуруламали сифатида тушунмоқ мумкин. Шоир ҳаётни, ҳаёт ҳақиқатини ҳаммадан гўзал деб билади. Шунинг учун ҳаётни тасвирлаш керак, дейди Фурқат. Демак, ҳаёт қандай бўлса, уни ўз ҳолича ҳеч қандай бўёқсиз тасвирлаш керак. Бу фикрларнинг аҳамияти шундаки, унда бадиий тафаккурнинг энг асосий томонларига моддиюнларча қарашнинг куртаклари[1] мавжуддир. Фурқат шеъриятнинг ҳаёт билан чамбарчас боғли эканини, унинг мазмуни мавжуд ҳаёт эканини тўғри кўрсата олган. Фурқат "йўқ сўзни бор демак эл ичра мўътабар йўқ" дер экан, адабиётда ёлғонни эмас, балки ҳақиқатни тасвирлаш кераклигини олға суради. Фурқат шеъриятнинг киши ҳис-туйғулари орқали ҳаётни тасвирлаши ҳақида дуруст фикр юритади. Буларнинг ҳаммаси учун эса, муаллифнинг фикрича, ҳаётни билиш, уни ўрганиш зарур.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкент ва Хивада босмаханаларнинг пайдо бўлиши китоб нашр эттириш ишини яхшилади ва қатор рўзнома ҳамда мажаллаларнинг чиқишига имконият туғдирди. Бунинг натижасида "Туркестанские ведомости" (1870), кейинчалик ўзбек ва рус тилларида "Туркистон вилояти газетаси" кабилар чиқа бошлади. Булар чоризм манфаатини ҳимоя қилувчи нашриялар эди. Шунга қарамасдан ўзбек, тожик, қозоқ халқининг халқчил ва маърифатпарвар шоирлари ана шу нашриялар саҳифаларида ҳам ўз илғор ғояларини ифода этдилар. Маърифатпарвар Фурқат кўпгина шеърлари ва мақолаларини "Туркистон вилояти газетаси"да нашр эттирди.

Фурқат ўзининг "Хўқондлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти ўзи ёзғони" деб аталувчи мақолалар туркумида ҳам ёзувчи энг аввал ҳаётни ўрганиши керак деган фикрини яна бир марта такрорлайди[2]. Бундан кўринадики, маърифатпарвар ва халқчил шоирлар подшо ҳукуматининг манфаатларига хизмат

---

[1] *И. Муминов.* Из истории развития общественно-философской мысли в Узбекистане, Ташкент, 1957, 128-бет.

[2] *А. Абдуғафуров.* Зокиржон Фурқат. ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1977, 171 ва кейинги бетлар.

қилувчи матбуотдан ўзларининг илғор ғояларини ифодалаш учун фойдалана олганлар. Бу эса, шеър ва шоирлик ҳақидаги қарашларнинг янгича ифода этиш усули эди. Чунки шу вақтгача ўзбек, тожик халқларининг адабиётшунослик ва адабий-бадиий қарашлари фақат қўлёзма китобларда кўриниб, матбуот саҳифасида кўринмас эди. Шуни қайд қилиш керакки, рўзнома ва мажаллалар саҳифаларида босиладиган адабий-танқидий мақолаларнинг ҳаммаси ҳам бир хил савия ва даражада эмасди. Матбуот саҳифаларида икки адабий оқим ўртасидаги кураш янада кучайди. Ўша вақтда нашр эттириладиган "Туркистон вилояти газетаси", "Садои Фарғона", "Ал-ислоҳ", "Оина" каби рўзнома ва мажаллалар саҳифаларида у ёки бу шоир ижодига, асарларига бағишланган турли савиядаги мақолалар, шеърлар бостирилар эди. Шоирларга, масалан, Огаҳий, Муқимий, Ҳазиний, Муҳаййирга бағишланган мақолаларда уларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида айрим маълумотлар бериларди. Бундай мақолалар муаллифнинг дунёқараши савиясида ёзилар эди. Рўзнома саҳифаларида баъзан илғор шоирлар ҳам танқид қилинар эди. Масалан, ана шундай мақолалардан бири "Муҳаййирга жавоб" деб аталади.

Муҳаммадқул Мирзо Муҳаммадрасул ўғли Муҳаййир (1849—1918) Муқимий, Фурқат, Авазлар билан бир даврда яшаб, ижод этган шоирдир. Муҳаййирнинг адабий мероси унинг ўз қўли билан кўчирилган девонда тўпланган.

"Муҳаййирга жавоб" мақоласининг муаллифи шоирни нодонликда айблайди. Унинг ижодини камситиб, "Муҳаййир афанди мулло эмас, муқаллид, пайрав" деб ёзади.

Бундай руҳ "Ал-ислоҳ" мажалласи саҳифаларида янада очиқроқ кўринди. Жумладан, 1916 йилда Завқий ҳақида ёзилган мақолалар. Завқий буларга қарши ўзининг "Иштибоҳ" мақоласи ва "Афандилар" радифли шеъри билан чиқиш қилиб, уларда Муқимий, Фурқат ва ўзига нисбатан айтилган туҳматларни фош этди, у мақолаларнинг "мазмун ва мафҳумларига... иштибоҳ воқеъ бўлди" деб ёзади. Завқийнинг бу чиқиши айримларни янада ғазаблантирди. Мулло Мақсудхўжа Эшон Муфтий мажалланинг 17-сонида "Хўқандли Убайдулло Завқий иштибоҳларига рафъий иштибоҳ" номли мақоласини бостириб, халқчил йўналишдаги адабий оқимга қарши юришни кескинлаштирди. "Юз ва қулоқ ва қадни ва хотунларни булардан бошқа сифатларини... баён қилиб шеър айтмоқ аҳли диёнат ва аҳли динларга лойиқ ва муносиб эмасдур",— деб инсоний фазилатларни, муҳаббатни куйловчи Муқимий, Фурқат, Завқийнинг дунёвий шеъриятини камситди, "энди хулласи калом шуки, эй замонамиз шоирлари, сизларни... сеҳромез муҳаммасларингиздин ва фисқангез ғазалларингиздин биз аҳли исломни қандай қилса маҳрум қилиб бўлур",— деб айтади. Худди шу вақтларда яшаб ижод этган

Нозимахоним бинти Саид Аҳмаднинг эса бундай фикрларга жавоб бўладиган қуйидагича ёзганлари диққатга сазовордир:

"Ўз адабиётининг тараққиёти борасинда жусту-жў қилиб, ҳеч тоифа адиб ва шоирлар етиштирмоқ ғамини емаган миллат ахир бир кун ҳиссиётлардан, ўй-фикрлардан маҳрум қолиб, охир натижада маънан инқироз сари юз тутар"[1].

Демак, Нозимахоним Завқийлар ижодини ёқлайдиган гуруҳ вакили сифатида халқчил адабиётнинг ривожу равнақи учун жон куйдирувчилардан бири.

Озарбайжон халқининг севимли шоири Али Акбар Собир ҳам худди шу даврда халқчил адабиётнинг ҳаётни тасвирлаш услуби ҳақиқатгўйлик эканини ва у ҳаётни бўяб тасвир этмаяжагини "На ёзим", "Йўх, ёзмарам" каби асарларида очиқдан-очиқ кўрсатган эди. У "На ёзим" асарида, жумладан қуйидагича ёзади:

Шоирам чунки вазифам будир: ашъор ёзим
Гўрдиким неку бади айлайин изҳор ёзим.
Гунни порлоқ, гундузи оғ тежани тор ёзим,
Бади бад, эгрини эгри, дузи ҳамвор ёзим.

Бунда биз Фурқат ва Завқийларнинг шеърларида ифода этилган ўхшаш фикрларни кўрамиз. Бундай ўхшашликнинг сабаби XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида икки халқ ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бир-бирига ўхшашлиги ва яқинлигидадир.

Демак, XVI—XIX асрлар давомида адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашлар турли шаклда ранг-баранг мазмунни ифода этиш йўли билан давом этди. Бу босқичда фаолият кўрсатган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва яратилган тазкиралар ҳақида қуйида сўз юритилади.

МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашлар тараққиётининг учинчи босқичи қандай хусусиятларга эга?
2. Бу давр адабиётшунослиги ва адабий-танқидий қарашларининг ифодаланиш жанрлари ҳақида сўзланг.

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Нишотий "Ҳусн ва Дил" достонидаги шеър ва шоирликка бағишланган бобларни ўқиб, уларнинг аҳамиятини белгиланг.
2. Фурқатнинг "Шоир ва шеър муболағаси хусусида" асарини ўқиб ўз мулоҳазаларингизни баён этинг.

---

[1] *М. Зокиров.* Эрк ва маърифат куйчилари. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1984, 174-бет.

3. Мунис, Махмур, Муқимийларнинг шеър ва шоирликка бағишланган шеърларини мутолаа қилинг.

ЗАРУРИЙ АДАБИЁТЛАР

а) Манбалар:

1. *Нишотий.* Ҳусн ва Дил. Лирика. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1967.
2. *Мунис.* Сайланма. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1980.
3. *А. Қаюмов.* Махмур. ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1956.
4. *Фурқат.* Танланган асарлар, 2 томлик, 2-том, Тошкент, 1959.
5. *Ҳофиз Таниш.* Абдуллонома. I жилд, ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1966.
6. *Зайниддин Восифий.* Бадоеъ ул-вақоеъ. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1979.

б) Илмий асарлар:

1. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик, III, IV, V томлар. ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1978—1980.
2. *А. Абдуғафуров.* Зокиржон Фурқат. ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1977.
3. *М. Зокиров.* Эрк ва маърифат куйчилари. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1984.
4. *Б. Қосимов.* Излай-излай топганим. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1983.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ ҚАРАШЛАРИ

Ўзбек адабиёти тарихига улкан ҳисса қўшган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг адабий-танқидий қарашлари "Бобурнома" ва "Аруз рисоласи" номли асарларида кенг ифода этилган. Заҳириддин Бобурнинг XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларидаги турли ҳодиса-воқеалар ичида яшаши, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни Бобур — шоир ва адабиётшунос сифатидаги дунёқарашининг шаклланишига ҳам таъсир қилмай қолмади. Бобурнинг дунёқарашида борлиққа, ҳаёт ва унинг гўзалликларига, инсон ва унинг фазилатларига қизиқиш асосий ўринни эгаллайди. Унинг шеърияти, "Бобурнома"си, "Аруз рисоласи" ва уларда ифода этилган адабий-танқидий қарашлари ҳам ана шундай дунёқарашга асосланади.

Бобурнинг шеъриятида шеър ва ундаги мазмун, адабий мунозара-шеър баҳсининг мавқеи ҳамда мумтоз адабий меросга доир қарашлари маълум даражада ифода этилган.

Бобур шеър ҳақида гапириб, унинг мазмунли бўлиши, бу мазмун афсонавий "оби ҳайвон" каби кишиларга таъсир қилиши кераклиги, шеър мазмуни ўқувчига бирор нарсани ўргата билиши лозимлигини уқтиради:

Эй ким, бари шеър аҳлига сен ҳон янглиғ,
Шеъринг бори шеърларга султон янглиғ.
Мазмуни анинг хати саводи ичра,
Зулмат орасида оби ҳайвон янглиғ.

Бундан равшанки, Бобур адабиётда мазмуннинг катта аҳамиятини яхши тушунган.

Муаллиф шоирнинг, адабиётшуноснинг қобилияти шеър баҳсида — адабиёт, шеърга бағишланган мунозара ва мушоираларда маълум бўлади, деб шундай ёзади:

Дўстларнинг суҳбатида на хуш ўлғай баҳси шеър,
То билингай ҳар кишининг табъи бирла ҳолати.

Адабий мунозаранинг аҳамиятини яхши англаган Бобур шоир — ёзувчиларни уни кенг қўллашга чақиради. Чунки адабий мунозаралар турли масалаларни ечиш, шеър ва унинг қонуниятларини тушунишга ёрдам беради. Шунинг учун кишининг дўсти ё шоир бўлсин ёки шеър дўсти бўлсин. Зеро у кишининг ўсишига кўмаклашади, дейди Бобур:

Ёр улдирки, шеърга майли бўлса,
Нетгай киши шеър ғайр хайли бўлса.

Бобур шеъриятида ўзбек адабий танқидида маълум бўлган фахрия ҳам ишлатилган. Булардан кўринадики, Бобур Алишер Навоий анъаналари, унинг фикр ва қарашларини олға сурган.

Бобурнинг бадиий ижод масалаларига доир қарашлари, шоир ва санъаткорларнинг ижодига бўлган муносабати "Бобурнома"да янада кенгроқ ифода этилган бўлса, шеършуносликка доир мулоҳазалари "Аруз рисоласи"да батафсил баён қилинган.

"Бобурнома" ўзбек насрининг йирик намунасигина бўлиб қолмай, балки у тарих, жуғрофия, ўсимликшунослик соҳасида ҳам қимматли манбадир. Бу ўринда "Бобурнома"нинг барча хусусиятлари тўғрисида эмас, балки унда ифода этилган адабий-танқидий қарашлар ҳақида баъзи мулоҳазалар баён этилади.

Бобур ва шоирлар. "Бобурнома"да Навоий томонидан "Мажолис ун-нафоис"га киритилган шоирларнинг жуда оз қисми тўғрисида (Абдураҳмон Жомий, Муҳаммад Солиҳ, Шайхим Суҳайлий, Сайфий Бухорий, Камолиддин Биноий, Юсуф Бадеий, Бадриддин Ҳилолий, Ҳотифий ва шу кабилар) фикр юритилган. Бобур шоирларнинг баъзилари ҳақида гапирар экан, уларнинг "Мажолис ун-нафоис" яратилишидан сўнгги даврдаги ҳаёти ва ижодига доир янги маълумотлар беради. Бу жиҳатдан "Бобурнома"нинг шоирлар ва санъат аҳлига бағишланган қисмлари "Мажолис ун-нафоис"нинг ўзига хос тарздаги давоми каби туюлади.

Қайд қилиш керакки, XVI асрнинг биринчи чорагида Мовароуннаҳр ва Хуросондаги сиёсий аҳвол ҳамда Бобурнинг шоҳлик учун олиб борган кураши "Бобурнома"да ифода этилган адабий-танқидий қарашларда ҳам из қолдирган.

Бобур шоирлар ҳақида гапиришда, уларнинг ижодига баҳо беришда баъзан бир ёқламаликка йўл қўяди. Бу жиҳатдан Муҳаммад Солиҳ ижоди ҳақида билдирилган фикрлар бунга мисол бўла олади.

Бобурнинг Муҳаммад Солиҳ ғазалларига бўлган муносабати умуман ижобийдир. Муҳаммад Солиҳ эса мирзолар-темурийзодалардан нафратланиб, Султонлар — шайбонийлар томонига ўтган, уларни мақтаб, "Шайбонийнома"ни ҳам яратган эди. Достонда Шайбоний темурийлардан устун қўйилади. Бобур эса, бу асарнинг бир байтини маъқуллаб, қолган қисмларини қоралайди. "Муҳаммад

Солиҳнинг,— деб ёзади Бобур,— чошнилик ғазаллари бор, агарчи ҳамворлиғи чошнисича йўқтур, туркий шеъри ҳам бор, ёмон айтмайдур. Сўнгра Шайбонийхон қошиға келиб эди, филжумла ривоят қилиб эди. Шайбонийхоннинг отиға бир туркий маснавий битибдур, рамали мусаддаси маҳбун вазнидаким, "Сабҳа"[1] вазни бўлғай, бисъёр суст ва фурудтур, ани ўқуғон киши Муҳаммад Солиҳнинг шеъридан безътиқод бўлур. Бир яхши байти будур:

Бўлди Танбалға ватан Фарғона,
Қилди Фарғонани танбалхона...

Ул маснавийда мунча байт маълум эмаским бўлғай, шарир ва золимтабъ ва бераҳм киши эди"[2].

Муҳаммад Солиҳ байтининг Бобурга маъқул тушишининг асосий сабаби шундаки, Бобур Самарқандга иккинчи марта юриш қилганида Аҳмад Танбал Андижон ҳокимиятини бутунлай ўз қўлига олиб, Бобурга қарши курашди. Фарғонадан маҳрум бўлган Бобур Муҳаммад Солиҳнинг Аҳмад Танбални танқид қилганини шунинг учун маъқуллайди. Демак, Бобур ўзига душман бўлган кишиларнинг бошқа йўналишдаги киши томонидан танқид қилинишини ҳам қўллаб-қувватлаган.

"Бобурнома"да муаллиф юқори табақа вакилларидан бўлган Али Дарвешбек, Ҳасан Яъқуббек, Султон Маҳмуд, Шоҳғариб Ғарибий, Туфайлий каби шеър дўстларини ҳам қайд қилиб ўтади. Лекин Бобур темурийзодалар, Шайбоний авлодлари ва амалдорларининг адабий фаолиятларини ҳамма вақт ҳам мақтайвермайди. Муаллиф бундай шоиртабълар ижоди ҳақида гапириб, уларнинг айримлари, жумладан, амакиси Султон Маҳмуд ҳақида "шеъри бисёр суст ва бемаза эди. Андоқ шеър айтқондин айтмоғон яхшироқдур" деб ҳам ёзади.

Бобур Султон Ҳусайн Мирзонинг фазилатлари ва ҳукмронлик даврини қанчалик мақтамасин, унинг адабий фаолияти ҳақида "баъзи байтлари ёмон эмасдур, вале Мирзонинг девони тамом бир вазндадир" деб ёзади. Бугина эмас, Бобур Камолиддин Ҳусайн Козургоҳийнинг "Мажолис уш-ушшоқ" асарига Ҳусайн Бойқаро томонидан ёзилган дебочани ҳам маъқулламайди. Юқорида келтирилганлар Бобурнинг Ҳусайн Бойқаро ижодига баҳо беришда анча диққат қилганидан далолат беради. Шайбоний ҳақида эса "ҳар неча кунда бир бемаза байт айтур эди",— дейди Бобур.

Шундай қилиб, Бобурнинг адабий-танқидий қарашларида шоир ва ёзувчиларнинг асарларида кузатган камчиликларни кўрсатишга интилиш ҳолати тез-тез учраб туради. Бу эса Бобурни адабий

---

[1] *А. Жомийнинг* "Сабҳат-ул-аброр" асарига ишора.

[2] *З. М. Бобур.* Бобурнома. ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1960, 243—244-бетлар.

жараён, унинг намояндалари ижоди ва маълум асарлари ҳақида ўз мулоҳазаларини баён эта олган адабиётшунос ва танқидчи сифатида кўз олдимизга келтиради. Бу ўта муҳимдир.

Бобур шоирлар ижоди тўғрисида сўз юритганда асосан Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари анъаналарини давом эттириб, асарларнинг мазмунини биринчи ўринга қўйиб текширади. Фикримизнинг исботи учун "Бобурнома"нинг Бадриддин Ҳилолийга бағишланган сатрларига мурожаат қилайлик. Бобур бу ўринда адабиёт майдонига энди кириб келаётган Ҳилолий ҳақида эмас, балки шоир сифатида танилган Ҳилолий тўғрисида сўз юритади, унинг ғазалларини "ҳамвор ва рангин" деб мақтайди. Бобурнинг тушунишича, шоирнинг етук бўлиб етишувида унинг аруз, қофия ва шеър илмига "хеле мустаҳазар" бўлганлиги ижобий таъсир қилган. Иккинчидан, шоирнинг "бисёр қавий ҳофизаси бор эмиш, ўттиз-қирқ минг байт ёдида бор эмиш". Шоирларнинг устоз санъаткорлар асарларидан маълум миқдор шеърни ёддан билиши зарурлиги ўрта аср адабиётшунослигининг ижодкор олдига қўйган қатор талабларидан биридир. Ана шунинг учун Бобур Ҳилолий ижоди ҳақида мулоҳаза юритаётганда унинг юқоридаги талабларга жавоб бера олувчи эканини кўрсатади. Бугина эмас, Бобур Ҳилолийнинг айрим достонлари ҳақида ҳам алоҳида тўхталади. Масалан, шоирнинг "Шоҳ ва Дарвеш" достонини "мазмун ва устухонбандлиги бисёр ковок ва харобдур", деб танқид қилади. Бу танқид достоннинг мазмунига ҳам, устухонбандлиги (қурилмаси)га ҳам тегишлидир. Ҳақиқатан, Ҳилолийнинг бу достони унинг ижодидаги бўш асарлардандир. Шунинг учун унинг қурилмаси ҳам мазмунига мувофиқдир. Демак, Бобурнинг танқиди тўғри. Лекин масаланинг иккинчи томони шундаки, Бобур Ҳилолий асарини ғоявий йўналиши учун эмас, балки асарда шоҳ образи бузилган ҳолда тасвир этилганлиги учун танқид қилади. "Шуарои мутақаддим ишқ ва ошиқлик учун маснавийларким айтубдурлар, ошиқликни эрга ва маъшуқликни хотунга нисбат қилибдурлар. Ҳилолий дарвешни ошиқ қилибдур, шоҳни маъшуқ. Абётеким, шоҳнинг афъол ва ақволида дебтур, ҳосилким шоҳни... фоҳиша қилибдур". Бу танқиднинг тўғри жиҳати шундаки, ҳақиқий ~~ишқ-муҳаббат~~ икки жинс ўртасидаги энг самимий ва юксак фазилатлар натижасида пайдо бўладиган олижаноб ҳистуйғу бўлиб, инсонлар ҳаётида катта аҳамиятга эгадир. Ана шу муҳаббат ўзбек, тожик ва озарбайжон адабиёти вакиллари ижодига ҳам, Ҳилолийнинг ғазалларига ҳам хосдир. "Шоҳ ва гадо" достонида эса бу ҳол бошқача талқин қилинган. Демак, Бобур адабий танқидда бадиий ижодга аниқ ва муайян ёндашиш услубини давом эттирган; у ёки бу шоир ижодининг муваффақиятларинигина қайд қилиш билан қаноатланмасдан, унинг камчиликларини ҳам очиқ-ойдин кўрсатган, бадиий асарнинг мазмуни ва шунга боғли равишда бадиийлигини диққат марказида тутган.

Юқорида Бобурнинг бадиий асар мазмунига алоҳида эътибор бергани қайд қилинган эди. Асар мазмунига диққатни жалб этган Бобур шоирлар ижоди ҳақида ўз фикрини ёзаётганда энг аввал маълум асарнинг мавзуси, бадиий шакли, вазнини белгилайди. Шундан сўнг шоир, ёзувчининг шахсий хусусиятлари, жамиятда тутган ўрни, атрофдаги кишилар билан муносабати каби масалаларни ёритади. Шуни ҳам эслатиш керакки, Бобурнинг адабий таиқидидаги бу меъёр тазкира ва тарихий асарларнинг таъсирисиз майдонга келган эмас. Мирхонд яратган "Равзат ус-сафо"нинг таъсири Бобурнинг ҳар бир подшоҳ давридаги шоирларни зикр қилишида кўринса, Давлатшоҳ, Жомий, хусусан Алишер Навоий тазкираларининг таъсири эса шоир ва унинг ижоди тўғрисида ўз мулоҳазаларини баён қилишида яққол кўринади. Масалан, Бобур шоир Биноий ҳақида шундай ёзади: "...Ҳирийликдур, отаси устоп Муҳаммад Сабз банно учун бундоқ тахаллус қилибдур. Ғазалида ранг ва ҳол бордур, девон тартиб қилибдур, маснавийлари ҳам бор. Бир маснавийси бор мевалар бобида, мутақориб баҳрида, бемуҳассал нима дептур, бекоре қилибдур. Яна бир мухтасар маснавийси бор, хафиф баҳрида; яна бир улуғроқ маснавийси бор, ул ҳам хафиф баҳрида, бу маснавийни сўнгралар тугатиб эди. Бурунлар мусиқийдин бехабар экандур, бу жиҳаттин Алишербек таън қилур экандур. Бир йил Мирзо (Ҳусайн Бойқаро) Марвға қишлай борғанда, Алишербек ҳам борур. Биноий Ҳирида қолур. Ул қиш мусиқий машқ қилур, ёзгача онча бўлурким, ишлар боғлар. Ёз Мирзо Ҳири келганда, савт ва нақш ўткарур. Алишербек таажжуб қилиб, таҳсин қилур. Мусиқийда тавр ишлар боғлабтур, ул жумладин бир нақш бор, нўҳ рангға мавсум. Бу тўққиз рангнинг туганиши ва нақшнинг майлоси росттадур". Шу парчанинг ўзидан равшанки, Бобур Навоийнинг Биноий ҳақида ёзганларига асосланган, иккинчидан, Навоий услубида фикр юритган, учинчидан эса, Биноий тўғрисида "Мажолис ун-нафоис"да бўлмаган янги маълумотларни келтирган.

Шоир Биноий ҳақидаги фикрдан шу нарса маълум бўладики, Бобур бадиий ижодни — адабиётни санъатнинг бошқа турлари билан маҳкам алоқадорлигини ўз устози Навоий каби тушуниб, бадиий адабиёт билан шуғулланувчи кишиларнинг, хусусан шоирларнинг мусиқа, хаттотлик, рассомлик санъатларидан ҳам хабардор бўлишлари кераклигини кўрсатмоқчи бўлган, "Бобурнома"да шоирлар билан бир қаторда бир неча мусиқачи, хаттот, рассомлар, жумладан Удий, Нойи, Беҳзод, Султон Али ҳақида сўз юритилиши ва ана шу санъатлардан хабардор бўлган шоирларнинг эса мақталиши фикримизнинг далилидир.

Бобур Паҳлавон Муҳаммаднинг ҳам шоир, ҳам мусиқачи, ҳам хушсуҳбат, ҳам паҳлавон бўлганлиги учун уни бошқа шоирларга намуна қилиб кўрсатади ва "беназир элдин бири

деб ҳисоблайди[1]. Бу ҳолат Бобурнинг муваффақияти бўлиб, муаллифнинг ўзбек мумтоз адабиётидаги, жумладан, танқидчилигидаги яхши анъаналарни давом эттирганини кўрсатади.

Бобурнинг "ҳар кимдин яхши қоида қолғон бўлса, анинг бирла амал қилмоқ керак, агар ота ёмон иш қилғон бўлса, яхши иш била бадал қилмоқ керак,"— деб ёзиши ҳам унинг анъанага бўлган муносабатини аниқ ифода этади. Муаллиф ҳар бир ишда, жумладан бадиий ижодга баҳо бериш ишида ҳам илғор услубларга амал қилишга уринган. Унинг Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва улар раҳбарлик қилган адабий ҳаёт вакилларига бўлган муносабати худди ана шу фикрни исботловчи далилдир.

Тожик шоири Абдураҳмон Жомийнинг номи Бобур томонидан ҳурмат билан тилга олиниб, унинг яхши шахсий фазилатлари таърифдан ҳам ортиқлиги алоҳида қайд қилинади. Гарчи Бобур Жомийнинг ижодий фаолиятига алоҳида тўхталмаган бўлса ҳам, "Бобурнома"дан унинг Жомийга бўлган ижобий муносабати яққол кўринади.

БОБУР ВА АЛИШЕР НАВОИЙ

Бобур ўз эсдаликларида Навоийнинг адабий ва ижтимоий фаолияти ҳақида анча кенг маълумот берган. У Навоий билан шахсан танишмаган бўлса-да, улар хат орқали бир-бирларини билганлар. Бу ҳақда Бобурнинг ўзи шундай ёзади: "Мен Самарқанд олғонда ўн тўққиз ёшда эдим... Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда Алишербек тирик эди. Бир навбат менга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим. жавоб келгунча тафриқа ва ғавғо бўлди".

Навоийнинг Бобурга ёзган хати мазмуни ва Бобурнинг жавоби ҳам биз учун ҳозирча қоронғу. Шунга қарамай ўша давр ижтимоий сиёсий шароити ва Навоийнинг бу даврдаги фаолиятини назарда тутиб бу ёзишманинг сиёсий аҳамиятга эга эканини тахмин қилиш мумкин. Бу тахминни Бобурнинг хат "орқасида туркий байт" битиб юборгани яна ҳақиқатга яқинлаштиради.

Заҳириддин Бобур 1506 йилнинг ноябрь ойида Ҳиротга келганда, асосан Алишер Навоийнинг уйида яшайди. Бу ҳақда "Бобурнома"да шундай ёзилган: "Боғи Навда бир кеча бўлдум, ани муносиб кўрмай, Алишербекнинг уйларини тайин қилдилар. Ҳиридин чиққунча Алишербекнинг уйларида эдим". Бу вақтда Навоийнинг оламдан ўтганига беш йилдан кўпроқ бўлган бўлсада, аммо унинг уйи бутун жиҳозлари билан сақланарди. Шунинг

[1] Маълумки Алишер Навоийнинг "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" асари ҳам ана шу киши ҳақидадир.

учун Бобур унда яшаган пайтида Алишер Навоийнинг кутубхонасидаги нодир китобларни кўрган ва уларни мутолаа қилган эди, албатта. Бу мутолаа кейинчалик ҳам давом этади.

Бобур Навоийнинг кичик замондоши сифатида улуғ ўзбек шоири ва мутафаккирининг бутун ижоди билан танишади, уни ўрганади. Бобурнинг ғазаллари, рубоий ва туюғларида бу ўрганишнинг ижобий натижаларини сеза олиш мумкин.

Бобур Навоийнинг шеъриятига жуда юксак баҳо беради, ҳатто у "Хазойин ул-маоний"дан аруз баҳрлари тартиби билан бир неча ғазалларни танлаб олиб, уларни алоҳида китоб шаклига ҳам киритган эди. Алишер Навоий ижодига қизиқишнинг катта эканлиги "Бобурнома"нинг шоир ҳақида алоҳида тўхталган ўрнида янада аниқроқ кўринади.

Бобур ўз эсдаликларида Навоий ва унинг номи билан боғлиқ бўлган воқеалар ҳақида кўп ўринда фикр юритса-да, китобнинг Ҳусайн Бойқаро тўғрисидаги маълумотлари ёнида Навоий ҳақида муфассалроқ тўхталади. Унда Навоийнинг ижодий фаолияти юқори баҳоланади: "Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас". Бобур Навоийнинг "Хамса" ва "Хазойин ул-маоний"ларининг ўзбек адабиёти тараққиётида тутган катта ўрнини тўғри белгилайди. Шунинг билан бирга Бобур устозининг "Девони Фоний", "Мезон ул-авзон" каби асарларига доир кузатишлари натижаларини ҳам уқтириб ўтади. Шунинг билан бирга Алишер Навоийнинг илм ва санъат аҳлига кўрсатган ғамхўрликлари ниҳоят самимият билан тилга олинган ва бу ҳақда шундай ёзилган: "Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай".

Бобур адабиётшунос сифатида у ёки бу шоир ижодига баҳо берар экан, унинг шахсияти, хизматлари ва асарлари ҳақида ўзининг мустақил фикрларини баён этишга интилган. Бу ҳол эса адабий танқидчи учун энг керакли хусусиятлардан биридир.

БОБУР ВА БАДИИЙ ИЖОДНИНГ БАЪЗИ БИР МАСАЛАЛАРИ

Бобурнинг адабий танқидчилигида бошқа тазкирачиларнинг услуби билан яқин келадиган умумий хусусиятлар бор. Бу ҳолатни бадиий ижод ва адабий асарга берилган танқидий қарашларда яққол сеза олиш мумкин. Бобур ҳам у ёки бу ёзувчи ижодига кўпинча умумий баҳо бериш билан чекланса, баъзан маълум байт ва асарлар тўғрисида ҳам мулоҳаза юритади. Бундай ҳолни Бобурнинг мусиқашунос ва шоир Хожа Абдулло Марворий — Баёний ҳақидаги зикрида ҳам кўриш мумкин. Унда муаллиф шоир ижодининг аҳамиятини умуман белгилайди ва, иккинчидан, Баёнийнинг шеъриятдаги лаёқати бошқа соҳалардагига нисбатан

сўст эканини уқтиради. Агар муаллиф Юсуф Бадеий ва Аҳлий ижоди ҳақида "ёмон айтмас эди", "шеърлари ёмон эмас" деган умумий баҳолар билан чегараланса, Шайхим Суҳайлийнинг бир байтидаги муболағали мазмун ҳақида алоҳида сўз юритади: "Шайхим Суҳайлий бир тавр шеър айтур эди. Қўрққудек алфоз ва маоний дарж қилур эрди. Анинг абётидин бири будур:

Шаби ғам гирдбоди оҳам аз чо бурд гардунро,
Фурӯ хӯрд аждаҳои сели ашкам рубьи маскунро.

(Мазмуни: ғамли кечаларда оҳимнинг қуюни осмонни ўрнидан кўзғатди. Кўз ёшим селининг аждаҳоси ернинг қуруқлик қисмини ютди, яъни кўз ёшим ер юзини босди.) Машҳурдурким, бир қатла бу байтни Мавлоно Абдураҳмон Жомий хизматида ўқубтур. Мавлоно айтибтурлар: "Мирзо, шеър айтасиз ё одам қўрқитасиз?"

Бобурнинг адабий-танқидий қарашларидаги аҳамиятли томон шундаки, у бадиий асар тўғрилик, ростлик асосида ёзилиши керак деган фикрни олға суради. Бобур "чун бу тарихда андоқ илтизом қилинибдурким, ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқеини таҳрир этилгай",— деб ёзган эди. Бу билан у бадиий ижод аҳли олдига, хусусан шоирлар олдига катта ва шарафли вазифаларни қўймоқда: бадиий асар ҳаётий воқеалар асосида яратилиши ва "рост битилиши" керак. Бобурнинг юқоридаги қарашларида XVI аср ўзбек адабиётининг ҳаётийлик ва ҳақиқатга томон интилганини кўриш мумкин. Ҳақиқатан ҳам агар адабиёт ва ҳаётий воқеалар ўртасида табиий ва жонли боғланиш бўлмаса, бадиий асарда ҳодиса-воқеалар "санъаткорона", айни вақтда бемаъни, бузилган тарзда тасвирланиши мумкин. Бас шундай экан, бадиий адабиёт ҳаёт билан боғланиб, уни тўғри тасвирлаганидагина қийматга эга бўлади. Бобурнинг "баёни воқеини... рост битилгай",— деб ёзганида ана шу масалага ишора қилгани аниқ. Шунинг учун Бобур ёлғон ва ахлоқий бузуқликни тарғиб этувчи ҳар қандай асарга қарши эди. У, айниқса, мутояба ва ҳазил баҳонасида ахлоқий бузуқликни ифода этишга қаршигина эмас, балки бундай ҳазил ва мутоябаларнинг яратилиши ярамас иш эканини қайд қилади: "Мундин бурун яхши ва ёмон, жиб ва ҳазл ҳар не хотирга етса эди, мутояба тариқи бирлан гоҳе манзум бўлур эди. Ҳар нечук қабиҳ ва зишт назм ҳам бўлса, марқум бўлур эди. бу фурсатдаким, "Мубаййин"ни назм қиладур эдим, хотири фотирга хутур етди ва ҳазин кўнгилга мундоқ етдиким, ҳайф бўлғай ул тилдинким, мундоқ алфозни дарж қилғай, яна фикрини қабиҳ сўзларга харж қилғай ва дариғ бўлғай ул кўнгулдинким, мундоқ маоний зуҳур этгай". Бунда Бобур ўз-ўзини танқид қилиб, илгарилари ҳажвий ва ҳазиломиз асарлар деб "қабиҳ ва зишт назм" ёзганини қоралайди ҳамда ҳазилу мутоябанинг ғоявий-бадиий жиҳатдан кучли, соғлом бўлишини тарғиб қилади.

Бобурнинг бундай фикрлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг иккинчи бир мулоҳазаси билан ҳам боғланади. У ёзади: "муқаррардурурким, ҳар ким кўп айтур, паришон ҳам айтур". Бу фикр фақат сўзлашгагина тегишли бўлмасдан, балки ёзувчига ҳам бевосита дахлдордир. Чунки Бобур шоирларни пухта, асосли ва мантиқан бир бутунликни ташкил этувчи асарлар ёзишга чақиради. Шундан келиб чиққан ҳолда у Мавлоно Бадахшонийнинг шеърларини танқид қилиб, уларнинг Ҳилолий, Биноий каби шоирлар шеърларидан паст туражагини кўрсатади.

Бобур бадиий асарнинг тилига, унинг "равшан ва пок" бўлишига алоҳида эътибор берган. Ўзбек шеърияти ва адабиётшунослигида бу масаланинг узоқ асрлар давомида замонасининг долзарб муаммоси сифатида кўтарилиши ўзбек адабиётини ривожлантириш учун курашнинг изчиллик билан давом эттирилиши натижаси эди. Шунинг учун Бобурдаги бу ҳол фавқулоддда ҳодиса бўлмасдан, балки қонуний зарурият ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, "Бобурнома" ўзбек мумтоз адабиётида ўзининг кўпгина хусусиятлари билан Навоийдан сўнгги давр адабий ҳаёти ва адабий танқидчилигининг ҳолати ҳамда даражасини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлган асардир.

"АРУЗ РИСОЛАСИ"

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз асрининг қобилиятли шоири ва носири бўлиши билан бирга талантли адабиёт назариётчиси ва олими ҳам эди. Бу даъвони унинг "Бобурнома"сидаги кўпгина фикрлар, жумладан, замонасидаги шоирлар ва олимлар ҳақида билдирган фикру мулоҳазалари, шубҳасиз, тасдиқлайди. Иккинчи томондан эса, "Бобурнома"дан маълум бўлишича, XV асрнинг охирларида адабиёт назарияси, жумладан арузга бағишланган кўпгина рисолалар, хусусан, Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон", Сайфий Бухорийнинг "Мезон ул-ашъор" ёки "Арузи Сайфий" номи билан машҳур бўлган рисолалари Бобурнинг диққатини ўзига тортган эди. Бобурнинг бу икки асар тўғрисидаги мулоҳазалари унинг аруз қонун-қоидаларини муфассал биладиган олимлигидан далолат беради. Буни арузга доир рисоласи яна бир карра исботлайди.

Бобурнинг арузга доир рисоласи XVI асрнинг 20-йилларида ёзилган.

XVI асрнинг иккинчи ярмида яратилган айрим манбаларнинг ишорасига кўра, Бобурнинг арузга доир рисоласи Моваройуннаҳр, айниқса Бухоро ва Самарқанд адабий муҳитига, бу муҳитнинг вакилларига маълум ва машҳур бўлган. Бу фикрни XVI асрда яшаб ижод этган таниқли шоир ва адабиётшунос Ҳасан Нисорийнинг 1565—1566 йилда ёзилган "Музаккири аҳбоб" тазкираси

қувватлайди. Ҳасан Нисорий ўзининг тазкирасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг ижодиётига юксак баҳо бериб (кўриндики, 1565—1566 йилдаёқ Бобурнинг девони ва бошқа асарлари Мовароуннаҳрда кенг тарқалган экан), "рисолаи арузи" тўғрисида ниҳоят самимият билан сўз юритади ва уни "дурру гавҳарга тўла денгиз" деб тавсифлайди. Бас шундай экан, ўз замонасининг таниқли арузшуноси бўлган Нисорий Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзбек тилида ёзилган арузга доир рисоласини қараб чиққангина эмас, балки мутахассис сифатида мутолаа қилиб, унга ҳақли равишда юқори баҳо бера олган эди.

Афсуски, XVII—XIX асрлар давомида Бобурнинг бу рисоласи тақдири, унинг мутолаа қилиниши ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Бу даврларда мазкур китоб адабиёт мутахассислари ва мухлисларига номаълум бўлиб қолганга ўхшайди. Фақат XX асрнинг бошларига келиб, мазкур асарнинг бир қўлёзма нусхаси Париждаги миллий кутубхонада сақланаётганлиги ҳақида маълумотлар берила бошланди (Ф. Куприлизода), унинг ҳақида мақолалар нашр қилинди (Ризо Нур), кейинчалик, яъни 60-йилларда Ватанимиз шарқшунослари ҳам (В. И. Асланов, А. М. Шербек, М. Ҳамроев, И. В. Стебелева) Бобурнинг бу рисоласи тўғрисида хабар ва мақолалар эълон қилдилар, ҳатто у қисқартирилган тарзда адабиётшунос М. Ҳамроев томонидан уйғур тили қонун-қоидалари асосида 1969 йилда Олмаотада нашр қилинди. Кейинчалик эса адабиётшунос Саидбек Ҳасанов ва И. В. Стеблевалар асарни тўла нашр қилдирдилар. Шундай қилиб, Бобурнинг рисолаи арузи тўрт асрдан сўнг ўзбек адабиётшунослигининг нодир намунаси сифатида ўз қадру қийматига эга бўлди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг арузга бағишлаган рисоласи ўзбек шеършунослиги тараққиётининг қонуний талаблари натижаси ҳамда Алишер Навоий "Мезон ул-авзон"ининг давоми сифатида майдонга келди. Агар Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон"и ўзбек шеършунослигининг Навоийга қадар ва унинг давридаги, қисман Навоий ижодидаги хусусиятларини, хусусан аруз билан боғли тажрибаларни назарий жиҳатдан умумлаштирувчи асар бўлса, Бобурнинг рисоласи Алишер Навоий ижодий мероси ва қисман муаллифнинг — Бобурнинг тажрибалари асосида майдонга келган асардир. Ана шу ҳолнинг ўзи Бобур рисоласининг қийматини янада оширади ва унинг XVI асрнинг 20 йилларигача бўлган ўзбек шеъриятини аруз нуқтаи назаридан изоҳлайдиган асар эканидан далолат беради.

Маълумки, ўзбек шеъриятшунослигининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу соҳадаги айрим маълумотлар Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони луғотит турк"ида қайд қилинган. Бу қийматбаҳо асарда XI ва ундан олдинги асрларда туркий тилли халқлар

орасида кенг тарқалган сов, этук, йир, қошуғ каби адабий жанрлар, Чу-чу исмли шоир ҳақида маълумот берилади. Аммо, Маҳмуд Қошғарийдан сўнг Алишер Навоийгача бўлган давр оралиғида яратилиб, бундай маълумотларни берувчи манбалар бизгача етиб келмаган ва ёки ҳозирча топилмаган. Бундай фикрни туркий халқлар шеъриятининг вазни тўғрисида битилган асарлар ҳақида ҳам билдириш мумкин.

Ўзбек шеършунослиги тарихида ниҳоят муҳим аҳамиятга эга бўлган асар Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон"идир. "Мезон ул-авзон" ўзбек адабиёти, хусусан шеърияти тараққий этган XV асрда, аниқроғи унинг 90-йилларида майдонга келди. "Мезон ул-авзон" ўзбек ёзма ва оғзаки шеъриятининг муваффақиятлари ҳамда хусусиятларини умумлаштирувчи асар сифатида яратилиб, унда ўзбек шеършунослигининг муҳим масалалари устида мулоҳаза юритилди, XV асрдаги ўзбек шеърияти вазнининг хилма-хиллиги исбот этилди, ёзма ва оғзаки шеърий асарларнинг ўзаро муносабати текширилди. Шундай қилиб, "Мезон ул-авзон" назарий асар бўлиши билан бирга, адабиётшунослик диққатини турли илмий масалаларга қаратган рисола ҳамдир.

Ана шу масалаларни ўз замонаси талаблари даражасида ҳал қилишни давом эттиришга бағишланган асар Бобурнинг рисолаи арузидир.

Мазкур асар фақат аруз вазни билан боғли масалаларни қамраб олади дейиш унинг доирасини торайтириб қўйиши мумкин. Аслида Бобурнинг бу рисоласида анъанавий аруз ва унинг қонун-қоидалари баён қилинибгина қолмай, унда ўзбек шеършунослиги ҳамда эски ўзбек тили фонетикасининг арузга муносабати; туркий-ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзма шеършунослигидаги ўзаро таъсир, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, муаллифнинг ўзбек, озарбайжон ва форс-тожик адабиётларининг забардаст намояндалари ижоди, асарлари ҳақидаги мулоҳазалари ҳам мўъжаз тарзда ифода этилган. Асарда адабиётшуносликнинг муҳим масалалари.ўзбек адабиётининг қардош адабиётлар билан алоқаси кўламида ёритилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таъкидлашича, рисолада арузнинг 21 баҳри ва ундаги 537 вазн тавсиф қилинган. Шуниси диққатга сазоворки, арузга бағишланган бошқа рисолаларда, жумладан, Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон", Сайфий Бухорийнинг "Мезон ул-ашъор"ларида арузнинг 19 баҳри ҳақида маълумот берилади. Бобур эса ўзининг рисоласида тавил баҳри доирасида ҳосил бўлувчи ариз ва амиқ баҳрларини ҳам қўшиб, баҳрлар сонини 21 тага етказади. Рисолаи арузда ариз ва амиқ баҳрлари тавил, мадид ва басит баҳрлари қаторида муталифа доирасига киритилган.

Диққатга сазовор жойи шундаки, Бобур бу баҳрларнинг ўзбек ва тожик адиблари томонидан кашф этилганини алоҳида уқтириб, жумладан ариз ҳақида шундай ёзади: "бу вазнда тозий (яъне араб тилида — Б. В.) шеър топмайдурлар. Бу баҳрни Ажам шуароси пайдо қилиб, мақлуби тавил дептурлар, ариз ҳам дерлар". Асарда аризнинг тўртта, амиқнинг иккита вазнига мисол қилиб, жами тўққиз байт келтирилганки, шундан олти байти ўзбек тилида бўлса, уч байти форс-тожик тилидадир. Ҳар бир баҳр учун келтирилган мисоллардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Ариз баҳри:

Лабинг-маржон, тишинг-дур, хатинг-райҳон, қадинг-гул,
Сочинг-анбар, юзунг-ҳур, меҳнинг-мултон, сўзунг-мул.
Мафоилун, фаулун, мафоилун, фаулун.

Амиқ баҳри:

Кел барн, эй париким, ҳажрдин хастадурман,
Лаълингга ташнадурман, зулфингга бастадурман.
Фоилун, фоилотун, фоилун, фоилотун.

Бу икки баҳр ҳар байти тўла саккиз рукнли бўлганлиги учун мусамманоти солимул аркон деб аталган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу икки баҳр унча машҳур бўлмаган ва адабий тажрибада кенг кўламда тарқалмаган экан. Шундай бўлишидан қатъи назар, Бобурнинг аруздаги баҳрларнинг ўзаро алоқаси асосида янги-янги баҳрларни ҳосил қилиш мумкин эканлиги ҳақидаги фикри аруз имкониятларидан ижодий фойдаланиш зарурлигини тасдиқлайди. Бундай ҳолат, ўз навбатида, ҳар қайси адабиёт, жумладан, ўзбек адабиёти ўз ички имконият ва қонунлари асосида аруз баҳрларини кўпайтириши мумкинлигини яна бир карра уқтиради.

Агар биз XV аср адабий тажрибасига мурожаат этсак, унда Бобур таъкидлаган фикрнинг тўғрилигига кўпроқ ишонч ҳосил қила оламиз. Шуниси диққатга сазоворки, улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий бу ҳодиса ва қонуниятни пайқаганини ўзининг "Мезон ул-авзон"ида баён этиб, шундай ёзган эди:

"Чун доираға кирган буҳурдин фориғ бўлулди, яна бир неча вазнки, баъзини ажам шуарои мутааххирлари айтубдурлар ва баъзи бу замонда назм топибдур ва ҳеч арузга дохил бўлмайдур, агарчи филҳақиқат аруз буҳуриға дохилдурлар, ишорате алар сори қилмоқ холи аз муносабате эрмас эрди. Ул жумладин, рамали махбундурки, ҳар мисраи саккиз рукндурки, байти ўн олти бўлгай, Хожа исмат Бухорийда пурбаҳо дебтурлар, бу услуб биладур:

Қомату зулфу кўзу қошу узору хат ила холу лабингдурки,
аларча эмас, эй шўхи ситамгар,
Фаилотун, фаилотун, фаилотун, фаилотун, фаилотун,
фаилотун, фаилотун, фаилотун
Сарв ила сунбулу наргис, янги ойу қуёшу сабзаи жаннат
кураи[1] нофау гулбарг аро шаккар.
Фаилотун, фаилотун, фаилотун, фаилотун, фаилотун,
фаилотун, фаилотун, фаилотун, фаилотун[2].

Бас шундай экан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз рисоласини ёзаётганда аруз ҳақидаги мавжуд фикр ва мулоҳазалар билан қаноатланиб қолмай, уни янада ривожлантирган, унга ўзининг кузатишлари натижаларини қўшиб борган. Бундай ҳолни асарда 21 баҳрдан ҳосил бўлган 537 вазннинг келтирилганида ҳам кўриш мумкин.

Демак, Бобур XV асрдаги адабий ҳаётда мавжуд бўлган анъанавий (мустаъмал) ва янги (мухтареъ) вазнларни алоҳида уқтириш билан бирга, ўзи ҳам бир неча вазнларни илова қиладики, уларни Бобур ихтироси десак хато бўлмас.

Бобур рисолада аруз баҳрлари ва вазнларини тавсиф қилишда ўзидан олдин яратилган рисолалардаги услубларни бирлаштиради. Жумладан, XV асрнинг иккинчи ярмида майдонга келган "Мезон ул-авзон" ва "Арузи Сайфий" асарларидан бирида ("Мезон ул-авзон"да) ихчам баёнлилик кўзга ташланса, иккинчисида ("Арузи Сайфий"да), муфассал шарҳлаш услуби бўртиб кўринади. Масалан, Сайфий Бухорий ўзининг рисоласида арузда ишлатиладиган ҳар бир атамани луғавий ва истилоҳий жиҳатдан шарҳлайди (шеър, шоир, рамал...) Бобур эса ўзининг "Бобурнома"сида "Арузи Сайфий"нинг бундай муфассаллигини унча маъқулламайди. Чунки, унинг тушунчасига кўра, арузга бағишланган рисолаларни мутолаа қилувчи шахс булардан аллақачон хабардор бўлган бўлиши шарт. Шунинг учун Бобур ўзининг рисоласида Навоий ва Сайфий услубини ижодий бирлаштиришга интилади. Натижада Бобур аруз қонун-қоидаларини анча асосли ва ишонарли баён қилишга эришади. Мисол учун шундай бир ҳолни эслатиб ўтиш мумкин. Алишер Навоий ўзининг "Мезон ул-авзон"ида аруз баҳрлари ҳақида сўз бошлаганда баҳрнинг номини, унинг мусам-

---

[1] Кураи эмас. Бу ўринда гап хол ва унинг сифати ҳақида кетар экан, шоир "гиреҳи нофа" демоқчи, яъни афсонавий Хутан оҳуси нофидан гўё мушк ҳосил бўлармиш. Бунда мушкдан мақсад ҳам қора ранг ҳамда хушбўй ҳид бўлса (хол — қора), иккинчидан, "гиреҳ"дан мақсад нозик нуқта — хол. Демак, шоир "гиреҳи нофа" ибораси орқали нозик, гўзал, қора холни ифода этмоқчи. Яна вазн ҳам шундай ўқишни тақозо этади — Б. В.

[2] *Алишер Навоий.* Асарлар, 14-том, Тошкент, 1967, 179-бет.

ман ё мусаддаслигини таъкидлайди ва мисоллар келтира бошлайди. Бобур эса ўзининг рисоласида баҳрлар ҳақида сўз юритганда бир оз муфассалроқ маълумот бериш билан бирга, ҳар бир баҳрда яратилган ғазаллар ёки маснавийлардан мисоллар келтириб, уларни таҳлил қилишга, шу муносабат билан ўша баҳрда ёзилган ғазаллардаги санъатларга доир ўзининг илмий кузатишлари натижаларини баён этишга интилади. Бундай ҳол эса Бобур баёнининг ўзига хослигини кўрсатади.

Масалан, ҳазаж бағри ҳақидаги сўзни Бобур шундай бошлайди[1]. "Ҳазаж баҳри юз беш вазн: Олтмиш бир — мустаъмал, қирқ тўрт — мухтареъ, ўн тўққиз вазн — мустаъмали матбуъ. Аввалғи вазн (Бобур ҳазажи мусаммани солимни назарда тутмоқда — Б. В.):

Такаллуф ҳар неча суратта бўлса, андин ортуқсен,
Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф жонднн ортуқсен...

Бу вазнда мусажжаъ ғазал ҳам айтибдурлар. Мир Алишер Навоий бир неча ғазал айтибдур. Ул жумладин бу бир лўли йигитнинг таърифида бу ғазал тавре воқеъ бўлубтур:

Не лўливашдур ул қотилки, қон тўкмаккадур яксар,
Киё боқмоқлари — поки, итик мижгонлари — наштар.
Юзидинким хижилдур гул, парешон ҳар тараф кокул,
Сочиб гулбарг уза сунбул, тўкиб кофур ўза анбар...

Мусажжаъ ғазалларнинг матлаида сажъ камроқ риоят қилибдурлар, агар риоят қилинса, яхшироқ бўлғусидур, нечукким:

Қаро зулфунг фироқида парешон рўзгорим бор,
Юзунгнинг иштиёқида не сабру не қарорим бор.
Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон равон қилди,
Нега ҳолим ёмон қилди, мен андин бир сўрорим бор"...[2]

Бобурнинг рисоласида бунга ўхшаш ҳолатларни кўп учратиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, Бобурнинг фақат арузшунослигини эмас, балки ўзбек ва қардош халқлар шеъриятини синчиклаб ўрганганлиги, унинг хусусиятларини аниқлашга уринганлигини кўрсатади. Ёки иккинчи бир мисол. Алишер Навоий ўзининг "Мезон ул-авзон"ида муъталифа доирасини ташкил этувчи ҳазаж, ражаз, рамал баҳрлари ҳақида гапириб, шундай ёзади:

"Ҳазаж ва ражаз ва рамол биноси тавил ва мадид ва баситнинг субоиётигадур. Ҳазажи мусаммани солимда саккиз қатла "мафоъ-

[1] Алишер Навоийнинг ҳазаж ҳақидаги мулоҳазаси қай тарзда бошланғани ва давом эттани билан қиёслаш учун "Мезон ул-авзон"га мурожаат қилинг. *Алишер Навоий.* Асарлар. Ўн беш томлик, 14-том, 153-бет.

[2] *Заҳириддин Муҳаммад Бобур.* Мухтасар, ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1971, 123, 127-бетлар. Бошқа мисоллар ҳам шу нашрдан олинди.

илун"дур ва ражаз ажзоси саккиз қатла "мустафъилун"дур ва рамал ажзоси саккиз қатла "фоилотун"дур. Ва бу баҳрни бир доираға қуюбтурлар ва ул доирани "муъталифа" дебдурлар[1]. Бобур эса ўзининг рисоласида худди шу масалани қуйидагича изоҳлайди:

"Яна ҳазаж ва ражаз ва рамал доирасидурким, мужталиба дерлар.[1] Бу уч баҳрнинг биноси бирор субоий рукн биладурким, такрор топар. Бу субои рукнлар муаллафдур уч жузвдин: бир ватади мажмўъ[2], икки сабаби хафиф. Агар ибтидо ватадтин бўлса, бу вазн бўлур мафоъийлун тўрт қатлаким, ҳазаж баҳридур. Ва агар аввалғи сабаб[3]тин бўлса, бу вазн бўлур мустафъилун тўрт қатлаким, ражаз баҳридур ва агар ибтидо иккинчи сабаб[4]тин бўлса, бу вазн бўлур фоъилотун тўрт қатлаким, рамал баҳридур. Мисраеким, доирада битилиб, ҳар уч баҳр андин ўқулғай, будур:

Ҳазаж вазни — жафо кўб қилма, эй маҳваш, жафо сендинду рур нохуш,

Ражаз вазни — кўб қилма, эй маҳваш, жафо сендиндурур нохуш жафо.

Рамал вазни — қилма, эй маҳваш, жафо сендиндурур нохуш жафо кўб"[5].

Бунда Бобур баёни ва шарҳидаги аниқлик ва батафсиллик диққатни ўзига тортади, шунинг билан бирга, у арузни ўрганиш, унинг турли хусусиятлари билан яқинроқ танишишга кўпроқ имконият туғдиради. Бобурнинг рисоласида арузнинг турли масалалари, Алишер Навоий "Мезон ул-авзон"ида бўлгани сингари, эски ўзбек тили қонун-қоидалари асосида ёритилган. Иккинчи хил қилиб айтганда, аруз фонетика билан боғлиқ равишда текширилади. Жумладан, баҳрларнинг тақтеи ҳақида фикр юритилганда, ёзилиб талаффуз қилинмайдиган товушдан, ёзилмай талаффуз қилинадиган товуш тақтеъ учун мўътабарлиги қайд қилинади[6]. Ана шу асосда эски ўзбек тили қоидасига мувофиқ

---

[1] *Алишер Навоий.* Асарлар. 15 томлик, 14-том, 143—144-бетлар.

[2] Ватади мажмўъ —"уч ҳарфдин мураккабдур, икки ҳарф мутаҳаррик, учинчи сокин, нечунким чаман ва суман" *(Бобур)*.

[3] Аввалги сабаб, яъни сабаби хафиф —"икки ҳарфдин мураккабдур, аввалки мутаҳаррик, сўнгги сокин, нечунким "гул ва мул" *(Бобур)*.

[4] Иккинчи сабаб, яъни сабаби сақил —"икки мутаҳаррика ҳардин мураккабдур" *(Бобур)*, мисоли: кўзи, юзи, хати...

[5] *З. М. Бобур.* Мухтасар. ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1971, 25-бет. Яна 13-б варақ (асл матн — факсимиле).

[6] Шуни ҳам унутмаслик керакки, бунда араб имлосидаги ёзув назарда тутилган.

араб ҳаракатларидан (фатҳа, замма, касра) сўнг "алиф", "вов" ва "ёй"ларнинг ёзилиши, бирикиш ҳодисасининг учраши ва бошқа масалалар ёритилади. Жумладан, Бобур шундай ёзади: "Бир ҳоидадур туркидаким, "дол" ҳарфи баъзи ерларда "те"ға мубаддал бўлур, "айн", "қоф" бир-бирлари билан мубаддал бўлурлар. Нечунким, ҳуруфи мозиким "дол" биландур, бу сураттаким фаулнинг охири "то" бўлса, ул "дол", "те"ға мубаддал бўлур, нечунким "етти ва кетти... ва қайтти..."

Шундай қилиб, юқорида келтирилган ва бошқа жуда кўп мулоҳазалар Бобурнинг ўзбек шеършунослигини тил қонун-қоидалари билан боғлаб текширишга алоҳида эътибор берганини кўрсатади.

Бобурнинг рисоласида арузнинг қоида-қонунлари, тақтеъ, рукн ва шунга ўхшаш масалаларнинг шарҳи билан бирга ёзма ва халқ оғзаки ижоди ўртасидаги алоқалар туфайли майдонга келган адабий жанрлар тўғрисида ҳам анча фикрлар баён қилинган. Шуни ҳам эслатиш лозимки, бу масала Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон"ида биринчи марта ёритилган эди. Натижада Навоий ўзининг асарида ўзбек ёзма ва оғзаки адабиёти ҳамкорлиги туфайли ривожланган (туюғ) ёки янгидан яратилган (туркий) жанрлар, халқ оғзаки ижодидаги жанрларнинг ёзма адабиётга кириб бориши (чангий ёки ёр-ёр) масалаларига алоҳида тўхталиб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса ўзининг рисоласида Алишер Навоийнинг бу соҳадаги анъаналарини давом эттириб, туркий, ўланг (ёр-ёр), қўшиқ, тархонийлар ҳақида сўзлабгина қолмай, балки туюғ ҳақидаги фикрларни янада кенгайтирди. Бунинг натижасида туюғнинг хусусиятлари ҳақидаги тушунчалар янада чуқурлашди.

Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобурнинг туркий, тархоний, ўлангчангий, қўшиқ ҳақида ёзганлари ҳар жиҳатдан диққатга сазовордир. Чунки уларнинг ҳаммаси XV ва XVI асрларда шаклан ғазал бўлиб ҳисобланади. Демак, туркий, тархоний, ўланг, қўшиқларнинг XV—XVI асрларда ғазал шакли асосида яратилиши туркий тилли халқлар оғзаки ижодидаги адабий жанрлар хусусиятининг ғазал шаклига кириб бораётганини ва, шундай қилиб, анъанавий ғазалнинг ўзгаришларга дучор бўлганини очиқ-ойдин намойиш этади. Фикримизнинг исботи учун Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобурнинг қўшиқ ҳақида ёзганларини кўриб ўтайлик. Алишер Навоий "Мезон ул-авзон"да ёзади:

"Яна қўшуқдурким, арғуштак усулида шоеъдур ва баъзи адвор кутубида ул усул зикр бўлубтур ва ул суруд аъробнинг тева сурар ҳудилари вазни била мадиди мусаммани солимда воқеъ бўлур, анинг асли бу навъдурким, байт:

Ваҳки, ул ой ҳасрати дарду доғи фурқати,
Ҳам эрур жонимға ўт, ҳам ҳаётим офати.
Фоилотун, фоилун, фоилотун, фоилун.

Аммо бу латиф замонда ва шариф давронда бу сурудни рамали мусаммани мақзуф вазниға элитиб, мусиқий ва адвор илмида мулойимтабълик беназир йигитлар ғариб нағамот ва алҳон била ажаб тасарруфлар қилиб, султони соҳибқирон мажлисида айтурларким, анинг мулойимлиғ ва хушояндалиғи васфқа сиғмас ва таъсир ва рабояндалиғи сифатқа рост келмас, балки ул ҳазратнинг ихтироидур ва бу ҳам ул ҳазратнинг Масиҳо анфоси натойижидин истишҳодға келтурмак муносиброқ эрди, андоққим, байт:

Сабзаи хаттинг саводи лаъли хандон устина,
Хизр гўё соя солмиш оби ҳайвон устина.
Фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун".

Бобур эса ўзининг рисоласида рамал ҳақида фикр юритиб, "иккинчи вазн:

Кел-кел, эй оромижон, неча тортай интизор,
Қилди ҳажринг нотавон, қилди шавқинг беқарор.

Бу вазн атрок орасида қўшуққа мавсумдур",— деб ёзади.

Демак, келтирилган мисоллар ўзларининг шаклий хусусиятлари билан ғазалдирлар. Шунинг билан бирга, уларда ишлатилган санъатсажъ нуқтаи назаридан ғазални мусажжаъ ҳам дейиш мумкин. Аммо агар Бобурнинг шарҳи назарда тутилса, унда бу умуман ғазали мусажжаъ эмас, балки уни туркий тилли халқлар шеършунослиги асосида қўшиқ ғазали мусажжаъ деб номлаш керак бўлади. Худди шу тартибда тархоний ғазал, чангий ғазал деб юргизиш маъқул кўринади.

Бобур ўзининг рисоласида қайд қилинган ижобий ҳодисани таъкидлаб ўтиб, Алишер Навоийнинг бу соҳадаги фикрларини ривожлантиради. Буни унинг туюғ ҳақидаги мулоҳазаларида айниқса яққол кўриш мумкин[1].

Бобурнинг ёзганларидан маълумки, туюғ XVI асрда икки хилда давом этган: биринчиси илк туюғ шакли (тажниссиз), иккинчиси эса ёзма адабиётга кўчган туюғ шакли (тажнисли).

Тажниссиз туюғ бирданига тўлиқ тажнисли туюғ даражасига кўтарилмаган кўринади. Бунинг учун аввал у туюғ — қитъа шаклига (бава) ўтиб, илк туюғнинг хусусиятларини ҳам, ёзма адабиёт таъсирини ҳам ўзида мужассам этган. Кейинчалик эса, яъни ўзбек адабиётининг ривожланган даврида (XV—XVI асрлар)

[1] Бу ҳақда қаралсин: *Б. Валиҳўжаев.* Алишер Навоий ва унинг издошлари талқинида туюғ. Адабий мерос. 3-сон, Тошкент, 1973 йил.

у ана шу адабиёт яратган тилнинг бой имкониятларидан фойдаланиши натижасида тўлиқ (а-а-а-а) ёки уч мисраси (а-а-б-а) тажнисли шаклга эга бўлган. Иккинчи хил туюғ эса ўзида илк туюғнинг хусусиятларини (тажниссизлик) сақлаб қолганки, уни Бобур келтирган мисоллар ҳам тасдиқлайди. Шуниси ҳам борки, тажнисли туюғ асосий ўринни эгаллаб бориб, тажниссиз туюғ иккинчи қаторга тушган. Натижада туюғ дейилганда фақат тажнисга эга бўлгани тушуниладиган бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам тажнисли[1] туюғ ўзбек адабиётининг кўпгина намояндалари томонидан яратилган бўлса, тажниссиз туюғ мисоллари кам учрайди. Шу нуқтаи назардан тажниссиз туюғ хусусиятлари ҳақида батафсил мулоҳаза юритиш, унинг қитъа ёки рубоийдан фарқи (вазндан ташқари) масаласини аниқлаш галдаги вазифалардандир. Аммо мавжуд далиллар ғазал тўғрисида баён қилинган фикрни туюғ ҳақида ҳам айтишни тақозо қилади, яъни ёзма адабиётдаги анъанавий жанрлар туркий халқлар оғзаки ижодининг баракали таъсирида ўз имкониятларини бойитганлар.

Бобурнинг рисолаи арузида назарий масалалар билан бир қаторда адабиёт тарихини ёритишга доир бир неча фикру мулоҳазалар ҳам мавжуд. Аввало шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Бобур фақат ўзбек адабиёти тарихининг чуқур билимдонигина эмас, балки у қардош халқлар адабиётининг ҳам донишманди сифатида кўзга ташланиб туради. Шу жиҳатдан унинг рисоласида Алишер Навоий, Ҳайдар Хоразмий каби ўзбек шоирлари билан бир қаторда Фирдавсий, Саъдий, Низомий, Хусрав Деҳлавий, Шайх Авҳадий Мароғавий, Шайх Аттор (Фаридиддин), Шоҳий Сабзаворий, Салмон Соважий, Абдулло Ҳотифий сингари форс-тожик ва озарбайжон адабиётининг забардаст сиймолари асарларининг келтирилиши диққатга сазовордир.

Демак, Бобурнинг рисолаи арузи фақат ўзбек шеършунослиги тарихини ўрганиш ва ёритиш учунгина эмас, балки ўзбек адабий-танқидий қарашлари тараққиётини, унинг янгиликни излаш йўлидан ва уни тарғиб қилиш асосида ривожланганлигини чуқур ва ҳар томонлама текшириш учун ҳам жуда қийматли манбалардандир.

Шундай қилиб, Заҳириддин Бобурнинг адабий-танқидий қарашлари ўша давр адабий жараёни ва унинг тарихини ўрганишда ҳамда ана шу адабий тажрибага асосланган назарий умумлашмаларни тадқиқ этишда бениҳоя муҳим аҳамиятга эгадир.

---

[1] "Туюғ" сўзининг луғавий маъноси тусланишни англатади. Бас шундай экан, бу атама тажнисли туюғ учун хос бўлиб, тажниссиз туюғ аслида қандай ном билан аталгани ҳозирча номаълум.

Бу адабий-танқидий қарашлар Бобурнинг замонасидаги бадиий ижод масалаларига фаол қатнашгани, ўша давр адабий жараёнидаги янгиликларни идрок этгани нуқтаи назаридан ҳам қийматли.

МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Бобурнинг "Бобурнома"си ва унинг ўша давр шоирлари ҳаёти ва ижодини ўрганишдаги аҳамияти нимадан иборат?
2. Бобурнинг адабий танқидчи сифатидаги фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари нимада кўринади?

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. "Бобурнома"да шоирлар тўғрисидаги тавсифларни ўқиб, таҳлил қилинг.
2. "Бадоеъ ул-вақоеъ"да адабий муҳитга доир келтирилган маълумотларни қараб чиқинг.
3. Бобурнинг "Аруз рисоласи"даги шеъриятга доир фикрларни мутолаа қилинг.

ЗАРУРИЙ АДАБИЁТЛАР

а) Манбалар:

1. *Бобур.* Бобурнома. Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1960.
2 .*Бобур.* Аруз рисоласи. (Мухтасар), Тошкент, 1971.
3. *Зайниддин Восифий.* Бадоеъ ул-вақоеъ. Тошкент, 1979.

б) Илмий асарлар:

1. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик, 3-том, ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1978, 74—88-бетлар.
2. *С. Ҳасанов.* Бобурнинг "Аруз рисоласи" асари. ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1981.

ТАЗКИРАЛАР ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

"Ўтмишда Ўрта Осиё халқларининг сиёсий ва маданий ҳаёти бир-бирига чамбарчас боғли эди. Деҳқончилик билан шуғулланувчи ўтроқ халқларнинг ижтимоий тараққиёт даражаси озми-кўпми бир хил бўлиб, қўшни мамлакатлар билан қилинадиган маданий алоқалар эса, асосан бир хил эди. Бу ҳол Ўрта Осиё ижтимоий тараққиётининг барча босқичларида санъат ва маданиятнинг умумийлик хусусиятларини вужудга келтирди"[1].

Шунинг учун ўзбек мумтоз адабиётидаги адабиётшунослик ва адабий танқд ҳақида сўз юритганда тожик тилида яратилган эсдалик асарлар, тазкиралар тўғрисида тўхталиб ўтиш табиийдир. Айниқса, Навоий ижодининг, хусусан тазкирасининг нафақат кейинги давр ўзбек адабиётига кўрсатган самарали таъсири, балки XV асрдан сўнг тожик ва озарбайжон тилида яратилган тазкира ва эсдаликларга кўрсатган таъсири кўзга ташланиб турган бир вақтда бу масалани диққат марказидан четда қолдириш қийин.

Олдинги бобларда XV асрдан бошлаб тазкирачиликда икки йўналиш пайдо бўлганлиги ҳақида маълумот берилган эди. Булардан бири "Лубоб ул-албоб" ва иккинчиси "Мажолис ун-нафоис" анъанасидир. Бу икки анъана XIX асргача тенг тарзда давом этган бўлса ҳам XVI асрдаёқ Ўрта Осиё муҳитида "Мажолис ун-нафоис" анъанаси устунликни ўз қўлига олган эди. Бу ҳолни шу даврда яратилган қатор тазкираларда ҳам кўриш мумкин.

Шуни ҳам эслатиш лозимки, XV асрдан сўнг тарихий-замонавий тазкирачилик анъанаси асосида майдонга келган тазкираларда номустақиллик ҳодисаси учрайди. Чунки узоқ ўтмишда яшаб ижод этган шоирлар ҳақида гапираётганда қадимда яратилган тазкиралар, тарихий ёднома ва эсдаликларнинг маълумотла-

[1] *А. Ю. Якубовский.* К 20-летию отдела Востока Государственного Эрмитажа. Труды отдела истории культуры и искусства Востока, т. 3, Ленинград, 1940, с. 24.

рига таянилади. Бунинг натижасида бир манбада йўл қўйилган кичик хато ва аниқсизлик кейинги манбаларда ҳам давом этадики, бу ҳолни Абу Абдулла Рўдакий, Абулқосим Фирдавсий, Низомий ижодиётини ўрганган олимларимиз ўз ишларида ишончли далиллар билан исботлаган эдилар[1]. Шунинг туфайли тарихий-замонавий тазкиранинг илмий қийматига путур етади. Шу боисдан XV асрдан ривожлана бошлаган замондошларга бағишланган тазкира тузиш анъанаси катта қадамлар билан ўсиб борди. Бу хилдаги тазкираларнинг фазилати шундаки, уларда тазкира тузган муаллиф асосан ўзининг замондошларини, суҳбатларида бўлган ёки таърифини эшитган шоирларни тазкирасига киритади ҳамда уларнинг таржимаи ҳоли ва ижоди тўғрисида анча ишончли маълумотларни қайд қилади. Иккинчи томондан, тарихий-замонавий тазкира муаллифлари кўпинча машҳур шоирларнинг ҳаёти ва ижодиёти тўғрисида сўз юритиб, турли сабаблар билан шуҳрат қозона олмаган шоирларни ўз тазкираларига киритмас эдилар. Бунинг натижасида кўпгина қобилиятли қаламкашларнинг номи тарих саҳифаларига кирмай қолди. Тарихий-замонавий тазкирачиликнинг ана шу нуқсонини Алишер Навоий XV асрдаёқ тўғри танқид қилди ва ўзининг замондошларига бағишланган "Мажолис ун-нафоис"ининг кириш қисмида шундай ёзган эди: "Шикаста хотирға ва синуқ кўнгулга (андоқ) келдиким, бир неча варақ битилгай ва бу аср шуароси била бу давр зурафоси отин анда сабт этилгай то бу ниёзмандлар ҳам бурунғи шуарои акобир зайлида мазкур бўлғайлар ва бу пайравлар ҳам ул раҳбарлар хайлиға қўшулғайлар[2].

Кейинги асрларда яратилган тазкиралар Алишер Навоийнинг юқоридаги кўрсатмаларига амал қилинган ҳолда майдонга келтирилган. Шунинг учун ҳам маълум бир аср адабиёти тарихини ўрганишда, шоирлари ҳаёти ва ижодини текширишда бундай хилдаги тазкираларнинг (камчиликларидан қатъи назар) илмий аҳамияти катта.

Ўзбек ва тожик мумтоз адабиётида яратилган тазкираларнинг ўзига хос бир хусусияти бор. Бу хусусият тожик тилида яратилган тазкираларда ўзбек шоирлари, олимлари ҳақида маълумот бериш, ўзбек тилида ёзилган тазкираларда эса, тожик адабиёти вакиллари, олимлари ҳақида ишонарли маълумот бе-ришдан иборатдир.

---

[1] *Е. Э. Бертельс.* Низами и Фузули. ИВЛ, Москва, 1962, 89—90-бетлар.

[2] *А. Навоий.* Мажолис ун-нафоис. Илмий-танқидий матн. ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1961, 3—4-бетлар.

Тазкира ва бадиий асарлардаги бундай хусусият Ўрта Осиёда қадимдан қондош-қариндош бўлиб яшаган ўзбек ва тожик халқларининг энг яқин муносабатларда бўлганлигининг натижасидир.

Тазкираларда икки халқнинг қардошларча муносабатлари акс эттирилганлиги ва тожик тилида яратилган тазкираларнинг Навоий "Мажолис ун-нафоис" анъанасини давом эттиргани эса масаланинг аҳамиятини янада оширади.

Ана шундай тазкиралардан бири "Мажолис ун-нафоис"дан 75 йил кейин яратилган "Музаккири аҳбоб"дир. Тазкира муаллифининг номи Ҳасан, тахаллуси Нисорий, нисбаси эса Бухорийдир. Нисорий XVI асрда ҳаёт кечирди.

Нисорий ёшлигиданоқ адабиётга қизиқиб, ўзбек ва тожик ёзувчилари асарларини қунт билан ўқиди, кейинчалик шайбонийлар саройида хизмат қилди. Нисорий шоир сифатида ғазаллар, қитъалар ёзди. Шунинг билан бирга унинг 1565—1566 йилларда тузилган "Музаккири аҳбоб" тазкираси ҳам бор. Бу асар унинг ижодида катта ўрин эгаллайди. Нисорийнинг "Музаккири аҳбоб"и XVI асрнинг биринчи ва қисман иккинчи ярмида Мовароуннаҳр адабий муҳитини ўрганишда қийматли манбадир. У ўзининг айрим хусусиятлари билан Навоийнинг тазкирачилик анъанасини давом эттирган асардир. Муаллифнинг ўзи "Китобнинг ёзилиш сабаблари" бобида шундай ёзади:

Мазмуни: "Юксак қудратли гўзал билимдонларга махфий қолмасинки, баъзи бир вафодор ва жонкуяр дўстларим менга Амирнинг (Алишер Навоийнинг) "Мажолис ун-нафоис"ига кирмаган... ва бу... подшоҳнинг даврида яшаб ижод этган шоирлар ва олимларни йиғиб, улар ҳақида бир нафис тазкира ёзишни буюрдилар. Мен замонанинг шоир ва донишмандлари билан танишиб, улар ҳақида маълумот тўплаб, мазкур тазкирани тузишга киришдим".

"Музаккири аҳбоб"да "Мажолис ун-нафоис"нинг таъсири фақат замондош олим, шоир ва санъаткорлар ҳақида сўз юритиш жараёнидагина эмас, балки асарни бобларга ажратиш, шоирларга ихчам, мазмундор баҳо бериш, уларнинг ахлоқий ва ижодий қиёфаси тўғрисида фикр юритиш, шоирлар ижодининг моҳиятини тушуниб етишга интилиш ва бошқа ҳолларда ҳам кўринади.

Навоий "Мажолис ун-нафоис"ининг учинчи мажлиси ва Нисорий тазкирасининг учинчи боби сарлавҳалари чоғиштирилса, фикр янада ишончлироқ бўлур эди. Масалан, агар "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлиси "алар зикридаким, ҳоло замон саҳоифида маони абкори аларнинг дақиқ табълари ҳуллабофлигидан назм либоси киядур ва назм либоси аларнинг амиқ зеҳнлари муйшикофлигидин санъат ва салосат нақш ва нигоре топадурким, баъзининг мулозиматиға мушарраф ва сарфароз ва баъзининг мусоҳабати бирла хушнуд ва баҳраманддурурбиз", деб

аталган бўлса, Нисорий асарининг учинчи бобига "Дар зикри жамоате, ки фақир ба мулозимат ва мулоқоти шарифи эшон мушарраф гашта ва дар қайди ҳаётанд", деб сарлавҳа қўйилган (мазмуни: Ул жамоат зикридаким, ҳоло тирик бўлиб, бу фақир аларнинг мулозамати ва мулоқотларига мушарраф бўлубмен).

Таъсирни бу хилда ахтариш юзаки бўлиб кўринса-да, аммо аҳамиятдан холи эмас.

"Музаккири аҳбоб" кириш, тўрт боб ва хотимадан иборат бўлиб, кириш қисмида Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган шоҳлар тўғрисида тарихий маълумот берилади. Хотимада эса муаллиф ўзининг таржимаи ҳолидан баҳс юритган.

Асарнинг асосий қисмларида муаллиф замондошларидан 250 дан кўпроқ қалам аҳли ҳақида маълумот берган.

Нисорий шоирларга баҳо беришда Навоийнинг услубига амал қилади. Унинг шоир ватани, шахсий хусусияти, жамиятда тутган ўрни ва ижодининг аҳамияти ҳақида сиқиқ, аммо аниқ фикр юритиши кўзга ташланиб туради. Масалан: "Мавлоно Нахлй — сурати хуб ва сийрати марғуб дорад. Суханони дилкашаш маҳбуби арбоби қулуб аст ва ин ғазал самараи шажараи нахли табъовари ўст: (ғазал)" (Мазмуни: Мавлоно Нахлийнинг ташқи кўриниши ҳам, хулқ-атвори ҳам яхши, унинг дилкаш сўзлари қалб эгаларига ёқимли ва севимлидир. Бу ғазал унинг ажойиб табъининг натижасидир).

Иккинчи томондан, бу услуб, яъни шоирлар ҳақида сиқиқ, лекин аниқ фикр юритиш баъзан шоир ижодига кенгроқ тўхталиш, унинг шахсий хусусиятларини, машғулотини тўлароқ очиб бериш билан ҳам алмашинади. Бу вақтда Нисорий ўзи тавсифлаган шоир асарларининг мазмунига, бадиийлигига алоҳида эътибор беради. Бунинг учун Восифий ижодига бағишланган зикрни эслатиш мумкин.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, Нисорий шоирлар асарларининг мазмуни ҳақида сўз юритса-да, у эътиборни кўпроқ асарнинг бадиийлиги масаласига қаратган. Бу жиҳатдан Нисорий ўрта асрдаги адабий танқиднинг услубини давом эттирган. Натижада маълум шоир ижодидаги камчиликни тўғридан-тўғри танқид қилиш ўрнига уни киноялн танқид қилиш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, Нисорий Мавлоно Афзалий Карминагий деган шоир ҳақида сўз юритар экан, бу шоирнинг ўзини иккинчи Навоий деб хаёл қилиб, Соний тахаллуси билан шеърлар ёзганини кинояли тарзда танқид қилади. Шу билан бирга бу шоирнинг асарлари ичида дуруст мисралар ҳам учрашини таъкидлайди. Бу ўринда Нисорий танқидининг анча холисона эканини эътироф этиш лозим.

Учинчидан, Навоий анъанасида яратилган тазкирада XVI асрнинг маданий ва адабий ҳаётига Алишер Навоий ижодининг таъсири кучли эканлиги кўрсатилади.

Тўртинчидан, тазкирадан маълум бўлишича, XVI асрда ҳам ғазал ва маснавий шакллари шеъриятда асосий ўринни эгаллаб, XV асрда ривожланган муаммо ва тарих каби шакллар иккинчи даражага тушиб қолган.

Бешинчидан, тазкиранинг яна бир хусусияти шундан иборатки, муаллиф шоирларнинг дунёвий руҳдаги ғазалларини кўпинча маъқуллайди. Бу жиҳатдан Бобурнинг дунёвий ёрни жаннат ва унинг ҳурларидан афзаллигини куйловчи:

Не кўрай тўбини, қадди хушхироминг борида,
Не қилай сунбулни, хатти мушкфоминг борида,—

матлаъли ғазалини Нисорийнинг "некў гуфта" дейиши ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Демак, Нисорийнинг адабий-танқидий фикрлари, дунёқараши мавжуд дунё ва унинг гўзаллигини ҳис этувчи, ҳаётий ёр — инсон фазилатларини куйловчи адабиёт ва фалсафа асосида шаклланган дир. Шунинг учун Нисорийнинг шеър ва шоирлар ҳақидаги фикрлари Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари каби дунёвий адабиётни тарғиб қилиш ишида муҳим аҳамият касб этади.

Навоий тазкирачилигининг таъсирини озарбайжонлик Содиқий Китобдорнинг "Мажмуъ ал-хавос" тазкирасида ҳам кўриш мумкин. Профессор Ҳ. Орасли атоқли озарбайжон шоири Фузулий яшаган давр ҳақида ғапириб, XVI асрда Алишер Навоий ижодининг озарбайжон адабиётига таъсири тўғрисида шундай ёзади:

"Ўзбек даҳоларига бўлган мароқ, Навоий меросининг ўрганилиши ҳатто наср соҳасида ҳам ўз таъсирини қолдирди. XVI асрнинг охири — XVII асрнинг бошларида яшаган Содиқбек Афшорнинг "Мажмуъ ал-хавос" тазкирасини Навоий "Мажолис ун-нафоис"ининг тилига яқин бир тилда ёзганини кўрамиз"[1].

Бундай ҳолни Шамсиддин Сомий ҳам ўзининг "Қомус ул-аълом" асарида қайд қилиб ўтган эди.

Шоҳ Аббоснинг китобдори бўлиб, ўз даврининг олими, рассоми сифатида танилган, озарбайжон ва форс тилларида гўзал шеърлар яратган Содиқий Афшор ўз замондошларидан 480 санъаткорнинг зикрига бағишлаб, ўзининг "Мажмуъ ал-хавос" тазкирасини ёзди. Бу китоб Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис"и хилидаги тазкира бўлиб, бу тўғрида муаллифнинг ўзи ҳам китобнинг

[1] *Ҳ. Орасли.* Буюк озарбайжон шоири Фузулий. Боку, 1958, 47-бет *(озарбайжон тилида).*

дебочасида шундай ёзади: "Ҳақири бебизоати хоксор Содиқий китобдор бу замоннинг хуштабъ ширинкаломлари, бу давроннинг сеҳрсоз муъжазпайғомлариким, бовужуди адами риоят ва каспати мазиқмаош шуарои собиқ татаббуида хуб айтуб ёмон бормайдурлар ва нузамои мозий пайравлиғида рост боруб гири қолмайдурлар... Бу бодияпаймойларни ул сайёҳлар шоҳроҳиға солмоғ учун (ва яхшиларни) уд сармастларга ҳамқатор қилмоғ учун (маол) услубида ва ул бузургвори балоғатдинор ва ул гузидаи ахбори фасоҳатшиор, сўз бўстонининг тўтии (шаккархоси), яъни Навоий...нинг нафис мажлисларига мувофиқ саккиз мажмаи хос мутобиқ тузмак... ва "Мажмуъ ал-хавос"га номзод қилмак истарким, "ал-жинс маал-жинс" ёнглиғ".

Бундан кўринадики, Навоий тазкирасининг анъанаси Ўрта Осиёдагина эмас, балки Кавказ ортида ҳам кенг тарқалиб кетган.

Навоийнинг тазкирачилик соҳасидаги анъанасини XVII асрда давом эттирган муаллифлардан Мутрибий ва Малеҳойи Самарқандийларни кўрсатиш мумкин.

"Мажолис ун-нафоис"га ўхшаш тазкиралардан бири Мутрибий Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро" асаридир.

Мутрибий яшаган давр, яъни XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрнинг биринчи ярми Ўрта Осиёда, жумладан Самарқанд, Бухоро ва бошқа вилоятларда икки хонадон — охирги шайбонийлар ва аввалги аштархонийлар ҳукмронлик қилган бир давр эди. Шайбонийлар хонадонининг охирги хонлари Абдуллохон ва унинг ўғли Абдулмўминхонларнинг ҳокимияти марказлаштириш учун олиб борган қонли урушлари халқ бошига қанча кулфатлар келтирган бўлса, аштархонийлар ҳукмронлиги даври ҳам халқни азоб-уқубат ва ҳақсизликлардан қутқаза олмаган эди. Мазкур даврнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий тарихини текширган тарихчи олимларнинг эътироф этишларича, ана шундай оғир шароитда ҳам Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик, санъат ва адабий ҳаёт сўнмаган эди, балки бу даврда хусусан Бухоро ва Самарқанд каби вилоятларда ҳунармандчилик[1], бинокорлик соҳасида ҳам анчагина муваффақиятлар қўлга киритилган эди[2].

Бухоро шаҳридаги тарихий ёдгорликларнинг кўпчилиги, Самарқанд Регистонидаги Шердор ва Тиллокори мадрасалари ана шу даврда бино қилинган эди. Ҳунармандчиликнинг ривожланиши туфайли Бухоро хонлигининг Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар билан савдо ва маданий муносабатлари мустаҳкамлана борди. Бунинг натижасида Бухоро хонлигида, хусусан Бухоро ва Са-

[1] *П. П. Иванов.* Очерки по истории Средней Азии, М., 1958, 71-бет.

[2] *Б. Н. Засипкин.* Архитектура Средней Азии, М., 1948, 113-бет.

марқандда Эрон, Афғонистон, Ҳиндистоннинг кўпгина шаҳарларидан олимлар, шоирлар, бинокор ва хаттотлар тўпландилар.

Шундай қилиб, XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрнинг бошларида Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари Ўрта Осиёнинг маданий ва адабий марказлари бўлиб қолган эдилар. Шунинг учун ҳам Ҳасан Нисорийнинг 250 дан ортиқ шоир ва адабиёт мухлисидан баҳс этадиган "Музаккири аҳбоб" номли тазкираси 1566 йилда Бухорода, Мутрибийнинг XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрнинг бошларида мавжуд бўлган 320 дан ортиқ шоир ва адабиёт мухлислари ҳақидаги "Тазкират уш-шуаро"си эса 1605 йилда Самарқандда яратилган эди.

Султон Муҳаммад Нойи Мутрибий 1559 йилда Самарқандда туғилиб, илк маълумотини шу шаҳарнинг мадрасаларида олгач, кейинчалик Бухорога боради ва у ерда Ҳасан Нисорийдан адабиёт назарияси бўйича таълим олади. Шу орада у хаттотлик ва мусиқа соҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришди, китоб кўчириш ва мусиқа асбобларини маҳоратла чалиши билан ҳам шуҳрат қозонади.

Адабиётга қизиқиш унда кучли бўлганлиги туфайли, бир томондан, шеър ёзишни давом эттирса, иккинчи томондан, устози Ҳасан Нисорий анъанасини давом эттириб, ўзи яшаётган давр адабий муҳитини ёритишга бағишланган иккита тазкира тузади. Булардан бири 1605 йилда тузилган "Тазкират уш-шуаро" бўлса, иккинчиси 1625 йилларда тузилиб, Ҳиндистон подшоҳи, Бобурнинг набираси Жаҳонгирга бағишлаб ёзган "Нусхаи зебои Жаҳонгир" деб аталади. Бу асарларнинг иккови ҳам бизгача етиб келган.

Шуни эслатиш мумкинки, иккинчи тазкирани Мутрибий Ҳиндистонга олиб бориб, Жаҳонгирга тақдим этган ва кўпгина мақтовларга сазовор бўлган. Ҳиндистондан қайтган Мутрибий (1627 йил) умрининг охиригача Самарқандда яшаб ижод этган. У XVII асрнинг 30 йилларида ҳам ҳаёт бўлган. Вафот этган йили номаълум.

Мутрибийнинг "Тазкират уш-шуаро"си ва айрим бошқа манбаларнинг, жумладан, "Тарихномаи Роқим" ёки "Тарихи касира"нинг маълумотларига қараганда, Мутрибий ўз замонасининг ўқимишли, ҳар томонлама маълумотли ва истеъдодли зиёлиларидан бири бўлган. У араб, тожик, ўзбек, озарбайжон тилларини ўрганган ва шу тиллардаги илмий-адабий манбалардан, жумладан Рашидиддин Ватвотнинг бадиий тасвир воситаларига бағишланган "Ҳадойиқ ус-сеҳр", Ваҳид Табрезийнинг аруз, бадиий тасвир воситалари ва қофия масалаларидан баҳс этувчи "Жамъи мухтасар", Сайфи Бухорийнинг аруз ҳақидаги "Илм ал-аруз меъёр ал-ашъор", Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис", Абдураҳмон Жомийнинг "Баҳористон", Ҳасанхожа Нисорийнинг "Музаккири аҳбоб" каби асарларидан яхши хабардор бўлган. Ана шундай ўқиш ва ўрганиш туфайли Мутрибий шеъриятнинг турли-туман масалаларини дуруст тушуна олувчи адабиётшунос бўлиб етишган эди.

Бундан ташқари у шоир ҳам эди. Мутрибийнинг шеърлар девони бор-йўқлиги ҳақида ҳозирча ишончли маълумотга эга бўлмасак-да, унинг шеърларидан айрим намуналар турли манбалар орқали бизгача етиб келган.

Мутрибий тарих жанрида ҳам кўпгина шеърлар ёзган кўринадики, шулардан иккитаси "Тарихи касира"да келтирилган.

Шуни ҳам уқтириш керакки, Мутрибий — шоирнинг тахаллуси бўлиб, унинг мусиқага алоқадор бир киши эканидан далолат беради. Чунки мазкур тахаллус мусиқачи, созанда маъносини англатади. "Тарихи касира"нинг муаллифи Мутрибий ҳақида маълумот берар экан, шундай ёзади: "Мавлоно Мутрибий, ки замзамаи мурғони хушнавои маониро дар кафасу қолаби лафз бо нағамоти довудй ба худовандагони симоъ ва дарёбандагони замзама истимоъ мерасонид..."

(Мазмуни: Мавлоно Мутрибий шоирларнинг шеърларини ажойиб куйларга солиб, эшитувчиларга тақдим этарди, яъни ижро этарди).

Бундан кўринадики, Мутрибий мусиқа назариясини яхши билибгина қолмай, шу билан бирга мусиқа асбобларини ҳам маҳорат билан чала олган. Бугина эмас, у бошқа шоирларнинг, жумладан ўзининг шеърларига ёқимли куйлар боғловчи бастакор сифатида ҳам шуҳрат қозонган экан.

Шундай қилиб, Мутрибий ҳам адабиётшунос, ҳам шоир, ҳам мусиқа санъатининг истеъдодли арбоби — бастакор сифатида Давоий Бухорий, Алфий Шомий, Ашкий Самарқандий, Отоий Самарқандий, Базлий Самарқандий, Чошний Самарқандий, Абдураҳмон Васлий Самарқандий, Зулолий Самарқандий, Мушфиқий, Ҳасанхожа Нисорий каби шоирлар муҳитида ўз фаолиятини давом эттирар эди. Мутрибий ўзининг илмли ва истеъдодли бўлиб етишувида устоди Ҳасанхожа Нисорий номини ниҳоят ҳурмат билан тилга олади, шеърият ва аруз қонун-қоидаларини унга ўргатган Нисорий номини "Тазкират уш-шуаро"нинг бир неча ўрнида эслатиб ўтади:

1. "Ҳар чи, ки камина (яъне Мутрибй) дар фунуни шеър омўхта, намунаест, ки аз руфту рўби базмгоҳи он (яъне Ҳасанхожа Нисорй) олижоҳанд".

(Мазмуни: Шеърият илмида нимани ўрганган бўлсам, бу Ҳасанхожа Нисорий туфайлидандир.)

2. "Фақир дар ҳидмати махдуми Ҳасанхожа Нисорй арўз мехондам".

(Мазмуни: мен Ҳасанхожа Нисорийдан арузни ўрганар эдим.)

Мутрибий XVI асрнинг машҳур шоири ва адабиётшуноси Ҳасанхожа Нисорийнинг муносиб ва истеъдодли шогирди сифатида замонасида анча шуҳрат қозона олди. Шунинг учун ҳам замондошлари ва кейинги давр адабиётшунослари Мутрибий ҳақида

юксак фикрларни баён этган эдилар. Масалан, "Тарихи касира"нинг муаллифи "Мавлоно Мутрибий Самарқанд вилоятининг мўътабар шоирларидан ва муқаррар зурафоларидан бири эди", деб ҳақли равишда ёзди.

Мутрибийнинг бизгача етиб келган йирик асарларидан бири "Тазкират уш-шуаро"дир. Мазкур асарнинг бир қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмгоҳининг қўлёзмалар хазинасида 2253-рақам билан сақланади. Бу қўлёзма XVII асрда кўчирилган ва Мутрибийнинг дастхати деб тахмин қилинади.

Тазкиранинг тузилиши. Мутрибий "Тазкират уш-шуаро"си Ҳасанхожа Нисорийнинг "Музаккири аҳбоб", озарбайжонли Содиқий Афшорнинг "Мажмуъ ул-хавос" тазкиралари каби Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис"и хилидаги, яъни муаллифга замондош бўлган шоир ва адабиёт мухлисларига бағишланган тазкирадир. Мутрибий бу тўғрида тазкирасининг кириш қисмида шундай ёзади[1]:

"Олийқадр шоирлар ва фасоҳатли машҳур кишиларнинг синалган ва ёқимли сўзлари энг яхши иборалар бўлиб, улар кўзларга нур ва кўнгилларга сурур — шодлик бағишлайди. Шунинг учун ҳар бир асрнинг донишманд кишилари бундай олийқадр ва ҳурматли гуруҳнинг номини китоб доирасига киритиб, уларнинг ширин сўзларидан мисоллар келтириб, дунёда ажойиб бир ёдгорлик қолдирадилар. Ана шундай мўътабар ва машҳур асарлардан бири амир Давлатшоҳнинг тазкираси ва яна бири амири Кабир Алишернинг "Мажолис ун-нафоис"и ва яна бири машҳур устоз ва Махдумий Ҳасанхожа Нисорий Бухорий ҳазратларининг юксак китоби "Музаккири аҳбоб"дир.

Шунинг туфайли бу фақир ҳам... ўзига замондош бўлган шоирларнинг номларини зикр этувчи ва уларнинг ҳар хил асарларидан намуналар келтирувчи бир асарни яратди.

Сўзлар хазина каби яширинган,
ва дур каби ҳар китобда сочилган эди.
Ҳар бир нусхадан танлаб олиб,
уларга фикр либосини кийдирдим.
Ҳар бир яхши китобларни кўриб чиқиб,
уларнинг мағзини пўчоғидан ажратдим."

Шундай қилиб, Мутрибий тазкираси муаллифнинг замондошлари бўлган ва асосан XVI асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган 320 дан ортиқ шоир ҳақида маълумот берувчи асардир. Шуниси диққатга сазоворки, асарда Ҳиндистон, Афғонистон,

[1] *Мутрибий.* Тазкират уш-шуаро. 3—4-варақлар.

Эрон, Озарбайжон, Ўрта Осиёнинг турли шаҳарларидан бўлган адабиёт мухлислари ҳақида сўз юритилса ҳам, тазкирада Ўрта Осиёлик, жумладан Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд ва Бухородан бўлган шоирларга кенг ўрин берилган ва уларга ажратилган жой асарнинг асосий қисмини ташкил этади. Масалан, аслида Шом, Ироқ, Машҳад, Язд, Гелон, Деҳли, Ҳамадон, Хуросон, Балх, Кобул каби шаҳарлардан бўлган шоирлар сони тазкирада 50 га яқин бўлса, қолган 270 дан ортиқ шоир Ўрта Осиёнинг Ахсикат, Ўратепа, Тошкент, Сайрам, Ҳисор, Қарши, Андижон, Чоржўй, Шаҳрисабз, Марғилон, Оҳангарон, Кармана, Миёнкол ва асосан Бухоро ҳамда Самарқанд каби шаҳарларидандир. Шунинг учун Мутрибийнинг тазкираси XVI асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек ва тожик адабиёти тарихини ўрганишда, шу даврдаги маданий ҳаётни кенг ёритишда муҳим манбалардан биридир.

Тазкирада келтирилган шоирлар жамиятнинг турли табақаларига мансубдирлар. Масалан, адабиётга қизиқувчи шоҳ ва шоҳзодалар (Абдуллохон, Абдумўминхон), амалдор ва қозилар (Одамий Самарқандий, Дарвеш Самарқандий), олимлар ва мадраса талабалари (Дўстий, Чошний Самарқандий, Васлий Самарқандий, Журмий Самарқандий...), турли хил ҳунар билан шуғулланувчи: кулчафуруш (Ҳужумий Ҳисорий), кафшдўз (Ҳолотий Насафий, Кафший Бухорий), шамширгар — қилич ясовчи (Бедилий Самарқандий), бахядўз (Ҳушъёр) ва бошқалар.

Тазкирада шоирларни жойлаштиришда Алишер Навоий ва Ҳасанхожа Нисорий тазкираларидаги усулларни ҳам ва, шунингдек, ўзига хос хусусиятларни ҳам учратиш мумкин. Шоирларни ўринлаштириш масаласида Мутрибий тазкирасининг Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" ва Ҳасанхожа Нисорий "Музаккири аҳбоб"и билан умумийлиги шундаки, муаллиф асарда шоирларни ўзи шахсан кўрган-кўрмаганлиги, уларнинг хизматида, суҳбатида бўлган-бўлмаганлиги ва, ниҳоят, уларнинг асарларини бевосита ёки бавосита эшитгани асосида уч нуктага — гуруҳга ажратади[1].

Иккинчи томондан, Мутрибий "Тазкират уш-шуаро"синиг юқорида қайд қилинган тазкиралардан фарқи шундаки, унда шоирлар "абжад" алифбоси асосида жойлаштирилади.

. Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"и хилидаги тазкирачилик анъанасида бу янги бир ҳол эди. Чунки у шоирларни тахаллуси бошланадиган ҳарфга қараб тезроқ топишга катта қулайлик туғдиради. Шунинг учун Мутрибий тазкирасини "абжад" алифбоси тартибида Ўрта Осиёда тузилган дастлабки тазкираларидан деб айтиш мумкин.

---

[1] *Мутрибий.* Тазкират уш-шуаро, 4—5-варақлар.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, араб алифбоси тартибида тузилган тазкира Ҳиндистонда бундан олдинроқ, яъни 1565—1575 йиллар орасида яратилиб, Заҳириддин Бобурнинг набираси Акбаршоҳга бағишланган "Нафоисул-маосир" эди. Бу асарнинг муаллифи Алоуддавла бин Яҳё Сайфий (Қазвиний) X ҳижрий асрда (XVI мелодий) яшаб ижод этган шоирларни араб алифбоси тартибида тазкирада жойлаштириб, ҳар бир ҳарф ичида эса шоирлар қайси шаҳардан бўлса, шунга кўра яна алоҳида-алоҳида гуруҳлаштирган.

Мутрибий тазкирадаги шоирларни "абжад" тартибида жойлаштирган бўлса ҳам, "Нафоис ул-маосир" муаллифи каби шоирларни жуғрофий нуқтаи назардан яна гуруҳларга ажратиш йўлидан бормайди, балки Алишер Навоий ва Ҳасанхожа Нисорийларнинг тазкираларидагидай жойлаштириш (шахсан танишган, суҳбат қилган, хизматида бўлган-бўлмаганлиги, асарларини бевосита ёки бавосита эшитгани) йўлидан борган. Бу ҳол Мутрибийнинг, бир томондан, "Мажолис ун-нафоис" хилидаги тазкиралар анъанасини давом эттирганини кўрсатса, иккинчи томондан, асарнинг қийматини, шоирлар ҳақидаги маълумотнинг аҳамиятини янада оширган.

Мутрибий "Тазкират уш-шуаро"сининг тузилишидаги яна бир янгилик шундан иборатки, унда тазкиранинг муаллифи шоирлар шеърларининг аруз вазнининг қайси баҳрида ёзилганини ҳам қайд қилиб ўтади. Бу тўғрида муаллифнинг ўзи шундай ёзган эди:

"Аз махсусоти роқими ин ҳуруф, ки бар ту илтифоти ҳеч мусаннифе дар ин фан бар он наафтода, он аст, ки ҳар жо ғазале ё қасидае ва амсоли он эрод намуда асомии буҳури онро бар аркони мавозини арўзй... бар ҳошияи китоб дар ҳамон маҳал марқум гардонида".

(Мазмуни: Мазкур китобнинг ёзувчиси ўз асарига бошқа ҳеч қандай китобда учрамайдиган бир янгиликни киритди, яъни асарда келтирилган ғазал, қасида ва шунга ўхшашларнинг аруз вазнидаги баҳрларини китобнинг ҳошиясида кўрсатди.)

Мутрибийнинг бундай ҳаракати дарҳақиқат ҳеч бир тазкирада учрамайди. Муаллифнинг ҳар бир шеърий парчанинг аруз вазнининг қайси баҳрида ёзилганини қайд қилиши ўша шеърнинг бадиий хусусиятлари ва вазнини ўрганувчилар учун катта имкониятлар туғдиради. Лекин, афсуски, Мутрибий тазкирасининг бизга маълум нусхасида бу фойдали иш изчиллик билан давом эттирилмаган. Натижада тазкирада келтирилган кўпгина шеърий парчаларнинг баҳрлари аниқланмаган.

Тазкиранинг тузилиши ҳақида қуйидагиларни ҳам эслатиб ўтиш мумкин:

1. Муаллиф тазкиранинг кириш қисмида ўз замонасининг тарихий ҳодиса-воқеалари тўғрисида, шайбонийлар хонадонидан

бўлган Абдуллохон, Абдулмўминхон, аштархонийлар хонадонидан бўлган Нодир Муҳаммад Султон, Боқи Муҳаммад ва Вали Муҳаммад Султонлар ҳақида айрим тарихий маълумотларни келтиради.

2. Мутрибий айрим ўринларда шеър фанига доир баъзи фикрларни, айрим шеърий санъатларнинг изоҳини ҳам қайд қилади. Бу ўринда муаллифнинг шеърият ва аруз назариясидан, шеърий санъатлар қонуниятларидан анча хабардор киши экани, шу соҳада ёзилган кўпгина асарларни кўздан кечиргани маълум бўлиб туради. Масалан, тазкирада шоир Алфий Шомий ҳақида сўз юритар экан, шеърий санъатлардан тадвир ҳақида шундай ёзади: "Бидон, ки санъати тадвир он аст, ки нозим мисрае гўяд муштамал бар чаҳор рукн дар баҳри ҳазажи мусаммани солим ва онро бар хатти доирае нависад. Чунонки аз рукне, ки оғози хондан кунанд, мисраи мавзун ва муқаффӣ ҳосил шавад... Махфӣ намонад, ки соҳиби китоби "Ҳадоиқ ус-сеҳр" ин санъатро бозии тифлон гуфта"[1].

(Мазмуни: билгилки, тадвир санъати шундай бўлади: Шоир тўрт рукнда ҳазажи мусаммани солим баҳрида бир мисраъ айтиб, уни доира ичига ёзади. Шунда қайси рукндан ўқилса, вазнли ва қофияли бир мисра ҳосил бўлади... Махфий қолмасинки, "Ҳадойиқ ус-сеҳр" китобининг муаллифи бу санъатни болалар ўйини деб атаган.)

"Тазкират уш-шуаро"нинг 55-бетида қофия ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Асарнинг кириш қисмида эса, Мутрибий ўзининг Абдуллохон ибни Искандархон билан Самарқандда қилган суҳбатини тасвирлаб, унда шеър, шоир сўзларининг луғавий маъноси ҳамда уларнинг адабиётшуносликдаги ўрнини XV асрнинг муаллифи Сайфий Бухорийнинг "Илм ал-аруз" асарига ўхшаш китобларга таянган ҳолда изоҳлайди[2].

Шуниси диққатга сазоворки, Мутрибий кўп ўринда шеър назарияси тўғрисида сўз юритганда Ҳасанхожа Нисорийга таянади ёки унинг иштирокида ўтган адабий мажлисларни, шоирлар билан суҳбатларини эслатиб ўтади. Масалан: "Ҳазрати Махдумӣ Ҳасанхожа Нисорий мефармуданд, ки шоир ҳамадон мебояд то гуфтани ашъор шояд. Зероки афсаҳ уш-шуаро ибн Ямин дар муқаттаоти худ гуфта, қитъа:

Як шабам устоди сухан Анварӣ,
Гуфт ба таълим, ки: "Эй навжавон,
Хотират аз қоидаи шоирӣ,

---

[1] *Мутрибий.* Тазкират уш-шуаро, 45-варақ.

[2] Ўша асар, 7—8-варақлар.

Металабад як сухан аз ман бидон.
То ки дар ашъор шууре кунй,
Ҳал шавадат жумлаи ашколи он.
Рав ду се рӯз талаби илм кун,
Нуктае чанд аз ҳама ёби бихун..."[1]

(Мазмуни: Ҳазрат Махдумий Ҳасанхожа Нисорий шоир шеър айтадиган бўлиши учун ҳамма нарсадан хабардор, билимдон бўлиши керак деб айтардилар. Чунки афсаҳ уш-шуаро ибн Ямин ўзининг қитъасида шундай ёзган эди, қитъа:

Бир кеча сўз устаси Анварий, менга таълим бериб, айтдики: "эй йигит, агар шоирлик тўғрисида бирор нарсани мендан эшитмоқчи бўлсанг, билгилки, шеърларни ўқиганда ундан мушкуллар осон бўлмоғи керак. Шунинг учун кўп ўқигин, ўргангин".

Мутрибий ўз тазкирасида баъзи бир шоирлар ҳақида сўз юритаётганда айрим ҳикояларни, тарихий ва жуғрофий маълумотларни ҳам келтиради. Масалан, чоржўйлик шоир Даръий тўғрисида гапириб, "Эшак ва туя" масалини баён қилса[2], Баёний Хитоий ҳақида сўз юритиб, "Дар таворих" деб Хитой, унинг жуғрофиясига оид маълумотларни айтиб ўтади[3].

Шундай қилиб, Мутрибийнинг асари ўз тузилиши билан Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис"и хилидаги замондошларга бағишланган тазкиралардан бўлиб, у Алишер Навоий бошлаган анъанага янги-янги хусусиятлар киритди, уни бойитиб ривожлантирди.

Шоирлар ижодига баҳо бериш меъёри. Бу масалани ёритишга интилишдан олдин шу нарсани эслатиш керакки, Мутрибий ўз даврининг адабиёт ва шеърият олдига қўйган талабларини атрофлича ўрганган ва тушунган кишидир. Шунинг туфайли у бадиий ижоддаги янгилик ва ҳаётийликни ҳам, шаклпарастлик ва қуруқ санъатбозлик ҳодисаларини ҳам ажрата олувчи адабиётшунос сифатида гавдаланади. Мутрибий янги ва ҳаётий асарлар ижод этган шоирлар ижодига (масалан, Мушфиқий, Маҳрумий Бухорий, Бедилий Самарқандий, Хушёр, Нисорий, Фузулий) қизиқиш ва ҳурмат билан қараса, шаклпарастлик, тақлидчилик ва шеър ўғирлаш билан шуғулланувчи шоирнамолар ижодини (масалан, Афзалий Самарқандий, Ҳужумий Ҳисорий, Баҳрий, Алфий Шомий, Бўрий Балхий) ёқтирмаган.

Шундай қилиб, Мутрибий шоирлар ижодига баҳо беришда Алишер Навоий ва Ҳасан Нисорий тазкираларидаги меъёрга

---

[1] *Мутрибий.* Тазкират уш-шуаро, 59-варақ.

[2] Ўша асар, 84-варақ.

[3] Ўша асар, 65-варақ.

таянган, уларни давом эттирган. Айтилганларнинг исботи учун Мутрибий тазкирасидаги баъзи зикрларни назардан ўтказиш маъқул кўринади.

XVI асрнинг иккинчи ярмида ўзининг лирик шеърлари ва ҳажвий асарлари билан шуҳрат қозонган муаллифлардан бири Абдураҳмон Мушфиқийдир. Профессор А. Н. Болдиревнинг тўғри қайд қилганидек, Мушфиқийнинг ҳажвий шеърларида "ўша давр шаҳар адабиётидаги илк реализм куртаклари мавжуддир"[1]. Мушфиқий шеъриятидаги мана шу куртак уларнинг халқ оғзаки ижодига кириб боришига ҳам кўмаклашди. Шунинг учун тожик халқи Мушфиқий номи билан боғланган жуда кўп ҳаётий ва ижтимоий латифаларни ижод этди.

Бас шундай экан, Мушфиқийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятининг айрим томонлари тўғрисида биринчилар қатори унинг замондоши Мутрибий ҳам яхши ва диққатга сазовор фикрларни баён этди. Маълумки, Ҳасанхожа Нисорийнинг "Музаккири аҳбоб" тазкирасида Мушфиқий ҳақида биринчи маълумот берилган эди. Нисорийнинг содиқ шогирди Мутрибий эса, ўзининг эътироф этишича, Нисорий маълумотларига қўшимча равишда "Тазкират уш-шуаро" асарида Мушфиқийнинг ижодий фаолиятига доир айрим муҳим мулоҳазаларни баён этади[2]. Шуниси диққатга сазоворки, Мутрибий ўша даврдаёқ, яъни Мушфиқийнинг ўлимидан 17 йил кейинроқ, унинг ўз даврининг мўътабар ва машҳур шоирларидан бири эканини ("аз шуарои мўътабари беназир аст"), ҳар хил шеърлар ёзишда уста эканини ("дар гуфтани анвои шеър салиқааш некўст") ва, хусусан, ҳажвиёт ёзишда эса бирор шоир унга тенг кела олмаслигини ("дар ҳичо гуфтан табъаш ба таври диққат менамояд, ки маълум нест, ки касе адили ў буда бошад") алоҳида уқтириб ўтади.

Бундан кўринадики, Мутрибий Мушфиқий ижодидаги энг яхши нарсаларни, хусусан, "ўша давр шаҳар адабиётидаги илк реализм куртакларини" ўзида сингдирилган ҳажвий асарларини ҳаққоний равишда мақтаган. Бу эса Мутрибийнинг бадиий ижодда ҳаққоний тасвирнинг, бадиий асарнинг оммага тушунарли бўлиши кераклигининг тарафдори эканини кўрсатади.

Шунинг учун бўлса керак, Мушфиқийнинг шогирди Маҳрумий Бухорий деган шоирни ҳам Мутрибий самимият билан тилга олади, унинг ижодида ҳажв катта ўрин эгаллагани, шоирнинг ўзи эса қизиқчи бир киши эканини уқтириб ўтади:

---

[1] *Мирзоев А., Мирзозода Х., Болдирев А. Н., Табаров С. ва Тожиддинов С.* Адабиёт. Китоби дарсӣ барои синфи IX мактабҳои миёна, Душанбе, 1951, 45—50-бетлар.

[2] *Мутрибий.* Тазкират уш-шуаро, 137-варақ.

"Маҳрумии Бухорй — дар шеър шогирди Мушфиқй буд ва забон ба аҳожии мардум бисёр мекушуд ва ба жиҳати гармии ҳангома ҳикоят, музаҳҳок бисёр мегуфт ва мардумро механдонд... Ашъори малеҳ низ дорад ва ғазалро ажоиб хуб мегуфт"[1].

(Мазмуни: Маҳрумий Бухорий шеърда мулло Мушфиқийнинг шогирди эди. У кўпгина одамларни ҳажв қилган эди. Суҳбатни қизитиш мақсадида кўпгина ҳикоят ва латифалар айтиб, кишиларни кулдирарди. Яхши шеърлари ҳам бор, хусусан ғазални ажойиб битарди).

Мутрибийнинг Хушёр деган шоир ҳақида сўзлаб, унинг бир муҳтасибни танқид қилувчи рубоийсини келтириши ҳам шу нуқтаи назардан қараганда диққатга сазовор. Мана ўша рубоий:

Эй муҳтасиб, аз шакли ту ман безорам,
То чанд шавй ту дар паи озорам.
Дар пеши ту ман агарчи мастам зи шароб,
Аммо ба худо ба кори худ Хушёрам[2].

(Мазмуни:

Эй муҳтасиб, сенинг башарангдан безорман,
Қачонгача сен мени қийнашга отланасан.
Мен сенинг олдингда шаробдан маст бўлсам ҳам,
Аммо худога қасамки, ўз ишимга Хушёрман.)

Тазкирадаги қийматли маълумотлардан бири Нисорий ҳақида ёзилган парчалардир. Маълумки, Ҳасанхожа Нисорийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида муаллифнинг "Музаккири аҳбоб" тазкирасидан бошқа манбаларда ҳам айрим маълумотлар бор. Бундай манбалардан ишонарлироғи Нисорий шогирди — Мутрибийнинг тазкирасидир. Мутрибий Нисорийни ўз устози деб билиб, ундан шеър ёзишни, арузни ўрганганлигини мароқ билан ёзади. Нисорий ҳаётининг айрим томонлари ҳақида маълумот беради.

Масалан, Мутрибий унинг авлод ва аждоди ҳақида гапириб, ғаси содотлардан бўлган Подшоҳхожа эканини, Нисорийнинг Тошкентлик бир қизга уйланиб, аёлманд бўлиб қолганини хабар беради. ("Махдумй Ҳасанхожа Нисорий аз Тошкандй хоста буд а фарзандони бисёр дошт ва ба жиҳати аёлмандй меҳнат екашид" (Тазкира, [illegible] варақ) ва Нисорийнинг 80 ёшдан ошиб афот этганини ёзади. ("Синни шарифи эшон аз 80 мутажовуз уда буд, ки тўтии рўҳи... эшон тарки шаккористони маонй амуда (Тазкира, 161-варақ). Шундай қилиб, Мутрибий Ҳасан

[1] *Мутрибий.* Тазкират уш-шуаро, 148—149-варақлар.

[2] Ўша асар, 92-варақ.

Нисорий таржимаи ҳолини тўлдирувчи айрим диққатга сазовор маълумотларни келтирган.

Шуниси характерлики, Мутрибий Ҳасан Нисорийнинг ижоди ҳақида гапириб, унинг шеърлар девони борлигини ҳам кўрсатади, ижодини эса жуда мақтайди. Мутрибий "Тазкират уш-шуаро"да Ҳасанхожа Нисорийнинг шоир бўлибгина қолмай, номи тилга олинган тазкиранинг муаллифи эканини асарнинг кириш қисмидаёқ кўрсатиб, бу тазкирага юқори баҳо беради.

Шундай қилиб, Мутрибий ўз даврининг пешқадам олимлари, шоирлари ижодига чуқур ҳурмат билан қарайди, уларни мақтаб, баъзан улар ижодидаги муҳим томонларни аниқлашга ҳам интилади.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, тазкирада Озарбайжоннинг улуғ шоири Муҳаммад Фузулий ҳақида ҳам алоҳида зикр бор.

"Фузулий Бағдодй аз шуарои туркигўй, пурзўр аст... фақир девони ўро (туркиашро) дар ядди... Дўст Вафобой...дид. Ашъори бағоят латиф бар мазмуноти хоссаи (ўро) мутолиа намуд ва аз жумлаи ашъори туркии ў ин ғазалро ба жиҳати тазкира нусха гирифт:

Булбули дил гулшани рухсорин айлар орзу,
Тўтии жон лаъли шакарборин айлар орзу...

Ашъори форсй низ дорад"[1].

(Мазмуни: Фузулий Бағдодий кучли туркигўй шоирлардандир. Мен унинг туркий девонини Дўст Вафобой[2] қўлида кўриб, унинг жуда латиф ва ўзига хос мазмунли шеърларини мутолаа қилдим. Туркий шеърларидан бирини тазкира учун кўчирдим (шеър)... форсий шеърлари ҳам бор.)

Бундан кўринадики, Мутрибий Фузулийнинг ижодини катта ҳурмат билан тилга олиб гапирса, иккинчи томондан, унинг кучли шоирлардан эканини қайд этган. Масаланинг учинчи томони шундаки, агар XVI аср тазкиранависларидан Латифий ўз асарида (1546 йилда ёзилган) шоир тириклигидаёқ Румда — Кичик Осиёда, Аҳдии Бағдодий эса ўзининг "Гулшани шуаро" асарида (1563 йилда ёзилган) унинг Ироқда машҳур эканини кўрсатса, Сом Мирзо ўзининг "Туҳфаи Сомий" (1550 йилда ёзилган) асарида шоир ижодининг сафавийлар давлати музофотларида кенг тарқалганини кўрсатади[3]. Мутрибий ўзининг тазки-

---

[1] *Мутрибий.* Тазкират уш-шуаро, 188—189-варақлар.

[2] Дўст Вафобой бин Ҳожибой оталиқ Боқимуҳаммадхон аштархонийнинг амалдорларидан бўлиб, адабиётга қизиққан. Вафоий тахаллуси билан ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ҳам ёзган кишидир. Қаралсин: *Мутрибий.* Тазкират уш-шуаро, 43, 93—94-варақлар.

[3] *Ҳ. Ораслы.* Фузулий. Боку, 1958, 7-бет (озарбайжон тилида).

расида эса Фузулий ижодининг Ўрта Осиёда, хусусан Самарқанд ва Бухорода XVI асрнинг ўзидаёқ кенг тарқалганини, унинг девонлари, айниқса озарбайжон тилидаги девони машҳурлиги ҳақида маълумот беради. Шуниси ҳам диққатга сазоворки, Мутрибий Фузулий шеърларининг ўзига хос мазмунга эга эканини ҳам, уларнинг юксак бадиийлик намунаси эканини ҳам кўрсатган. Бу ўринда муаллиф бадиий ижод масалаларини таҳлил қилишда, шоирларнинг ўзига хос услубларини белгилашда билимдон адабиётшунос эканини яна бир марта исботлайди.

Келтирилган мисоллардан маълум бўладики, ижоди ҳаёт билан боғланган, гўзал асарларнинг муаллифлари бўлган шоирларни Мутрибий ҳар томонлама мақтаб, уларнинг ижоди (қайси тилда ёзганларидан қатъи назар) тўғрисида қимматли фикрларни баён этади.

Шаклпарастлик, шеър ўғирлаш билан шуғулланувчи ва ёки ўртамиёна шеърлар битувчи шоирлар ҳақидаги зикрлар эса Мутрибийнинг бундай шоирлар гуруҳига ҳурмат билан қарамаганлигидан далолат беради. Ана шундай зикрлардан бир-иккитасини мисол учун эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя. Мутрибий Афзалий тахаллуси билан шеърлар ёзувчи Мир Афзалнинг Самарқанддаги шайхлар авлодидан экани, ўқимишлилиги, умрининг охирида шаҳар муҳтасиби вазифасида ишлагани, шеърлари кўпинча подшоҳлар таърифида бўлганини қайд қилиб, улардан бир неча намуналарни ҳам келтиради. Тазкирада келтирилган шеърий парчалардан маълумки, Афзалийнинг ғазаллари ҳаётийлик, бадиий пишиқлик, мазмунан теранлик билан ажралиб турмайди. Ғазаллардаги тасвирий воситалар эса (ёрлоларух, гесу — соч — ҳалқа, ёр қоши — саждагоҳ) такрорий, қуруқ бўлиб, ишлатилиши лозимлиги учунгина ишлатилган, холос. Аммо Мутрибий ўз замонасидаги анъана таъсирида ана шу ғазални "дилписанд", яъни яхши ёзилган деб ҳам ўтади.

Лекин диққатга сазовор ўрин шундаки, Мутрибий Афзалий ҳақида халқ орасида тарқалган латифалардан бирини ва Хожа Муҳаммад Бедилий Самарқандий деган шоирнинг бир байтини келтиради.

Мазмуни: Бир шахс Афзалийнинг белгиларини сўраганда бир донишманд унинг суратини шундай чизган: Оғирлиги ярим ман келадиган китобни қўлтиғида ушлаган, чорак вазнли қаламтарошни салласига тиқиб қўйган, ҳар бири ярим чоракдан келадиган ўнта қаламни салласи атрофида териб чиққан, салласининг катта фаши қулоғи остига ёйилган, катта қуръани белига боғлаган, этакларини белига қистириб қўйган, белига қайчи, чақмоқ, туз, жуволдиз... солинадиган халтачаларни осган, қўлида

устун каби асони ушлаган кимса Пули сафед[1]нинг кўкнорхонасида учраса, ана шу киши Мир Афзалдир[2].

Келтирилган парчада Афзалийнинг ташқи кўриниши ҳажвий тарзда маҳорат билан чизилган. Хожа Муҳаммад Бедилий Самарқандийнинг байтида ҳам ана шу мазмун ўз аксини топган:

Туроки бори китоби бағал писанда бувад,
Қаламтарошу қалам бар сари ту сар бор аст.

(Мазмуни:

Сенга китобни қўлтиғда кўтариб юриш маъқулдир,
Қаламтарош, қалам эса сенинг бошингдаги оғир юкдир.)

Булардан маълумки, халқ вакиллари Афзалий каби шоирлар ҳақида ўзларининг холисона баҳоларини берганлар. Маълумки, Мутрибий ўз тазкирасида Хожа Муҳаммад Бедилий Самарқандий ҳақида сўз юритиб, унинг ҳунармандлардан (шамшергар — қилич ясовчи) экани ва ҳажвий шеърлар ёзишда моҳир бўлганини кўрсатиб, Мир Афзал ҳақидаги ҳажвий шеъри ажойиб ва эътирозга сабаб бўлмовчи эканини ёзади[3]. Бас шундай экан, Мутрибий ўз тазкирасида Афзалийга қанча ўрин ажратмасин, унинг шеърлари ҳақида баъзан нотўғри баҳо бермасин, бари бир у халқ вакилларининг Афзалий ҳақидаги холисона фикрларини маъқуллаган, уларнинг ҳаққоний эканини эътироф этган. Шеър ўғирлагучи шоир Ҳужумий ҳақида сўз юритганда ҳам Мутрибий унинг бировлар шеърини ўғирлаб, ўз номига ўтказишини маъқулламайди.

Қизиғи шундаки, Мутрибий Баҳрий деган шоирнинг истиқболсизлиги, асарларидаги мазмун эса диққатга сазовор эмаслигини ёзади-ю, аммо ўз фикрини ҳар томонлама исботлаш учун Баҳрийнинг ижодидан тегишли мисолларни келтирмайди. Бунинг натижасида яхши танқидий фикр далил ва исботсиз бўлиб қолган. Демак, Мутрибий шоирлар ижодига асосан асарларининг мазмундор, ҳаётий ва бадиий жиҳатдан пухта ишланган бўлиши нуқтаи назаридан ёндашиб, уларни маъқуллаган ёки танқид қилган.

---

[1] Пули сафед — Самарқанддаги Регистон ва Гўримир ёдгорликлари ўртасида жойлашган гузарнинг номи.

[2] *Мутрибий.* Тазкират уш-шуаро, 42-варақ.

[3] "Бедилий Самарқандй — исмаш Хожа Муҳаммад буд. Ва аз водии шамшергарй сохибвуқуф менамуд ва дар гуфтани ҳажв тегги забонаш ажоиб тез буд ва абёти обдор аз ў ба вуқуф меомад. Чаноби мир Афзалро аҳожии ажиба намуда, ки ин нусха таҳмили эроди он надорад. Лшъори покизаи хуб низ дорад. Ва ин матлаъро некў гуфта: Дар майкада хумҳо чу пур аз бодаи нобаст,
Дар даҳр дили Хизр чаро толиби об аст".
(*Мутрибий.* Тазкират уш-шуаро, 64-варақ).

Мутрибий шоирларнинг таржимаи ҳоли ва ижодига доир маълумотлардан сўнг асарларидан намуналар келтирадики, улар шоирлар ижодининг хусусиятини аниқлашда маълум даражада кўмаклашади. Масалан, тазкирада шоир Дўстийнинг сартарошга бағишланган ғазали келтирилиб,[1] унинг яхши ёзилганлиги уқтирилади. Дарҳақиқат, агар ғазалда ҳунармандчилик мавзусининг ёритилиши эътиборга олинса, унда Дўстийнинг XV асрда яшаб ижод этган Сайфий Бухорий анъаналарини (Сайфий Бухорийнинг ҳунармандчилик мавзуидаги ғазалларини Алишер Навоий жуда мақтаган ва маъқуллаган эди)[2] давом эттиришга интилгани сезилади. Ғазал мавзуи доирасини кенгайтириш ҳаракатига қўшилиш, бу билан шеъриятнинг меҳнаткаш омма, хусусан, ҳунармандлар ҳаётига яқинлаштириш каби интилиш — адабиётда реализм куртакларини кучайтиришга бўлган ҳаракатнинг аҳамияти эса жуда каттадир. Бундан шу нарса аниқлашадики, тазкирада зикр этилган шоир Дўстий ижоди меҳнаткашлар ҳаёти билан боғланган, улар билан яқин алоқада бўлган экан. Шу жиҳатдан Мутрибий тазкирасидаги Дўстий шеърларидан келтирилган намуналар муҳим аҳамият касб этади.

Тазкиранинг муаллифи шоир Журмий Самарқандий ижодидан бир ғазални намуна сифатида келтириб, уни "бисёр некў гуфта"[3] жуда яхши айтилган — деб баҳолайди:

...Лолаҳо набвад ба саҳро, балки, эй Лайли узор,
Қатраҳо афтода аз хуни дили Мажнун ҳама.
Дар шафақ набвад ба гардун шом, эй ширинсухан,
Ғарқи хуни Кўҳкан[4] шуд домани гардун ҳама.

Дарҳақиқат, келтирилган мисоллар ёш шоирнинг бадиий ижодда янгилик сари интилувчи эканидан далолат беради. Иккинчи хил мисоллар эса шоирлар ижодининг асосан шаклпарастлик, тақлиддан иборат эканини аниқлашга ёрдам беради.

Шундай қилиб, Мутрибий шоирлар асарларидан намуналар танлаётганда уларнинг муҳим ёки шоир ижодидаги энг яхшиси бўлишини назарда тутган. Лекин у шу намуналарнинг яхши ёки ёмонлигини эслатиш билан кифояланиб, уларнинг нима учун яхши ва нима учун ёмон эканликларини ҳар томонлама таҳлил қилган эмас.

---

[1] *Мутрибий.* Тазкират уш-шуаро, 74-варақ. Матлаъ:
Нигори сартароши ман дилхоҳ аст тасвираш,
Рухаш оинасту кокули пурпеч занчираш.

[2] *А. Навоий.* Мажолис ун-нафоис, 86-бет.

[3] *Мутрибий, Тазкират уш-шуаро, 72-варақ.*

[4] Фарҳод — Б. В.

Профессор Е. Э. Бертельс XII аср адабиётининг намояндаларидан бири бўлган Низомий Арузийнинг "Чаҳор мақола" асарида кўпгина шоирлар ҳақида маълумот берилганини қайд этиб, афсуски Низомий Арузий эслатиб ўтган кўпгина шоирларнинг номларигина бизгача етиб келган, холос. Шунинг билан бирга бу муаллифларнинг бизгача етиб келмаган асарлари ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас эди, деб ўйлаш ҳам мумкин эмас, деб кўрсатган эди[1].

Профессор Е. Э. Бертельснинг бу фикрларини Мутрибий тазкирасида келтирилган кўпгина шоирларга ҳам татбиқ этиш мумкин.

Иккинчи томондан, "Тазкират уш-шуаро"да келтирилган 320 дан ортиқ кишиларнинг ҳаммаси ҳам ўзбек ва тожик адабиётлари тарихининг тараққиётига муҳим ҳисса қўша олган шоирлар деб айтиш қийин. Буларнинг айримлари, масалан, Мушфиқий, Нисорий, Фузулий ва бошқалар тожик ва озарбайжон адабиётлари тарихида жуда муҳим ўрин эгаллайди. Бошқа кўпчилиги эса шеър айтишга ҳаваскор бўлган, ёки девонлар тузган бўлса ҳам шеъриятнинг кейинги тараққиётида из қолдира олган эмас эди.

Мутрибий тазкирасининг аҳамияти шундаки, у XVI асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган шоир ва адабиёт мухлисларининг номини тарих саҳифасига киритди ҳамда қийматли маълумотлари билан ўша давр адабий ва маданий ҳаётининг қандай даражада эканини ўрганиш учун (тазкиранинг турли хил камчиликларидан қатъи назар) муҳим манбалардан бирига айланиб қолди.

XVII асрнинг II ярмида яратилган тазкиралардан бири шу даврнинг алломаларидан бўлмиш Муҳаммадбадеъ Малеҳо Самарқандийнинг "Музокир ул-асҳоб" асаридир. Муҳаммадбадеъ Малеҳо 1641 йилда Самарқандда туғилиб, замонасининг илмларини ўрганган шоир ҳамда адабиётшунос сифатида шуҳрат қозонган киши. Малеҳо ёшлигидан тазкира ёзишга интилиб, ниҳоят 1689—1692 йиллар орасида ўзининг "Музокир ул-асҳоб" ("Суҳбатдошлар зикри") асарини ёзди.

"Музокир ул-асҳоб"да 200 га яқин замондош шоирлар ҳақида сўз юритган Малеҳо мазмунли ва бадиий юксак шеърларни тушунувчи адабиётшунос ҳамда, шу тазкиранинг биринчи тадқиқотчиси профессор А. Мирзоевнинг ибораси билан айтганда, XVII асрнинг етук "шеърфаҳми ва сухансанжи" сифатида кўринади.

Малеҳонинг тазкираси замондош шоирлар зикрига бағишланган китоб бўлиши билан ҳам улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг

---

[1] *Е. Э. Бертельс.* История персидско-таджикской литературы. ИВЛ, Москва, 1960, 458-бет.

"Мажолис ун-нафоис" тазкирасига яқин турувчи асардир. Тожик тилида ёзилган "Музокир ул-асҳоб" ўзидан олдин яратилган тазкираларнинг анъаналари асосидагина яратилган китоб эмас, балки у илғор анъаналарни XVII аср шароитида мукаммаллаштирган, унга янгиликлар қўшган тазкира ҳамдир. Буни "Музокир ул-асҳоб"га киритилган шоирларнинг деярли ҳаммаси билан Малеҳонинг суҳбатдош бўлганлиги ва шунинг учун асарда ҳар бир шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида кенг, ишонарли маълумот берилганлигидан ҳам билиш мумкин.

Шунинг билан бирга "Музокир ул-асҳоб"нинг яна бир хусусияти, яъни Малеҳонинг шоирлар, санъат аҳли тўғрисидаги мулоҳазаларини тарихий воқеа-ҳодисалар билан боғлаган ҳолда ифода этиши ҳам кўзга ташланиб туради. Бундай хусусият Нисорийнинг "Музаккири аҳбоб"ида бир оз кўринса ҳам "Мажолис ун-нафоис"да кўринмайди. Шунинг учун Малеҳонинг тазкирасини XVII асргача ўзбек ва тожик тилларида яратилган тазкиралар ҳамда адабий-танқидий қарашлар анъаналарини давом эттирган, ривожлантирган асар деб айтиш хато бўлмас. Бир мисол:

Малеҳо Самарқандий "Музокир ул-асҳоб"да замонасидаги ўғри шоирлар ҳақида шундай танқидий шеърни келтиради:

Агар маънй аз байти шахсе рабуд,
Таворуд ниҳад номи дуздй ба худ.
Ба мазмун агар соҳибаш бурд пай,
Ба дандон газад даст, гўяд, ҳай!

(Мазмуни: Айрим шахслар бирор шоирнинг шеърини ўғирлаб, уни ўзлариники деб кўрсатсалару, шеърнинг асл эгаси бу ҳолни билиб қолгудай бўлса, ўзларининг ўғриликларини яшириш учун "бу таворуд[1] бўпти" деб айтадилар).

Худди шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки, Алишер Навоий ҳам ўз вақтида унинг шеърларини (Навоий шеърларини) ўғирлаб, ўзларига нисбат берган сохта шоирларга қараб, бундай ёзган эди:

...Англамайин сўзда туюқ баҳрини,
Қайси туюқ, балки қўшуқ баҳрини.
Лафзлари бемаза, таркиби суст,
Носара маънию адо нодуруст.
Борчасиға даъвии маънии хос,
Хосларим топмай алардин халос.
Равзаи назм ўлғали рангин манга,
Ҳар не йўлуқти санами чин манга.

[1] Таворуд — луғавий маъноси бир вақтда содир бўлишдир. Адабиётшунослар икки шоирнинг бир-биридан хабарсиз ҳолда бир хил маънодаги байт, шеър ёзишлари ҳодисасини таворуд дейишади — Б. В.

Бор эди машшотаи табъим иши,
Бермак алар ҳуснининг оройиши...
...Кийдурубон ҳуллайи мавзун анга,
Зевар этиб юз дури макнун анга.
Қилсам этиб бошдин-оёқ жон ани,
Ҳажлаи ноз ичра хиромон ани,
Чун анга бу хайли жафогар етиб,
Хуллаларин ғорату торож этиб,
Жисмида не ҳулла қўюб, не ҳарир,
Ўзини бедод ила айлаб асир.
Зоҳир этиб йиглагудек ҳол анга,
Кийдурубон эски қаро шол анга.
Турфа буким, шеър қўйиб отини,
Еткурубон кўкка мубоҳотини.
Турфароқ улким, тониримни билиб,
Ҳақдин уялмай, манга зоҳир қилиб.
Ваҳки манга жилвагар айлар чоғи,
Истабон эҳсон доғи, таҳсин доғи.
Кўнглима кўп теғи жафо урдилар,
Дема кўнгул жонима еткурдилар[1].

Навоий бундай бадкирдор "шоирлар"га қараб:

Ўзда йўқ эрдим бу сўз айтур замон,
Барчалари яхши эрур мен ёмон,—

деб ҳам айтади. Бу далил Навоий ва Малеҳонинг адабий-танқидий қарашларидаги ҳамоҳангликдан далолат беради.

Малеҳо тазкирасининг яна бир хусусияти шундаки, унда шоирлар араб алифбоси асосида жойлаштирилган бўлиб, ҳар бир ҳарф билан бошланадиган бўлимнинг олдидан кичик дебоча берилади. Бу дебочада шу қисмнинг мақсади ва у кимларнинг зикрига бағишлангани ёзилади.

Малеҳо шоирлар ижодига баҳо беришда, уларнинг муҳим хусусиятларини аниқлашда асарларнинг мазмундорлиги ва бадиийлигига катта эътибор берувчи илғор шеършунос эканини кўрсатади. Бунинг учун Малеҳонинг Саидойи Насафий, Нозим Ҳиравийлар ҳақида ёзганларини эслатиш мумкин.

Демак, Алишер Навоийдан Малеҳо Самарқандийгача бўлган даврда тазкирачилик бир хилда давом этмаган. Ўрта аср шароитига нисбатан илғор савия ва йўналишдаги шеършунослар мумтоз адабиёт ва адабий-танқидий қарашларнинг анъаналарига эргашиш билангина чегараланиб қолмасдан, балки анъанани

[1] *Алишер Навоий.* Хамса. ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1960, 35—36-бетлар.

ривожлантириб, унга янгиликлар қўшиб борганлар. Бинобарин ўрта асрдаги ўзбек ва тожик адабий-танқидий қарашлари қотиб қолган, бир хил шаклда давом этган деб тушуниш мутлақо хатодир. Ўтмишдаги илғор адабий-танқидий қарашлар доим ўсиш ва ривожланишда бўлиб, ҳаётий юксак асарлар ёзиш ишига ўз ҳиссасини қўшиб келди, шундай асарларнинг муаллифларини қўллаб-қувватлашга интилди.

XVI—XVII асрларда "Мажолис ун-нафоис" йўналишида яратилган тазкираларга диққат билан қаралса, улар бири иккинчисининг давомидай бўлиб туюлади. Агар Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"да XV асрнинг адабий ва маданий ҳаётини ёритса, Ҳасан Нисорий ўз тазкирасида "Мажолис ун-нафоис"нинг яратилиши давридан 1566 йиллар орасида Ўрта Осиёдаги маданий ва адабий ҳаёт тўғрисида маълумот беради; агар Мутрибий "Тазкират уш-шуаро"да 1566—1605 йиллар орасида Ўрта Осиё, хусусан Самарқанд ва Бухородаги маданий ҳаётни ёритса, Малеҳо Самарқандий XVII асрнинг 90 йилларигача бўлган адабий ва маданий ҳаётни ёритади. Шундай қилиб, булар занжирдай ўзаро боғланган тазкиралар туркумини ташкил этадики, бу тазкиралар туркуми XV—XVII асрлардаги адабий ва маданий ҳаёт ҳақида ҳамда шу даврда яшаб ижод этган 1200 га яқин шоир ва адабиёт мухлислари тўғрисида ишонарли маълумотлар бсради, уларнинг асарларидан намуналар келтиради. Шу туфайли ҳам мазкур тазкиралар туркуми XV—XVII асрлардаги ўзбек ва тожик адабиёти тарихини ҳар томонлама ёритишда ўта муҳим манбалардир.

Шуни ҳам эслатиш жоизки, XVI—XIX асрлар давомида "Мажолис ун-нафоис"нинг таъсир ва фойдаланиш доираси кенгайиб кетиб, Ҳиндистон тазкиранавислари диққатини ҳам ўзига тортди. Шу сабабли Ҳинд ўлкасида яратилган тазкираларнинг кўпчилигида XV аср адабий муҳити вакиллари ҳақида берилган маълумотлар "Мажолис ун-нафоис"га асосланди, ҳамда унинг муаллифи Навоий — Фоний тўғрисида алоҳида маълумот берилди. Жумладан, бу ҳолни XVI асрнинг иккинчи ярмида Комий Қазвин томонидан тузилган "Нафоис ул-маосир", XVII асрда Шерхон ибни Мажидхон Лудий томонидан ёзилган "Миръот ул-хаёл" тазкираларида ҳам кузатиш мумкин. Шу нуқтаи назардан XVIII асрда Ҳиндистонда Алиқулихон Вола Доғистоний томонидан яратилган "Риёз уш-шуаро" тазкираси алоҳида аҳамиятга молик-дир[1].

---

[1] *Б. Валихўжаев.* Алиқулихон Вола ва унинг "Риёз уш-шуаро" тазкираси. Адабий мерос, 1987, 4(42)-сон, 35—41-бетлар; Яна ўша муаллиф: "Риёз уш-шуаро"да ўзбек адабиёти намояндалари. Адабий мерос, 1988, 4 (46)-сон, 21—26-бетлар.

Алиқулихон Вола Доғистоний (1712—1756-57) XVIII асрда яшаб ижод этган, араб, форс, урду ва туркий тилларни мукаммал эгаллаган шоир ва адабиётшуносдир. Воланинг "Риёз уш-шуаро" ("Шоирлар бўстони") тазкираси муаллифга айниқса, катта шуҳрат келтирди.

1748 йилда тузилган "Риёз уш-шуаро" X—XVIII асрлар давомида яшаб ижод этган 2594 шоир ва қалам аҳлидан баҳс юритувчи тарихий-замонавий тазкирадир. Бу асар ўзининг кўпқирралилиги билан ажралиб туради. Чунки у фақат тазкирага хос хусусиятлари билангина эмас, балки энг яхши ғазал, қасида, рубоий, қитъа баъзан маснавийлардан олинган намуналар тўплами, гулдаста-баёз сифатида ҳам кўзга ташланади. Шунинг билан бирга асарда аруз, қофия, бадиий санъатлар ҳақидаги рисолаларнинг киритилгани ҳам ҳисобга олинса, унда "Риёз уш-шуаро"нинг ҳам тазкира ва ҳам ўзига хос хрестоматия (баёз, жунг) эканлиги кўзга ташланади. Шу жиҳатдан қараганда Вола ўзигача мавжуд бўлган тазкиралар, жумладан Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис"и тузилишидаги анъанани янгиликлар қўшиш билан давом эттиргани маълум бўлади.

"Риёз уш-шуаро"да ҳам шоирлар абжад усулидаги алифбо тартибида жойлаштирилган. Бундай тартиб эса XVI—XVII асрларнинг бошида яшаб ижод этган самарқандлик Мутрибийнинг "Тазкират уш-шуаро"сида қўлланилгани юқорида эслатилган эди.

Вола тазкирасида шоирлар таржимаи ҳоли ҳамда ижодига доир турли ҳажмдаги маълумотдан сўнг улар ижодидан кўплаб мисоллар келтирилади. Шуниси муҳимки, тазкирада фақат форсигўйлар эмас, балки туркийгўй шоирларга ҳам кенг ўрин ажратилиб, улар ижодидан намуна келтиришга катта эътибор қилинган.

Тазкирада Рўдакий, Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Бедилга ўхшаш забардаст сиймоларга кенг маълумот берилиб, шунинг билан бирга муаллиф замонасидаги бадиий ижод аҳлига ҳам кенг ўрин ажратилган. Шуниси борки, Вола бу тазкирада ҳам ўтмиш адабиётини тадқиқ этувчи адабиётшунос, ҳам ўз замонасидаги адабий жараённинг танқидчиси сифатида намоён бўлади. Вола адабиётшунос сифатида ҳар бир шоир ижодининг ўзига хос хусусиятлари ва адабиёт тарихидаги хизматларини белгилашга ҳаракат қилади. Бу жиҳатдан унинг Шайх Саъдий, унинг ғазал жанри соҳасидаги алоҳида хизматлари хусусидаги мулоҳазалари, замондоши бўлган шоирлар (жумладан, Шайх Муҳаммад Али Ҳазин) ижодига бўлган муносабати диққатга сазовордир.

Вола Доғистоний форс тилидаги адабиёт намояндалари адабий-илмий мероси билан бир қаторда туркий тилдаги адабиёт, жумладан ўзбек адабиётининг кўпгина вакиллари асарларини аслият тилида мутолаа қилади ва муаллифлари ҳақида маълумот тўплайди. Шунинг натижасида "Риёз уш-шуаро"да туркий тилда

ижод қилган адибларнинг номлари ҳам самимият билан қайд қилиниб, асарларидан намуналар келтирилган. Булар орасида озарбайжонлик Муҳаммад Фузулий, туркманлардан бўлмиш Байрамхон, ўзбек адибларидан Малик ул-калом Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Солиҳ каби қалам соҳибларини учратиш мумкин. Воланинг бу шоирлар ҳақидаги маълумотлари Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис"и, озарбайжонлик муаллифларнинг тазкиралари, "Бобурнома" ва бошқа манбалардан олинган. Бу фикрни "Риёз уш-шуаро"да Мавлоно Лутфий ҳақида келтирилган маълумот очиқ-ойдин тасдиқлайди. Вола шундай ёзади:

"Мавлоно Лутфий — зикри вай дар "Мажолис"и Амир Алишер шуда. Дар туркӣ ва форсӣ шаър мегуфтааст. Ўрост:

Эй зи зулфи шабмисолат сояпарвар офтоб,
Шоми зулфатро ба жои моҳ дар бар офтоб.

(Мазмуни: Мавлоно Лутфий — унинг зикри Амир Алишернинг "Мажолис"ида бор. Туркий ва форсий шеър айтар экан. Унинг шеърларидандир (шеър.)

Кўринадики, Вола XV аср шоирлари, хусусан туркийгўйлар ҳақида сўз юритаётганда Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"ига асосланади ва ўқувчини ҳам унга мурожаат қилишга ундайди. Бу ҳол эса XVIII асрда Ҳинд ўлкасида Навоийга нисбатан бўлган эҳтиром ва ихлоснинг натижаси сифатида муҳимдир[1].

Шуни эслатиш жоизки, тазкирада турли муносабат билан Алишер Навоий ва унинг асарларига мурожаат этишни кузатиш мумкин. Жумладан, Вола XV аср шоир ва олимларидан бўлмиш Саид Қутбиддин, Бадеий Сарахсий, Қози Абулбарака Самарқандий, Мирхонд, Мавлоно Муҳаммад Жомий (Абдураҳмон Жомийнинг укаси), Мавлоно Риёзий, Мавлоно Фасиҳиддин, Муҳаммад Солиҳ, Сафоий кабилар ҳақида сўз юритар экан, у ёки бу тарзда Алишер Навоийни тилга олади, унинг маълумотларига таянади. Бу ўринда иккита муҳим туюлган далилни келтириш маъқул кўринди. Биринчидан, Вола тазкирада Моҳий тахаллусли шоира ҳақида шундай ёзади, (мазмуни):

"Моҳий — оти Офоқ бўлиб, Нисорий тахаллусли Муҳаммад Али Жалойирнинг синглисидир. Айтурларки, сўз ва атворда акасидан юқори турарди.

Унинг байтларидан:

Оҳ аз он зулфе, ки дорад риштаи жон тоб аз ў,
Вой аз он лаъле, ки ҳар дам мехўрам хуноб аз ў.

[1] *Б. Валихўжаев.* Навоийнинг Ҳиндистонлик мухлислари. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1985, 22 февраль, 3, 5-бетлар.

(Мазмуни:

Сочи жонимнинг ришталарини чирмаштиради,
Лабининг лаъли туфайли ҳар дам қон ютаман.)
Ашке, ки сар зи гўшаи чашмам бурун кунад,
Бар рўи ман нишинаду даъвои хун кунад.

(Мазмуни:

Кўзумнинг четидан бошини чиқарган кўз ёши,
Юзимда ўтириб олади-ю қон даъвосини қилади)

"Тазкират ун-нисо" муаллифининг ёзишича, Моҳий кўп муддат Балх ҳокими бўлган, Алишер Навоийнинг укаси Дарвеш Али китобдорнинг умр йўлдошидир"[1].

Бунда Алишер Навоий укаси Дарвеш Алининг умр йўлдоши шоира бўлгани, яхши шеърлар битгани ҳақида келтирилган маълумотлар Навоий таржимаи ҳолини ўрганишда фойдадан холи эмас.

Иккинчи далил. Вола "Риёз уш-шуаро"да Мавлоно Шайхий номли шоир ҳақида сўзлаб, шундай ёзади (мазмуни): "Мавлоно Шайхий. Амир Алишер бу шоирни ("Мажолис ун-нафоис"да) келтириб, "Табас вилоятидан бўлиб, менинг замондошларимдандир", деб таъкидлагани ҳолда Тақий Авҳадий (бу шахс Воланинг катта замондоши, "Арафот ул-орифин" тазкирасининг муаллифи — *Б. В.)* Шайхийни Моваройуннаҳрдандир, деб ёзипти. Тақий Авҳадийнинг Алишер Навоийни ёлғончиликда айблашдан қандай мақсадни кўзлагани менга маълум бўлмади"[2]. Бундан кўринадики, Вола Навоий келтирган маълумотларга шубҳа билдириш ёки унга "тузатиш" киритишга бўлган интилишларни маъқулламаган, чунки Навоий қаламига мансуб сўзларни мутлақо асосли ва ишонарли деб билган. Дарҳақиқат, бу баҳсда Вола ҳақ. Зеро Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида Мавлоно Шайхий ҳақида ниҳоят ишонарли маълумотни келтирган: "Мавлоно Шайхий — Табасликдур. Муддате Ироқға борди. Андин келганда адвор ва мусиқийға ҳам соҳибвуқуф бўлиб келди, гўёки ишлар доғи тасниф қилибдур. Табасдағи авқоф ва тавлият ва шайхлиғин қабул қилиб, ҳоло ул ишга машғулдур.

Бу матлаъ анингдур ким:

Ин на доғест, ки бар синаи сўзони ман аст,
Меҳри ишқ аст, ки аз меҳри ту бар жони ман аст"[3].

---

[1] *Вола.* Риёз уш-шуаро, акс нусха, 744—745-бетлар.

[2] Кўрсатилган асар, 386-бет.

[3] *Алишер Навоий.* Мажолис ун-нафоис. Тошкент, 1961, 122-бет.

"Риёз уш-шуаро"нинг икки жойида, яъни аввал "ф" ҳарфи бобида (Алишер Фоний), кейинчалик "нун" ҳарфи бобида (Алишер Навоий) Алишер Навоий ҳақида сўз юритилади. Агар бу бобларда келтирилган маълумотларга диққат қилинса шу нарса аниқ бўладики, Вола Алишер Навоийнинг шахсий, ижодий ва ижтимоий фаолиятидан яхши хабардор бўлган. Вола тазкиранинг "ф" бобида Алишер Навоийга бағишланган зикрида сўзни унинг маънавий камолоти, илм-санъат аҳлига ғамхўрлиги ва, хусусан, бева-бечоралар аҳволини яхшилашга алоҳида эътибор берганидан бошлаб, шундай ёзади: (мазмуни) "Низомиддин Амир Алишер Фоний шуҳрати бениҳоялигидан таъриф ва тавсифлашга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Ташқи қиёфа ва маънавиётда камолот манбаи бўлиб, фазл ва камол арбобларини парвариш этишда бағоят саъй қилар, хусусан нотавон ва бехонумонлар аҳволини яхшилашда ҳиммат кўрсатарди. У кўп вақтини мадраса, масжид ҳамда турли иморатларни ободонлаштиришга сарфлар эди"[1]. Шу тарзда давом эттириб, Навоийнинг тарбиясида ўн икки мингга яқин мадраса талабалари, шоирлар, олимлар, музаҳҳиблар, рассомлар, саҳҳофлар, заргар, дурадгор ва бинокор усталар камолот даражасига етганликлари таъкидланади. Тўғри, ҳозирги замон ўқувчисига бу сўзлар аллақачон маълум бўлиб, ҳатто айримлари муболағадек туюлса керак. Аммо Вола Доғистоний замонасида, хусусан XVIII асрда Ҳиндистондай ўлкада Алишер Навоий ҳақидаги бундай самимий мақтовлар ниҳоят мароқлидир. Шундан сўнг Вола Алишер Навоийнинг Абдураҳмон Жомий билан бўлган ижодий муносабатларини, улар ўртасидаги самимийликни алоҳида уқтиради.

Воланинг Алишер Фоний ҳақидаги зикрида яна бир қанча диққатни ўзига тортувчи фикрлар ҳам учрайди. Жумладан: "(Алишер Фоний) уч тилда (араб, туркий ва форсий) шеър ёзар экан, фақир унинг араб тилидаги шеърларини кўрмадим, аммо туркий шеърларини ҳамиша мутолаа қилиб тураман. Туркий тилда ҳар бирининг алоҳида номи бўлган уч девони, турли маснавийлари бор. Масалан, "Наводир уш-шабоб", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Искандарнома", "Назм ул-жавоҳир" ва бошқалар. Амир Алишернинг туркий тилда битган манзумоти ва бошқа асарлари йигирма уч жилд бўлиб, бу фақир уларнинг ҳаммасини кўриб, файзлар топганман"[2].

[1] *Вола.* Риёз уш-шуаро, акс нусха, 568—569-бетлар.

[2] *Вола.* Риёз уш-шуаро, 568-бет.

Бунда Навоийнинг уч тилда, жумладан араб тилида ҳам шеърлар ёзгани ҳақидаги мулоҳаза эътиборни ўзига тортди. Тўғри, Вола Навоийнинг араб тилидаги шеърларини кўра олмаганини таъкидлайди. Аммо навоийшуносликда "Сабъат ул-абҳур" номли арабча луғатнинг Навоийга нисбат берилишига доир маълумотлар ҳисобга олинса, унда араб тилини мукаммал билган Навоийнинг бу тилда шеърлар ҳам ёзгани маълум даражада ҳақиқатга яқин деб тахмин қилишга асос бўла олади. Чунки Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн"да туркий ва форсий тиллардангина баҳс юритиб қолмай, балки ўрни билан араб тилига, унинг нозикларига ҳам мурожаат этади ва бу соҳанинг билимдони эканини ҳам намойиш этади. Шунга илова, Навоий достонлари, шеърларида араб тилидаги мисра ва ибораларнинг ҳам кенг ишлатилгани, "Хазойин ул-маоний"нинг эса машҳур "Ашрақат мин акси шамс-ил-каъс анвор-ил-худо" мисраси билан бошланадиган ғазал билан очилиши ҳам Воланинг ёзганларида ҳақиқатнинг маълум бир ёлқини борлигидан далолат беради. Иккинчидан, юқорида келтирилганидай, Вола Алишер Навоий куллиётини ўқиган ва унинг ўзбек тилидаги асарлари йигирма уч жилддан иборат деб айтишида шу куллиёт асос бўлган кўринади.

Демак, Ҳиндистоннинг шарқ қўлёзма хазиналарида ёки шахсий кутубхоналарида эҳтимолки ана шу куллиёт мавжуддир. Агар бу аниқланса, унда куллиёт тарихини ўрганиш янги-янги хулосаларга келишга сабаб бўлар. Ҳозирча, бу куллиёт қачон, қаерда, ким томонидан кўчирилган экан, унинг таркибига қандай асарлар киритилган экан, деган саволларга жавоб айтиш қийин. Вақтисоати билан уларга жавоб топилади, албатта. Шуни ҳам эслатиш лозимки, Воланинг айрим маълумотлари, жумладан, Навоийнинг туркий тилдаги девонлари сонини учта деб кўрсатиши таҳрирталаб бўлишига қарамай, умуман уларда Навоийнинг ҳиндистонлик мухлисининг самимияти, унга нисбатан садоқати баралла сезилади.

Вола Навоийнинг ёш қаламкашларга кўрсатган ғамхўрликлари ва мураббийлигини Бадриддин Ҳилолий мисолида кўрсата олган. Шундан сўнг "ф" бобидаги "Алишер Фоний" зикри шоирнинг форс-тожик тилидаги ғазал ва қасидаларидан намуналар келтириш билан ниҳоясига етади.

Юқорида уқтирилганидек, тазкиранинг "нун" ҳарфи бобида ҳам Алишер Навоий ҳақида алоҳида мақола келтирилган. У "ф" ҳарфи бўлимида Алишер Фоний ҳақидаги маълумотларни такрорламайди, аксинча бунда туркийгўй Навоийдан баҳс юритилади: "Амир Алишер Навоий. Бу олий зотнинг,— деб ёзади Вола,— қисқача баёни "ф" равзасида ўтган эди.

Туркий шеърларда Навоий тахаллусини қўллагани жиҳатидан унинг туркий тилдаги балоғатосор афкоридан байтбарак тарзида манзур этиш мақсадида "нун" равзасидан ҳам жой олди"[1].

Шундан сўнг Алишер Навоий ғазалларидан араб алифбоси тартибида 215 байтни, рубоийларидан эса 16 тасини танлаб, тазкирасига киритган. Танланган байт ва рубоийлар Алишер Навоий шеъриятининг энг гўзал намуналаридан бўлиб, бу Волонинг ўзбекча байт ва ғазалларни нозикфаҳм шеършунос сифатида танлаб олганидан, ўқувчиларда Навоий маҳоратидан тасаввур ҳосил қилдиришга интилганидан далолат беради. Айтилганларнинг исботи учун тазкирага киритилган айрим мисолларни келтириш мумкин:

Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқидин олам менга ҳайрону мен ҳайрон анга.

Кўнгуллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач,
Эрур андоққи, қушлар кичқиришқойлар йилон кўргач.

Ул пари куйида мен девонани банд айлангиз,
Банд-бандим зулфи занжирига пайванд айлангиз.

Оразин ёпғоч кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш...

Рубоий:

Жонимдағи "жим"ики долингға фидо,
Андин сўнг "алиф" тоза ниҳолингға фидо.

"Нун"и дағи анбарин ҳилолингға фидо,
Қолғон "ики нуқта" икки холингға фидо.

Шундай қилиб, Волаи Доғистоний ўзининг "Риёз аш-шуаро" тазкирасида Алишер Навоий ҳаёти, ижоди, асарлари ҳақида самимият билан сўз юритиб, шеъриятидан мисоллар келтириб, бир томондан, бу улуғ зотга нисбатан бўлган меҳр ва муҳаббатини ифода этган бўлса, иккинчи томондан, XVIII аср Ҳиндистон илмий-адабий муҳитида Навоий ва унинг ижодига бўлган ижобий муносабатни ҳам баён этди. Бунинг натижасида ҳинд ва ўзбек адабий-илмий алоқалари тарихини янги саҳифалар билан бойитди.

Қадимий тарихга эга бўлган тазкира ёзиш анъанаси XIX ва XX асрнинг бошларида ҳам давом этди. Бунинг натижасида

[1] *Вола.* Риёз уш-шуаро, 860—867-бетлар.

мазкур даврда турли услуб ва ғоявий йўналишдаги бир неча тазкиралар майдонга келди.

XIX асрнинг биринчи чорагида яратилган "Мажмуаи шоирон", 1871 йилда Қори Раҳматулла Возеҳ томонидан тузилган "Туҳфат ул-аҳбоб фи тазкират ул-асҳоб", XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида тартиб берилган "Тазкираи Фаҳмий", Абдулазим Шаръийнинг "Тазкират уш-шуаро", Мирсиддиқ Ҳашматнинг "Тазкират уш-шуаро", Афзал Пирмастийнинг "Афзал ут-тазкор фи зикр уш-шуаро в-ал-ашъор", Абдуллахожа Абдийнинг "Тазкират уш-шуарои мутааххирини Бухоро", Муҳаммад Шариф Садр Зиёнинг "Тазкор ул-ашъор", Ҳожи Неъматулло Муҳтарамнинг "Тазкират уш-шуаро", Аҳмаджон Табибийнинг "Мажмуаи си шуарои Фирузшоҳий", "Мухаммасоти мажмуат уш-шуарои Фирузшоҳий" кабилар ана шундай тазкиралардандир.

Бу тазкираларнинг XIX асрдан олдинги тазкиралар билан умумийлиги ҳамда баъзи ўзига хос хусусиятлари ҳам борки, қуйида шулар тўғрисида фикр юритилади. Биринчидан, юқорида номлари эслатилган тазкиралардан Возеҳ, Фаҳмий, Шаръий, Ҳашмат, Афзал, Абдий, Садри Зиё, Муҳтарамларнинг асарлари тожик тилида ёзилган бўлса, Аҳмаджон Табибийнинг ҳар иккала асари ҳам ўзбек тилида яратилган. "Мажмуаи шоирон" тазкираси ҳам ўзбек ва ҳам тожик тилларида ёзилган. Кўринадики, мазкур даврнинг тазкиранавислигида икки тилда асарлар ижод қилиш каби қадимий анъанага риоя қилинган. Бу асарлар, қайси тилда ёзилган бўлишидан қатъи назар, ўзбек ва тожик халқлари адабиёти тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Иккинчидан, XIX ва XX асрнинг бошларида майдонга келган тазкиралар ўзининг тузилиши, маълумотларни қамраб олиши нуқтаи назаридан икки гуруҳга бўлинади.

Возеҳ, Ҳашмат, Садри Зиё кабилар томонидан тузилган тазкираларда турли жуғрофий муҳитда яшаган шоир ва шоиртабълар ижодига, холисона ёндашишга интилиш, уларнинг таржимаи ҳоли ва шеърияти тўғрисида ишонарли тарзда фикр юритиш сезилиб туради.

Иккинчи гуруҳ тазкираларига эса "Мажмуаи шоирон", "Афзал ут-тазкор", "Мажмуаи сй шуарои Фирузшоҳий", "Мухаммасоти мажмуат уш-шуарои Фирузшоҳий" каби тазкираларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Чунки бу тазкиралардан биринчиси ("Мажмуаи шоирон") XIX асрнинг бошларида Қўқон хонлигида тўпланган шоирлардан баҳс этса, XX асрнинг бошларида тузилган "Афзал ут-тазкор"нинг муаллифи Афзал Пирмастий эса кўпроқ Бухоро хонлигидаги шоирларни тазкирага киритади. Хоразмда тузилган икки тазкира эса Муҳаммад Раҳим II (Фируз) ва унинг атрофидаги шоирлардан сўз юритади. Шуни ҳам таъкидлаш

лозимки, мазкур тазкиралар ўша давр адабий муҳити ҳақида тўла тушунча ҳосил қилиш учун хизмат қилади.

Учинчидан, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, XIX ва XX асрнинг бошларида яратилган тазкиралардан бир қисми наср билан ёзилган бўлса (Возеҳ, Ҳашмат, Фаҳмий, Шаръий, Афзалларнинг асарлари), айримлари шеърий тарзда ёзилган.

XIX асргача Ўрта Осиё ҳудудида шеърий тарзда тазкира ёзилганлиги ҳақида маълумот бўлса-да, аммо у бизгача етиб келмаган. Шунинг учун XIX асрнинг бошларида ўзбек ва тожик тилларида ёзилган "Мажмуаи шоирон" бизгача етиб келган тазкиралар ичида шеърий тарзда яратилган дастлабки асар эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу тазкирадан сўнг XIX асрнинг II ярми ва XX асрнинг бошларида Бухоро ва Хоразмда ҳам шеърий тазкираларнинг намуналари яратилди (Садри Зиёнинг "Тазкор ул-ашъор"и ва Аҳмад Табибийнинг тазкиралари).

Тўртинчидан, XIX ва XX асрнинг бошларидаги тазкиралар тузилиши жиҳатидан икки хилдир. Бу тазкираларнинг кўпчилиги ("Мажмуаи шоирон", Аҳмад Табибий, Возеҳ, Шаръий, Садри Зиё, Афзал тазкиралари) замондош шоир ва шоиртабъларга бағишланган бўлса, айримлари тарихий-замонавий тазкиралар хилига мансуб бўлиб, уларда бир неча аср мобайнида яшаб ижод этган шоир ва шоиртабълар тўғрисида фикр юритилади (Мирсиддиқ Ҳашмат ва Абдумуталлибхожа Фаҳмийнинг тазкиралари).

Демак, мазкур даврда тазкирачилик анъанаси тарихидаги икки хил тазкира (тарихий-замоний ва замондошларга бағишланган) ёзиш услуби давом этган бўлса-да, Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"и каби замондош шоирлар ҳаёти ва ижодига бағишланган тазкиралар аксариятни ташкил қилиб, улуғ ўзбек мутафаккири Алишер Навоийнинг бу соҳадаги хизматлари қўллаб-қувватланган эди. Шунинг билан бир қаторда мазкур даврдаги тазкираларда тузилиш жиҳатидан шундай бир янгилик майдонга келдики, у Ўрта Осиёда XIX асргача мавжуд бўлган тазкирачилик тарихида учрамасди. Бу янгилик шундан иборатки, ҳамма шеърий жанрдаги асарларни қамраб олувчи, маълумот берувчи тазкиралар билан бир қаторда, маълум бир жанр асарлари ва унинг муаллифларидан баҳс юритувчи тазкиралар ҳам майдонга келди.

Масалан, Аҳмаджон Табибий 1908 йилда Хоразм хони даргоҳидаги шоирларнинг фақат ғазалларини ўз ичига олувчи ва шу ҳақда маълумот берувчи "Мажмуаи шуарои Фирўзшоҳий" тазкирасини, 1909 йилда эса шу шоирларнинг асосан мухаммас ва мусаддасларидан баҳс этувчи "Мухаммасоти мажмуат уш-шуарои Фирўзшоҳий" асарини ёзган эди.

Бундай ҳол, яъни жанрий ёки соҳавий тазкира тузиш Шарқдаги тазкиранавислик тарихи учун янгилик эмас эди. Чунки XVII

асрнинг муаллифи Абдунаби Фахруззамоний ўзининг "Тазкираи майхона"сида соқийнома ёзган муаллифларни киритган бўлса, XVIII асрнинг тазкиранависларидан Ғуломалихон Озод эса ўзининг "Хизонаи Омира"сида асосан қасида ёзган шоирлардан сўз юритган. Аммо, шунга қарамасдан, Аҳмаджон Табибийнинг асарлари жанрий ёки соҳавий бўлишлари билан Ўрта Осиёдаги тазкиранавислик тарихи учун янгилик эди.

Бешинчидан, XIX ва XX асрнинг бошларида яратилган тазкираларнинг айримларида шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз юритаётганда манбаларга танқидий ёндашиш, турли манбаларнинг маълумотларини бир-бирига таққослаш, солиштириш ва улардан тўғриларини танлаб олишга интилиш ҳам кўзга ташланади. Бундай ҳол хусусан Ҳашматнинг тазкирасида намоён бўлади. Бу, бир томондан, тазкира тузиш маданияти ва савиясининг илмий тадқиқот ишларига яқинлаша олганидан далолат берса, иккинчи томондан, тазкиранавислик анъанаси хусусиятларига ижодий ёндашилганликни ҳам кўрсатади.

Шундай қилиб, юқорида қайд қилинган хусусиятлардан келиб чиқиб, XIX ва XX асрнинг бошларида майдонга келган тазкиралардан муҳимлари устида тўхталиб ўтмоқчимиз.

"Мажмуаи шоирон". Кўпгина адабиётшунос ва шарқшунос олимлар (Возеҳ, С. Айний, В. Э. Бертельс, Н. Н. Иванов, О. Шарафуддинов, В. А. Абдуллаев, Х. Мирзозода, А. П. Қаюмов) мазкур тазкиранинг хусусиятлари ва аҳамияти тўғрисида баъзи фикр ва мулоҳазаларни баён қилганлар. Чунки бу асар XIX асрнинг биринчи чорагида ўзбек ва тожик адабиётлари тарихини ўрганиш ва ёритишда қийматли манбалардан бири саналади.

"Мажмуаи шоирон"нинг кўпгина қўлёзма нусхалари бизгача етиб келган. Бу қўлёзма нусхалар Тошкент, Санкт-Петербург ва бошқа шаҳарлардаги Шарқ қўлёзмалари хазиналарида сақланмоқда. Шунинг билан бир қаторда, "Мажмуаи шоирон" 1902 йилда Абдулманноф қори бинни Абдулваҳҳоб котиб томонидан кўчирилган нусха асосида Тошкентдаги босмхонада нашр ҳам қилдирилган. Тошбосма нусханинг кенг тарқалганини назарга олиб, биз ҳам шу асосда фикр юритамиз, тегишли мисолларни шу нашрдан олиб, бетларини мисоллардан сўнг қавсда кўрсатиб борамиз.

Аабиётшуносликда "Мажмуаи шоирон"нинг тузувчиси — муаллифи Фазлий Намангоний деган фикр тарқалган бўлса ҳам, аслида бу тазкирани XIX асрнинг биринчи чорагида Қўқонда яшаб ижод этган муаллифлар жамоаси тузган. Фазлий Намангоний ана шу муаллифлардан бири ва етакчиси саналган. Бу ҳолни Фазлийнинг ўзи ҳам қайд қилиб, қуйидагича ёзади:

Манам як тан аз чомеъи ин китоб,
Ки дроад дар ин аср Фазлй хитоб. (196)

(Мазмуни: Бу китобни тўпловчилардан бири мен бўлиб, бу даврда мени Фазлий деб атайдилар.)

"Мажмуаи шоирон"ни тузишда қатнашган яна бошқа муаллифлардан Мирзо Қаландар Муширф Исфароиний ва Хотиф тахаллусли Абдунаби Хўжандийларни кўрсатиш мумкин. Чунки, "Мажмуаи шоирон"нинг Умархон (413-бет) ва Нола тўғрисидаги (216-бет) шеърий маълумотларнинг Муширф Исфароиний томонидан, Умархон (392-бет) ва Ҳозиқ ҳақидаги (92-бет) шеърий маълумотларнинг Хотиф Хўжандий томонидан ёзилганлиги ана шу фикрни қувватлайди. Масалан:

"Мажмуаи шоирон"нинг 413 бетида Амирий (Умархон)нинг "бири" радифли ғазали олдидан Мирзо Қаландар Муширфнинг қуйидаги маснавийси келтирилган:

Топиб зоҳид атворидин иштибоҳ,
Бу туркий ғазални рақам қилди шоҳ.
Эрур тўтик табъи шаккармақол,
Ки андин етар завқ аҳлиға ҳол.
Худо бергай они муродин тамом,
Бўлуб умр ила давлати мустадом.
Бўлуб душмани олида поймол,
Сарафкандаву хору ошуфта ҳол.
Қаю тил била васфин айлай баён,
Ҳамма ер сўз андин эрур осмон.
Қилиб маснавий Муширфи нотавон,
Камолини этти бу ерда баён.
Ҳаёлингни аввал баланд айлагил,
Ўқуб бу ғазални писанд айлагил.

Иккинчи мисол, шу китобнинг 92-бетида Жунайдулло Ҳозиқнинг қасидасидан олдин Хотифнинг Ҳозиқ ҳақидаги маснавийси келтирилганки, унда, жумладан қуйидаги байтлар бор:

Надонам чи сон Ҳозиқи некфан,
Ба тавсифи шаҳ дод доди сухан.
Ки дар ин қасида намуд иқтидор,
Фузунтар з-андешаи рўзгор.
Бувад Хоҳиф аз фикри ў инчунин,
Назебад ба назмаш ба чуз офарин.

(Мазмуни: Билмадим, донишманд Ҳозиқ шоҳ мадҳида қандай қилиб бу олижаноб тавсифни бита олди. Бу қасидада у шунчалик қудратини намоён этдики, бу рўзгорнинг андишаларидан ҳам

кўпроқдир. Хотиф ҳам унинг назмига офарин дейишдан бошқа сўз топа олмади.)

"Мажмуаи шоирон" Қўқон хони Умархоннинг топшириғи билан Фазлий раҳбарлигидаги ана шу муаллифлар ҳайъати томонидан 1821 йил январь ойида ёзиб тугалланади.

Асарда XIX асрнинг биринчи чорагида, хусусан Амир Умархон ҳукмронлиги даврида (1810—1822) Самарқанд, Хўжанд, Тошкент, Андижон, Марғилон, Бухоро, Ҳирот, Балх, Қошғар каби 20 дан ортиқ вилоятлардан Қўқонда йиғилган, ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган 80 дан кўпроқ шоирларнинг асарлари тўпланилиб, шоирларнинг таржимаи ҳоли ва ижоди ҳақида турли ҳажмда маълумотлар берилган.

"Мажмуаи шоирон"га киритилган шоирлар турли ижтимоий гуруҳнинг вакили бўлиб, улар орасида амир ва амирзода, вазир ва сарой амалдорлари, қози ва шаҳар ҳокими, мадраса мударрислари, мунший, сипоҳий ва бошқаларни учратиш мумкин. Асарда шоирлар билан бир қаторда шоиралар Маҳзуна, Увайсий ҳақида ҳам маълумот берилиб, уларнинг асарларидан намуналар келтирилган.

Шуни ҳам уқтириш лозимки, "Мажмуаи шоирон"да зикр қилинганларнинг ҳаммаси ҳам касбий шоир бўлмасдан, балки кўпчилиги шоирликни ўзига қўшимча бир ҳавас деб билган кишилардир. Шунинг учун тазкирада номи зикр қилинган, асарларидан намуналар келтирилган ҳамма шоирлар ҳам ўзбек ва тожик адабиётлари тарихида из қолдира олган эмаслар. Асарда номлари тилга олиниб, асарларидан айрим намуналар келтирилган Муҳаммадшариф Гулханий, Маҳмуд Махмур, Одинамуҳаммад Маъдан, Жаҳон Увайсий, Меҳрубон Маҳзуна, Жунайдулло Ҳозиқ, Шермуҳаммад Акмал, Муҳаммадғозий Ғозий, Нодир Хўқандий, Мужрим ва шунга ўхшаш шоирлар ўзбек ва тожик тилларида ёзилган адабий мерослари билан адабиёт хазинасини бойитдилар, унинг ривожи ва такомиллашувига ҳисса қўша олдилар.

Тазкирага ўзбек ва тожик адабиётларида қўлланилган адабий шаклларда (ғазал, қасида, тарих, мухаммас, мусамман, мустазод, маснавий) ёзилган асарлар киритилган.

Мазкур давр адабий муҳитида ғазал ва қасида асосий ўринни эгаллагани учун ҳам тазкирада ана шу жанрлардаги асарлар аксариятни ташкил этади. Шунинг билан бир қаторда, унда XIX асргача оз учрайдиган мухаммас-қасида, ҳашт дар ҳашт-қасида, мутассаъ-қасида кабилар ҳам кўзга ташланади.

"Мажмуаи шоирон"нинг тузилиши қуйидагича: китоб анъанавий ҳамд билан бошланиб, сўнг шу даврдаги шоирларни қисқа-қисқа тавсифловчи шеърий дебоча берилади. Дебочадан кейин эса Фазлий ва Мушрифларнинг Қўқон хони Умархонга бағишланиб баҳри тавилда ёзилган мадҳиялари ўрин олган.

Шулардан кейин тазкиранинг асосий қисми бошланади. Аввало, шоирларнинг Умархон ва унинг билан боғлиқ бўлган воқеа-ҳодисаларга бағишланган қасидалари келтирилади. Қасидалар тугагач, Амирий (Умархон) ғазали ва унга пайрав тарзда бошқа шоирлар томонидан ёзилган ғазаллар бериб борилади. Шу тартибда мухаммас, мустазод ва бошқа жанрдаги асарлар жойлаштирилган.

Тазкиранинг қасида, ғазал, мухаммас ва бошқа қисмларида ҳам асарлар араб алифбоси тартиби билан (яъни аввал "алиф" билан сўнг "бе", "те" ва бошқа ҳарфлар билан тугалланувчи асарлар) келтирилган. Қасидалар бўлимида бу тартибга баъзан риоя қилинмаса-да, аммо у ғазаллар қисмида изчил равишда қўлланилган.

Шоирлар ижодидан намуна сифатида келтирилган қасида, ғазал, мустазод, мухаммас ва бошқа жанрдаги асарлар тазкира тузувчи муаллифларнинг бадиий диди асосида танланган бўлиб, уларнинг кўпчилиги асарнинг умумий руҳига мос тушади.

Тазкирада ҳар бир асардан олдин унинг муаллифи тўғрисида турли ҳажмдаги маснавий — маълумотлар берилади. "Мажмуаи шоирон"даги бу маълумотлар ва шеърий дебоча маснавий тарзда қофияланиб, улар арузнинг мутақориби мусаммани мақсур (фаулун, фаулун, фаулун, фаул) баҳрида ёзилган.

Шуни ҳам эслатиш мумкинки, тазкирани тузишда муаллифлар пухта ўйланган режага асосланганлар, аниқ мақсаддан келиб чиққанлар. Шунинг учун ҳам улар ҳар бир шоирнинг ҳаёти ва ижодиёти билан яқиндан танишиб, унинг хусусиятларини қайд қилишга интилганлар.

Амирий, Фазлий, Адо, Хотиф, Мушриф, Беҳжат, Маъюс, Вазир, Жадид, Маҳзун, Мирий, Зокир, Киромий каби кўплаб шоирлар ўзларининг турли жанрдаги асарларида амир ва унинг ҳукмронлигини, хонлик ва унинг манфаатларини куйладилар.

Аммо "Мажмуаи шоирон"да шундай шоирлар ҳам борки, улар ижодиётининг йўналиши ва аҳамияти ҳақида бирор бир хулоса чиқариш қийин. Чунки бундай шоирларнинг ижодиёти ҳали етарлича текширилмаган, баъзиларининг асарлари эса бизгача етиб келмаган. "Мажмуаи шоирон"да тилга олиниб, асарларидан бир-икки парчалар келтирилган Мутриб, Фоиз, Кошифий (Хўжандлик), Мирзо Латиф, Туробий, Кошиф, Комил (бухоролик), Ҳайрат (мадраса талабаси)га ўхшашларни ана шу гуруҳга киритиш мумкин. Бундай шоирларнинг ҳаёти ва ижодиёти ҳақида маълум бир хулосага келиш уларнинг адабий меросини ҳар томонлама текшириш ва таҳлил қилишни тақозо қилади.

Шундай қилиб, "Мажмуаи шоирон"га турли йўналишга мансуб бўлган шоирлар киритилиб улар асарларидан намуналар келтирилган. Бундай ҳолни шоирларнинг қисқа тавсифига бағишланган

дебочада ҳам кўриш мумкин. Чунки унда шоирларнинг номлари зикр қилиниши билан бир қаторда, уларни гуруҳларга бўлишга уриниш ҳам кўзга ташланади. Бу шеърий дебоча Абдулкарим Фазлий Намангоний қаламига мансуб бўлиб, унда шоирлар икки гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳга худо ҳамди билан шуғулланувчи (Хужаста гуруҳи малоик мисол, Ки доранд бо ҳамди ҳақ иштиғол) шоирлар киритилган. Фазлий бу гуруҳга мансуб бўлган шоирларни (Шайхулислом, Мавлавнй) жуда эъзозлайди, уларни маънавий оламнинг ягоналари (Ҳама фард дар олами маънавий) деб атайди. Иккинчи гуруҳни эса амир Умархон саройидаги шоирлар ташкил этади. Бу ҳақда дебочада шундай дейилади:

Гуруҳи дигар зумраи шоирон,
Бувад ҳар яке зуфунуни замон.
Ба фазлу ҳунар жумла комил иёр,
Ки ҳар як бувад зубдаи рўзгор.
Таворихдонони соҳибкамол,
Муаммо шикофони рангин хаёл.
Ҳама бар дари шоҳ фармонпазир,
Намакхўри хони атои амир.

Кўринадики, Фазлий ўша даврдаги адабий йўналишларнинг асосий мавзусини ажрата олган.

Айрим шоирлар ҳақидаги маснавий-маълумотлардан маълумки, тазкиранинг муаллифлари ўша муҳитда эслатилган икки адабий йўналишдан фарқ қилувчи оқим ва унинг вакиллари борлигини сезиб, уларни ўз сафларига ўтказишга уринганлар, баъзи ҳолларда бунга эриша олганлар ҳам.

Тазкирадаги маснавий-маълумотлар ҳажм жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Уларда "ба табъи шоҳ"— шоҳнинг дидига мос келувчи асарларни ижод қилган шоирлар — Фазлий, Мушриф, Адо, Хижлат, Беҳжат, Қози Эрназар кабилар мақталади. Шунинг билан бир қаторда, "ба табъи шоҳ" билан келиша олмай, меҳнаткаш халқ оммасининг ҳаётини, зулм ва ҳақсизлик туфайли қишлоқларнинг хароба чордеворларга айланганини, аҳолининг эса тобора камбағаллашиб, қашшоқлаша борганини акс эттириб, ўз замонасига норозилик билдирган ва:

Етмади Мажнунга мен кўрган балолардин бири,
Ҳажр водийси аро чеккан жафолардин бири,— (258)

деб ўз овозини баралла чиқаришга журъат этган шоирлар тазкира тузувчилари томонидан турли-туман йўллар билан қораланади.

Бундай ҳолни Гулханий, Махмур, Кошиф ва бошқа шоирлар ҳақидаги маснавийларда кўриш мумкинки, бу масала адабиётшу-

нос олимлардан филология фанлари докторлари А. П. Қаюмов, Р. Муқимовларнинг Махмур ва Гулханий ҳақидаги илмий ишларида кенг ёритилган. Эслатиш лозимки, "Мажмуаи шоирон"нинг муаллифлари бу шоирларни ўз қаторларига ўтказиш учун анча уринганлар. Шунинг натижасида Гулханий, Ҳозиқ, Туробий каби шоирлар ҳақида келтирилган маснавийларда бир томондан, уларни мақташ, иккинчи томондан қоралаш ҳодисасига дуч келамиз. Масалан, агар Гулханий "ба табъи шоҳ" тарзида шеър ёзган бўлса (ижодида шундай ҳол бор), уни мақтадилар:

Эрур Гулханий ҳам бу дарбор аро,
Суханвар қаторида ашъор аро.
Сўз аҳли аросинда доно эрур,
Уш бу ғазал андин иншо эрур. (324)

Аммо, агар Гулханий "ба табъи шоҳ"дан четга чиқиб, замонанинг жаннат эмас, балки, турли балоларга тўла чўлу биёбон эканини тасвирлашга журъат этса, уни шоир деб билмадилар, асарларини мазмундан холи деб даъво қилдилар. Чунончи, "ангуштам" радифли ғазал олдидан қуйидаги маснавий келтирилган:

Бу Журъатки, аввал эди Гулханий,
Эрур барча ҳазён демаклик фани.
Хаёли бузуқ, диққати беасос,
Ани фаҳмини қил бу сўздин қиёс.
Деди бу ғазалнию қўйди бино,
На маъниси маҳкам, на лафзи бажо. (342—343)

Шунга қарамай, Гулханий каби шоирлар ўз ижодий маромларига содиқ қолдилар. Аммо айрим ёш шоирлар, масалан, Туробий танқид[1] ва таъқибга бардош бера олмади. Шунинг учун ҳам авваллари илғор фикрларни ифода этувчи асарлар ёзган Туробий, кейинчалик "ба табъи шоҳ" услубида асарлар битиб, Фазлийларнинг мақтовли таърифига сазовор бўлди[2].

Юқорида қайд қилинганлардан кўринадики, "Мажмуаи шоирон"да шоирлар ижодига маълум мақсаддан келиб чиққан ҳолда баҳо берилади, унда Қўқон хонлигининг манфаатлари ҳимоя қилинади. Бундай ҳолни Бухоро ва Хоразм хонликларидан Қўқонга келиб, илғор фикрларни ифода этган шоирлар ижодига бўлган муносабатда янада очиқроқ сезиш мумкин. Шуни ҳам

[1] Мажмуаи шоирон. Тошкент, Ильин босмахонаси, 1902, 320—343-бетлар.

[2] Ўша асар, 300—301-бетлар.

эслатиш лозимки, бошқа хонликлардан келган Ҳусайнбек Мирий Бухорий, Мужмал Бухорий кабилар "ба табъи шоҳ" тарзида асар ёзганлари учун танқидга учрамайди, аксинча мақталади. Мисол учун Мужмал Бухорий тўғрисидаги қуйидаги маснавийни келтириш мумкин:

Дигар онки Мужмал бувад аз Бухор,
Ба халқи жаҳон фазли ў ошкор.
Дар ин вақт он марди равшанзамир,
Ғазал месарояд ба мадҳи амир. (10)

(Мазмуни: Мужмал бухоролик бўлиб, унинг донишмандлиги дунё халқига машҳурдир. Бу билимдон шахс ҳозирда амир мақтовига бағишлаб ғазаллар ёзади.)

Аммо Қўқон хонлигидан, умуман замона адолатсизлигидан нолиган бухоролик Кошиф каби шоирлар ниҳоятда қораланади ва, ҳатто, у умуман бошқа хонликдаги аҳоли ҳақидаги ҳақсиз айбномага айланади[1]. Демак, бу ўринда "Мажмуаи шоирон" Қўқон хонлигининг манфаатини ҳимоя қилувчи асарга айланиб қолади.

Шундай қилиб, XIX асрнинг биринчи чорагида Қўқонда яратилган "Мажмуаи шоирон" тазкираси адабий муҳит ҳақида кўпгина маълумотлар бериши, адабий йўналишларнинг мавзуи, асосий мақсад ва вазифаларини аниқлашга кўмаклашуви нуқтаи назаридан ҳамда Гулханий, Махмур, Маъдан, Ғозий, Акмал, Маҳзуна, Увайсий каби шоирлар ҳақида айрим маълумотларни келтирганлиги жиҳатидан аҳамиятлидир.

"Туҳфат ул-аҳбоб фи тазкират ул-асҳоб". Бу тазкиранинг муаллифи XIX асрнинг кўзга кўринган илғор дунёқарашли шоири ва адиби бўлиб, унинг оти Раҳматулло, лақаби Қори, адабий тахаллуси эса Возеҳдир.

Қори Раҳматулло Возеҳ 1817 йилда Бухорода дунёга келиб, узлуксиз мутолаа қилиш, ўқиш ва ўрганиш туфайли асрининг кенг маълумотли ва билимдон сиймоларидан, машҳур мутафаккир Аҳмад Донишнинг издошларидан бири даражасига кўтарилади.

Возеҳ Шарқнинг кўпгина шаҳарларига саёҳат қилди, Бухорога қайтиб келиб, фаолиятини давом эттирди ва 1894 йили вафот этди.

Возеҳ кўп қиррали адабий мероси билан тожик адабиётида маълум мавқе эгаллайди. У шоир сифатида уч тилда (тожик, ўзбек, араб) турли жанрда асарлар ижод этди. Шунинг билан бир қаторда саёҳатлари хотираларидан баҳс этувчи "Савонеҳ ул-

[1] Мажмуаи шоирон. Тошкент, Ильин босмахонаси, 1902, 300—301-бетлар.

масолиҳ ва фаросих ул-мамолик", турмуш расм-русмлари ҳақида маълумот берувчи "Кони лаззат ва хони неъмат", "Ақоид ун-нисо" каби насрий асарларнинг ҳам муаллифидир.

Возеҳнинг адабиётшунослик соҳасидаги донишмандлигини кўрсатувчи асари унинг "Туҳфат ул-аҳбоб фи тазкират ул-асҳоб" ("Суҳбатдошлар ҳақидаги зикр-дўстларга туҳфа") номли тазкирасидир[1].

Мазкур тазкира 1871 йили тожик тилида ёзилган бўлса-да, аммо у фақат тожик адабиёти тарихини ўрганиш учун эмас, балки ўзбек адабиёти тарихини ёритиш учун муҳим манба вазифасини ўтайди. Чунки унда XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган тожик шоирлари билан бир қаторда, ўзбек ва тожик тилларида асарлар ёзиб, бу икки халқ адабиёти тарихи учун хизмат қилган Жунайдулла Ҳозиқ, Муҳаммадшариф Гулханий, Эшонхўжа Вола, Муҳаммадшариф Шавқий, Акмал Ҳўқандий каби қатор муаллифлар ҳам тилга олинади ва уларнинг ҳаёти, ижодиёти тўғрисида маълумотлар берилади. Иккинчи томондан эса тазкирага киритилган муаллифларнинг кўпи Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Шаҳрисабз, Наманган, Каттақўрғон, Фарғона, Қарши (Насаф) каби шаҳар ва вилоятлардан бўлиб, уларнинг икки тилда: ўзбек ва тожик тилларида ижод этиш анъаналарини давом эттирганлари назарда тутилса, Возеҳ тазкирасининг XVIII аср охири ва XIX аср биринчи ярмидаги адабий муҳитни, адабиётлар дўстлиги ва ҳамкорлигини, маълум шоирларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишдаги аҳамияти ниҳоят катта эканлиги янада ойдинлашади.

Возеҳнинг тазкираси ўзининг моҳияти ва тузилиши жиҳатидан Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" тазкирасига яқин туради. Чунки Возеҳнинг асари "Мажолис ун-нафоис" каби асосан муаллифга замондош бўлган шоирларга бағишланган, иккинчидан, унда шоирлар ижодига холисона ёндашиш, баҳо беришга интилишнинг кучли экани кўзга ташланади ва, ниҳоят, энг муҳими шундаки, Қори Раҳматулло Возеҳ ҳам ҳаётий мазмунни бадиий жиҳатдан гўзал ифода эта олган шоирларни шаклпарастлик ва "санъат"корликка берилган шоирлардан ажрата олади, уларга самимият билан қарайди.

---

[1] Мазкур тазкира ҳақида қаралсин: *С. Айни.* Намунаҳои адабиёти точик, Москва, 1926; *А. Муталлибов.* "Тўҳфат ул-аҳбоб"— антология Қори Раҳматулло Ашур Муҳаммадова в переводе на русский язык с комментариями и примечаниями. Кандидатская диссертация, Ташкент, 1945; Хади-заде. Источники к изучению таджикской литературы второй половины XIX века. Изд.АН Тадж.ССР, Сталинабад, 1956, 17—43-бетлар; Т. Неъматзода. Возеҳ. Нашриёти "Ирфон", Душанбе, 1967, 66—82-бетлар.

Бундай ҳол тасодифий эмас эди. Чунки "Мажолис ун-нафоис"нинг шуҳрати, унинг анъанаси XVI—XIX асрлар давомида Мовароуннаҳрда кенг тарқалиб, унга эргашиб, назира қилиб тазкира яратиш кучайган, унинг хусусиятлари ривожлантирилган эди. Гарчи Возеҳ ўз асарида XIX асргача ўзбек ва тожик тилларида яратилган тазкираларни тилга олмаса-да, аммо асарининг Гулханийга бағишланган бобидан сўнг тазкира ва унинг айрим хусусиятлари ҳақида сўз юритиши[1] муаллифнинг тазкирачилик хусусиятларини яхши ўрганганидан ва XIX асрдан олдин яратилган тазкиралардан хабардор эканлигидан далолат беради. Шундан келиб чиқиб, Қори Раҳматулло Возеҳнинг ўз тазкирасини тузаётганда салафлари тазкиралари, жумладан Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"идан билвосита бўлса-да, илҳомланган деб айта оламиз.

Возеҳнинг замондошларига бағишланган тазкирасига 148 шоир киритилиб, уларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида маълумотлар келтирилган. Тазкирага киритилганларнинг ҳаммаси ҳам касбий шоир бўлмай, айримлари шеъриятга ҳавасманд эди, холос. Улар жамиятнинг турли табақасига мансуб кишилардир.

Возеҳ тазкирада ўзининг замондошларига, ҳаёти ва ижодиёти билан яхши таниш бўлган шоирларга кенг ўрин ажратиб, улар ҳақида муфассалроқ маълумот келтирса, ҳаёти ва ижодиётига доир кам маълумот бўлган шоирлар ҳақида (Ирсий, Ҳасрат, Парий) қисқагина тўхталади. Бундай ҳол Возеҳ асарида келтирилган маълумотларнинг анча ишончли эканини тасдиқлайди, бу муаллифнинг катта масъулиятни сезган ҳолда иш тутганини исбот этади. Масалан, шоир Муҳаммадшариф Шавқий ҳақида шундай ёзади:[2]

Мазмуни: Шавқий кекса киши бўлиб, каттақўрғонликдир. Илм ўрганиб, шеър ёзишга шавқи баланд эди. У араб, туркий ва форсий тилларда кўп шеър айтиб, бир девон ҳам тузган. "Мухтасари виқоя" китобига эса назм билан жуда фойдали шарҳ ёзган. Биз уни кўролмадик. Аммо кўрган одамлар унинг хушсуҳбат эканини айтишади. Шеърлари ҳам ёмон эмас. Луғат илмидан ҳам хабардор. 1278 ҳижрий йилгача вафот этди.

Аммо шуниси ҳам борки, тазкирада шоирлар ижодига берилган баҳолар ўша даврнинг адабиётшунослиги доирасидан четга чиқмайди. Шунинг натижасида ҳар бир шоир ижодига ўзига хос хусусиятларни ҳар томонлама аниқлаш ўрнини шоир ижодига

---

[1] Туҳфат ул-аҳбоб фи тазкират-ул-асҳоб. Матни интиқодй бо муқаддима ва тасҳеҳи Асғар Чонфидо. "Дониш", Душанбе, 1977, 153—154-бетлар.

[2] *Возеҳ.* Туҳфат ул-аҳбоб фи тазкират ул-асҳоб. "Ирфон". Душанбе, 1977, 101-бет.

"ашъораш бағоят латиф ва мавзун" (шеърлари ниҳоят латиф ва гўзал), "манзумоташ латиф ва матбўъ" (назмлари латиф ва ёқимли) тарзида умумий баҳо бериш ҳолати эгаллайди[1].

Шундай қилиб, Возеҳ тазкираси XIX асрдаги адабиётшунослик ҳолатини аниқлашга кўмаклашувчи ёдгорлик сифатида қийматлидир деган хулосага келиш мумкин. Мазкур асар XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида Бухорода яратилган кўпгина тазкираларга ибрат намунаси бўлиб хизмат қилди.

Аҳмад Табибийнинг тазкиралари. Хоразмлик Аҳмад Табибий (1868—1910) ўз замонасининг маданиятли ва маълумотли зиёлиларидан бири бўлиб[2], сермаҳсул шоир ва адабиётшунос сифатида танилган. У томонидан иккита тазкира тузилган.

Аҳмад Табибийнинг биринчи тазкираси "Мажмуаи си шуарои Фирузшоҳий" деб аталиб, у 1325 ҳижрий 1907 милодий йилда бошланиб, бир йилдан сўнг, яъни 1326 ҳижрий—1908 милодий йилда ёзиб тугатилди. Бу ҳақда Табибий тазкиранинг хотимасида шундай ёзади:

Қилиб бир йил ком ила эҳтимом,
Борисин ўзим жамъ қилдим тамом.
Мин уч юз йигирма дағи олти йил,
Муҳаррамнинг ўн тўққузи эрди бил[3].

Табибий тузган "Мажмуат уш-шуаро" ўзининг хусусиятлари жиҳатидан Қўқонда тузилган "Мажмуат уш-шуаро"га яқин бўлиб, шоирлар тўғрисидаги маълумотномаларни тузишда, асарнинг кириш ва хотима бўлимларининг шеърий тарзда ёзилишида, шоирларга баҳо бериш соҳасида ҳам унга эргашади. Бу хусусиятлар Қўқон ва Хоразмда тузилган "Мажмуат уш-шуаро"лар учун умумий ва муштаракдир. Аммо, шунинг билан бирга, бу тазкираларнинг бир-биридан фарқ қилувчи айрим хусусиятлари ҳам бор. Бу фарқлар асарларнинг тузилишига тегишли бўлса-да, икки "Мажмуат уш-шуаро"нинг айнан бир хил эмаслигини кўрсатади. Жумладан, агар Қўқон "Мажмуат уш-шуаро"си Фазлий бошлиқ муаллифлар томонидан тузилган бўлса, Хоразм "Мажмуат уш-шуаро"сига фақат Табибийнинг ўзи тартиб берган (Борисин ўзум жамъ қилдим тамом). Иккинчидан, агар Қўқон "Мажмуа"си ўзбек

---

[1] Бу ҳолни адабиётшунос Р. Ҳодизода ўзининг "Источники к изучению таджикской литературы второй половы XIX века" (изд. АН Тадж. ССР, Сталинабад, 1956, 39-бет) номли асарида ҳақли суратда қайд қилиб ўтган.

[2] *А. Н. Самойлович.* Мажмуаи 30 шуарои шоҳий, пайрави Фирўзшоҳи. Записки Восточкого отделения, т. XIX, стр. 0198—0209; *Ф. Ғаниҳўжаев.* Табибий. "Ўзбек тили ва адабиёти масалалари", журн. 1962, № 6, 68—69-бетлар.

[3] *Аҳмад Табибий.* Мажмуат уш-шуарои Фирўзшоҳий. ЎзФАШИ, инв. 1152, 171З-бет.

ва тожик тилида ёзилиб, ана шу икки тилдаги асарларни тўплаган бўлса, Хоразм "Мажмуа"си ўзбек тилида ёзилиб, фақат шу тилдаги асарларни қамраб олган. Учинчидан, агар Қўқон "Мажмуа"си ранг-баранг жанрдаги асарлардан (ғазал, мухаммас, баҳри тавил, қасида) ташкил топган бўлса, Хоразм "Мажмуа"сида фақат ғазалларгина тўпланган. Тўртинчидан, агар Қўқон "Мажмуа"сидаги асарлар мавзу жиҳатдан алоҳида ажратилмаган бўлса, Хоразм "Мажмуа"сида ғазалларни мавзуига қараб гуруҳлаштириш ва шу асосда уларга сарлавҳалар ("Салламно ғазаллари", "Муножот ғазали", "Наът ғазали") қўйишга интилиш кўзга ташланади.

Юқорида кўрилган айрим фарқлардан қатъи назар, Қўқон ва Хоразм "Мажмуа"лари ўша давр адабий муҳитида пайрав ва тақлиднинг етакчи ўринни эгаллаганидан гувоҳлик беради. Қўқон "Мажмуа"сида бир шоирга икки хил муносабат учраганидек, Хоразм "Мажмуа"сида ҳам бундай ҳолат кўзга ташланади. Бу масалада Табибий "Мажмуа"сидаги қуйидаги ҳолат қизиқарлидир. "Мажмуа"нинг бир неча ўрнида шоир Аваз тилга олинади, у Табибийнинг шогирди сифатида эслатилади (...Табибийға шогирд эмиш[1]). Аваз ҳам, ўз навбатида Табибийни устози деб билади:

Эй Аваз, устодинг ўлса гар Табибий назм аро,
Аҳли шоир ичра бўлғунг шаҳ қошида номдор.[2]

Аммо, шунинг билан бирга, бошқа бир маълумотномада Аваз "маҳз омий" шоир сифатида тилга олиниб[3], у мақталмайди, аксинча камситилади. Агар бу ўринда Авазнинг — Аваз Ўтар ўғли эканлиги, унинг дунёқараши ва шоирлигида рўй берган ўзгариш назарда тутилса, у ҳолда Табибийнинг ўз шогирдига нисбатан ёзган бундай сўзларининг маъноси равшанлашади.

Табибийнинг тазкирасида Сайид Носир тўра Султоний, Раҳмонқули тўра Содиқ, Саъдулло тўра Саъдий, Оқилий, Шиносий, Ниёзий, Хаёлий каби 30 дан ортиқ шоирларнинг Хива хони Фируз тахаллуси Муҳаммад Раҳим IIнинг ғазалларига ёзган пайравлари ўрин олган. Бу пайравларнинг сони 3000 дан кўпдир.

"Мажмуат уш-шуаро"нинг пайрав ғазаллар тўплами эканлигини ўша замоннинг шоири ва тарихчиси Баёний ўзининг "Шажараи Хоразмшоҳий" асарида алоҳида таъкидлаб ўтади.

"Али Маҳрамнинг Аҳмад отлиғ бир ўғли бор эрди. У ҳам Табибий тахаллуси бирла шеър айтмоққа бошлади. Хон ҳазрат-

---

[1] *Возеҳ.* Туҳфат ул-ахбоб фи тазкират ул-асхоб "Ирфон". Душанбе, 1977, 177-бет.

[2] Ўша асар, 579-бет.

[3] Ўша асар, 890-бет.

лари ўз ғазалларидан юз ғазални шоирларга бериб, буюрдилар: бунга пайравлик айлаб, ғазаллар битинглар! Ҳар бири анга пайравлик айтиб, юз ғазал битдилар. Хон ҳазратлари Табибийға амр этдилар, токим ул ғазалларни маснавий зимнида жамъ қилиб, бир китоб эткай. Табибий фармони муъжиб била амал қилиб, ул ғазалларни жамъ қилиб, тамом этиб, ул китобға "Мажмуат уш-шуаро" от қўйилди"[1].

Бундай ҳол шундан далолат берадики, Табибий тузган "Мажмуа" ҳақиқий тазкира бўлишдан кўра кўпроқ шоирлар ҳақида қисқача шарҳ — маълумотнома илова қилинган баёзга яқин туради.

Шундай қилиб, Табибийнинг ўзбек тилида шеър билан ёзган "Мажмуаи си шуарои Фирўзшоҳий" тазкираси XX асрнинг бошларида Хивада тўпланган адабий муҳитнинг маҳсули сифатида майдонга келди.

Табибийнинг иккинчи тазкираси "Мухаммасоти мажмуат уш-шуарои Фирўзшоҳий" деб аталиб, у биринчи тазкирадан бир йил сўнг, яъни 1327 ҳижрий — 1909 милодий йилда тузилди[2].

Бу тазкира Табибий "Мажмуа"сининг давоми бўлиб, унда "Мажмуа"га киритилган шоирларнинг мухаммас ва мусаддаслари тўпланган. "Мухаммасот"нинг тузилиш тартиби, ғоявий йўналиши, шоирлар асарларига баҳо бериш, мухаммас ва мусаддаслардан намуна келтиришдаги меъёр — ҳамма-ҳаммаси "Мажмуа"даги руҳ ва услубни такрорлайди. Бошқача қилиб айтганда, Табибий "Мажмуа"ни тузишдаги ақидалари асосида ўзининг "Мухаммасоти"ни майдонга келтиради.

"Мухаммасот"да 30 шоирнинг Муҳаммадризо Огаҳий ва Фирўзнинг ғазалларига боғлаган мухаммас ва мусаддаси киритилган бўлиб, уларнинг барчаси пайрав услубида ёзилган. "Мухаммасот"да ҳаммаси бўлиб 190 мухаммас ва 58 мусаддас тўпланилиб, ҳар бир шоирнинг мухаммас ёки мусаддасларини келтиришдан олдин шу шоир ҳақида ёзилган қисқача маълумотнома берилади.

Бу маълумотномалар "Мажмуа"даги тартибдан фарқ қилмайди, яъни хонга пайрав ёзган, уни таърифлаган шоирлар турли восита билан мақталади, аммо айрим шоирлар кескин тарзда қораланади. Жумладан, "Мухаммасот"да Табибийнинг Аваз Ўтар ҳақидаги салбий фикрлари очиқ-ойдин баён этилган:

Авазким эрур шоири кам хирад,
Сўзини ўзи тутғуси мўътамад[3].

---

[1] Баёнийнинг сўзлари Ғ. Каримовнинг "Ўзбек адабиёти тарихи" (3-китоб. Тошкент, 1966, 70-бет) китобидан олинди.

[2] *Табибий.* Мухаммасоти мажмуат уш-шуарои Фирўзшоҳий. Ўз ФАШИ, инв. № 1134, 437-бет.

[3] Ўша асар, 212-бет.

Бу ҳол Аваз Ўтар ижодида халқчиллик йўналишининг тобора кучайиб борганидан далолат беради.

Шундай қилиб, Табибийнинг иккинчи тазкираси ҳам унинг "Мажмуа"си меъёрлари асосида майдонга келиб, тазкирадан кўра мухаммас ва мусаддаелар тўпланган баёз шаклини эгаллаган.

Кўринадики, XIX аср ва XX асрнинг бошларида ўзбек ва тожик тилларида тузилган ўнлаб тазкиралар мавжуд бўлиб, улар шоирларга муносабат билдиришда бир-биридан фарқ қилса-да, аммо аксарияти ўзбек ва тожик адабий-танқидий қарашлари тарихини ўрганиш ҳамда ёритиш ишига муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. XVI—XIX асрлар давомида яратилган тазкираларда Алишер Навоий — "Мажолис ун-нафоис"ининг анъаналари нимада кўринади?
2. Бу давр тазкираларида адабий йўналишларнинг акс эттирилиши қандай?
3. Маълум давр адабий жараёнини ўрганишда тазкираларнинг аҳамияти нималардан иборат?

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Тазкиралар ҳақида ёзилган илмий ишларни ўқиб, ўз мулоҳазаларингизни ёзинг.
2. Возеҳ тазкирасидаги ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган шоирларни аниқланг.
3. "Мажмуаи шоирон" тазкирасида Махмур ва Гулханий ҳақида ёзилганларни мутолаа қилинг.

ЗАРУРИЙ АДАВИЁТЛАР

а) Манбалар:

1. *Нисорий.* Музаккири аҳбоб; *Мутрибий.* Тазкират уш-шуаро. *Табибий.* Мажмуа си шуарои пайравн Фирўзшоҳий. ЎзФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси.
2. Мажмуаи шоирон. Тошкент, Ильин босмахонаси, 1902.
3. *Возеҳ.* Туҳфат ул-аҳбоб. Тошкент, 1914; Илмий-танқидий матннинг нашри, Душанбе, 1977.

б) Илмий асарлар:

1. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик, III—IV томлар, Тошкент, 1978.
2. *Р. Ҳодизода.* Источники к изучению таджикской литературы второй половины XIX века. Изд. АН Таджикской ССР, Сталинабад, 1956.
3. *Ғ. Каримов.* Ўзбек адабиёти тарихи. "Ўқитувчи" нашриёти, Тошкент, 1979.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Ўзбек халқи ва унинг забардаст вакиллари илм-фаннинг турли соҳаларини ривожлантириш, жаҳон маданияти хазинасини бойитадиган бадиий кашфиётлар яратишда муносиб ҳисса қўшдилар. Ал-Хоразмий ва Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг жаҳоний шуҳрати айтилганларнинг мисоли бўла олади.

Шу жиҳатдан фақат бадиий ижод соҳасидагина эмас, балки унинг тарихи ва назариясини ярата борган адабиётшунослик ва адабий танқид соҳасида ҳам маълум ютуқлар қўлга киритилди ва у бадиий жараённинг такомилига ижобий таъсир кўрсата билди.

Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқиди асрлар давомида ранг-баранг жанрларда бадиий ижоднинг энг муҳим масалаларидан баҳс этди, унда мазмун ва шакл бирлиги, ғоявийлик ва бадиийлик, унинг ижтимоий вазифаси ва инсонни шакллантиришдаги мавқеидан сўз юритди; адабиёт тарихини ўзига хос тарзда изчил баён этиш ва замонавий адабий жараённи жонсўзлик билан кузатишни ўз зиммасига олди. Натижада адабий жараённинг назарий қарашлар билан ўзаро боғлиликда давом этиши кўзга ташланади. Адабиётшунослик ва адабий танқид, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ибораси билан айтганда, "ҳар кимдин яхши қоида қолғон бўлса, анинг бирлан амал қилмоқ керак" меъёрига амал қилган ҳолда қардош халқлар назарий қарашларидан илҳомланган ҳолда, улардаги "яхши қоида"ларни ўзбек адабиёти намуналари асосида ривожлантирди ва бойитиб бордики, ўз навбатида, бу ҳол қардош халқлар адабиётшунослиги ва адабий танқидида ҳам давом эттирилди. Шундай қилиб, ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқиди назарий қарашлар умумий жараёнининг ажралмас қисми сифатида давом этди, бу соҳада ўзининг забардаст намояндаларини ҳам етиштирди. Шуниси ҳам борки, ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқиди тўла ўрганилди ва ёритилди деб бўлмайди. Бу жиҳатдан унинг XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларидаги тарихи ҳали кўпгина тадқиқотларни талаб қилади. Бу эса адабиётчи олимларимизнинг галдаги вазифаларидандир.

Зеро, ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқиди тарихида ўтмишга айланмай, бизнинг давримизга ҳам мансуб бўлган томонлар мавжудки, улар ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидининг қадимий даврлардан ҳозирги кунгача бўлган яхлит тарихини яратишда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

МУНДАРИЖА

КИРИШ 3
ИФОДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ ВА ЖАНР РАНГ-БАРАНГЛИГИ 6
Фахрия, шеърий парчалар, илми адабга доир асарлар, достонларнинг айрим боблари, тарих ва тарихий-эсдалик асарлари, насиҳатномалар; тазкиралар, маноқиб-ҳолот, рисола, аруз, қофия ва шеърий санъатларга бағишланган рисолалар, рўзнома ва мажаллаларда босилган мақолалар
ИЛК ҚАДАМЛАР 37
Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Кайковус —"Насиҳатнома", Низомий Арузий —"Мажму ан-наводир"—"Чаҳор мақола", Муҳаммад Авфий —"Лубоб ул-албоб", Адиб Аҳмад Югнакий —"Ҳибат ул-ҳақойиқ", Сайфи Саройи —"Гулистон би-т-туркий", Ҳайдар Хоразмий —"Махзан ул-асрор".
ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ 72
Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари, "Хамса", "Насойим ул-муҳаббат, "Муҳокамат ул-луғатайн", Низомий, Хусрав ҳақида, Аттор ҳақида, Жомий ҳақида, Лутфий ҳақида, "Мажолис ун-нафоис" ва унинг баъзи хусусиятлари, "Мажолис ун-нафоис"да шоирларнинг ижодий ва ахлоқий қиёфаси масалалари, "Мажолис ун-нафоис"да мутояба, ҳазил, зарофат, "Мажолис ун-нафоис"да бадиий маҳорат масаласи, "Мезон ул-авзон", "Маҳбуб ул-қулуб.
АНЪАНА ВА ЯНГИЛИК 116
Ҳофиз Таниш —"Абдуллонома", Роқим Самарқандий —"Тарихи касира", Восифий —"Бадоеъ ул-вақоеъ", Мунис, Махмур, Ниҳотий, Муқимий, Фурқат, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг адабий-танқидий қарашлари, Тазкиралар ва уларнинг хусусиятлари: "Музаккири аҳбоб", "Мажму ал-хавос", "Тазкират уш-шуаро", "Музаккир ул-асҳоб", "Риёз уш-шуаро", "Мажмуаи шоирон", "Туҳфат ул-аҳбоб", Аҳмад Табибийнинг тазкиралари.
ХУЛОСА ЎРНИДА 191

Батыр Валиходжаев

ИСТОРИЯ УЗБЕКСКОГО ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЯ

Издательство "Ўзбекистон"— 700129, Ташкент, ул. Навои, 30.

На узбекском языке

Рассом *Е. Мешкова*
Безаклар муҳаррири *И. Кученкова*
Тех. муҳаррир *С. Собирова*
Мусаҳҳиҳ *С. Расулова, М. Раҳимбекова*

ИБ 5790

Теришга берилди 05.07.92. Босишга рухсат этилди 02.02.93.Формати 60×84 1/16. "Таймс" гарнитурада юқори босма усулида босилди. Шартли бос. л. 11,16. Нашр л. 11,96. Тиражи 5000. Заказ №50/1133. Баҳоси шартнома асосида.

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Нашр № 28—92.

Оригинал-макет масъулияти чекланган "Ношир" жамияти техникавий ва программавий воситалар базасида тайёрланди.

"Ўзгипрозем" Картфабрикасида босилди, Тошкент Муқимий кўчаси, 182.



93к1769

БОТИР
ВАЛИХЎЖАЕВ

ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИ ТАРИХИ

X–XIX АСРЛАР

«ЎЗБЕКИСТОН»